


Зарифа
Саидносирова

ОЙБЕГИМ МЕНИНГ



Хотиралар

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААҶИ КОНЦЕРНИ
БОШ ТАХРИРЛАШУВ
ТОШКЕНТ 1994

Нашрга тайёрловчи
ва масъул муҳаррир
Наим КАРИМОВ

Саидносирова, Зарифа.

Ойбегим менинг: Хотиралар [Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир Н. Каримов.].— Т.: Шарк нашриёт-матбаа концернининг Бош тахририяти, 1994.— 256 б.

83.3Ў37

© Шарк нашриёт-матбаа концернининг
Бош тахририяти, 1994

СЕВГИ ВА ВАФО ДОСТОНИ

1986 йилнинг ёз ойлари. Зарифа опа Тошкентдаги шифохоналарнинг бирида даволанаётган кезлар. Кунларнинг бирида кўргани борсам, опа кўлимга семизгина бир папкани тутказиб, ўз хотираларини қоғозга туширганини айтди, таҳрир қилиб, нашр этишимни буюрди.

Биз, Тил ва адабиёт институтининг бир гуруҳ ходимлари, 1975 йилдан 1985 йилгача Ойбекнинг шахсий архивида ишлаб, унинг йигирма жилддан иборат «Мукамал асарлар тўплами»ни нашрга тайёрлаган эдик. Ана шу ўн йиллик давр ичида Зарифа опа билан онабола бўлиб кетдик. Унинг ажойиб инсоний сифатларини кашф этиб, қатъий ички интизомга эга, мустаҳкам иродали, ғайрат ва шижоатга тўла киши эканлигидан вокиф бўлдик. У ҳаётининг сўнгги йилларида оғир хасталикка йўлиққан эди. Дастлаб ҳар ойда, кейин ҳар икки ҳафтада шифохонада ётиб, сув олдирад, аммо шунда ҳам бирор соатни беҳуда ўтказмасликка ҳаракат қилар, сув олдириши биланок лекция ўқигани чопар эди. Биз ҳам унинг ана шундай ишлаш ва яшаш усулига одатланган эдик. Шунинг учун ҳам Зарифа опа кўлёзмани менга берганида, уни, албатта, ўзи нашр этишига ишонган эдим. Лекин у бир кун менга очигини айтди, «Мен ўляпман», деди. Мен унинг сўзларига ишонмадим. Лекин орадан кўп ўтмай, ўша йилнинг 16 августида вафот этди.

Зарифа опа ҳаётининг сўнгги кунлари яқинлашиб қолганини сезиб, хотиралар устидаги ишини жадаллатган экан. Шунинг учун ҳам ушбу китобнинг иккинчи ярми анчагина шошма-шошарлик билан ёзилган. Зарифа опа Ойбек ҳаёти билан боғлиқ хотираларининг маълум бир қисмини ҳатто қоғозга туширишга ҳам ўлгурмаган. У менга баъзи бир воқеаларни айтиб, шуларни ушбу китобга киритишим лозимлигини таъкидлади. Мен хотиралар китобини нашрга тайёрлаш

жараёнида Зарифа опа ҳикоя қилиб берган ана шундай лавҳаларнинг фақат баъзи бирларидангина фойдаландим, холос.

Ушбу китобнинг биринчи боби Зарифа опанинг болалик хотираларига бағишланган. Бу боб бевосита Ойбек мавзуига алоқадор бўлмагани учун Зарифа опа уни ҳозирча эълон қилмасликни сўраган эди. Лекин бу боб катта маърифий аҳамиятга эга бўлгани учун уни китобга киритишни лозим, деб топдим. Зарифа опанинг фарзандлари ҳам шундай фикрга келишди.

Зарифа опа Туркистонда таваллуд топган атоқли маърифатпарвар Саидносир Миржалил ўғлининг фарзанди эди. Саидносир Миржалил ўғли Ўзбекистондаги жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндаларидан бири. Туркистон мухториятининг аъзоси Мунаввар қорч, Ўбайдулла Хўжаев, Чўлпон сингари миллий истиклол учун қурашган улуғ юртдошларимизнинг сафдоши эди. Шу туфайли у мустабид тўзумнинг дастлабки қурбонларидан бири бўлди.

Саидносир Миржалил ўғли Зарифа опанинг илғор ўзбек қизларидан бири сифатида шаклланишида катта роль ўйнади. Эҳтимол, Зарифа опа усиз Тошкентга кўчиб келмаган, рус ва ўзбек мактабларида барабар билим олмаган, биринчи ўзбек рассом кизи, биринчи ўзбек кимёгар кизи деган шарафларга муяссар бўлмаган ва Ойбек ҳазратлари билан танишмаган бўлармиди. Аммо тақдир унга Саидносир Миржалил ўғлига фарзанд, Ойбекка эса турмуш ўртоғи бўлиш бахтини ҳадя этди.

Зарифа опа бир кам қирқ йил давомида улуғ ёзувчининг рафиқаси сифатида унинг хонадонида севги ва бахт чироғини ёкиб келди; не-не асарларининг ёзилишига илҳом берди; Ойбек душманлар ҳуружи туфайли тилдан маҳрум бўлиб, қўли ёзолмай қолганида, унинг бийрон тили ва чакқон қўли бўлди. Вафотидан кейин эса адибнинг адабий меросини тўплаб, тўла нашр этиш ва Ойбек уй-музейини барпо қилишга раҳбарлик қилди.

Зарифа опа учун Ойбек билан боғлиқ барча юмушлар бирламчи аҳамиятга молик эди. Лекин у бу юмушларни аъло даражада бажариш билан барабар кимёгар сифатида ҳам меҳнат қилиб чарчамади. У 1930 йилдан умрининг охирига қадар Тошкент Қишлоқ хўжалик институтида аввал ассистент, кейин доцент, 1945 йилдан бошлаб эса кафедра мудири лавозимида узлуксиз

хизмат қилди. Қанчадан-қанча дарстик ва қўлланмаларнинг майдонга келишида иштирок этди. Кимё соҳасида олиб борган фаолияти учун у Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби деган фахрий унвонга сазовор бўлди. Ойбекнинг йигирма жилдик асарларини нашрга тайёрлашдаги меҳнати учун эса Беруний номидаги давлат мукофоти билан тақдирланди.

Қўлингиздаги китоб «Ойбегим менинг» деб аталади. Бу номда ифтихор туйғуси ҳам, Зарифа опа ҳаётининг маъно ва мазмуни ҳам тўла акс этган. Ўйлайманки, бу китобни ўқиган ҳар бир китобхон қалбида Ойбекдек улуғ адиб ва улуғ инсонга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат туйғулари порлаб юборади.

Китобнинг қиммати фақат Ойбек ҳақидаги маълумотларнинг янгилиги билангина белгиланмайди. Китобда, Ойбекдан ташқари, яна бир асосий қаҳрамон бор. Бу, Зарифа опанинг ўзи. Бу, бутун ҳаётини Ойбекка бағишлаган, унинг машаққатли қисматини енгиллаштиришга интилган, унга муносиб ёр бўлган Зарифа опанинг ўзи. Эҳтимол айниқса аёл китобхонлар учун шу ажойиб сиймонинг ўзи, унинг гўзал ҳаёти ибрат бўлса...

Мен Зарифа опанинг хотираларини ўқир эканман, унда Ойбекнинг шахсий ҳаётинигина эмас, балки бири-бирига муносиб икки улуғ сиймонинг севги ва вафо достонини ҳам варақлагандек бўламан. Ва бу дoston билан танишиш мени руҳан поклагандек, бойитгандек бўлади. Ўйлайманки, сиз, ҳурматли китобхонлар, ҳам шундай ҳулосага, албатта, келасиз.

Наим КАРИМОВ



БОЛАЛИК ХОТИРАЛАРИ

Биз Туркистон шахрида, Қарноқ кўчасининг катта майдонига келиб тақалган жойида, бурчак ҳовлида яшар эдик.

Ҳовлимиз ичкари ва ташқаридан иборат бўлиб, бир ёнбошида янги қурилган катта пахта заводи турарди. Ичкари ҳовли билан ташқари ўртасида кичик эшик бўлиб, бу эшик девор пардалар билан ўралган эди.

Ичкари ҳовлининг бутун бир томонини пишик, бўғотли янги ўй эгаллаган. Иккинчи томонида эса озиқхона, катта айвон, ошхона ва жуда катта молхона жойлашган. Учинчи томонда очиқ молхона бўлиб, буни бостирма дер эдик. Ҳовлининг тўртинчи томони — кўчага қараган баланд девор. Ҳовли 1905 йилда, замонанинг энг юксак завқига мувофиқ, дурустгина қурилган. Биз шу жойда 1924 йилга қадар яшаганмиз.

Отамнинг дадаси, яъни бобом Абдулҳай Миржалил ўғлини баланд бўйли, содда табиатли, самимий, диндор, деҳқон одам бўлган, дейдилар. Унинг, билмадим, қандайдир кичкина дўкони бўлган. Ҳар ҳайит олдида, дўкондан қайтишда маҳалладаги етим-есирлар ва бева-бечора хотинларнинг уйига бош суқиб, кийимлик (закот) улашар эканлар. Ҳамма уларни авлиё деб атар экан. Биринчи хотинларидан икки ўғил, бир кизи бўлган. У шу хотиннинг вафотидан сўнг Икон қишлоғидан менинг бувими — ёш қизни олган. Бувим меҳнаткаш деҳқон оиласидан бўлган. Ундан икки киз ва бир ўғил — менинг отам Саидносир туғилган.

Бобом болаларининг барчасини ўқитган. Улар

ўқиш-ёзишни яхши билган, саводли бўлган. Бобом Куръон ўқиш шарт, деб ёш келин чоғидаёқ ғирт саводсиз бувимни мактабга катнаттирган. Бувим бурнига кўзойнак кўндириб, ҳар куни Куръонни жуда равон ўқир, аммо бошқа китоблардан бир сатр ҳам ўқиёлмас эди. Биз бунга ҳайрон бўлардик, кулардик.

Отам Саидносир тўққиз ёшида эканида бобом бир ҳамроҳи билан ҳажга жўнаган. Аввал Мадинани зиёрат қилиб, кейин Макка сафарига йўл олган. Шунда бобом: «Қандай қилиб пайғамбар қабрига орқам билан кириб бораман», деган ва йиғлаб, тесқари, яъни орқасига юриб, Маккага равона бўлган. Йўлда чарчаб йиқилган ва вафот этган. Ҳамроҳи бобомни Арабистон чўлларига дафн этиб, унинг қўпол қозоқи чопонини, ок суруп кулоҳ-дўпписини ва битма Куръонини келтириб, бувимга топширган. Жилтга солинган, каттагина, оғир бу битма Куръонни бобом ҳамиша кўлтиғида осифлик олиб юрар экан. (Бувим Куръон билан дўппини менга берган, мен катта ўғлим Омонбекка мерос сифатида қолдирганман.)

Бувимнинг икки ўғай ўғли уйланган ва бола-чақали бўлган эди. Бобом вафотидан сўнг ўғай ўғиллар бувимдан «Бўлак чиқасизми? Мерос бўламизми?», деб сўраганларида, бувим рад этган. «Ёлғиз ўғлим ҳали ёш, улғайгунича меросни еб қўямиз. Аввал улғайсин, сиз, оғалар, уни уйлантиринг. Сўнг бўлак бўламиз», деган. У ўн йил келинларига чўридай хизмат қилган.

Дехқон қизи бўлган бувим ўрта бўйли, думалок, салобатли, захматкаш, ақлли, жуда бақувват хотин эди. Бувимнинг достонини нақл этсам, жуда узун. Бундай меҳнаткаш, ақли расо, жафокаш хотин кам бўлса керак, деб ўйлайман. Дунёда ақлли, меҳнаткаш хотинлар жуда кўп, албатта. Аммо менинг бувимга ўхшаган аёлларни ҳеч кўрмаганман. Қулмангиз. Ёзганларимни сабр билан ўқий олсангиз, ўзингиз ҳам иқрор бўлувсиз, деб ўйлайман.

«Тош келса — кемирдим, сув келса — шимирдим. Ёлғиз ўғлимни саводли, инсофли, меҳнатга чидамли қилиб ўстирдим. Парвардигорим ҳамиша ўз қанотида сақласин», — дер эди бувим бизларга тушунтириб. Мен бувимнинг айтганларини унинг бағрига сукилиб тинглашни яхши кўрардим.

Бобом, амакиларим, отам асл деҳқонлар бўлиб, сўнг савдога оғиб кетганлар, аммо деҳқончиликдан бош тортмаганлар. Деҳқончилик турмушимизнинг энг

кўп қисмини эгаллаган. Отам — мен уни билган чоғларимда — омов сурмаган, кетмон чопмаган бўлса ҳам, деҳқончиликни бир неча хизматкорлар бажарган, деб ўйлайман. Икки амаким терици бўлган, тери савдоси билан Қарқарага қатнаган. Тўққиз ёшида етим қолган отам тери ёйиш, ивитиш, йиғиш ишлари билан банд бўлган. қаттиқ меҳнат билан улғайган. Бувим эса сажардан ҳамир ошириб, нон ёпиб, сигир соғиб, овқат пишириб, катта оиланинг бутун хизмати бажарган. Отам 19 ёшга етганда, Муҳаммад Назарнинг ўғли Зарифбойнинг кизи Қумрийога ўланган. Отамнинг опаси Захро аммаму Муҳаммад Назарнинг ўғли Абдужабборга узатилган. демак, улар қарши қуда бўлганлар. Тўйдан икки йил ўтгандан сўнг бўлак чиқадиган бўлиб мерос бўлинганда, отам яланг жой талаб қилган ва ичкари ҳовлини қуриб, 1905 йили шу ҳовлига кўчиб чиққан.

Ўйни қуришда бувим Икондан акаларининг уста, дурадгор ўғилларини чақирган. Катта хашар йўли билан бир ёзда қурилишни тугатгачлар. Бувимга атаб қурилган хонанинг сахни катта, чорҳарилик бўлиб, ўртада ўймакор ёғоч устун, шипи бежама токили эди. Тўрдаги кичкича эшикдан сут, қатик, ёғ, шинни, қовун қоқи қаби қундалиқ нарсалар учун каттагина хўжрага қирилар эди. Хўжрадан тўлароқ фойдаланиш учун у икки қаватга бўлинган эди. Иккинчи қаватга — «хўжра тўри»га маҳкамгина қўйилган махсус нарвон орқали чиқар эдик.

Бувимнинг чорҳариси билан ойимнинг меҳмонхонаси ўртасида катта даҳлиз бўлиб, меҳмонхонага рангли ганч шарафалар, бир-икки тоқчатарига эса жовонлар қўндирилган эди. Ўз навбатида бу хонадан ётоқхонага қирилар эди.

Иморат ҳовлининг бир томонини олган бўлиб, ҳовлида — даҳлиз, меҳмонхона, ётоқхоналар олдида — эни тўрт метр келадиган, усти берк, баланд супа қўзилган эди.

Ҳолида икки туп катта оқ балх тути, олма ва нок дарахтлари, кенг гулзор, каттагина ҳовуз бор эди. Ҳовуз билан супа ўртасида иккита кенггина ёғоч қарават жуфтлаб қўйилган. Четрокда, бир туп тут тагида яна бир ёғоч қарават турарди. Бу ойим билан дадамнинг ёзги ётоғи эди.

Бутун ёз ичи ҳовлида ётамиз. Қуз ва баҳорда айвонда ўтирамыз ва тўнамыз. Салқин тушганда, даҳлизга

ўтамыз. Қаҳратон кишда эса бувимнинг чорхарисига кирамиз.

Мухаммад Назар — ойимнинг дадаси. У Шаҳрисабзлик бой оиладан бўлган. Отадан ёшлигида етим қолиб, амакисининг қўлида яшаган. Амакиси эса золимрок одам бўлгани учун бобом ёш йигитча пайтида Шаҳрисабздан бош олиб чикиб кетган. У Туркистон бозорига ўтин келтириб сотувчи деҳконларга қарашган. Кейинчалик 5—10 танга ақча жамлаб, ўтинни ўзи олиб сота бошлаган ва кичик бокколга айланган. Шу тарзда йиллар ўтгач, шаҳарнинг энг катта бойлари сирасидан жой олган; гиламдан, кундуздан бошлаб писта-бодомга қадар савдо қилган.

Ойимнинг онаси Умрижон, унинг онаси Гўлбегим Тошкентнинг Себзор даҳасидан. Бувим Умрижон ойим уч яшар чоғида вафот этган. Ундан тўрт ўғил, уч қиз қолган. Уларнинг кенжатоғи ойим бўлган. Бобом 60 ёшида Зебихон исмли 16 яшар гўзал қизга уйланган. Бу қизни тоғаларидан бири жуда севар экан. Бобом Бухорога қарвон жўнатганда, шу тоғамни юборган, тоғам кўп йиғлаган. Шунда бобом қарвонбошига: «Бо-бокул, бу йигит қизлардай хўнграб йиғлайди. Йўлда бирорта тош тагига бостириб кел!» деган экан. Тоғам ўша сафар чоғи йўлда вафот этган. Ойим баъзан бу воқеани армон билан айтиб, эслаб қўяр эди.

Зеби бувим кетма-кет тўрт қиз, уч ўғил кўрган...

...Ички, сиртки ховли, орқада катта боғ.

Бизлар ҳар жума наमत кўрпачалар солинган қўкон аравада бобомникига борамиз. Биз шунда уч қиз эдик. Ойим шанбадан бошлаб бизни чўмилтирар, бошларимизни ювиб, ясантирар эди. Ўзи ҳам энг яхши кийимларини кияр, ўсма-калам қўйиб, яноқларига кизил суркаб, пардоз қилар, қўша-қўша узук, билагузук, қўлтик тумор, кўкрак тумор, маржон, олтин занжир такиб, соатни уфор қоғоз билан кўкрак чўнтагига қистирар эди. Қўлоқларига узун шалдирама исирғалар такиб, чаккаларига ёқуту ферузлар қадалган ўрдак ғажакли безакни тақарди.

Мен ойимнинг ясанганини яхши кўрардим. Оёқларига ўралиб, томоша қилардим. Бир-биридан чиройли, оч пушти, оч ҳаворанг, нафис, майин ипақлардан тўқилган қўйлақлари ингичка этакли, бел бурма, бурма ёқали, тор, енгил, нозик завқ билан тикилган бўларди. Ойим ўрта бўйли, оппок, нозик, табиати ҳам ипақдек мулойим, истараси иссиқ хотин эди. Тўйларга боради-

ган бўлса, пешонасига тилла кош кўярди. Мен шу беагини жуда севардим. Ойим бизларни қарғашни, уришни билмасди. Андишалик, майин товушли, кўнгли тиниқ аёл эди. Жаҳли чикса, «худо кўтарсин сени», дерди. Баъзан бош ювишдан қочсам, қувлаб тутиб келарди, ғазабидан бир чимчилаб, узиб оларди, холос.

Зеби бувим «Бугун Қумрой келади. У тандир сомсани яхши кўради», деб жума куни тонг саҳардан келинлари билан биргалашиб, патир ва тандир сомсалар тайёрлар эди.

Боғлари жуда катта, ўртада нуқул атиргуллардан, райхонлардан иборат гулзор... Оқ наमतлардан қурилган, гиламлар ила безатилган, саккиз қанотли янги ўтов... Қафасларда булбуллар, саъвалар... Боғда қушчаларнинг қафасда сақланиши менга мислсиз бир шафқатсизлик бўлиб туюлар эди.

Билмадим, негадир боғда қора нордон олхўри (қора шўрак) кўп бўларди. Биз дархол шунга ёпишардик. Боғнинг орқаси қабристон бўлгани учунми қуюқ, сердарахт бу боғ бизга ғоят ваҳимали кўринарди. Биз боғ этакларига боришдан жуда кўрқар эдик. Энг тупқарида — боғнинг қабристон деворига туташган этагида бобом ўзига ҳамда бувимга икки сағана қурдириб қўйгани учун бу жой бокка ваҳимали бир соя ташлаб тургандай туюлар эди.

Бобомни эс-эс хотирлайман. Биз ҳар жума аравадан тушиб, катта дарвозадан кирар эканмиз, бобомни оппоқ сурф қўйлак-иштонда, оқ дўппида ховли ўртасида махсус ўрнатилган ёғоч устунга суянган ва ўриндикнинг икки томонига оёқларини ташлаб ўтирган ҳолда кўрардик. Биз — уч қиз — ойимдан аввал бобомга ташланар эдик. Бобом: «Келинг, келинг, Зулфиой», деб опамдан бошлаб уччаламизни бирма-бир тиззасига олар, икки ёноғимиздан ўпиб, орқамизни қоқар, кейин сачвонини юзидан олиб, саломда турган ойим билан кўришар эди.

Ичкарига югурамиз. Бувим ҳам қучоклаб, ўпиб қарши олади. Бўйи етган икки холам, келинлар — барчаси хурсанд.

Бизнинг Туркистонда келинлар қайинопа ва қайинсингилларнинг исмини айтолмайди: Бувимнинг келинлари Зулфияни «Пошша қиз», мени «Мулло қиз», Шарифани «Қичкина қиз», дер эдилар. Тоғаларим бари дўкондор, савдогар, олифта, мағрур, чаласавод, холаларим эса тамом саводсиз бўлган. Ойимни тўйдан сўнг

дадам бир татар муаллимини уйга чакириб, ўқитган. Ойим татарча босма китобларни равон ўқир эди. Икки аммам — эски мактабда яхши саводлари чиққан — ўқиш-ёзишни мукаммал билар ва хийлагина такводор эдилар.

Маҳалламиз бошдан-оёқ қариндошлардан иборат бўлиб, у ерда отам томонидан қариндош бўлган авлод истиқомат қилар эди. Бу авлод «раис тўпи» дейилар ва барининг исми «Саид» билан бошланар эди. Боболаримнинг энг улуғи — Саидахмад Туркистоннинг раиси бўлган. Кўзлари кўк бўлганидан «Кўккўз раис» деб атаганлар, уни. У ҳамиша қўлида дарра олиб юрар экан. У бир куни кўчада икки кишини тўхтатиб, биридан «Намозгарни ўқидингми?» деб сўраган. «Таксир, ўқидим», жавоб берган қўллари кўксига қўйиб у киши.

— Неча ракат?

— Таксир, ўн ракат, — жавоб берган қўрқа-писа.

Кўккўз раис дарра билан дўппослаб кетган, уни.

Шериғи орқада икки қўлини ёйиб, олти бармоғи ила ишорат қилар, калтак еган киши эса «Кўккўз раис ўн ракатга кўнмайди-ю олти ракатга кўнармиди?» дер экан.

Дадам бу воқеани кула-кула айтиб берган эди.

Одамлар шундай содда бўлган.

Ташқари ҳовлимизда бир рус оиласи яшар эди. Дадам ундан хусусий дарс олган ва русча ўқиш-ёзишни ўрганган. Яхши эсимда бор: унинг қўлидан газета ва китоблар тушмас эди. Яқинда одамлардан эшитишимга кўра, дадам ҳатто Маркснинг «Капитал»ини мутолаа қилган ва ўрганган экан. Умуман, уйимизда жуда кўп китоблар, журналлар ва газеталар бўларди. Қрим, Қозон, Оренбург ва Бокуда нашр этилган газета ва журналларни мунтазам равишда олиб турардик. Кутубхонамизда Пушкин, Лермонтов, Толстой асарларининг энг янги нашрлари бўлар эди.

Дадам Саидносир Абдулҳай ўғли Миржалилов ўрта бўйли, қорачадан келган, кўзлари йирик киши эди. У 1884 йилда туғилган. Мен уни тахминан 1913—1914 йиллардан эсласам керак. Шунда мен тўрт ёшларда эдим. Дадам жуда ақлли, юраги тоза, одамларга меҳрибон бўлган. У эски мактабда пишиқ маълумот олган, ўқиш-ёзишни яхши билган, зехни ўткир, жуда саводли бўлган. Унинг гап-гаштак, мусаллас, бўза ё чо-



Саидносир Миржалилов

ғир ичиш, карта ё кимор ўйнашга ўхшаш хунук одатларга майли бўлмаган.

—Менинг кўнглимда отам, онам ва бувимга насбатан чуқур меҳр бор. Лекин бу ҳол менинг улар ҳақида иложсиз-муболағасиз, холисона фикр юритишимга зинҳор ҳалал бермайди.

Дадам акаларидан бўлакланиб, аравасини мустақил торта бошлагач, бир кичкина газлама дўкон очган. Шунинг учун ҳам, у деҳқончиликда мутлақо иштирок этмаган. Бу ишни фақат бувим идора қилган. Ҳатто маҳалла катталари — беш-олти киши йиғилиб, бувимнинг олдига келар ва «Қачон буғдой сепиш мумкин?»,

«Қовунга сув берайликми ёки вақт борми?» деб сўраб эдилар. Қовун пишишдан олдин унга сув бериш — ниҳоят қалтис иш. Қовун-тарвуз бемаҳал суғорилса, сасиб-оқиб кетади. Дехқончиликнинг бундай нозик масалаларини яхши билган бувим бутун маҳалланинг зироат ишларини идора қилар эди. Шундай соҳиби тадбир эди, бувим.

Маҳалламиз бир авлоддан ташкил топган бўлиб, Қорачиқ дарёсидан сув ичарди. У Сирдарёга қуйилади. Еримиз Қорачиқнинг нариги соҳилидан — Туркистоннинг шимолий қисмидан бошланарди. Ер кучли бўлса керак, қорачиқликлар энг бой дехқонлар ҳисобланар эди. Ер ҳар бир хўжаликка бутунлай ажратилмас, оиланинг қанча хўкизи бўлса, шунга мувофиқ ер бериларди ва ҳар баҳор чек солиниб, ер тақсимланар эди. Бу йил бировга ёмонроқ ер тушса, янаги йил яхшироғи тўғри келиши мумкин. Бу йил бизнинг еримиз Саиднаби қорига ёндошган бўлса, янаги йил Акбар акага қўшни бўлишимиз мумкин...

Бизда доимо қўш хўкиз бўлар эди. Дехқончиликдан олган ҳосилимиз бутун оиламиз ҳаётига етарди.

Бувим бизларни бўш қолдирмас, ўқишдан, қайтиб, овқатланганимиздан сўнг ғўза суғуртирар ёки чигирикдан пахта чиқартирар, айниқса узун киш кечалари ўртага бир қоп бугдой тўкиб, тозалатар, хуллас, иш топар, бирортамизни ишсиз қолдирмас, ўзи ҳам бир он тинч ўтирмас эди.

Ойим етти қиз туққан: Зулфия (1905), мен (1908), Шарифа (1911), Ўғилой (1914), Равза (1918), Муборак (1924). Ўғилой икки ҳафта яшаган, холос. Равза эса саккиз ойлигида вафот этган. У оппоқ, қошқўзлари қоп-қора, семиз қиз эди. Бирданига оғриди. Икки кун каттиқ йиғлади. Дадам қўп дўхтирлар олиб келди, аммо фойдаси бўлмади.

Орадан қўп йиллар ўтгач, ойим бизга айтиб берди: Ёз кунларининг бирида ойим билан дадам ховлида, ёғоч қаравотда пашшахонада ётар эканлар. Ойимнинг ёнидаги бешикда эса Равза. Куни билан ишдан ҳориб, силласи қуриган ойим Равза қанча йиғламасин, бошини кўтаргиси келмай, уйқу аралаш бешикни ҳадеб тебрата берган. Чақалоқнинг боши эса ёстикдан оғиб, бешикнинг ҳар тебранишида йўргакка урилган. Бечора қиз қанчалик кучли йиғласа, ойим шунчалик куч билан тебратган. Ойим бу даҳшатли ҳақиқатни уялганидан ҳам, қўрққанидан ҳам ҳеч кимга айтмаган. Ойим қиз-

нинг nobуд бўлганига ўзини домонгир билиб, ич-ичидан куйган ва кейинги кизига тагин Равза исмини берган.

Ойим ҳар гал ҳомиладор бўлганида, барчамиз — бутун қариндош-уруғлар ўғил тилар эдик. Ҳаммадан кўпроқ бувим қайғирар, беш вақт намоздан сўнг, жой-намозда узоқ ўтириб, дуо қилар, таңгрига ёлборар эди. Ойим, албатта, уйда туғар эди. У замонлар барча хотинлар уйда туғар эдилар. Туғруқхоналар ва шифохоналар хусусида тасаввур ҳам йўқ. Дўхтирлар эса камда-кам. Бизларнинг туғилишимизда ёрдам берган доя гавдали, семиз, савлатли, меҳрибон, ширинсўз аёл эди. Биз уни жуда севамир. Келганида суюниб, истиқ-болига югурамир. Ойимда тўлғоқ бошланиши билан бувим дарҳол одам юбориб, дояни етказиб келтирар, аммо ўзи ҳам ойимнинг бошидан кетмас эди. Тагин киз туғилмаса эди, деб кўрқар, ўғил туғилармикан, деган орзуда бетоқат юрар эди. Аммо қанчалик орзу қилмай-лик, ўғил туғилмади. Биз уйда беш киз бўлиб ўса бошладик. Лекин биз беш эмас, олти киз эдик. Зулфиядан катта Ханифа исмли яна бир опамиз ҳам бор эди.

Бу шундай бўлган: Катта амакимиз Абдуғафур савдо билан Қарқарага борганида, бир татар кизга уйланиб келган. Азиза исмли бу киз амакимнинг иккинчи ва жуда суюкли хотини бўлган. Ундан Ханифа туғилган. У уч яшар бўлганида, Азиза вафот этган. Амаким қаттиқ қайғурган. Дафн қилиб келгач, кўксини ерга ташлаб, икки ҳафта бошини кўтармаган. Сўнг ўзи ҳам вафот этган. У Ханифани биринчи хотинига — ўғай онага қолдиришни истамай, уни бувимга — ўғай онасига топширган. Бувим Ханифани ниҳоят яхши кўради. Ойим, дадам, бизлар Ханифа опамни жуда севамир. Шу сабабдан бизлар беш эмас, олти киз эдик.

Ҳар йили эрта баҳор бутун маҳалла хотинлари бола-чақалари билан араваларда зиёратга борарди. Бу бизга баҳор сайили эди. Ҳаммамизга Акбар ака, дадам амакиларининг ўғли бошлиқ эди. У ҳар бир ишда бош, ақлли, тадбирли, мулойим, барчага меҳрибон бўлиб, уни ҳаммамиз жуда севардик. Едимда: бир йили Акбар ака маҳалладан анча-мунча аёлларни ва биз, ушоқ-майдаларни поездга солиб, 2—3 стансалик йўлга, туз конига, Орол бўйига олиб борди. Оролда чўмилдик, чиғаноклар тердик, бир қозоқ танишининг уйида меҳмон бўлдик.

Баъзан, қумга тушмоқ учун икки-уч аравада, саратон-чиллада чўлга чиқиб кетардик. Қум тепалар кўп.

Кумга кўмилиб ўйнашни яхши кўрардик. Кайнок кум оёқларимизни чўғдай узарди, бу бизга ўйин-эрмак эди.

Хайитларга тайёргарлик нихоят катта бўларди. Ҳаммамизга бир нечадан бош-оёқ кийим тиктириллар, тоғора-тоғора чакчак, ўрама, куштилилар пишириллар эди. Лекин ҳаммасидан тансиғи биз учун — юпка. Юпка жуда мўл пиширилларди. Бир ҳафта, ўн кун босим ейиларди. Катта, чуқур ёғоч тоғорамиз бўларди. (Буни корсон деймиз.) Бувим чалпакни шунга зич килиб босарди. (Бизнинг Туркистонда юпка чалпак деб аталади.) Чалпак тайёрловчи аёлни чалпакчи ҳола дер эдик. Жуда чаккон, гапга ҳам чечан, истараси иссик хотин эди. Бутун маҳалла уни навбат билан кутар эди. У бизникида ҳам бир-икки кун бўлар, ҳамир ясар, ёяр, пиширар, ойим ва бувим эса унга кўмаклашар эдилар.

Чалпак нихоят юпка бўлади. Иссиғида ўраб тахлангани учун юмшоқ сақланади. Оқ ёғда, сарви мойда, кунжут мойда ҳил-хил пиширилади. Энг кўп қисмига шакар солиб тахланади. Озрок, икки-уч кунга етадиган қисмига эса қийма гўшт солиб, чоғроқ идишларга жойланади.

Елғон арафада кечга яқин ҳаммамизни чўмилтирадилар. Қўлларимизга хина кўйиб боғлайдилар. Чин арафа кунни саҳарлаб уйғонамиз-да, қўлларимизни ечишга, кимнинг қўлида хинанинг яхшироқ қолганини билишга ошикамиз. Бувим кула-кула қўлларимизни ечади. Ювиниб, янги кўйлақларни киямиз. Биз учун ҳайит ана шу таҳлитда бошланади.

Кечкурун ҳайит дастурхони ясалади.

Ташқари ҳовлига жуда катта, тамомила оврупача уй қурилган. Том тунука, поллар тахтадан, деразаларда яхлит тош ойналар... Меҳмонхонада катта стол... Катта-кичик чиройли вазаларда турли ноз-неъматлар қўйилган. Бир кунни, шундай ҳайитдами ё зиёфатдами, мен ҳам бир тарелкани кўтараман, деб ёпишдим, Ойим «Кўтаролмайсан, ташлаб юборасан», деса ҳам қўнмадим. Шунда дадам йўлимни тўсиб, бир шапалоқ урди. Одатда дадам уриш, сўкишни сира билмасди. Жуда жаҳли чикса, бировни ёмон кўрса, «Кўр бўлсин», дер эди, хоҳос. Аммо ўша кунни у нима сабабдандир, тарки одат килиб, менинг бир умр эсимда қоладиган ишни қилган эди.

Дадам ҳайит кунни саҳарлаб, оёғига шеблет, устига инглиз бостонидан тикилган чиройли пальто, бошига

чамандагул дўппи, белига гунафша шойи белбоғ боғлаб, кичкина гиламчани ўлтиғига қистириб, ҳайит намозга чиқиб кетади. У бошқа вақтда ёзда ҳамиша сомон шляпа, кишда фетер шляпада юради. Бўйнида эса ҳамиша крахмалланган ёқа бўлади.

(Кўпинча одамлар уни «Носир кофир» деб атардилар. Бувим хафа бўларди; «Мўйловинг ўрусларникидай, еган овқатинг харом бўлади», дер эди у, куйиниб. Дадам индамас, жуда энсаси қотса, читиниб кўяр эди. Айниқса, аммаларим диндор бўлганлари учун ойимга, кечаси ухлаб ётганда, дадамнинг мўйловини қайчилаб ташлашни ўргатардилар. Аммо ойим кулок солмас эди.)

Ҳайит куни намоздан сўнг бутун маҳалла эркакларни битта-иккита бўлиб, ичкарига, бувимнинг олдига кириб, уни ҳайит билан табриклаб чиқадилар. Кейин тоғаларим кела бошлайди. Ойимни, бувимни табриклаб, бизларни кучокларига олишади, юзларимиздан ўпиб, ҳайитлик бериб кетишади. Хотинларнинг келишлари, ўзимизнинг юришларимиз ила ҳайит бир ҳафтага чўзилар эди...

* * *

Ўша йиллари бўлиб ўтган бир воқеа хали ҳам эсимда. Бир куни ойим мени ювинтириб, сочларимни ўриб, янги кўйлак, янги ботинкалар кийгизди. Эрта баҳор эди... Зулфия билан айвонда кўғирчок ўйнай бошладим. У менга киз узатмоқчи, мен ўғил уйлантирмоқчиман. Икковимиз айвоннинг бошини эгалладик. Лекин мен негадир ҳозир келаман, деб ўзимни ташкарига урдим. Ташкарида бир неча хизматкорлар бувимнинг жияни Исо билан бирга ариқ тозалашар эди. Дадам Исони Оренбургга ўқишга юборган, аммо негадир бугун у бизникида экан. Мен ариқ четига бориб тикилдим. Ҳар нарсага қоришиб юрадиган одатим бор эди. Катталардан биттаси: «Нари тур, чироқ, кетмон тегиб кетади», — деди. Кулок солмадим, тагин яқинроқ кадам ташладим, ишларини жиндай кузатгандан сўнг, ариқнинг нариги бетига сакрамоқчи бўлиб, йикилдим. Исонинг кетмони бошимга теккан эди. Хайрият, у кетмонни кўтариб қолишга улгурган, йўкса, катта, янги чархланган зилдай кетмон мени иккига бўлиб ташлаган бўларди. (Эрталаб ҳам ташқаридан бир хабар олиб кирганман, шунда икки кишининг бир тўда кетмон-

ларни яраклатиб чархлаб ўтирганларини тамоша қилган эдим.)

Шу пайт ҳамма дув этиб, таркалиб кетди. Кимдир қўлида кетмон ушлаган, кимдир кетмонини ерга ташлаган, аммо бирортаси яқин келмайди. Бошимдан тиркираб қон отиляпти, лекин хушим жойида. Ўрнимдан турмоқчи бўлдим, лекин тагин йиқилдим.

— Мени уйга олиб кирмайсизми? — дедим бошимни бир оз кўтариб.

Одамлар орасидан бир кексарок козоқ чикди-да, икки қўлига мени ётқизиб, кўтариб олди. У мени уйга олиб кирар экан, ерга осилган сочларимдан қон тўкилиб турди. Ховлида иш қилиб юрган ойим: «Вой, шўрим куриди!» — деб қочиб кетди. У ҳатто олдимга келишга ҳам чўчиди.

Қозоқ жека мени айвон четига авайлаб ўтқизди. Чўккайиб ўтириб олдим. Қаердандир пайдо бўлган бувим икки қўли билан бошимни қиса бошлади. Қок ёрилган бошимдан оққан қон бувим бармоқлари орасидан тошиб чикди. «Ё ўғоним, ё раббий, ёлғиз ўзингга сиғинаман, ўзинг раҳм қил», — деб пичирлади, бувим. Бошимни кўтарсам, қаршимда Исо йиғлаб турибди.

— Шошма, дадам Тошкентдан келсин, сени айтиб бераман, — дейман.

Гўё айб ўзимда эмас, Исода. Унинг кетмонни қандай кўтариб қолганига ҳайронман, энди.

Бувим отилиб айвондан тушиб, қонга бўялган икки қўли билан Исонинг икки елкасини муштлаб кетди:

— Жувонмарг, бошини ебсан, бўйнинг узилгур!

Исо йиғлаганича ўзини кўчага урди. Бир қариндошимизнинг молхонасида кечга қадар беда устида ётиб, тунда Иқонга, ота-онасининг олдида жўнабди.

Дарров кимдир отда доктор излаб кетиб, ёш ҳарбий докторни бошлаб келди. (Йиллар ўтгандан сўнг мен уни Тошкентда кўп учратдим. У машҳур жарроҳ профессор Орлов эди.)

Мени даҳлизга кўтариб кирдилар. Бувим тиззасида олиб ўтирар экан, бошим музлаб кетди. Эфир қўйишдим, менга-да ҳидлатишдим, билмайман, ҳар ҳолда хушимни йўқотдим. Бошимни тикканлар. Ойим мени кичқирса эшитмай, деб ичкари ётоқхонасига қочиб, устига қат-қат кўрпалар ёпиб ётган эмиш.

— Бошингнинг коса суяги қок иккига ажралган. Лопиллаб уриб турган миянгни қопчигини ҳам кўрдим, — айтиб берди кейин бувим.

Ховли одамга лик тўлиб кетган. Бутун маҳалла йиғилган. «Носирнинг кизини кетмон чопибди», деган хабар дарров тоғаларимга қадар етибди. Улар мендан хабар олгали от чоптириб кетма-кет кела бошладилар.

Доктор эртаси кўргани келганида, бутун бошим доқа билан боғланган, фақат икки кўзим, оғзим очик, ховлида кичкина ариқчадан шалдираб оқаётган сувга чархпалак қўйиб, ўйнаб ўтирган эдим. «Доктор кел-япти», деганларида, ўзимни уйга урдим. У бир неча кун тез-тез келиб хабар олиб турди, жуда тез тузалдим. Бошимнинг қок ўртасида, бир энлик кенгликдаги чучурча бутун умрга ўша кундан эсдалик бўлиб қолди.

* * *

Дадамнинг саъй-ҳаракати билан 1914 йили Туркистонда завод қурилди. Машина бўлими катта квадрат уйдан иборат бўлиб, ярмиси чуқурга жойланган, унда жуда катта ғилдирак айланиб турарди. Бу уйда бир рус мастери ишларди. (У хотини иккави ташқарида яшарди.) Мастер ҳеч кимни ғилдирак ёнига йўлатмасди. Бир четда динамо. Электр энергияси ҳам хонадонимизни ёритиш, ҳам заводни ҳаракатга келтириш учун сарф этилса керак.

Машина бўлимидан сўнг икки қаватли узун хоналар бўлиб, уларда ёнма-ён ўрнатилган икки пресс баланд бўлганлиги учун ҳар икки қаватни эгаллаб турар эди. Чигитдан тозаланган пахта прессларга юқоридан солинар, босилган, тайёр киплар наstdан олинар, дарҳол каноп матоларга ўралиб, сим ила боғланар ва ташқарига чиқарилар эди. Брезент кийимлар кийган ишчилар бир томондан катта қанор-қанор пахтани завод ичида ташир ва ичкаридан тайёр кипларни думалатиб чиқарар эдилар. Завод кеча-кундуз ишларди. У ишлаганда, доим гупуллаб турар, мен унинг ана шу тирик жонвордек гупуллаган овозига қулоқ солишни яхши кўрардим.

Завод ҳовлиси кенг, дарвоза катта, лекин шу ҳам торлик қилган бўлса керак, киплар ташқари ҳовлига тоғ-тоғ қилиб тахланади. Улар орасида эса тор йўлақлар қолдирилган бўлади. Бу, албатта, кипларни тахлаш, олиш ва қизиб ёниб кетмаслиги учун қолдирилган йўлақлар бўлса керак. Бизлар киплар орасида қолдирилган шу қоронғи йўлақларда яшинмачоқ ўйнар, баъзан чиқиб кетишга йўл тополмай қолар эдик. Бу қанча-

лик ваҳимали бўлса ҳам бизга ниҳоятда қизик туюлар эди.

1914 йилда дадам 30 ёшда бўлган. Дадам ўқимишли зиёли эди. У русчани яхши билган. Лекин кўлидаги сармоя етарли бўлмагани учун иккинчи гильдияга мансуб тижоратчи ҳисобланган. Шунинг учун ҳам у холасининг ўғли Мирзараҳимни ўзига шерик қилиб олган. Улар беш оғани бўлиб, камбағалликлари туфайли ямоқчилик билан шуғулланганлар. Лекин бирдан бойиб кетганлар. Бу хусусида турли ривоятлар юрарди. Шундай ривоятларнинг бирида айтилишича, Мирзараҳимнинг икки катта биродари дарвоза олдида ўтирар экан, гўё Иқонга почта арава ўтган ва аравадан ақчага лик тўла жомадан тушиб қолган эмиш. Мен бу ривоятни бувим билан ойимдан эшитганман.

Мен Мирзараҳим тоғамни билганимда, у жуда гердайган, ниҳоятда семиз, уч хотинли бой бўлиб, лақаби Мирзараҳим куфр эди. Ҳар икки гап орасида «кизингни...», деб турарди.

Бу Туркистондаги иккинчи завод эди. Биринчи завод Юно исмли бир маҳаллий яҳудийники эди. Юно заводида электр энергияси бўлмаса керакки, бутун туркистонликлар кечаси бизнинг заводни томоша қилгани келар эдилар. Қариндош хотинлар ҳам тўда-тўда бўлиб, кечаси завод биносида ёниб турган электр чирокларини томоша қилардилар. Албатта, биз, ушоклар, ҳам ҳар гал уларга эргашар эдик. Ёруғлик ниҳоят кучли, ҳаммаёқ чароғон бўларди. Бизнинг ичкари уйга ҳам электр киритилган. Лампалар баъзан бирдан куйиб кетарди. «Электр кўпайиб кетди», дер эди шунда бувим.

Дадамни бадавлат қилган ҳам бувим, деб ўйлайман. Бозордан бирор нарса сотиб олинмас, ҳамма нарсани бувим бадастур қилар эди. Ойимга дадамнинг дўконидан газламалар нусхаси ёпиштирилган китоб-каталоглар келтирилар, ойим ўзига танлагач, сўнг бизларга ҳам «Танла!» деб буюрар эди. У бувимга: «Сизга қайсинисидан буюрайлик?» деб сўраганида, бувим «Менга керак эмас, ўғлим ёлғиз, аяйман», — дерди, бизлар эса кулардик.

* * *

Николай подшо Ўрта Осиёнинг мусулмон халқлари учун янги методли мактабни очишга рухсат берма-

ган. Шунинг учун ҳам дадам Зулфияни рус мактабига ўқишга берган. У ёзда хаворанг, майда чизикли, ок батист кўйлак, ок фартукчада, қишда эса жигарранг шол кўйлак ва юпка, қора шол фартукда юрарди. О, қандай ҳавасим келарди, менинг!..

Дадам ташқарининг энг туб харисига, ичкари ҳовлининг орқасига ёпиштириб, мактаб қурдирган. Мактабга, билмадим, Оренбургданми ё Қозонданми Шокиржон Иброҳимов деган татар муаллимини оиласи билан олиб кеган. У машҳур татар адиби Олимжон Иброҳимовнинг биродари эди.

Мактаб бир, аммо ниҳоятда катта хонадан иборат. Узун-узун парталар қўйилган. Бу хонадан муаллимнинг уйига кирилади; ундан бизнинг ички ҳовлига кичкина эшик ҳам бор. Бу ҳар эҳтимол учун қўйилган эшик. Агар чор ҳукумати тафтиш қилмоқ учун тўсатдан бирор одам юбориб қолса, ташқаридаги кишилардан бири бу ҳақда дарҳол хабар қилади; муаллим хотини Обистой билан ўзларини ички ҳовлига урадилар.

Мактабда кенг тўнли, саллали, қўлида узун чубукли бир ўзбек халфа ҳам бўларди. Уни кўрган одам мактабимизни эски мактаб, деб ўйлаши муқаррар эди. Мактабда она тили, ҳисоб, жуғрофия, тарих дарслари ўқитилар, бутун дарсликлар татар тилида, Қозон ва Оренбургдан келтирилар эди. Агар камбағалларнинг ўғил-қизлари пулсиз ўқитилсалар, бекларнинг болалари муаллимга ҳақ тўлар, бунинг бадалига дадам муаллимни маош билан таъминлар эди.

Домла баланд бўйли, жуда ақлли, вазифасини бутун юраги, виждони ила адо этадиган, қиёфаси ёқимли, вазмин одам эди. Биз унинг хотинини Обистой деб атардик. Обистой ойим билан Ханифа опамни уйга кириб ўқитган. Ханифа опам ўқиш-ёзишни яхши ўрганган, ойим эса фақат ўқишни. Обистой ўз уйининг юмушларидан бўшаганида, синфга ўтиб, бизга ҳам сабоқ ўргатиб турган. Туркистондан чиққан барча зиёлилар шу мактабда таҳсил кўрганлар. Инқилобдан сўнг эса мактаб яширин-хуфя вазиятдан тамомила эркин ҳолатга ўтди ва бурчакдаги синфни тарк этиб, ташқаридаги баланд, кенг, қатор деразали, кўркем хоналарга жойлашиб олди. (Шу кеча-кундузда ҳам мактаб хануз ўша бинода ўз фаолиятини давом эттирмоқда.)

Мен ҳар куни эрталаб икки-уч кизнинг мактабга бошлашиб келганини кўрганимда, юрагим арзикиб ке-

тади. Бир куни, 1915 йилнинг кузи, ойимга «Мени ҳам мактабга беринглар», деб ялиндим. Шунда мен эндигина олти ёшга тўлган эдим. «Дадангдан сўра!» — жавоб қилди ойм. Мен шу заҳоти ташқарига, конторага, дадамнинг олдига югурдим. Дадам кулди: «Кичкина-сан, жабр бўлмасмикан?.. Ха, майли, бора қол», деди кейин. Шу воқеадан сўнг бувим қўлимдан етаклади. Мактабга чиқдик. Мен ўқишни бошладим.

Мактабда аввал уялиброк, тортиниб ўтирдим. Ўқишни тез ўрганиб олдим. Халфа дастлаб китоб ўқи-тади, сўнг «Қани энди сўйлаб бер», дейди. Мен ўрнимдан тураман-да, овозсиз, лабларимни қимирлатиб, сўзлаган бўламан. Аммо тез кунда мактаб шароитига ўрганиб, киришиб кетдим. Энди халфа қўлимга китоб тутказиб, ўртага чиқаради: «Ўқи, шогирдлар ёзсин!» — буюради у.

Танаффус пайтларида ташқари ховлини тўлдириб, ўйинга бериламиз...

* * *

Кичкина аммам — Курсия тўти ҳам бизнинг маҳаллада яшайди. Унинг Шарофат деган катта қизи менинг тенгдошим, ўртоғим. Биз ҳамиша у билан бирга ўйнаймиз. Қўча тўпикдан ошадиган билқ-билқ тупрок. Чангитиб, соатлаб отабоши ўйнаймиз. Томларда югуриб, варрак учирамиз. Мен қўшни ўғил болалардан ортда қолмасликка тиришиб, рангли қоғозлардан кураб, мумкин бўлганича катта қилиб варрак ясайман.

Катта қўйларнинг, қўчқорларнинг ошиғи, табиийки, йирик бўлади. «Қумри ўғил туғса», деб бувим бояқиш ошиқ йиққани-йиққан. Бир куни қарасам, халта тўла ошиқ. Мен бувимга ялиниб юриб, бу халтадаги юзга яқин ошиқни қўлга туширдим. Сўнг кўк-қизил қилиб бўядим; энг яхшиларини гиштга ишқалаб тарашладим; пичок билан урина-урина ўйиб, қўрғошин қўйдим. Шу тарзда ошиқ ўйнашни бошладим. «Ўзиям Саидносирнинг нақ ўзгинаси! Қилиқлари ҳам, ўйинлари ҳам, ўғил болаларники! Шу қизгина ўғил бўлса бўлмасмиди!» деб бувим ўксиниб қўяди.

Ховлимизда тарвақайлаб ўсган қизлар ҳам тут боп. Жуда йирик, жуда ширин ту. Ховлимизда кичкина кўрпачалар, майда идиш-товоклар бўлиб чиқарган. Шохларнинг тўкнашган айри-айри шохлари ҳам устида соатлаб ўйнаймиз.

Бувим ҳар куни саҳарлаб хамир ачитади. Сигирларни соғиб, подага чиқариб юборади. Чамбараклардаги қаймоқларни сузиб, айвон четига шохкосаларни териб қўяди. Очилган атир гуллардан узиб, биттадан ҳаммамизнинг ёстиғимизга териб чиқади. Сўнг пишириб, қатик увитади. Шундай қилиб, бувим эрталабки зарур ишларни саранжом қилиб бўлгач, қудукдан сув торта бошлайди. Челақлаб сув тортиб, ёнидаги ариқчага қуя беради, сув милтиллаб экинларга сузилиб оқади. Шу тарзда ҳовлимиз бутун Ёз бўйи муттасил кўм-кўк бўлиб, турли-туман кўкатлар билан товланиб туради. Бувим ҳатто Кўктой деган овози гулдиروق, эшакдек катта итимиз муздаккина салқин жойда ётсин, деб махсус чим ҳам экиб қўйган.

Энди ўйлаб хайрон қоламан. Экинларни ўстириш ва ёз ичи кўм-кўк бўлиб туриши учун қанча челақ сув керак, ахир! Бувимнинг соатлаб чуқур қудукдан сув тортиши бу қандай меҳнат ва қандай тоқатни талаб этганикин?!

Ёзда қовун пишиғига яқин бувим мен билан бирга Қорачикка кўчиб кетарди. Маҳалладаги бошқа оилалар ҳам ё бутун, ёки бизга ўхшаб ярим-ёрти кўчиб чиқардилар.

Қорачикда салқин бўлсин, деб бир метр чуқурликда ертўла ўйилади, сўнг унинг устига 1,5 метр баландликда пахса девор олинади; ниҳоят, том майда ёғоч шохлар билан ёпилиб, сувалади. Бу ўлчак деб аталади. Ўлчак ичида деворларни этдан-бетдан теша билан ўйиб, идиш-товоқ қўйиш учун тоқчалар қилинади. Мен бу ишни ҳеч кимга бермасдим, тоқчаларни ёлғиз ўзим ясардим.

Тарвузлар думалок, узунча, бир газ келадиган, икки киши кўтарадиган даражада йирик бўларди. Қовунлар хилининг ҳисоби йўқ: оқ новват, кўкча, абужамил, бухор қовун, шарбати, сўйилганда оқиб турадиган, юмшоқ кампир қовун, оқ қовун, қора қовун, адрас қовун... Бувим энг яхши қовун ва тарвузларнинг уруғини йиғиб, баҳорда бутун маҳаллани таъмин этарди, улашарди.

Кечга яқин оқ новват ёки кўкчани танлаб, полиздан ўзим кўтариб чиқардим. Пичоқ теккизганимда, тарсиллаб ёрилиб кетарди. Баъзан полиздан узаётган вақтда-

ёк азбаройи пишгани ва шира тортганидан ёрилиб кетарди.

Тонг аста отар экан, уфқ ҳали олтинланмасидан бурун ўрнимдан сапчиб тураман. Чой ичмайман, марварид шудринглар тўкилган полизни оралаб, тагин жикка ҳўл қовунни кўтариб келаман. Яримтасини тўйиб еб оламан. Қурсиллаган қовун ширин, кайфи унданда ширин...

Қовун пишди дегандан бувим қовун шинни, қовун курт, қовун қоқи тайёрлашни бошлайди. Қовун курт килиш учун қовунни майда тўғраб, уни ун билан пиширади, қуйилгач, мен ўлчакнинг томида бўз дастурхон устига қошиқ билан битта-битта қуйиб чиқаман.

Қишда сандалга тикилиб, қовун куртларни шимиб ўтиришни севардик. Бунинг ўзгача бир кайфи бўларди. Қовунлар ширин бўлганидан қовун қоқилар ҳам қишда котиб, шакар боғлаб қоларди. Эрталаб бувим теша билан майдаласа, қанддек чарсиллаб синарди.

Қовун пишмасдан илгари бувим ўлчак олдига чуқур тайёрлаб, оғзини кичкина қилиб шуваб қўярди; кейин қовун уруғларини шу чуқурчага сола берардик. Қорачикдан кўчиб кетиш олдидан эса бувим чуқурни очарди. Уруғларнинг сиртидаги тулпи ачиб суюлган бўлар, бувим уни ғалвирга солиб ювса, тоза уруғ қолар, сўнг уни ёйиб қўритарди. Хуллас, ҳеч нарса нобуд бўлмасди.

Полизларга қовун-тарвузлар экилганда, бувим улар орасига кунжут септирар, кунжутни қовун уруғи билан қўшиб, кузда бирор жувозчига бериб, ёғ торттирар эди. Бу ёғда пишган юпка жуда ҳам лаззатли, палов эса жуда ҳам ёйишлик бўларди.

Бувим шундай ажойиб аёл бўлиб, бутун дарди-ташвиши тирикчилик, рўзғор эди. У уйда ҳамма нарса хамиша бадастур бўлишини хуш кўрарди. Бувимнинг енглари ҳар вақт шимариклик, куни бўйи ғивирлагани ғивирлаган. Аёлларнинг ишини ҳам, кези келганда, эр-йигитларнинг ишини ҳам бажариб кетаверади. Шунча ишнинг орасида тагин беш вақт намозни, тоатибодатни асло қилмайди: «Тангрим, ўзинг ёрлика, ёлғизимни қайда бўлса ҳам омон қил! Соғ-саломат дийдор кўришмоқни ато қил, парвардигорим!» деганидеган. Ҳар кунги, ҳар намоздан кейинги дуо шу. У жойнамозни йиғиштирар экан, яна неларнидир ярим товуш билан шивирлар, гоҳо юзларига табассум ёйилиб кетар, бу она қалбида умидлар, ширин орзуларнинг тошиб кетганини кўрсатар эди.

Ковун ғарк пишганда, эплаш жуда кийин бўлади. Кунига бир арава ковунни шаҳарга, уйга юборамиз. Баъзан аравага баланд четан қўйиб, унга кечкурун узилган ковунларни тўлатамиз ва тонг шаҳарда бозорга юборамиз. Кўпинча мен ҳам биргалашиб, аравада шаҳарга тушаман. Баъзан эгарга ўтириб олиб, отни ҳайдайман. Далаларни, отда юришни, балиқ овлашни яхши кўраман. Мен ўша пайтларда 8—9 ёшларда бўлсам керак.

Далада ўлчақлар бир-бирига яқин қурилган бўлади. Отлар, сигирлар, қўйлар бизга ҳамиша ҳамроҳ. Кечкурун ҳаммаёқ гавжум. Тез-тез ҳамсоялар ишларини бажарганларидан сўнг, бир-бирилариникида меҳмон бўладилар. Девор, дарбоза, кўча деган нарсалар йўқ... Кенг ва бепоён дала... (Ўчоқлардан тутуннинг бурқиб туриши ҳар бир оиладаги тинч ҳаёт белгиси ҳисобланади.) Қуёш уфқда чиройли ғуруб ёйиб ботади... Хушвақтлик... Чехралардан табассум аримайди. Ҳозирги ёки ўтмишдаги қизиқ-қизик хангомалар билан оқшомни ўтказамиз. Мен айниқса чечан кампирларнинг лапарларини, эртақларини, маколларини тинглашни севаман.

Оқшом қоронғиси қуюқлашганда, бир-биридан гўзал юлдузлар бирин-кетин чакнай бошлайдилар. Дала кенг... Ғуж-ғуж юлдузларга тўла осмон эса унданда кенг... Ўзим ҳам юлдузлар изида юргандай, Сомон йўли, Етти қарокчи, Олтин қозик, Чўлпон юлдузи, Олтин охир, Бўз от... — ҳаммасига эргашаман. Бу улғувор, сирли бир олам... Осмондан кўзларимни узолмайман, унинг гўзаллиги кўнглимни тўлдиради. (Мана, шунча йиллар ўтса ҳам, мен сўлим кечалар сафосини, латофатини хануз, ҳаргез туяман.) Салқин, хуш ҳавода тотли туйғулар ила уйкуга кетар эканман, тушларим ҳам тотли, сафо ва нашъаларга тўла бўлади. Қушлар каби қанот ёйиб, далалар, дарёлар, тоғлар устида мағруб сузиб юраман: Сўнг ғоят енгиллашган руҳ ила уйғонаман.

Нега ҳозир шундоқ тушларни кўрмайман? Эҳтимол улар узок ўтмишда қолган болаликкагина хосдир?! Балки ҳозир бошим ҳаётнинг икир-чикир ташвишлари билан лим тўладир?!

Тариқ пишиб йиғиштирилгандан сўнг бувим шаҳарда, ошхона айвонидаги катта-кичик қатор ўчоқларга жойлаштирилган энг катта қозоннинг тўрига чордона қуриб ўтириб олади-да, тариқни қайната бошлайди.

Билмадим, бир копми, икки копми тарикни пишириб олаверади, ёрдамга чакирилган бир неча қозоқ хотинлар қозондан кетма-кет сузилган тарикни ҳовли юзига, бўз дастурхонларга ёзиб турадилар. Қуригандан кейин бир неча ўғурларни қатор қўйиб янчадилар; пусти ажралгач, кепчикларда елпиб тозалайдилар. Буни жугман деймиз. Айниқса ёз кунлари уйда жугман гўжа узилмайди. Бувим ёвғон гўжани пишириб, бир-икки тоғорага қуяди, қатиклаб, хўжрага, муздай жойга қўйиб қўяди. Иссиқ кунда ким сувсаса, коса-коса ичиб кетаверади.

Баъзан озрок қиймали гўжани ҳам пиширишар эди. Буни сақламасдан, иссиқ пайтида ичардик. Мен буғдой гўжани жуда ёктирар эдим. Унинг совуғини, қатикланганини ичиш лаззатли бўлади; ҳам ташналикни қондиради, ҳам тўйдиради.

Жугманнинг бир қисмини ковуриб, сўк қилардик. Қичкинагина қўл тегирмонимиз бор эди. (Ҳозир тўнғич ўғлим Омонбекда.) Сўкдан эса талқон қилардик. Талқонни сариёғ ва шакар билан аралаштириб ё сутга қориб ер эдик. Мен қишда ҳар куни бир катта пиёла қатикқа сўкни бўктириб қўярдим; ётишдан олдин эса еб олардик. Бувим эрталаб, биз уйғонмасдан аввал, бир бурдадан патирга сариёғ суркаб, уни ёстиғимиз четига қўйиб қўярди: узоқ тун пайтида қорнимиз очиқиб қолармиш. Биз ҳам кўзимизни очганимиз ҳамона уни ер эдик.

Бувим буғдойнинг навларини жуда яхши биларди. Энг яхши уруғликни танлаб эктирса ҳам қўнгли тўлмас, Икондан йигирма қопга яқин буғдой олдирар эди. Оппок, йирик, тўла пишган қабарик буғдой... Кечки овқатдан ва чойдан сўнг ўртага катта дастурхон ёйиб, бувим буғдойни тўқади. «Қани, ўйнаб-қулиб, сўйлашиб ўтириб, тозалай беринглар», — дейди. Ўзи яхши, тоза буғдой, лекин битта-яримта қорамик учраб қолади, ана шундан тозалаш керак. Кейин бувим тозаланган буғдойни аравага орттириб, тегирмонга юборар экан, уқтиради: «Тегирмон тошларини шошмасдан, секин айлантинглар! Майда тортилсин!» У новдан тегирмонга қўйиладиган сувни қандай идора қилишни тунунтиради.

Хужрамизнинг ярмидан қўп қисмида бир газ баландликда тахта билан саҳн қилинган. Унинг олди юпка девор қилиниб, икки газча қўтарилган. Одам қирадиган жой қолдирилган. Буни хомбо дер эдик. Унинг

тагига (пастга) икир-чикир ортиқча нарсалар қўйиларди. Бувим бирорта йигитчанинг оёқларини совунлатиб, тоза ювдиради, кейин хомбога унни тўкдириб, яхшилаб тепкилатади. «Шунда ун зич жойланади. Зич жойланганда, ун ачимайди, мита тушмайди», дер эди бувим. Ҳар куни ун керак бўлганида, ғишдай зичланган унни темир куракча билан ўйиб олар эдик.

Бувим саратон тушмасидан аввал қўйларнинг жунини кирктиради. Сўнг ўзи ювиб, куришиб қўяди. Кузда қовоқ хотинларни чакиради, титтириб, ҳовлида намат ясатади. Баъзан бир қисмини бўятиб, гул бостиради. «Қалингина бўлсин», деб қалинлигини, катта-кичиклигини ўзи кузатиб, кўрсатиб ўтиради. Баъзан ўзига кичик оқ жойнамоз ҳам қилиб олади.

Мен ҳамма ишнинг боши-қошида, ҳаммасига томошабин, ҳаммасига аралашаман; ҳаммасини билишим керак. Шунинг учун ҳам бувимга эргашиб юраман.

Бувим ҳар йили эрта баҳорда, албатта, ипак курти боқади. Бунинг учун катта хужрамизни махсус бўшатиб, деворнинг икки томонига энлик тахта тоқчалар ясатади ва курт очтиради. «Куртлар овкатга тўйса, пилла йирик бўлади», дейди бувим ва бизларни барг йиғишга юборади. Тез-тез тозалаб, куртларни бўйрадан-бўйрага кўчириб, озода тутати. «Куртлар даҳага кирди», деб деразага парда тутати, хужрани қоронғи қилади ва «кўз тегмасин», деб ҳеч кимни киритмайди. «Кичик даҳа», «катта даҳа», деб бувим бизларга тушунтиради. Пилла ўрашдан илгари катта даҳага қиради, куртлар. Шунда бувим барглари мўл бериб, уларни яхши тўйдиради.

Мен хужрага киришдан кўрқаман, лекин шунга қарамай, кўришга қизикаман. Катта-катта бармоқдай йирик, оппоқ куртлар бошларини илондай кўтариб, барглари арра қирққандай вишиллаб, қирқиб, ошалайдилар. Хужрада узлуксиз шувуллаган бир овоз турди. Ҳам ваҳима, ҳам қизик. Қараб турсам, лаҳзада барглардан фақат чўпларгина қолади...

Бувимнинг қиз неваралари кўп. Бизларнинг ўзимиз олтигамиз. Захро аммам, Курсия аммамларда ҳам қизлар сероб. Бувим навбат билан ипакни ҳар йили бирор қизга ҳадя қилади, ўшанга атаб боқади. Пиллаларни айвондаги каттароқ қозонга солиб пиширади ва чордона қуриб олиб, қозондан ипакларнинг учини чиқариб, калава қилади; оқлайди, кейин бўёқчиларга юбориб, турли рангларда бўятади.

Бувим далага ғўза ҳам эктиради. Хайронман: завод тўла пахта бўлса-ю, яна ғўза экиб, пахта олсак... Кейин билсам, сабаби бор экан. Бувим кўрпа учун Миср пахта — малла пахта олиши керак экан. У Миср пахта-сининг афзаллигини, кўрпаси иссиқ бўлишини бизларга тушунтиради. Қишнинг узун тунларида ўзи пахтани чивирикдан ўтказди. «Завод пахта толаларини кесиб юборади, ярамайди», дейди у. Мен чиғирикни жуда яхши кўраман. Бувимнинг ёнбошига тикилиб, аралашиб ўтираман, хориганимча, зерикканимча чиғирикни айлантираман. Чиғирик ўқлари пахтани ямлаб бориши, чигитларнинг қуйилиб тўкилишини кузатиш завқли кўринади, менга.

Бувим малла пахтани ўзи чархда йигириб, ип ясайди ва Оташ тоғам (бувимнинг оғаси)га, Иконга олиб бориб, бўз тўкиттиради. Бўздан катта-катта жойнамоз тикиб, «савоб бўлади», деб мачитга чиқаради ва «Ўлганимда, кафан устидан ўрангиз, кейин мачитга берингиз», деб сандиғига солиб, саранжом қилиб қўяди, бир бўлагини.

Бувимнинг барча қариндошлари Иконда яшайдилар. Улар шаҳарга гоҳ иш билан, гоҳ меҳмон бўлиб тез-тез келиб турадилар. Бувим ҳам бориб туради. Мен кўпинча бувимга эргашаман. Унинг ўзи ҳам мени илаштириб юришни яхши кўради.

Икон билан шаҳар ораси яқин. Бир неча чакиримгина, холос. Айниқса баҳор чоғларида кўм-кўк далалар узра гилам-гилам қизил, сариқ лолалар ғуж-ғуж бўлиб очилган пайтда Икон сафари сафоли бўлади. Лолалар жуда қалин бўлиб очилган жойдан ўтиб кетолмаймиз, аравани тўхтатамиз. «Бу ерда кўп экан, йирик экан! Вой, ана, сариқлари бор экан!» деб узоқларга югура-югура кетиб қоламан. Бувим аравада кулимсираб ўтиради; мендан ҳам кўпроқ суюнади, кўпроқ завқланади.

Биз тўғри Оташ тоғамникига бориб тушамиз. Унинг уйлик-жойлик бир ўғли бор, қизи Опажон эса менинг ўртоғим. Оташ тоғам оппок, қалин соқоли кўксига тушган чол бўлса-да, битта ҳам тиши тушмаган: қарсиллатиб данак, ёнғок чакиб ўтирарди. Мен хайрон бўлардим.

Бир уйда унинг бўз тўкийдиган дастгоҳи бор. У бўз тўқиганда, олдидан силжимасдан томоша қиламан. Ҳали оёқ тепишини, ҳали моки отишини кузатаман. Булар менга жуда қизиқ кўринади. Оташ тоғам соқолини

серкиллашиб кулиб кўяди: У жуда бақувват чол: бизни-
кига Икондан пиёда келиб, пиёда кетаверади, Тоғам
биринчи хотини ўлгандан кейин ёшгина, чиройлик со-
қов хотин олган. Унинг имлаб фикрини тушунтиришига
жуда таажжубланаман. У Оташ тоғамни, ўғлини, ке-
линини, ҳар қайсини турли қўл ҳаракатлари билан
тасвир этиб англатади. У ҳам гоҳо бизникига келиб,
бир неча кун меҳмон бўларди ва баримизни кулдириб
ўлтирар эди.

Бир борганимизда, Икондаги барча қариндошлар-
никида меҳмон бўлиб чиқамиз. Аммам келди, дея бари
хурсанд бўлади.

Иконликларнинг нони юпка, юмшоқ, жуда катта
бўлади. Тандирлари ер тандир бўлиб, устига қозон
ўрнатилади, овқат пишиб бўлгандан сўнг қозонни кў-
тариб, четга қўядилар-да, нон ёпаверадилар. Айникса
патирлари сариғ мойга қорилган, қатламадай варақ-
варақ, юмшоқ, жуда хушбўй ва ейишли бўлади.

Икон ўзининг буғдойи билан машҳур. У буғдой
қишлоғи. Шаҳарда унинг буғдойига айникса харидор
кўп.

Бувимнинг бизлар Маҳмуд тоға дейдиган иниси бор
эди. У бувимга ўхшаш думалок, семиз, жуда самимий,
кулиб турган очик киши эди. Қишда Маҳмуд тоғам ов
билан машғул бўлар эди. Бувим айтиб берган эди; Бир
куни бувимнинг ёшлик-вақтида, тунда молхонада отлар
вахимали кишнай бошлаганлар. «Не бўлди экан?» деб
тоғаларимдан биттаси хабар олгали чикса, молхона
эшиги қия очик, ичкарида бир арслон ҳадеб отларга
ҳамла қилармиш, улар эса кишнаб депсинар эмишлар.
Тоғам дарҳол эшикни ёпган-да, кўшнилари йиғиб,
молхона томини очган, сўнг улар ёрдамида арслонни ўл-
дирган.

Уйда қўй сўйилганда, бувим қорин ва пўкан ичакни
тозалаб, ювиб, тузлаб, пуфлаб қўяди. Кейин пўканни
кузги оппок сариёғ билан тўлатади ва қазидай боғлаб,
осиб қўяди. Қиш кунлари эрталаб уни дастурхонга
япроклаб тўғрайди. Қоринларга ҳам сариёғни эритиб
жойлайди ва шундай усул билан тайёрланган қорин
яхши сақланади.

Бизда ҳамиша иккита сигир бўларди. Кўпинча бу-
вим яхши кўрган бузоғини ўстириб, сигир қилиб етиш-
тиради. Уйда доимо сут, катик бўлади, ёғ пиширилади,
айрон узилмайди. Айникса ёз саратонида муздай айрон
ичишли бўлади: уни сув ўрнида симириб кетаверамиз.

Ҳар куни ёғ пиширмаслик учун ўлчак қилар эдик. Бу ажойиб нарсa. Учта-тўртта қўшни гаплашиб-келишиб олади. Бир куни бари сигирларнинг сутини бир оилага берадилар, эртаси иккинчи хонадонга, индинига учинчисига. Ярим метрча келадиган бир таёқча бўлади. У ҳам ўлчак деб аталади. Мен қўшниникига бир челақ сут олиб чиқаман ва шу ўлчак билан ўлчаб бераман. Унда кичик айри, катта айри ва кизил ип, кўк ип деган белгилар бўлади. Шу оиладан эртаси бизникига сут киритганларида, улар ҳам ўша ўлчақда сутни шу белгиларга қараб қуйиб берадилар; ортганини тагин ўлчаб, бизни қарз қилиб чиқиб кетадилар. Аёллар иши шундай йўл билан хийла енгиллашади. Қунига эмас, уч-тўрт кунда бир марта сут қайнатилиб увитилади, ёғ пиширилади.

Ошхонада катор тахмонлар бор. Бувим биттасига махсус ёғоч сандик ўрнатган. Нонга ишлатилиши мумкин бўлмаган жизза, қозон тагида қолган ёғ ва шунга ўхшаш овқатга яроқсиз мойларни шу сандикка ташлайверағиз. Кейин бувим уларни қиздириб эритади, сузади. Саксовул кулини қайнатиб, ишқор тайёрлайди. Ҳалиги ёғга ишқор солиб, совун пиширади. Унга оҳақ ҳам қўшарди, шекилли. Энди шуларни эслаб, ачинаман: нега билиб олмаганман? Қозон бошидан кетмасдим-ку-я, лекин бола эканман-да, бувим ёнбошига ўтириб олиб, фақат томоша қилар эканман-да! Булар бари мен учун ўйин экан-да!..

Совун пишиб бўлгач, бувим уни катта шоҳқосаларга тақсимлаб қуярди. Оппоқ, каттиқ совун тайёр бўлади. Ҳар қандай ишга шундай эпчил, шундай уста эди, бувим. У совунни кичкина, ўртача қосаларга қуймас эди, сони ошса, ишлатилганда, олқиндиси-да қўпаяр эмиш. Лекин бувим бизларга совунни пиёлаларга қуйиб берар ва «Дастрўмол ювасизлар», дер эди қулиб. Бу ҳам бизга бир ўйин эди.

* * *

Мен мактабда аввал уялиброк тортиниброк ўтирардим. Ўқишни тез ўрганиб олган бўлсам ҳам халфа китоб ўқитиб, «Қани, энди сўйлаб бер», деганда, ўрнимдан тураман-да, лабларимни овозсиз кимирлатиб, сўзлаган бўламан. Аммо тезда мактаб ҳаётига ўрганиб, киришиб кетдим. Халфа қўлимга китоб тутқазиб, ўртага чиқаради: «Ўқи, шогирдлар ёзсин», дейди.

Танаффусда ташқари ховлини тўлдириб, ўйинга киришамиз. Тоғдай қалашга той-той пахталар орасида яшинмачок ўйнаймиз. Ўрта бермоқларимизни сиқишиб, дўстлашамиз, аммо бир лахза ўтмасдан, тесқари қараб юз ўирамиз, чинатойимизни узатиб, ўртоқликдан чиқамиз.

Танаффус тугаганда, домла ховлига чиқади: «Кирув! Кирув!! Кирув!!!» деб кичкиради. Яна дарс давом этади...

Дадам Масқав, Тошкент, Қўқонга кўп қатнаб туради. У йигирма бир ёшида оғаларидан ажралиб чиқиб, ичкари ховлида яшаган. Орадан бир-икки йил ўтгач эса, ташқари ховлини қурдирган, мактаб очган, кўп ўтмасдан, заводни бошлаган. Юқорида айтган эдим: бу 1913—1914 йиллар, ўша пайтда дадам 30 ёшда бўлади. Албатта, даданинг бир ўзи шунча сарфни кўтаролмайди. Шунинг учун ҳам у холасининг ўғли Мирзараҳим тоғани ўзига шерик қилади. Мирзараҳим тоғанинг уч хотини бор эди. У ҳар куни бир хотинининг ёнида бўлади. Ҳисоб бузилмайди. У хотинларига ниҳоятда золим. Кўчадан келган ҳамон овқатни молдай ошалайди, кейин кўш кўрпачада пишиллаб чўзилади; қайси хотинининг навбати бўлса, шуниси унинг оёқ-қўлларини укалашга киришади. Тишини кавлаб, талтайиб, тўнкадай ётади. Унинг уйида тартиб кам эди. Эр золим бўлгани учунми, хотинлари уни биргалашиб ёмонлайдилар, эридан бувимга ҳасрат қиладилар, масҳаралайдилар.

Тоғам кўш олмовут от қўшилган, ярқираган, юмшоқ извошда юради. Бизда извошчик йўқ, кўқон аравамиз бор, холос. Аммо дадам кўпинча пиёда ё велосипедда юради.

Тоғамнинг дўст-ёри кўп; тез-тез гап ейди. Зиёфат берганда, албатта, бувимни чақиради. Бир куни, шундай зиёфатларнинг бирида нимадандир феъли айниган тоғам йўлбарсдай пишқириб кирди-да, ғазабдан ёнган кўзларини олайтириб, қозикдан қамчини олди, сўнг катта хотинини шартиллатиб савалаб кетди. Қани, биттаси чурқ этиб кўрса-чи! Ранги ўчган, жовдирган кўзларидан ёшлари қуйилиб, сочлари пахмоқланган, телбаланган Жамила кеннойим тоғанинг оёқлари остида ётарди. Юраклари пўкиллаган икки кичик кундоши эса қайгадир яшириниб, ғойиб бўлгандилар. Мен шак-шак қалтираб, бурчакка тикилиб олдим. Сапчиб ўрнидан турган бувим тоғамнинг қўлидан ури-



Зарифа Саидносирова ота-онаси ва опа-сингиллари билан. на-урина базўр камчини суғурди. Лекин тоғам бирон сўкишни узмасдан, хотинини оёқлари билан тепа бошлаган эди.

— Хой, эсингни йиғ, сенга не бало бўлди? — бувим итармалайди уни. Гоҳ «садағанг кетай», деб ялинади, гоҳ ранжиб қойийди.

Кейин билсак, меҳмонларнинг бири сур гўшт илигини чайнаб ўтирганда, курт чиқибдими ё гўштниги хиди бор эканми, билмадим, ҳар ҳолда ғалванинг сабаби шунда экан.

Бувим ҳали қойиб, ҳали ёлбориб тоғамнинг жаҳлини ахир босди. Ғазабдан нафаси халқумига тикилган бойни итармалаб, ташқарига чиқариб юборди-да, саваланган хотин бояқишни овутмокка тутинди. Кейин кўнгиллари чил-чил бўлган хотинлар тоғамни «жувон-марг», «балогоа учрагур», «қорнинг ёрилсин», деб ўлгудай қарғадилар. Шундай чоғларда уч кундош бири-бирига меҳрибон, дардкаш бўлиб қоларди.

Шу можародан кейин, бувим сургаса-да, тоғамни-кига сира бормайдиган бўлдим. Тоғам эса бизникига тез-тез келар, бувимнинг қаршисида тишини қовлаб, ёнбошлаб ётар, эзмалашиб сўзлашишни, овқат еб, чой ичишни яхши кўрар эди.

Дадам Туркистонда эканида кўпинча ташқарида, кенторада ўтиради. Олдига кирган-чиққан одамлар кўп. Дахлизда доим одам тўла бўлади.

Дадам соат бирларда уйга кириб, шўрва ичади. Баъзан мен уни чакириб келаман. Шунда у қўлимга бир-икки танга беради: «Бозордан бўёк, дафтар ол! Сурат сол!» дейди. Ўзи ҳар вақт Тошкентда чиройли кутиларга жойланган акварель бўёклар, мўйкаламлар олиб келади. Дадам, менда расмга ҳавас борлигини билганми ёки ўзи менда шу ҳавасни туғдирганми, билмадим, ҳар қалай, расм чизишга муҳаббат менда ана шу йилларда пайдо бўлган.

Мен бир куни одамларни, қуш, от каби жониворларни чизиб ўтирдим. Шу пайт Саидрахим ҳожи деган амаким кириб келди.

— Хай, хай, гуноҳ бўлади-я! Олло у дунёда «Буларнинг жонини топиб бер», деса, не жавоб қиласан? Астафурullo, зинҳор иккинчи чизма! Гулларнинг нусхасини сол! — уқтирди у такрор-такрор.

Кейин дадамга шу гапларни айтсам, у қотиб-қотиб кулди. Сўнг:

— Қўр бўлсин, алжирайверади, кулок солма! — деди-да, қўлини силтаб қўйди.

* * *

1917 йилнинг куз ойлари эди. Бизнинг ховлимизга Тошкентдан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий келди. У, билишимча, шу кезларда кимлардандир қочиб юрган эди. Дадам илғор зиёлилар, маърифатпарвар жадидлар сирасида бўлган Мунаввар кори, Убайдуллаҳўжа, Абдулҳамид Чўлпонлар билангина эмас, балки азбаройи адабиётни севганидан Ҳамза билан ҳам яқин дўст эди. У ҳатто Ҳамза қаламига мансуб бир неча шеърий тўпламларнинг ношири ҳам бўлган.

Ҳамза Қўконда доимо хавф остида яшаганидан 1917 йилда Тошкентга келган. Аммо душманлар бу ерда ҳам унинг изини пойлаганлар. Шу сабабдан дадам бу истеъдодли шоирни сақлаб қолмоқ зарурлигини тушуниб, уни Туркистонга, бизнинг уйга, замоннинг нотинч кунлари ўтиб кетгунга қадар хуфя истикомат этиш учун таклиф қилган ва уни ўзи билан олиб келган. Афтидан, дадам Ҳамзадан ўзининг ижодий ишларидан бўш вақтларида бизнинг мусикий тарбиямиз билан ҳам машғул бўлишни илтимос қилган.

Ташқаридан кимдир кириб, Тошкентдан келган меҳмон бизларни кўрмак истаганини айтгач, Зулфия иккомимиз Ҳамза аканинг ҳузурига чиқдик. Катта залдан иборат меҳмонхона ўртасидаги оёқлари йўғон, қубба-

ли, катта стол ёнида Ҳамза ака ўтирар эди. Биз шахримиз урф-одатига кўра, унга эгилиб салом бердик. Уялибгина айтган «Ассалом» деган сўзимиз эшитилар-эшитилмас эди. Аммо у саломимизга алик олиб, ўрнидан турди.

Ҳамза ака баланд бўйли, ингичка коматли, рангпар йигит экан. Йирик, хаёлчан кўзлари унинг шоирлиги, ички дунёсининг кенглиги, руҳининг нозиклиги, камолотга етган истеъдоди, юксак завқи ва ақлини тасвир этарди. Унинг сиймосидаги ёқимли вазминлик ва мулойимлик ҳар бир кимсани ўзига тортар, шунинг учун ҳам ҳар бир одам ихтиёрсиз равишда унга муҳаббат ва ҳурмат ҳис этар эди.

Биз, Зулфия икковимиз, биринчи кунданок Ҳамза акани суйиб қолдик. Ҳар куни кечкурун ташқарига ошиқамиз. Ханифа опам эса ўн етти ёшда, бўйи етган, паранжида; унга ташқарига чикмоқ, бегона йигитга кўринмоқ мумкин эмас. Шарифа олти яшар, эндигина ўқиш-ёзишни ўргана бошлаган бўлса керак. Зулфия ўн иккида, менга эса тўққиз ёш тўлган. Биз икковимиз Ҳамза акага жуда тез қалин ошно бўлиб қолдик.

Ҳамза ака сахарга қадар ўз ижоди ила машғул бўлгани учун кеч туради. Нонуштадан пешинга, кейин кечки овқатга қадар ёзади, босим ва муттасил ишлайди. Кечки овқатдан сўнг биз унинг ҳузурига чиқамиз. Биз билан шуғулланиш унга бир эрмак, бир қадар дам олиш, ижодий танаффус бўлган бўлса ажаб эмас.

Биринчи кун танишганимиз ҳамон, Ҳамза ака бизга шеър ёзишдан сабоқ беришга киришди.

Стол устида бир даста оқ қоғоз тайёрланган. Ҳамза ака бир варақ қоғоз олди-да, наср билан, бир неча сатр ёзди ва уни менга узатиб, ёзилган жумлалардаги сўзларнинг жойларини ўзгартириш, қофия топиш ва бу сўзларни тўрт сатрли шеър шаклига келтириш кераклигини айтди.

Қозонда бўлса, чўмичга чиқади, дегандек. тайёр ёзувдан тўрт сатр шеър ясамоқ қийин эмас эди. Билмадим, неча дақиқа сарф қилдим, бош қотирдимми, йўқми, қуйидаги тўрт сатрни ёздим:

*Мактаб — бизнинг жойимиз,
Олтин-қумуш сойимиз.
Агар илм ўқисак, —
Бутун дунё — ойимиз.*

Хотирамга бир умрга битилиб қолган бу сатрлар. Ҳамза ака билан биринчи учрашувдек, ҳамон ёдимда. Дадам Ҳамза акани яхшилаб меҳмон қилишни оймга буюрган. Ойимнинг меҳмонга ҳурмати жуда зўр. Эрталаб иссиқ нон, патир, янги пиширилган сариёғ, қаймоқ, мурабболар билан патнис ясаб чиқаради. Пешинда шўрвами, маставами, кечқурун эса қуюқ овқат... Бутун оила уни севамиз, ҳурмати, меҳмоннавозлики бажо келтиришга тиришамиз.

Кунлар ўта бошлади. Тунлар узайди. Энди, биз кичик-кичик шеърлардан дostonларга ўтдик. Ҳамза ака эртақнинг қони, бўлоғи экан. Унинг эртақлари «Минг бир кеча»даги Шаҳризоданинг эртақлари сингари битмас ва туганмас. Ҳар кеча бир эртақ сўзлаб беради ва эртага шундан дoston ясаб чиқмоқни буюради. Бу менга сира қийин эмас эди. Шеърят учун юксак бадийийлик зарурлигини тушунмасам ҳам «келди», «кетди» сўзларидан қофия ясаш ва хижоларни бармоқ билан санаб, «фоилотун, фоилотун, фоилун» ўлчовига солишга ҳеч қийналмас эдим. Бир он мушкулотда қолсам, дарҳол Ханифа опам ёрдамга келарди. Жуда ўткур эди у, шеърятга ҳаваси зўр эди. Уйда ўтириб, дафтар-дафтар шеър ёзар эди.

Ҳамза аканинг хати ниҳоятда гўзал эди. У чиройли қоғозларга баёзлардаги каби чизик тортиб, саҳифани иккига бўлгач, шеър сатрларини оғма ҳолатда ёзиб чиқарди. Ҳар куни варақ-варақ қоғозлар тўларди.

Баъзан узун олача, пахталик тўнига ўралиб, ташқаридаги катта айвонда юрарди. Мен унинг ёнида гўё ҳамсухбат, ҳамқадам бўлардим. Баъзан бирдан олмовут отлар қўшилган фазтонда ёки кўркам саман отда семиз, қозондай қоринли тоғам келиб қолгудай бўлса, Ҳамза ака шошилиб ўз хонасига кириб оларди. «Шундай қорни мойга, боши ғафлат ва хурофотга тўлган бойларни кўрмоққа тоқатим йўқ», дер эди менга. Мен ҳам, чамаси, Ҳамза ака таъсирида бой тоғаларимнинг баджаҳл ва дағал феълени, аҳмоқона ғурурини, инсоний ҳислатларининг пучлигини англай бошлаган эдим.

Бизнинг уйда пианинодан бошқа барча мусикий асбоблар — мандалина ҳам, гитара ҳам, скрипка ҳам, дутор ҳам, танбур ҳам бор бўлиб, Ҳамза ака уларнинг ҳаммасида ниҳоятда моҳирона чаларди. Унинг нозик, узун бармоқлари пардалар устида жуда эркин, равон юрарди. Қайси созни қўлига олса, уни гўзал сайратар эди у. Яна ёқимли товуши билан қўшиқ ҳам айтарди.

Хамза ака шеърийят сабоғидан сўнг бизга мусиқа ўргатди. Зулфия икковимиз мандалина ва танбурни чалишни тузуккина ўрганиб олдик. Мен скрипкада ҳам бир оз машқ қилиб кўрдим. Аммо эплай олмадим шеклли, натижа чикмади. Овозим йўқ бўлгани важидан қўшиқ айтишга кўп уринмадим. Хамза ака билан Зулфия эса ўзаро жўр бўлиб, ашула айтардилар. Мусиқа дарсимиз, мусиқа мавжи ана шу тарзда алламаҳалга қадар давом этарди. Зерикишни билмаймиз... Хамза аканинг сабоқлари, суҳбати шу қадар марокли эди.

Маҳалла кексалари ташқари ҳовлимизга қарши тушган кўчанинг нариги бурчидаги кичик бир уйни мачит қилиб олган эдилар. Улар намозгордан то хуфтонни ўкиб бўлгунларича кўча муюлишида ўтириб, гарчи кундалик воқеаларни, сиёсатни тузукина англайдиган кишилар бўлмасалар-да, «Оқлар фалон жойда, қизиллар фалон жойда эмиш», деб гап сотардилар. Баъзан ғийбатга ҳам ўтардилар. Улар хуфтонни ўкиб, уйларига қайтар эканлар, меҳмонхонамиз деразалари олдида тўхтаб, мусикамизни эшитар эдилар. Бир «номаълум» йигитнинг олдида икки қизнинг танбур чалиб, қўшиқ айтиши уларга, албатта, ёқмас эди. Шунинг учун ҳам бу мутаассиб кимсалар дадамни кофир деб эълон қилиб, бизнинг уйда рўй бераётган воқеаларни мусулмончиликка тўғри келмайди, деб жар солдилар. Қўнларнинг бирида кичик аммамнинг эри — езнам улар номидан вакил бўлиб, бувимнинг олдида кирди. Аммо бувим куёвига сўз бермади: «Икки нораства қизнинг ғийбати қолдими, сенларга?! Эссиз намоз! Эссиз мачит!.. Худойим тўппа-тўғри дўзахнинг қопқасини очади, сенларга! Оғизларингдан қонларинг келсин!» деб қарғаб ҳайдади.

«Ўғлимнинг дўсти, ўғлимнинг меҳмони», деб бувим Хамза акага яхши муносабатда бўлар эди. Бироқ тўсатдан бир сир очилиб қолди-ю, бувимнинг кўнгли қайтди, ундан. Ханифа опам билан Хамза ака ўртасида бўлган муҳаббат достони катта можаро қўзғатди. Бу ҳаммамиз учун қутилмаган ғавғо эди. Ташқари ва ичкари орасида юрадиган бир бола икковининг мактубларини ташир экан. Кўпинча Ханифа опам ўзининг жавоб хатини патнусга терилган патирилар тагига қўйиб чиқарар ва улар кечалари йўлакда учрашар эканлар...

Баҳор вақти... Мен бир куни мактабдан қайтганимда, бувим ва икки аммам Ханифа опамни ўртага олиб,

койир эдилар. Бувим: «Бир мусофир билан бошлашиб кетмоқчисанми?» деб Ханифа опамга каттик таъна қилди. Аммаларим ҳам бувимга қўшилиб, Ханифа опамни тоза эзишди. Мен бу икки севишганлар бошига келган довулдан жуда хафа бўлдим, бурчак-бурчакка сукилиб, пик-пик йиғлаб олдим. Бу, Ҳамза ака кетишга тайёрланиб турган кунлар эди. У севганини олиб кетмоқчи бўлганми ё Ханифа опам бувимнинг асло рози бўлмаслигига кўзи етганидан яширин кетмоққа қарор қилганми, — буни билмайман. Хуллас, мен учун муқаддас бир сир очилган эди. Мен уларнинг ҳам икковини ҳам яхши кўрардим. Шу сабабдан жуда қайғурдим.

Ҳамза ака бизлар билан хайрлашиб, бир дақиқа ҳам кечикмасдан қайтажагини айтиб, жўнаб кетди. Ҳамза ака кетгач, мен унинг Ханифа опамга «Алвидо» деб ёзган хайрлашув шеърини ўқиб, эзилиб йиғладим. Ингичка, узун бир варақ қоғознинг орқа-олди шу шеър билан тўла эди. Қани энди шу ишқий туйғуларга тўла шеърнинг бир банди ёдимда бўлса! Афсуслар бўлсин, жаҳл отига минган аммаларим уни йиртиб ташладилар. Эсимда, Ҳамза ака ойимга ҳам бир кичик мактуб қолдириб, унда ойимнинг кўрсатган иззат-ҳурмати, меҳмондорчилиги ва илтифоти учун ташаккур изҳор этган эди.

Бир куни мактабдан келсам, недандир каттик ранжиган ойим менга печкани очиб қарашни буюрди. Ҳамза акадан бизга бир мактуб ва бир неча расмлар келган, аммо кимдир уларни майда-майда қилиб йиртиб, печкага ташлаган экан. Бу ҳам, шубҳасиз, аммамларнинг қилмиши! Қандай даҳшат!!! Йиғлаб, юрагим тўла ғазаб билан ҳамма расм парчаларини йиғдим-да, бир дафтарга териб ёпиштирдим. Биттаси ёдимда. Бу Ҳамза аканинг стулда ўтириб олдирган расми эди. Кейин бу дафтарни ҳам йўқотдим.

Орадан кўп ўтмади. Бир куни қўққисдан паранжида, сачвони Қўқончасига сиртга ташланган, узун камзул кийган, орқаси тўла соч попук, майда ўрилган қўнғир сочли, ўрта бўйли, оппоқдан келган, истараси иссиқ бир хотин кириб келди. Қўлида бўрсукдай тўла, саккиз-тўққиз ойли, оппоқ ўғил бола. Бу Ҳамза аканинг ўғли ва хотини эди. Ханифа опам саросималигини яширолмай, ҳайратдан қотиб қолди. Бувим тагин у бечорани таъналар билан қойишга бошлади. Албатта, меҳмонга сир бермадик, уни мамнуният билан қаршиладик ва илтифот кўрсатдик. Меҳмоннинг бизникида

неча кун бўлгани эсимда йўк, лекин, чамамда, у бир ойдан ортиқроқ турди. Шу вақт ичида у бизга тўппи тикиб, тайёрлашни ўргатди. Ҳамза аканинг хотини очик кўнгил ва чевар аёл эди. Ханифа опамдан бошлаб, ҳаммамиз у билан дўстлашиб қолдик. Ҳамза аканинг отаси бир рус кизини мусулмон қилиб улғайтирган, кейин шоир унга уйланган экан. Унинг исми Зухра бўлиб, бир ракат намозни қанда қилмас, ҳар куни бувим билан барабар беш маҳал намозни ўқир эди. У бувимга жуда ёқиб қолди.

Ўғилчаси Аббос ҳам ёқимли бола эди. Биз уни қўлимиздан қўймай кўтариб, ўйнатиб юрардик. «Эрим тушмагур жаҳонгашта, бир жойда ўтирмайди», деб Зухра опа Қўконга қайтишга қарор қилди. Биз уни жўнатдик.

Ҳамза аканинг каттагина жомадони бўлиб, у турко-на дори-дармонларга лик тўла эди. Отасидан ўрганган бўлса керак, Ҳамза аканинг ўзи ҳам тибдан хийла хабардор эди. «Ойимнинг боши огрияпти» ёки «бувимнинг нафаси сиқяпти», десак, у дарҳол асал ҳиди бурқиган хап дориларни шалдирок қоғозга ўраб, нечүк истеъмол қилмоқни уқдириб берар эди.

60-йиллар эди, шекилли. Ойбекнинг ҳузурига ҳам-зашунос Юсуф Султонов келди. У гоҳо-гоҳо келиб, Ойбекнинг соғлиғидан хабар олиб, суҳбатлашиб кетарди. Бу сафар келганида, у менга икки варақ қоғозни узатди. Бу қоғозларда эса менинг ўша пайтда ёзган икки шеърим бор эди. Юсуф Султонов бу шеърларни Ҳамза аканинг архивида учратган ва мен учун кўчириб олган экан. Буларнинг бири 1917 йил 8 октябрда ёзилган экан:

*Мен ўқимоқни суям,
Меҳримни унга қўям.
Агар илмсиз қолсам,
Яқти жаҳондан тўям.
Менинг ўқув, ёзганим —
Олтин-кумуш қазганим.
Тилак сори учувга
Гўё қанот ёзганим.*

*Бошқага қилмам ҳавас,
Ўқиб ёзам ҳар нафас.
Ўқув-ёзувсиз менга
Гўё жаҳондир қафас.
Ўқув-бизнинг сўзимиз,
Очилғуси кўзимиз.
Жаҳон элига бутун
Қуёш каби юзимиз.*

Иккинчи варақда Ҳамза акага бағишланган шеърим бор эди. (У 1918 йил 8 февралда ёзилган.)

УСТОЗИМ

*Бизнинг учун сиз куйган, Ёпиқ кўзни очдингиз,
Отам шекилли бўлган. Бизнинг учун куйдингиз.
Бизлар гафлатда чоғда, Меҳнатингиз бўш бўлмас,
Бизлар уйқуда чоғда. Роҳатин ҳам кўрарсиз*

Эшитишимга кўра, Хамза аканинг архивида унинг Ханифа опамга ва Ханифа опамнинг унга ёзган шеърий хатлари ҳам бор эмиш. Эҳтимол бир кун келиб, бироқ ёзувчи бу хатларни ўкиб, ўрганар ва бу икки ошиқ-маъшуканинг муҳаббати тўғрисида асар ёзар.

* * *

Инкилоб! Хуррият!! Оқ подшо тахтдан ағдарилди!!! Мен саккиз ёшдаман... Табиий, кўп нарсани тушунмайман. Лекин «Золим подшодан кутулдик, озодликка чиқдик!» деган сўзларни тушунаман. Шу, хуррият эканини биламан. Кўчаларда одам қалин...Кўзларда севинч чакнайди. Гап-сўз кўп, аммо биз, кичкинтойларгина эмас, ҳатто катталар ҳам кўп нарсани тушунмайдилар.

...Домла ва халфа мактабдаги барча ўғил ва киз болаларни сафга териб, тўғри Аҳмад Яссавийнинг макбарасига олиб борди. Хурриятга эришганимиз севинчидан оллога минг дафъа шукурлар, деб ҳаммамиз намоз ўкидик, кимнидир дуо қилдик. (Мен намоз ўқишни яхши билмас эдим, буни бувим ўргатган менга. Бир-икки йилдан кейин эса тузуккина ўрганиб олганман.)

Мен ўша кезларда хуррият бўлганини англашга бир қадар урина бошладим. Бунинг боиси бор эди. Биринчидан, мактабимиз яширин вазиятдан очик ҳолатга ўтди. Биз клубга ўхшаш катта бир хонадан контора билан туташган тузуккина уйга кўчиб, уч-тўрт хонани эгалладик. Кейинроқ эса юқорида айтганимдек, ташқаридаги бундан ҳам янгироқ ва яхшироқ хоналарга кўчиб чиқдик.

Дадам недандир большевиклардан қочиб, бирданига қайгадир кетиб қолди. Тошкентгами, Қўқонгами, — билмайман. Оқлар, қизиллар деган сўзлар халқнинг оғзидан тушмай қолди. Буни ҳам катта-кичик бирортаниз англамаймиз. Бугун қарасак — оқлар келяпти, эртаси эшитсак — қизиллар келяпти.

Бувимнинг олдига маҳалладан кирган эркаклар ун-

дан суюнчи сўрайдилар: гўё дадам Туркистонга ҳоким бўлиб келар эмиш. Биз ҳеч нарсга тушунмаймиз. Намоздан сўнг бувим жойнамоз устидан дарров туриб кетмайди, ёлғиз ўғли ҳақиға дуо қилади ва соатлаб тасбех ўгиради, Аллоҳга сиғинади.

Бизнинг кичик шаҳримизда ҳам инқилоб тўлкини кўпирди. Бева-бечоралар, камбағаллар синиқ кўнгилларида йиллар мобайнида кулфланиб келган орзу-умидлари, яхдай котган муқаддас ҳис-туйғуларининг чайқалганини сездилар. Умри бино бўлиб офтоб томчисини кўрмаган кишилар қоронғи, зим-зиё ҳаётларида алланечук бир мусаффо тонг шафағини фаҳмлаб, рухларида енгиллик туйдилар.

Мен ёшман... Бойнинг қизиман... Лекин «золим подшодан қутулдик», «озодлик», «хуррият» деган сўзларга суюнаман. Халқнинг машаққатдан қовжираган, толиққан сийнасиға теккан умидбахш «хуррият» сўзининг муқаддаслигини тушунаман. Аллақандай бир муаззам кунлар бўсағасида турганимизни сезгандай бўламан. Шу сабабдан мактабга зўр шавқ ила қатнайман. Мактабдаги озодлик, бўғовларнинг узилиши биз, ёшларнинг қалбимизни ярқиратиб юборган.

Подшо таҳдидида бўлган, тез-тез яшириниб, юраги така-пука ўтирадиган муаллимимиз энди бошини кўтариб юради. Чехраси ярқираган, товуши озод янграйди, кўрқишни билмайди, монеликлардан қутулган, дадил қадам ила синфга киради. Муаллимимиз ва халфамиз доимий хавф, таҳликадан қутулганлар. Ҳаммамизнинг руҳимиз кўтаринки. Кунларимиз, дарсларимиз теран маъно, дабдабадор оҳанг ила ўтади.

ОЙБЕК БИЛАН УЧРАШУВ

Мен 15 ёшга тўлдим. Нозиккина қизман, бўйим чўзиляпти.

Кунларнинг бирида ойим, одатдагидай, ўзи ҳам ясаниб, бизларни ҳам ясатиб, бобомникига тўйга олиб борди. Бобомнинг ўғил-қизлари, неваралари кўп; хар куни — тўй... Ташқари ҳовли тўла эркаклар... Ойим паранжида, мен — устимда оврупоча тикилган оқ шохи кўйлак, бошимда панама — ерга қараганимча, қаддимни эгиб, ичкарига шўнғидим.

Шу замон Марайим тоғам ойимни йўлакка чақирди ва агар эртадан бошлаб паранжи ёпинмасам, ўз кўли билан отиб ташлаяжагини айтди. Жуда хафа бўлдим:

дадамнинг бизларни ўз ҳолимизга ташлаб Тошкентда юриши менга кўп алам қилди. Унга узундан-узун мактуб ёздим. Шу қадар маърифатпарвар бўла туриб, бизларни ўйламаслиги гуноҳ эканлиги, агар бизларни Тошкентга ўқишга элтмаса, ўзим кетажагимни қатъият билан баён қилдим, мактубимда.

Билмадим, мактубим таъсир қилдими ёки дадамнинг ўзида ҳам шундай ният етилиб улгурганмиди, кўп вақт ўтмасдан, дадам мени чақиртирди. Мени бир рус эр-хотинга қўшиб, Тошкентга жўнатдилар. Бувим энг яхши тилақларини, ниятларини айтиб, дуода қолди.

Дадам Тошкентдаги машҳур рус мактабининг директори билан гаплашиб қўйган экан. Дарҳол етаклаб борди ва мен 6-синф ўқувчиси сифатида таҳсилни бошлаб юбордим. Бу Пушкин кўчасидаги Пистолоцци номи мактаб эди. Мактабнинг барча жамоаси собиқ гимназия муаллимларидан ташкил топган бўлиб, жуда талабчан эди. Мактабда тартиб-интизом каттиқ йўлга қўйилган. Мендан бошқа 5-синфда икки ўзбек бола ҳам ўқир эди. Буларнинг бири — Абдулла Муродхўжа. У узок вақт мобайнида республика маориф вазири лавозимида хизмат этди. Иккинчи бола — Восе эса, кейинчалик Ленинградда таҳсил кўрди ва 1932 йил охирида кўздан ғойиб бўлди.

Мен Шайхантохурда бир ошнамизникида яшаб ўқирдим. Шу орада дадам Туркистонга кетди ва, кўп ўтмасдан, бутун оиламизни кўчириб келди. У Шайхантохур даҳасидаги Тарновбоши маҳалласининг икки айланма эни бир ярим метр келадиган ҳақиқий бир жин кўчанинг тубкарасида каттагина ховлини ижарага олди.

Ойим ва бувим кенг ховлини, уй-жойларини бизни деб ташлаб келдилар. Қишлоқ ҳўжалигимизда ишлатиладиган даста-даста кетмон ва белкураклар, Германияда ишланган машиналар, беда қирқарлар, қудукдан сув чиқарадиган насослар, катта қозонлар, хумлар, ғалвирлар, ўғурлар, кубини (мойпишар)лар... сонсиз икир-чикир рўзғор буюмлари — бари оғборларда қолди. Моллар эса сотилди.

Ойим, айниқса бувимнинг юраги жизиллаган, ачиган, — мен бунини яхши англайман, — лекин дадам билан бирга яшамоқ учун улар ҳар нарсадан воз кечишга рози. Бизлар эса фақат ўқишни ўйлаймиз, ҳолос, бошқаси ҳаёлимизга қирмайди. Дадамнинг эса қандай ўйлари, фикрлари бор — бунга бизнинг ақлимиз етмайди.

Ўрта Осиёда совет республикалари ташкил этилиб,

ҳозирги Туркистон шаҳри Қозоғистон таркибига ўтгандан сўнг Зулфия дарс бериб юрган мактаб Сартия-қозоқия мактаби деб атала бошлади. Мен шундан бир неча йил илгари Чехов номидаги рус мактабига ўтиб кетган эдим.

Бутун оиламиз Тошкентда йиғилгач, дадам бир куни Шарифа икковимизни Навоий номидаги таълим ва тарбия техникумига олиб борди. Бу техникум Хадрада, ҳозир Аброр Ҳидоятлов номидаги театр жойлашган биннинг нақ қаршисида эди. Техникум ётоғи ва ошхонаси орқада — Саидқаримбойнинг ҳовлисида эди. (Техникумнинг ўрни ҳозир қўчага қўшилиб кетган.)

Техникум мудир Истамбулда таҳсил кўрган Шохид Эсон деган киши бўлиб, у дадамнинг яқин дўсти экан. Дадам кечқурун рус мактабида ўқишимни, бу ерга олиб келишидан мақсад менинг ўзбек адабиёти ва тарихидан саводсиз қолмаслигим эканлигини тушунтиргач, мудир билан маслаҳатлашиб, Шарифани 3-тайёрлов синфига, мени эса 1 ва 2-асос синфларга жойлади; мен фақат тарих, фалсафа ва адабиёт дарсларига қатнашадиган бўлдим. Техникумда уч тайёрлов ва уч асос синфлар бор эди.

Биздан сўнг ушбу техникумда танишлардан тўрт киз ўқишни бошлади. Лекин улар, кўп ўтмасдан, бошқа мактабларга ўтиб кетишди; биз яна Шарифа икковимиз қолдик.

Ҳар куни эрталаб техникумга борамиз. Ўқишдан кейин Баланд мачитдаги мусиқа техникумида мен танбур ва пианинодан, Шарифа эса дутор ва пианинодан дарс оламиз. Мен ҳафтада икки-уч марта пионерлар саройидаги расм студиясида ҳам сабоқ оламан. Кечқурун соат тўртдан эса Пистолоцци мактабига бораман. Булар ҳаммаси фақат ўзимнинггина эмас, дадамнинг истаги билан ҳам рўй бермоқда эди.

Мусиқага қобилятим бўлмаганидан, бир йилча давом этган таҳсилдан сўнг, уни ташлашга мажбур бўлдим. Аммо мусиқанинг хиссиётим, руҳим, ҳаёлотим дунёсининг тёранланиши, нозикланишига бир қадар ёрдами бўлгандир, деб ўйлайман.

Шарифанинг мусиқий қобиляти ниҳоят зўр эди. У дутор бўйича ҳам, пианино бўйича ҳам мусиқа техникумини аъло баҳолар билан тугатди. Дуторни эса жуда гўзал чаладиган бўлди.

Биз Туркистонда эканимизда, 1921—1922 йилларда дадам Носирхўжа эшон деган бир чол машшоқни ча-

киртириб, бизга дутор, танбур ўргатишни илтимос қилган эди. У ҳар куни окшом чоғида келарди. Ойим, бувим, ҳаммамиз ҳар вақт бувимнинг чорҳари уйида ўтирардик. Шунинг учун ҳам бу уйнинг тўртдан бирини парда билан беркитиб, шу чорак саҳнда Носирхўжа домла билан машқ ўтказар эдик. Шарифани кичкина деб эътиборга олмасдик шекилли, фақат Зулфия икковимиз дарс олиб, танбурни ўргандик. Носирхўжа домла яхши қўшиқ ҳам айтарди. У замонлар радио йўқ, телевизор йўқ, мусиқа ва ашула барчага тансиқ, шунинг учун ҳам ойим ва бувим роҳат қилиб эшитар эдилар.

1932 йили Шарифа дадам билан Тошкентга бориб, дадамнинг бир ошнасиникида бир ой туриб қайтди. Шунда у дуторчи қўшни келиндан дутор чалишни ўрганибди. Шарифа дуторни шундай яхши чаладиган бўлган эдики, унинг бир ой ичида эришган муваффақияти бизнинг икки йиллик меҳнатимизни бутунлай йўққа чиқарган эди. Шундан сўнг мен мусиқага истеъдодим йўқлигини англаган эдим. Аммо Тошкентга келгач, тагин дадамнинг раъйини қайтаролмай, бир йилча мусикадан дарс олдим. Айни пайтда расм студиясига ҳам қатнашда давом этдим. Муаллимимиз атоқли портретист Николай Розин кекса киши бўлиб, машҳур рус рассоми Репиннинг шогирди эди.

* * *

1924 йилнинг кузи. Таълим ва тарбия техникумида Эсон афанди мантиқдан, Иброҳим афанди эса ижтимоиятдан дарс берардилар. Иброҳим афанди ёлғиз, ғариб бир одам эди. У турк, Эсон афанди билан бирга Туркиядан келган. Мен уни жуда ҳурмат қилардим. Унинг ҳам менга муносабати яхши эди. Мен улар орқасидан эргашиб, биринчи ва иккинчи асос синфларда дарс тинглар эдим. Улардан ташқари, Степанов деган бир рус муаллими ҳам бор. Ғоят пакана, юмалок, ўзбекчани яхши билган бу киши табиатдан дарс берар эди. У мени яхши кўрарди. «Юр, қизим, менинг дарсимни ҳам эшит», дер ва мен-унга ҳам эргашар эдим. У дарсни мароқли ўтарди; унинг дарсларини яхши кўриб тинглардим. Горьянов деган муаллим эса рус тили ва адабиётидан дарс берарди. Баланд бўйли, семиз, қорни катта, жуда мулойим, шўх киши эди у. Сўнгги йилларда уни САГУда кўрардим. Учрашганимиздан икковимиз ҳам хурсанд, узок гаплашиб қолар эдик.

Техникумда Ойбек ҳам ўқир эди. У 3-асос синфда. Бу сўнги синфда 12 бола — Маҳмуд Ҳақимов, Абдурахим Шамсиев, Миркарим Осим, Олтой Салоҳиддинов, Хомил Ёқубов, Саидвали Шарафиддинов, Муксид Қориев, Темучин, Азиз Максудов, Ғалча (исмини унутдим), Маннон ва Ойбек таҳсил кўрардилар. Уларнинг барчаси — бўйлари чўзилган йигитчалар. Мен улардан уялар ва улар қатнашаётган дарсларга кирмасликка тиришар эдим. Лекин баъзан Степанов мени қўярда қўймай сургаб қоларди, рад этишни одобсизлик, деб қиришга мажбур бўлардим.

Ойбек ориқ ва новча йигит бўлиб, қўнғир қиврок қалин сочлари дўпписидан тошиб турарди. (Унинг сочлари кейин қорая бошлаган.) Йирик кўзлари шогирдлик давридаёқ теран маъноли ва хаёлчан эди.

1924 йил Октябрь байрами арафасида биз мактабнинг кичик бир залини ясатишга киришдик. Мен Фузулий ва Навоий расмларини уйда қора қалам билан катта қилиб ясадим; кейин уларни зал деворларига осдим. Мен ўриндикда тик туриб, сахна пардасига ниманидир тикиб ёпиштирар эканман, шу пайт ёнимда Ойбек пайдо бўлди.

— Опа, тугмам узилипти, тикиб беринг, — деди у.

Мен нима жавоб қилишни билмай, бир лаҳза қотиб қолдим. «Ечиб беринг», десам, «бошқа қўйлагим йўқ», дейиши ёки қаршимда яланғоч қолиши ҳеч гап эмас. Шундай фикрлар қуюнидан гангидим-да, ўриндикда тик турганим ҳолда энгашиб, ёқа тугмасини қадай бошладим. Икковимиз ҳам уялган эдик шекилли, бир-биримизнинг юзимизга қарай олмай, фақат нафасимиз ҳароратини сезиб турдик.

Мен шу кезларда жуда ёш эдим, эндигина ўн олтига тўлганман; Ойбекдан ва унинг дўстларидан четланиб юришга тиришардим. Ойбек «Тонг юлдузи» деворий газетамизнинг муҳаррири эди. У баъзан йўлимни тўсар, бирор нарса ёзиб беришим ёки газетага расм солишимни сўрар, мен ҳам бир-икки марта ниманидир ёзиб берган эдим, чамаси. У бир куни шеърга лиқ тўла, қалингина, сариқ муковали дафтарни қўлимга тутқазди-да, шеърларнинг боши ва охирига кичик-кичик расмлар чизиб беришимни сўради. Йўқ дея олмай, уйга олиб кетдим. Энг нозик мўйқалам ва акварель бўёқлар ила расмлар чиздим: кичик новда устида қуш қўнган, сайраяпти; иккинчи саҳифада — гулга учиб келаётган қуш, узоқда эса устида бир парча оқ булут сузган тоғ

чўққиси. Ўз завқимга мувофик нозик кичик расмлар ила дафтар саҳифаларини безашга уриндим.

Мақтабга кетганимда, дафтар иш столимда қолган экан, дадам уни варақлабди.

— Кимники? — сўради у мендан.

Мен жавоб қилдим, албатта.

— Бармоғини тишлаб, хаёл билан ерга қараб юрадиган бир болани кўрардим, техникум ҳовлисида. Ўша Ойбекми? — сўради тағин у.

— Ҳа, — дедим.

Билмадим, неларни ўйлади, дадам.

Бу дафтар ҳозир Ойбек архивида йўқ. Жуда ачинаман. Ойбек 1927 йилда Ленинградга таҳсил олиш учун кетганда, уни сақлаш учун синглисига топширган; синглиси Шафоатни эса 1928 йили эрга берганлар. У ўзининг сандикчасида бу дафтарни ҳам олиб кетган ва йўқотган. Ниҳоятда ачинаман. Ойбекнинг аксар болалик чоғи шеърлари ҳеч бир ерда босилмаган эди.

Бизнинг кўчада яшовчи Тожиҳон исмли қиз техникумнинг 1-асос синфида жуда оз вақт ўқиди. У паранжида юрарди. Кўп ўтмасдан, билмадим, не сабабдан, техникумни тарк этди. Бир куни ўқишдан қайтар эканман, у билан учрашиб қолдим. У эртаси, жума куни бир-икки ўртоқлари уйига келажагини айтиб, мени ҳам таклиф этди.

Мен Тожи опаникида дорилмуаллимот — қизлар билим юртининг талабалари ва унча-мунча саводли ёш хонимлар мажлиси устидан чиқдим. Мен кирганимда, мажлис очилган ва давом этаётгани сабабли унинг иштирокчилари билан мажлис тугагандан кейингина танишдим. Мажлис бир хонимнинг раислиги, иккинчисининг котиблиги остида ўтди. Келажак жумаларда бўладиган мажлисларнинг кун тартиблари тузилди ва тасдиқ этилди. Адабиёт, ижтимоиёт, кўнгил очув, овқат бўлимлари белгиланди. Мажлис ўтказиш учун соат 12 дан 5 га қадар бўлган вақт тайин этилди. Истаги бўлган ҳар бир хотин-қизни тўдамизга қабул этиш, турли ижтимоий мавзуларда лекциялар ўқиш, газета ва журнал материаллари билан танишиб бориш ҳақида, умуман, бу тўдамиз хотин-қизларга йўлбошчилик қилсин, деган қарорларни қабул этдик ва унга «Ёш куч» исмини бердик. «Ёш куч» тўдасига Зулфия икковимиз ҳам аъзо бўлдик. 30 га яқин қизлар ва ёш жувонлар тўгаракка аъзо бўлиб кирдилар.

Бир жума бизнинг ҳовлимизда йиғилдик.

Раисликни кўпинча Хосият Тиллахонова адо этар эди. Ўрта бўйли, қомати жуда келишган, қорачадан келган, ғоят гўзал аёл эди у. Хосият опа биринчи бўлиб паранжисини ташлади. Мен унинг байрам минбарларида кизгин нутқлар сўзлаганини ҳам эшитганман. Афсуски, жуда ёш вафот этиб кетган.

Шоир Элбекнинг хотини Мубораххон ҳам баланд бўйли, сочини елкадан кесган, пианинода чиройли чаладиган гўзал хотин эди. Мулойим табиатли Элбек уни севарди; улар иноқ ва яхши яшардилар. Ойдин эса паранжида юрарди, у бувиси кўлида яшарди. Бувиси ғоят диндор, мутаассиб кампир эди.

Дастуримизда «Янги йўл» газетасида иштирок этиш масаласи ҳам бор эди. Ойдин «Ёш куч»дан умидимиз зўр» деган шеърлар ёзди; мен ҳам «Янги йўл»га бағишлаб узундан-уzun бир шеър ёзган эдим. Босилиб чиққанидан сўнг бемазалигини билдим.

Шу куннинг эртаси Ленин кўчасида мактабдан қайтар эканман, Ойбек орқамдан қувиб етди:

— Сизни биринчи кўрганимда, кўзларингизга қараб, «Бу қиз — шоира», деган эдим, адашмабман, — деди у.

Мен уялиб кетдим. Ойбек шеърнинг, агар шундай дейиш мумкин бўлса, бир-икки бандини ёддан ўкиб берди.

У шеърни ўқир экан, ер ёрилмади, мен унга кирмадим; бу шу қадар ғариб сатрлар эди...

* * *

Бизнинг техникумимизни Янги шаҳарга, Ленин кўчаси (ҳозир Буюк Турон кўчаси)га, собиқ Пионерлар саройи қаршисидаги бинога кўчирдилар. Мен техникумдан чиқиб, расм студиясида бир неча соат машғул бўламан, сўнг «Пистолоцци»га бораман. Ойбек баъзан «Пистолоцци» эшиги олдида мени кутиб турар, баъзан Инқилоб хиёбони (ҳозир Амир Темур хиёбони — *муҳаррир*)даги бирор скамейкада китобми, газетами ўкиб ўтирар ва трамвайга қадар кузатиб борарди. Мен ҳар куни бу хиёбон оша Карл Маркс кўчасидан ўтиб, Ленин кўчасидаги техникум олдида трамвайга тушардим. У гапни узмай, хайрлашар экан, қўлимни сиқади ва эртаси тагин йўлимни тўсади:

— Ҳар кун учраяпман, жаҳлингиз чикмасин, — деди у.

— Йўғе, ишим нима? Юргандирсиз-да, — дейман, гўё ҳеч нарса сезмагандек.

— Кеча сизни уч соат кутдим. Йўликамиз, деб умид қилгандим — ўтмадингиз.

Билмадим, не жавоб қилдим. Энди деярли ҳар куни бир-биримиз билан учрашамиз. Сўйлаша-сўйлаша трамвайга етамиз; қўлим унинг қўлида, қўйиб юборишни истамайди.

Бизнинг бирлигимиз шундан, қўлларимиз хароратининг бирлашувидан бошланган.

1925 йилнинг май ойида Ойбек техникумни тугатди. Гоят катта тўй ясадилар. Шаҳардаги кўпгина идора ва жамиятлар ўн икки талабани бошдан-оёқ кийинтириб, уларга даста-даста китобларни ҳадя қилдилар. Техникум ховлисида катта зиёфат берилди. Хоналарнинг бирида эса талабаларнинг оналарини меҳмон қилдик. Мен чой ташиб, ош ташиб, югуриб елдим. Шу куни биринчи дафъа Ойбекнинг она ва дадасини кўрдим.

Шу кезларда недандир мудиримиз Шохид Эсон ишдан олиниб, Акбар Аскарий техникумга мудир этиб тайинланди.

* * *

1925 йилнинг ёзги таътил чоғларида бувим билан Туркистонга бордим. Ўша сафар кезларида мойли бўёқлар билан Аҳмад Яссавий мақбарасининг олди, орқаси ва икки ён тарафини тасвирловчи расмлар чиздим. Шулардан бири, мақбаранинг ён кўриниши акс эттирилган расм ҳозир ҳам сақланиб қолган. У ҳозир Ойбек уй-музейида осифлиқ турибди.

Бу расм 30-йилларда рассом Волков бошчилигидаги ташкилий комитет томонидан кўргазма учун танлаб олинган ва намойиш этилган. Бу кўргазмани томоша қилган бир немис сайёҳи уни сотиб олмоқни истаган, аммо дадам рухсат бермаган. (Расм кўргазма проспектида ҳам қайд этилган.)

Мен Туркистоннинг Иқон кўчасида жойлашган қабристондаги кичик бир мақбаранинг расмини ҳам чизган эдим. Тоғам Мирзараҳим «Бу қабристонга онам дафн этилган, менга бер», деб олиб кетган. Бу қабристонда Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг қизи — Робия Султон бегимнинг ҳам қабри бор эди.

Туркистондан уч-тўрт расмни кўтариб, студияга келганимда, талабалар атрофимни ўраб олдилар. Му-

аллим Яссавий макбарасининг ён кўриниши тасвир этилган расмни неча кун мобайнида ишлаганимни сўради. Мен уч кун давомида икки соатдан вақт сарф этганимни айтдим. У кулиб, шу биргина расм устида камида ўн беш кун ишламоқ лозимлигини айтди.

Мен шундай сабрсиз бўлганлигим сабабли мендан рассом чиқмаган бўлса, ажаб эмас.

1925 йил кузида техникум муаллимлари менга «Пистолоцци»ни бутунлай тарк этмоқни ва техникумнинг 3-асос синфида ўқишимни маслаҳат бердилар. Мен, албатта, рози бўлдим. Ҳар куни дарсдан сўнг, ётоқхона болалари билан овкатлангач, расм студиясига қатнаб турдим.

* * *

...Дадам ширкатни йиғиштириб қўйганига кўп вақт бўлди. У энди Марғилондан шойи тўқувчи икки устани олиб келди ва ташқари ҳовлига икки дўкон қурдирди.

Шу йилларда тошкентлик машҳур жадидлардан бири Мунаввар қори дадамнинг олдига тез-тез кириб турарди. У кичикрок бўйли, кенг елкали, оқ юзли, калта қора соқолли, вазмин ва мулойим киши эди. У ўзининг ҳовлисида жадид мактаби ташкил этган ва ўзи ҳам муаллимлик қиларди. Ақлли, маорифпарвар бу сиймо ўзбек зиёлиларининг суюкли раҳбари бўлгани учун унинг шарафига қўшиқлар тўкилган ва қуйланган.

Кунларнинг бирида шоир Чўлпон ҳам дадам ҳузурида меҳмон бўлди.

Биз, Туркистондан келиб, Тошкентда таҳсилда бўлган барча талабалар, суратга тушган эдик. Бу сурат орқасига — Шарифа бўлса керак — Чўлпоннинг «Гўзал Фарғона» шеърини ёзиб қўйган ва советлар давридаги бир санани қайд этган экан. Дадам суратни тоқчадан олиб, Чўлпонга кўрсатган. У, эҳтимол, кўрқиб кетганидан «Йили ундоқ эмас, мундоқ» деб, инкилобдан олдинги бир санани қўйган ва шу ондаёқ бир варақ қоғозга шеър ёзган. Дадам бу шеърни менга берган; у менинг кундалик дафтарим ичида ҳамон сақланади:

Азиз синглим, меним кўнглим тентақдир.

Шунинг учун умрим бутун эртақдир.

Эртақ эмас, бир ярамас ҳаёл, денг.

Маним учун, таним учун малол, денг.

Ҳаёл эмас, малол эмас, бу бир туш.

Ҳар нафасни, шу бир пасни унутиш.
Унутамен, йўқ этамен ўзимни,
Ҳеч билмаймен ўзим айтган сўзимни.

Мен бу шеърга жавоб ёзганман. Лекин уни ўзимдан бошқа бирор кимса кўрмаган. Зеро, мен унча-мунча ёзиб-чизиб юрган нарсаларимни бировга кўрсатишдан уялар эдим. Ушбу шеър бундай сатрлар билан бошланар эди:

Азиз оға,
Шоир оға,
Ҳар сўзингга
Мен садоға.

Хаёлингнинг
Хазинаси
Бўлсин омон.
Азиз оға,
Ҳар сўзингга
Мен садоға.

Асрларнинг
Довули ҳам
Емирмайди
Сенинг сўзинг.
Ёш йигитлар
Қўшиғида
Жаранглайди
Сенинг сўзинг

Булбулларинг
Қўшиғида
Мангу яшар
Сенинг сўзинг.

Бўғинларнинг
Юрагида
Мангу қолар
Сенинг сўзинг.

Сулув қизлар
Ёрларининг
Белбоғига
Қашта қилур
Сенинг сўзинг.

Азиз оға,
Жоним оға,
Ҳар сўзингга
Мен садоға.

Дадам кечкурун Чўлпонни ичкарига бошлаб кирди. Мени чақириб таништиргач, кўрпа солишни буюрди. Уйнинг ўртасига калин жой таёрладим.

Бу менинг Абдулҳамид акани биринчи дафъа кўришим эди. Баланд бўйли, йирик гавдали, устида ўзига ярашган фарғонача янги сиртма тўн, бошида катта сувсар телпак...

Дадам девордаги Аҳмад Яссавий макбараси расмини кўрсатиб, бу расмни мен ишлаганим ҳақида гапирар экан:

— Жуда гўзал ишланган. Бу кизни Германияга ўқишга юбормок лозим, — деди Чўлпон.

— Менинг ҳам шундай орзу-умидим бор, — кулим-сиради дадам.

Яхшики, Чўлпоннинг истаги ҳам, дадамнинг орзуси ҳам ушалмади. Акс ҳолда мен ҳаётимнинг бирдан-бир маъноси ва безағи бўлган Ойбек билан учрашмаган ва шундай суюкли тўрт фарзанднинг онаси бўлмаган бўлардим.

СИНГОР ИСИРҒА

1925 йилнинг эрта баҳори. Ўқишдан сўнг синфда дарс тайёрлаб ўтирган эдим, ёнимда Ойбек пайдо бўлди. У бир оз сўзлашгач:

— Сизга биров бериб юборди, — деб тахланган бир варақ қоғозни узатди.

— Ким бериб юборди? — сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Биров, — кизарди у.

— Кимданлигини айтмасангиз, олмайман...

— Ўзимдан, — деди у, ниҳоят.

— Нима ёзгансиз?

— Олинг. Ўқиб биласиз. Фақат менинг олдимда ўқиманг.

— Майли.

Мен хатни олдим, лекин ўзим ҳам унинг олдида ўқишдан чўчидим. Ойбек чиқиб кетгач, хатга кўз югуртирар-югуртирмас, бирдан калтираб кетдим. Сўнг шоша-пиша китобларимдан бирининг орасига сукдим-да, «Пистолоцци»га югурдим.

Синфга кирдим. Ҳали вақтли эди. Шошилиб ўқий бошладим.

(Мен ҳозир ушбу сатрларни кундалик дафтаримга қараб ёзаяпман. Уша хатдаги шеърни қайта-қайта ўқиганман. Шунинг учун ҳам, уни ёдимда қолган, деб ўйлар эдим. Аммо шеърнинг уч-тўрт сатри хотирамдан кўтарилган экан. Ҳозир уни яна ўқир эканман, юрагимни алланечук ёқимли ҳислар тўлдириб юборди.) Хатда куйидаги сатрлар бор эди:

*Савдонинг ипаги қалбим ўради,
Рухимда булбуллар дард-ла йиғлади,
Севгилим, ҳаёлинг мангу боғлади,
Шу ўқсиз кўнглимга нега боқмадинг?..*

*Хаёллар уфқимда гўзал юлдузим,
Қўрмасам дард сочар қонли кўзларим.
Энди боқ менга, эй оташин шеърим,
Шу ўқсиз руҳимга нега кулмадинг?..*

Агар бу сатрларни бошқа бирор йигит ёзган бўлса, албатта, жаҳлим чиққан бўларди ёки уларга лоқайд қолиб, мутлако эътибор бермаган бўлардим. Аммо Ойбекнинг бу шеърини суюна-суюна ўқидим.

Эртаси у техникум йўлагига менга яна рўбарў келди:

— Мактубимга жавоб ёзмадингизми? Қутаман.

— Мактубни ўзингизга қайтариб бермоқчи эдим. Мен бундай хатларга жавоб ёзишни ўзимга эп кўрмайман. Ёзманг!

— Унда ортиқча ҳеч гап йўқ эди. Нега хафа бўлдингиз?

— Мана, олинг, — узатдим мен қоғозни.

— Йиртиб ташланг, — Ойбекнинг жаҳли чиқди. — Эҳтимол мени одобсиз, безори, деб ўйлагандирсиз?!

— Шундай чиройли ёзилган шеърни йиртиб ташлашга қўлим бормаиди, — бир оз пастга тушдим. — Ўзингиз сақланг, уни. Мен бундай хатларни ўқишга ҳам, сақлашга ҳам уяламан.

— Ундай бўлса, бирор ерга ташланг.

— Гуноҳ бўлади, — қўлига тутқаздим хатни.

Аслида мен бу шеърга аллақачон жавоб ёзган эдим. Лекин уят ўлимдан оғир деганларидек, уни Ойбекка ҳеч қачон кўрсата олмасдим. Мана, ўша жавоб шеър:

*Савдонинг ипаги қалбинг ўраса,
Рухингда булбуллар дард-ла йиғласа,
Айтма ҳеч менга, кўнглим сезмасин,
Савдоларга сира ошно бўлмасин.*

*Хаёллар уфқига боқувчи ўртоқ,
Сўйлама хаёлдан, мен ундан қўрқоқ.
Сен каби кўзларим дардлар сочмасин,
Қалбимда савдолар чечак очмасин.*

Ойбек шеърининг учинчи-тўртинчи сатрлари дастлаб хийла ўзгача эди. У кейинчалик бу сатрларни қайта кўриб чиқди. Аммо бу шеърдан унинг кўнгли тўлмаган, шунинг учун ҳам «Жуда суюқ ёзилган, шеър эмас», деб кулган эди. Лекин мен учун унинг бу биринчи шеърини хати жуда азиз ва кадрлидир.

Шу йилларда оиламиз бошига оғир кулфат тушди. 1926 йилнинг кўклам кунларида дадам собик мухтори-ятчиларни ҳибс олиш бошланганида, Туркистонга қочиб кетаётган экан шекилли, унинг орқасига қўйилган чекистлар дадамни поездда ушлаб, тўғри Тошкентга, ГПУга олиб келганлар. Биз — бувим, ойим ва беш қиз ёлғиз ўзимиз қолдик.

Туркистонлик кариндошимиз Эламаснинг ўпқаси соғ бўлмаса керак, каттик шамоллади-да, ранги саргайиб, хаста ҳолда юрди. У Туркистонни, кенг далаларни соғинар эди. Бувимга, «Юринг, икковимиз кетайлик Туркистонга. Ўзим деҳқончилик қиламан. Кучим етадир, соғайиб ҳам кетаман», деб ялинар эди. Эламас ўзининг сўнги кунлари яқинлашганини сезар ва шу туфайли Туркистонга талпинар эди. Лекин бизнинг ҳаммамиз дадамнинг ташвиши билан яшардик. Эсхушимиз фақат дадамда эди. Ҳафтада икки марта унга овқат элтамиз. Шарифа, мен, Олим (тоғамнинг ўғли, бизникида яшаб ўқирди) навбатлашиб ГПУ эшигида ўтирамиз. Берган овқат ва кийимларни, шунингдек, дадамнинг қайтарганларини бирма-бир тинтиб, текшириб ўтказганларича кеч бўлади. Чекистлар канчалик хушёрлик кўрсатмасин, барибир йўлини топамиз. Дадам кийимларининг қалин чокларига папирос қоғозига майда ёзилган хатларни жойлаб чиқаради. Биз ҳам шу йўсинда жавоб қайтарамиз. Кундан-кунга тажрибамиз ортади.

Дадамнинг ётган хонаси кўча юзида, ертўлада; деразасининг ярми орқали у бизни кўра олади. Биз фақат дадамнинг товушини эшитамиз, холос. Қоровул кўлида милтик тутгани ҳолда нари бери юриб туради. Биз пойлаб туриб, у орқага қайрилганда, дераза олди-га ўтиб оламиз ва бир-икки оғиз сўзлашувга улгураамиз.

Дадам билан бир хонада Шаҳобиддин эшон ҳам ётган. Унинг отаси машхур эшонлардан бўлган. Шаҳобиддин эшон ўрта яшар, баланд бўйли, ниҳоят келишган қоматли, чиройли, сокол-мўйлови қоп-қора киши эди. У Ойбекнинг синфдоши Миркарим Осимни ўзи билан бирга Туркияга олиб кетмоқчи бўлган. Кавказда уларни чегарадан ўтказишга ваъда қилган одам ёрдамида кўлга туширганлар. (Миркарим шу пайтда бошқа бир хонада ўтирган бўлса керак.)

Мен баъзан дераза олдидан ўтар эканман, эшон

«Зарифахон», дея чакирар, ертўладан унинг ёқимли овози жаранглаб эшитилар эди. Эшон бир йил чамаси ётдими-йўқми, кейин озод қилинди. Аммо дадам узоқ ётиб қолди. Мен Шаҳобиддин эшоннинг уйини суриштириб, топиб бордим. У Эски шаҳардаги катта боғ-ховлида яшар экан. Шунда мен уни биринчи дафъа кўрдим. Ташқари-ичкари эшонни қутлаш ва зиёрат қилиш учун келган одамлар билан тўла; тўй-хурсандчилик авжида эди — жуда хавасим келди. У мени хуш чехра, хуш муомила ила қарши олиб, хийла тасалли берди. Кейин у мактабларда муаллимлик қилиб юрди. (Жуғрофиядан дарс берарди, шекилли.) У кимгадир: «Кўр хассасини бир марта йўқотади», — деган. Бу гапни эшитганимда, унга ортик эътибор бермаганман, кейин англадим. У ўз юртидан қочиш ниятини тарк этмаган экан. Ахийри, бир амаллаб қочди. Уни Қашкарда яшайпти, деб эшитдим.

* * *

Бизнинг техникумдаги тўрт-беш нафар қизларнинг бари ўқишни тугатмасдан тарқалиб кетишди. Шарифарус мактабига ўтди. Мен сўнгги 3-асос синфда — битириш олдидаман.

Ойбек гарчанд Ўрта Осиё давлат дорилфунунининг иқтисод факультетида таҳсил кўра бошлаган бўлса ҳам техникум ётоғида истиқомат қилди. У шу даврда бизнинг синфга, аниқроғи, менинг олдимга кўп кириб турар эди. Синфдошларим Ойбекнинг менга бўлган муносабатидан хабардор эканлар. Шунинг учун ҳам у танаффус чоғида синфга кириб қолгудек бўлса, улар дархол чиқиб кетар, сўнг эшик тиркишидан, қулф тешигидан мўралар эканлар.

Ойбек партамга ўтириб олиб, менга тикилганича сўзлар, менинг на чиқиб, на қочиб кетишимга имкон бермас, қўлларимни ушлаганча сиқиб ўтирар эди. Мен жуда уялар, «Студияга кечикяпман», деб базўр қутулар эдим, ундан.

Бир куни синфда йўқ эканман, партамнинг тахтасини кўтариб, тагига: «Чиндан севаман, юракдан севаман», деб йирик ҳарфлар билан ёзиб кетибди.

Бошқа бир куни эса синфдан чиқиш учун эшик томон икки қадам ташлаганимда, унинг шамолдай қириб келганини сезмай ҳам қолдим. У елкаларимни қучиб, бағрига босаркан, қўрқиб кетдим.

— Уят-ку, ахир! Нима қияпсиз ўзи? Кўчадагилар кўрса, мени ёмон қиз, деб ўйламайдиларми? — хафаландим мен, деразага ишора қилиб, сўнг ўтина бошладим. — Ўтинаман, тегманг менга.

Хар куни мактабдан сўнг дадамнинг деразаси олди-дан бир дафъа ўтаман. Баъзан ёнимда Ойбек ҳам бўлади. «Дадамдан уяламан, мен билан ёнма-ён юрманг», — десам, «Майли, даданг ҳам кўрсин», — дейди. Ойбек: «Севаман сени, ҳар дақиқа хаёлимда фақат сен яшайсан! Нега мендан қочасан?» — деб таъна қилади. Мен бўлсам: «Ҳали ёшман, бундай гапларга тушунмайман», — дейман уялиб. У хафа бўлади; «Хиёбонларда озгина айланайлик», — дейди. Мен кўнмайман. У яна хафа бўлади. «Юр, суратга тушайлик», — дейди суратхона ёнидан ўтар экан. Мен: «Уят бўлади-я, кўйинг», — дейман, холос. У яна ва яна хафа бўлади.

Кунларнинг бирида муаллимимиз Иброҳим афанди бир кимса билан кўчада гаплашиб турар эди. Ўткинчи одамлар ҳам оз эмас. Шу пайт Ойбек пайдо бўлиб, кутилмаганда мени ўз бағрига олди.

— Кўйиб юборинг! Уят бўлади! — мен типирчилаб, унинг кучоғидан қутуламан.

— Соғиндим, қаттиқ соғиндим, Зарифа! Кўргим келди, сени! Сен бўлсанг, шунчалар бепарво!.. — дейди у ҳаяжонланиб.

— Ешлигимни ўйламайсиз.., — сўз бошлашим билан у гапимни бўлади:

— Ешликдан бошланган севги ҳам кучли, ҳам эзгу, ҳам абадий бўлади! — У шундай дейди-ю, юзимни икки кўлининг орасига олади. — Кўзларингни кўрсат! Кўзларинг учқунидан кўнглингни ўқий!

— Кўнглимда не бўлса, бари тилимда. Мен мактаб қизиман!.. Уят бўлади!.. — дейман юзимни унинг кўлларидан бўшатиб...

Ўша кезларда Ойбек билан менинг ўртамадаги суҳбатлар шу тарзда кечар эди.

Техникумдаги дарсларнинг аксари мароқли ўтарди. Муаллимлар талабаларда мустақил фикрлаш малакасини ҳосил қилиш учун турли тадбирларни ўтказар эдилар. Едимда, бир куни синфда «Қимёнинг хўжалик ишларидаги аҳамияти» деган мавзуда маъруза қилдим. Бу кимёдан биринчи маърузам эди. Таълим-тарбия масалалари бўйича ҳам бир неча бор маъруза қилганман. Буқунги маърузам ярим соатча давом этди. Хийла

кўп тайёрландим, журналлар кўрдим, режа туздим. Маърузадан сўнг тушган саволларга жавоб бердим. Кимё муаллимимиз Шафферштейн ховлиқмагина одам бўлса ҳам, дарсни қизиқарли олиб борар эди, биз ҳам берилиб тинглардик. «Яхши! Энг керакли нукталарнинг барини айтдингиз», — деди у.

Астрономия муаллими бизга ҳали нурлари келиб етмаган юлдузлар борлигини сўзларди. Қизик, агар нур секундига 300000 км йўл босиб ўтса, у юлдузлар ердан қандай масофада олисда экан? Эҳтимол у нур бизнинг сайёрамиз яратилишидан анча аввал сафарга чиққан ва ҳали ҳам йўлдадир? Демак, фазонинг чеки йўқ... «Эй менинг ҳаёлим, — дедим ўзимга, — ойдан, қуёшдан, юлдузлардан ҳам юксакларга уч! Ахир фазонинг чеки йўқ!!»

Мен таълим-тарбия дарсини айниқса севардим. Таълим-тарбия бўйича муаллимимиз Богославскийнинг ҳам менга муносабати яхши эди, лекин у қизларнинг нуқсонларини бўртдириб кўрсатишга тиришар эди. Унинг ўйлашича, қизлар ҳамиша йигитлар ҳақидагина гапиришар эмиш. Мен бундай гапларни эшитиб, жаҳлим чиқар эди.

Бир куни у: «Қизлар ақл жиҳатидан тубан турадилар. Машҳур риёзйон Софья Ковалевская ҳам бунга икром бўлган. Улар нечоғлик тиришсалар-да, эрлардан ўта олмайдилар», — деди. Мен муаллимларга гап қайтаришни гуноҳ, деб ўйлар эдим. Шунинг учун ҳам Богославскийнинг бояги сўзларига ичимдагина қарши чикдим. Жаҳлим чиққанининг яна бир сабаби шунда эдики, гўё қизлар билан эр болаларни бирга ўқитиб бўлмас эмиш. Қизлар дарсни тез англай олмас, эр болаларнинг фикри эса уларникидан югурик бўлармиш. Мутаассиб муаллимимизнинг бу қарашлари ҳақиқатга тўғри келмас эди, албатта! Агар мен синфда якка-ю ёлғиз қиз бўлсам ҳам, ўғил болалар орасида Т.З. сингари ҳафтафаҳм талабалар оз эмаслигини билар эдим.

* * *

...Бугун дадамга овқат олиб бордик. Дадамдан эса бир хат олдик. Севинч кўнглимдан тошади, тезроқ ўқиғали шошаман:

«Мен учун ортиқ хафа бўлманглар, ширкат ишлари хусусидан камалганман. Уйдагилар уй иши билан,

бошкаларинг ўқишларинг ила машғул бўлаверинглар», деб ёзган экан, дадам.

Менинг расм студиясига боришим лозим эди. Лекин хатни тезроқ уйга элтиб, бувим, ойимларни тинчлантириб, сўнг студияга қайтмоқчи бўлдим. Ойим билан бувим роса суюндилар. Мен чойни нари-бери ичгач, студияга жўнадим.

Ўша кунни студияда яхшигина ишладим. Қоронғи тушиб, чироқлар ёкилгач, бўёқларни йиғиб, мўйқаламларни ювдим. Сўнг кўчага отилдим. Йўлда қаршимдан Ойбек чикди:

— Ҳа, Зарифа, қаердан? — сўради у.

— Студиядан.

Биз бир неча кундан бери учрашмаган эдик. Шунинг учун ҳам турли мавзулар атрофида сухбат бўлиб ўтгач, сўради:

— Таржимани бермадинг-а?..

Мен қайси бир журналда босилган «Атом учун кураш» деган илмий-фантастик ҳикояни таржима қилган ва ундан кўриб беришни сўраган эдим.

— Ёнимда олиб юрган эдим, сизни учратмадим, — жавоб қилдим мен.

— Ҳозир борми?

— Йўқ, уйда қолдирганман.

— Қачон олишим мумкин?

— Билмадим, яна учрашиб қолармиз.

— Уйимга келтирарсан, деб ўйлаган эдим. Нега олиб келмадинг? Уйимга келсанг, нима бўлади? Нега келмайсан?

Мен индамадим. У шартта тўхтаб, қўлларимни маҳкам ушлаб олди. Нималар ҳақидадир узоқ гапирди. Мен ўтган-кетганлардан уяламан, у эса ҳеч нарсани писанд қилмайди. Шу тобда сендан бошқа ҳеч бир кимса кўзимга кўринмайди», — дейди у.

Шайхантохурга етгач, хайрлашар эканмиз:

— Таржимангни ўзинг келтир ёки мен бориб оламан, — деди.

Ўртамизда алла-нечук муносабатлар бошланмаса эди, деб қўрқаман. У энди мени «сен» дейди; «Зарифам», дейди; «Мен сенга кўнглимни бердим», — дейди.

Мен йигирма ёшга тўлмагунча ҳеч кимни севмайман, деб аҳд қилган эдим. Энди бунга ўзим ҳам ишонмай қолдим. Аммо ўн етти ёшимдаёқ севги оловида ёнсам, яхшими?! Йўқ, асло! Бўлмаган савдо!.. Ойбекдан мумкин қадар қочишим, йироқлашишим керак!!!

Ўртоқларимдан бири мени хафа қилди. Гўёки мен Ойбекни севиб қолган эмишман, унга хат ёзармишман, Ойбек ҳатто бу хатни кимгадир кўрсатган эмиш!

Агар Ойбекка бирор марта хат ёзган бўлсам ҳам алам қилмас эди. Хат ёзиш эмас, ҳатто ундан хат олиш ҳам мен учун даҳшатли туюлар эди, ўша пайтларда!

Мабодо хат ёзгудай бўлсам ҳам, наҳотки, у аллакимларга кўрсатиб юради?! Йўқ, у бундай йиғит эмас!..

Бир куни, у одатдагидай, орқамдан етиб келди.

— Бир оз гаплашиб келай, деб излаб чикдим, — деди у.

— Ортиқ учрашмасак яхши эди, — дедим араз билан.

— Нега? — сўради хайратда.

— Ҳар хил гаплар эшитяпман.

Биз сўзлаша-сўзлаша борардик. Бирдан Ўрдага бурилиши олдида тўхтади.

— Ойбекнинг юлдузи мангу қора булут остида қолди, дегин. Шунингдан чиқарма, мен...

— Йўқ, йўқ, Ойбек ака, бундай сўзларни сира айтманг, — гапини бўлдим.

— Хайр, — қўлимни қаттиқ сиқиб, кўзларимга тик қаради у.

— Хайр.., — мен ерга термулдим.

Шу куни мен уйга аллақандай дарддан эзилиб қайтдим. Қулоғим остида унинг «Қалбинг тошданми?» деган сўзлари тинмай жаранглади. У мени соғиниб, излаб келса-ю мен «Ортиқ учрашмасак...» — десам...

Мени турли-туман, бир-бирига зид туйғулар кемира бошлади.

Эртаси Ойбек билан учрашар эканман, у «Яхшимисан?» деб сўрашди. Назаримда, унинг товуши ҳам, кайфияти ҳам бошқача эди:

— Эсонмисиз? — жавоб қилдим ичдан титроқ билан.

Менга не бало бўлди, — тушунмайман. Балки севиб қолгандирман? «Йўқ, йўқ! Ҳали ёшман, уят-ку!» — дейман ўз-ўзимга.

Ичимда икки куч бир-бири билан курашади.

Энди ўйлаб, ачинаман. Нега ўзимни унинг кўксига ташламадим? Ўжарликми ёки ироданинг қаттиқлигими эди, менинг ўша кезлардаги ҳолатим?! Балки ўзимни шундай тутганим тузук бўлгандир?..

Эртаси учрашар эканмиз, ғайри шуурий равишда суюниб кетдим.

— Зарифа, жаҳлинг чиқмасин. Мен билан гаплашишни истамасанг ҳам, йўлингни тўсдим. Сендаги китобларимнинг бир нечаси зарур бўлиб қолди.

Яна сўзлаша кетдик. У, ниҳоят, кулиб юборди:

— Китобларнинг кераклиги рост. Лекин улардан ҳам сен кўпроқ кераксан! Зарифамни соғиндим ва бир гаплашиб келай, деб кўчага чиқдим.

Мен суюнганимдан унга жавоб беришга ожиз эдим.

* * *

Техникумда имтихонлар мавсуми бошланди. Мен ҳамма фанларга яхши тайёрланган бўлсам-да, риёзиётдан хийла чўчир эдим. Берилган масалаларни ҳал этдим. Ижтимоиётдан капитализм ҳақида бир-икки саволга ёзма жавоб бердим. Билмадим, жуда ҳам ёмон ёзмагандирман. Не бўлса-да кайфиятим ёмон эмас эди. Айниқса риёзиётдан берилган масалаларни тўғри ҳал қилолганимдан хурсанд эдим. Муаллимимиз — дорилфунун талабаси, мулоим, камтар йигит. Биз уни яхши кўрардик, ҳурмат қилардик; у ҳам биз билан дўстона муомалада бўларди.

Ўша кунни студиядан қайтишимда қаршимдан Ойбек чиқди:

— Ха, Зарифа, қалайсан? Кеча уйимга борган экансан, йўқ эканман-жуда ачиндим.

— Таржимани Маҳмуд акага ташлаб кетувдим. Ўқидингизми?

— Ўша тунӣёк ўқидим.

— Тузатдингизми?

— Нимасини тузатаман? Ўзи туппа-тузук!.. Уйимни кўрдингми?

— Йўқ, кирмадим. Ховлида Маҳмуд ака юрган экан, унга қолдириб кетдим.

Ойбек, ҳар сафаргидай, қўлимни маҳкам ушлаб олган.

— Зарифа, мени тушингда кўрасанми? — сўрайди у кулиб.

«Йўқ», дегандай бошимни чайқайман.

— Қизлар тушларида йигитларни кўрмайдиларми?

— Бошқа қизларни билмадим. Аммо мен тушимда ҳамиша тоғлар ва денгизлар устида учиб юраман. Бу менга роҳат ва ором беради!

— Мен ҳар куни тушимда сен билан бирга бўламан. Бу ҳам менга роҳат ва ором беради!

— Кеч бўлди, қўйворинг, — ялинаман мен.

Хиёбондан охиста ўтар эканмиз, Ойбек қўлимни яна ҳам қаттиқроқ сиқиб олади:

— Ёшман, ёшман, дейсан! Йиллар давомида кут-япман, — дейди у. Сўнг шеър ўқийди:

Лабларим оташи ёқса ёноғинг,

Умидим — сенда-да ишқ уйғотаман...

Бу сатрларни эшитар эканман, кўрққанимдан титраб кетаман. У сезади шекилли:

— Совуқ едингми? — деб сўрайди.

— Жуда чиройли шеър. лекин..., — жавоб бера бошлайман мен.

— Нима... лекин?

— Шу тобда сизнинг оғзингиздан эшитиш...

— Сен шеърнинг гўзаллиги ёки бемаънилиги ва заифлигини ўйлайсан. Аммо шеър менинг ўртанган қалбимнинг бир ноласи эканлиги ҳақида ўйлаб кўрган-мисан?

Ойбек бояги сатрларни яна бир дафъа такрорлар экан, бирорта сатр, бирорта сўз ҳам ёдимдан чиқмасин, деган ниятда мен ҳам кўнглимда бу шеърни такрорлаб бораман.

У чоклар тез-тез бўлиб турадиган учрашувларимизда унинг шоирона сўзлари, нозик ишқий ҳислари, тошқин гўзал суҳбати Ленин кўчасидан Шайхантохурга қадар чўзилган узун йўлимизни беаб келар эди. Яна биз соатлаб тўхтаб, сўзлашар эдик.

(Афсуски, мен кундалик тутиб келган бўлсам ҳам бу суҳбатнинг гавҳар доналарини дафтар варақларига яширишни ўйламаган эдим. Мана, энди кундалик дафтаримни варақласам, ҳамма нарса узук-юлуқ ва қисқа ёзилган. Яна дадам ҳақидаги ёзувларни 30-йиллар одоғида қайчилаб ташлаган эмасманми, кўпгина керакли саҳифалар нобуд бўлган.)

...Кунларнинг бирида дадам билан боғлиқ ташвишлар юкидан эзилиб, нохуш бир кайфиятда кетар эканман, Ойбекнинг қаршимда пайдо бўлиши ҳам, мени истироҳат боғини айланишга таклиф қилиши ҳам малоллик қилди. «Ўзим Янги шаҳардан келяпман, томошани кўнглим кўтармайди», — дедим. Ҳа, шу пайт Ой-

бек кўнглимнинг қонга ва ғамга тўлганини билса эди, дейман ўз-ўзимга.

— Бир қз томоша ҳам, сайил ҳам керак. Эртадан-кечга кадар ишлайверсанг, бутун куч-қувватинг сарф бўлади, ўсмай қоласан! — дейди у.

— Майли ўсмасам ҳам, — базўр жавоб бераман.

Кўнглимдаги дадамнинг тақдири билан боғлиқ дардимни босишдан ҳам, яширмоқдан ҳам ожиз эдим, шу тобда.

— Юр, Зарифа, кўп эмас, озгина айланиб қайтамиз.

— Йўқ, Ойбек ака, қистаманг.

— Жуда ёмонсан-да! Бошқа кизларга «юр», десанг, кетаверади. Сен қачонгача қочасан, мендан?

— Бошқалар билан сира ишим йўқ!

— Сен уларга тақлид қилмайсанми?

— Асло, Ойбек-ака. Қўйинг, уйга кетай!

У мени тинглашни ҳам истамайди. Билмадим, неларни сўзлади. Мен ниҳоятда паришон ҳолдаман, фақат ундан қандай қутулиб кетишни ўйлайман, холос. У буни сезди, шекилли:

— Ичингда мени қарғаб турибсан, — деди.

— Мен қарғашни билмайман. Сизни ҳеч қачон қарғамайман ҳам! — дедим жон ҳолатда.

У энди икки қўлимни ҳовучлари орасига олди.

Студиядан чиққанимда, хийла ёруғ эди. Энди оқшом қоронғуси қуюқлашди.

Майдончадаги катта дарахтлар орасида бир қайрағоч бўлиб, Ойбек унинг тагида тўхтаб, гурунг қилишни севарди. (Бир куни кексайиб, сочларимизга оқ тушганда: «Зарифа, эссиз, ўша дев қайрағочнинг расмини олдириб қўйсак бўлар экан», — деган.)

Ўша қайрағочнинг шохлари ва қуюқ япроқлари орасидан қуйилган ой шуълалари юзимизда ўйнар экан, унинг юзимга беҳос яқинлашганини сезмай қолдим: Ойбек лаблари секингина яноғимга тегди. Чўчиб кетдим. Мен унинг кучли қўллари бандида эдим. Қанчалик қутулишга уринмай, у мени ўз бағрига тортди ва биринчи дафъа ўпди. Мен қалтираб кетдим. Ортик юзимга яқинлаштирмаслик учун бошимни пастга эгдим. У эса мени маҳкам қучоқлаган ҳолда:

— Зарифа, қўйнимда бир чечаксан! — дейди шивирлаб.

«Агар Зарифа бир чечак бўлса, сизнинг қўйингизда ҳам, бошқа вақтда ҳам чечак. Агар

у тикон бўлса, сизнинг кўйингизда ҳам тикон», — дедим мен товушсиз.

(Мен hozir ўз хотираларимни эслаб ёзар эканман, ўша лаҳзадаги ҳиссиёт hozir ҳам кўнглимда тошиб кетади. Оҳ, қандай титраган эдим ўшанда...)

— Айт, мен сенга муносиб эмасманми?

(Мен нима ҳам дердим? Агар уни ўзимга муносиб кўрмаган бўлсам, у билан учрашармидим, унга кучтирармидим, ўптирармидим?..)

Мен индамадим. Севги мубталоси бўлганим аниқ. Қалбимда алланечук сирли, менга нотаниш ҳислар тўлкинини сезаман, холос.

...Ойбек ҳар куни ё кун ора йўликади менга. Кечагидан сўнг ундан кўрқаман. Лекин у узокдан кўринар экан, беихтиёр суюнганимни сезаман. У шамолдай етиб келади, ёнимга.

Бугун ёнимда кимдир бор эди. У кўришди-ю, ўтиб кетди. Обуховский хиёбонидан ўтиб, энди Абдулла Тўқай кўчасига бурилиш олдида эса кимдир сочимни тортди. Мен айланиб ҳам қарамадим, зеро, унинг кимлигини билардим.

— Мен уйдан сенинг учун чиққан эдим. «Зарифа билан бир оз гаплашиб келай», деган эдим.

— Нега энди мен учун чиқасиз?.. Нима гапингиз бор?..

Билмадим, у неларни сўзлади. Унинг одати — кўлимни бўшатмайди. Орқага, хиёбонга олиб кетади. Ўзимизнинг «чодир дарахтимиз» остида тўхтаيمиз. Қанчалик ялинмай, ранжимай ва каттик гапирмай, у мени кўйиб юбормайди. Аксинча, кучоғига қаттик сиқиб олади...

— Нима қилай? Севаман сени, Зарифа! Хаёлимдан кетмайсан, ҳатто тушларимда ҳам биргамен сен билан!.. Мени тушингда кўрасанми?..

— Ойбек ака, ҳали дорилфунунга ҳам кирганим йўқ. Уят-ку, ўтинаман... — ялинаман чирпиниб.

Ойбек юзимдан енгил ўпич олади. Шунда чакмок тегди, дейман, менга. Энди ўйласам, нақадар хаёли экан у. Нақадар ҳурмати зўр бўлган экан, менга!

Мана, унинг лаблари енгил бир эпкиндай тегди, яноғимга. Нега тутмайман, лабларимни? Йўқ, йўқ, мен иффатни, назокатни муқаддас деб биламан! Кўнглимнинг соғлиги ва тиниқлигига ҳатто чин ишқ-муҳаббат ҳам кўлка солмасин, дейман!

— Тотлисан!.. — дейди у меҳр тўла кўзларини жовдиратиб.

Тун кечагидан ҳам ойдин ва гўзал бўлса-да, менинг кўнглим қоронғи эди. Шунинг учун ҳам жаҳлимни босолмай, урина-урина, қўлларимни бўшатдим. Йироқдан бир киши кўринди. Ойдин бўлса-да, кимлигини танимадим. У бизга яқинроқ келиб, тўхтади. Енида ҳамроҳи ҳам бор эди. Икковимиз ҳам қараб қолдик.

Мен кўркан эдим. Ойбек титраганим, балки рангим ўчгани ва юрагим дурсиллаганини сезиб, деди:

— Не бўлди, сенга? Бир нотаниш кишидан ҳам кўрқасанми?

Ҳалиги икки киши секин-аста ортларига қайтди. Мен улардан бирини Ғойиб тоғамга ўхшатдим. У Туркистондан келган, бизникида бир-икки кун қўниб, бугун дўсти билан жўнаб кетиши керак эди.

— Ким у, танийсанми? — Ойбек ҳануз кўлимни маҳкам ушлаб турарди.

— Йўк!.. Кўлимни бўшатинг! Кетай.

— Нима бўлди сенга? Айт, мендан хафа бўлдингми?

— Кўйиб юборинг!..

— Хафа бўлдингми? Айт!.. Зарифам, жоним,.. — кўлимни қайта-қайта ўпа бошлади у.

— Йўк, йўк, хафа эмасман, сиз ҳам хафа бўлманг.

Бир илож қилиб, Ойбек билан хайрлашдим-да, кўчамизга етиб олдим. Лекин уйга киришга юрагим дов бермади. Агар ҳалиги киши тоғам бўлса, ойимга, бувимга айтгандир, энди тоза сўқади, мени...

Уйга кирмай, ташқари ҳовлига, Ваҳоб тоғамникига бошимни сукдим. Келин ойим ёлғиз қолиб зерикканиданми, мени кўриши билан суюниб кетди. Биз бир соатча гаплашиб ўтирдик. Аммо ҳамон кўнглимда тўфон... Сўнг кўрқа-писа уйга чикдим.

— Нега шунча кечикдинг?.. Ташвишда ўтирибмиз?

Мен кеннойимнинг олдида ўтирганимни айтсам-да, хаёлимда юрагим гурсиллаши ҳаммага эшитилаётгандай эди.

— Тоғам кетдими? — тезроқ билсам-да, тинчисам.

— Кетди.

— Қачон?

— Хийла бўлди.

Ойимнинг ҳам индамай, бемалол ўтирганидан тоғамнинг қайтмаслигини фаҳмладим. Шунга қарамай, ваҳимадан тезда қутула олмадим.

(Кундалик дафтаримнинг 24 декабрга оид саҳифаси

қўйидаги сўзлар билан тамомланган: «Оҳ, ёшлигим! Шу кунлар тезроқ ўтсин, унутилсин, десам-да, бир кун соғинарман...»

Мана ҳозир шу сўзларни ёзар эканман, Ойбекни, Ойбегимни соғиниб ўтирибман.

Ғойиб тоғам Туркистонга қайтиб борганида, Ханифа опам бувимни, ойимни, бизларни сўраган.)

— Ҳа, ғам ема, Зарифа оқ уйнинг орқасида бир йигит билан қучоклашиб юрибди, — деб жавоб берган тоғам.

Неча йил ўтгандан сўнг, Ханифа опам айтиб берган эди, буни. Демак, бизга учраган ўша киши тоғам экан. Лекин у поездга шошилганлигидан ойимнинг олдига қайтиб келмаган, албатта.

Мен сандалга сукилиб, ўз хаёлларим гирдобида ялқовгина ош ер эканман:

— Вой, исирганг қани? Қаерга тушириб келдинг? — деди Зулфия кўзларимга тикилиб.

— Биттасини йўқотибман, — дедим икки қўлларим ила кулоқларимни тимирскилаб.

— Ўзиям зиғирдай эди, салмоғи йўқ. Тушганиям билинмайди, — деди ойим.

У нимадир тикар экан, ишдан бошини ҳам кўтармади.

— Ҳа, бош-кўзингдан садаға, — деди бувим жойнамоz устида тасбеҳ ўгириб.

Кичкина, тирноқча келадиган тилла ҳалқани дадам Маскавдан олиб келтирган эди. Қолган якка исиргани кулоғимдан олар эканман, шундай нафис бир безакнинг йўқолганига ҳам, уйдагиларнинг гап-сўзларига ҳам эътибор бермадим. Зеро, мен шу топда катта дарахт остида ўзимни Ойбекнинг қучоғига яширишга уриниб типирчиллаганимни, у юмдалай туриб ўпиб олганини ҳис этар ва унинг «Тотлисан!» деган сўзи кулоғим остида ёқимли жаранглар эди.

Мен яқин-яқингача ушбу воқеани эслар эканман, Ойбекка «Сизнинг ёмонлигингиздан бир исирғам тушиб қолган, тўлаб беринг», деб ҳазиллашсам, «Сингор исирғангга ўнта исирға ҳам озлик қилади. Қарзимни узиш қийин», деб қулар эди у.

БИР ПИЁЛА МАЙ

Бу воқеадан кейин ҳам биз Ойбек билан неча бор аразлашиб ва неча бор ярашиб юрдик. Мен, бир то-

мондан, ниҳоят ёш, ҳали муҳаббат савдоларидан узок бўлганим, иккинчи томондан эса, дадам бошига, демак, бутун оиламиз бошига тушган ташвишлар туфайли Ойбек меҳрига меҳр билан жавоб бера олиш даражасида эмас эдим. Натижада бизнинг муносабатимиз тез-тез таранглашиб ва узилиб турарди.

Ўша кезлардаги учрашувларнинг бирида Ойбек киссасидан букланган қоғозни олиб, китобим орасига кистирди. Мен дастлаб уни қайтариб бермоқчи бўлдим, лекин, бир томондан, ўқигим келган бўлса, иккинчи томондан, Ойбекнинг жаҳли чиқиб тургани важдан, уни яна хафа қилишни истамадим. Хуллас, биз хайрлашдик. Назаримда, бу сўнгги хайрлашиш эди.

(Ҳозир ўйлаб кўрсам, юрганимиз, сўзлашганимиз, синфда ёлғиз икковимиз бир партада ёнма-ён суяниб ўтирганимиз, қўлларимизнинг туташгани, унинг айтган сўзлари, ишқ ҳикояси ҳануз ёдимда экан. Гарчанд кўп сўзларни унутган бўлсам-да, унинг тилидан чиққан асосий гап ҳамон кўнглимда жаранглаб турибди. Мен ҳануз уларни бирма-бир такрорлаб келаман.

У кўп дафъа мендан араз аралаш хафаланиб, «Абадий хайр!» «Мангу хайр!» деб хайрлашарди. Лекин эртаси тагин, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, учрашганимиздан икковимиз ҳам қувониб, сўзлашиб кетардик.)

Ўша куни уйга етганим ҳамон ўзимни кимсасиз хонага отдим. Шошилиб, китоб орасидаги мактубни ўқишга киришдим:

*Ҳой, гўзал, менга боқма,
Кўксимни ўт-ла ёқма.
Бир пари каби кулиб,
Қаршимда нола тақма.*

*Сочларинг тола-тола,
Лабимда гизли нола.
Ичимда тўла ҳасрат,
Найдай... Э воҳ, бу ҳола...*

*Дардингда ёнди бошим,
Кўзларда қонли ёшим.
Йўқ... Кечир... Энди бир кул,
Сен кўнглил орқадодим.*

Ширин туйғулар, сирли ҳислар тўлиб кетди, кўнглимга. Шеърини хатни қайта-қайта ўқидим.

(У менга шундай шеър кўтариб келса-ю, мен уни хафа қилиб, ташлаб кетсам...

Ўша кезларда мен ҳам Ойбекнинг шеърий мактубларига жавоб ёзар, аммо биронтасини унга бермас эдим. Улар менинг дафтарларимда қолар, ёдимда юрар эди. Мана, ўша шеърлардан бири:

*Тўсманг, йигит, йўлимни, мен уяламан,
Ушламангиз қўлимни, мен уяламан,
Ўзим ёш қиз боламан, жуда-жуда уяламан.
Сўрайман сиздан шафқат, қизганинг мени,
Тўсманг, йигит, йўлимни, мен уяламан.*

Агар Ойбек бундай ночор сатрларни кўрганда, не деган бўларди? Қулган бўлармиди? Билмадим.)

Одатда сешанба ва жума кунлари дадамга овқат қабул қилардилар. Биз сешанба кuni шу муносабат билан ГПУга борардик ва, иложи бўлса, дадам билан ўша дераза орқали сўзлашиб келардик. Замон нозиклашиб бормокда эди. Шунинг учун бўлса керак, сешанба ўтиши билан жумани сабрсизлик билан кутамиз.

Мана, жума ҳам келди. Олим овқат, китоб ва журналлар солинган тугунни кўтариб, мактаб олдида турарди. Мен жилдимни синфда қолдирдим-да, Олим билан ГПУга караб жўнадим. Аммо бугун ҳам китоб ва журналларни олдилар-да, ош, кирғовул, патир ва бошқа майда-чуйда егуликларни қайтариб бердилар. Мен жуда қайғурдим. Уйга боришга, рўй бераётган воқеаларни ойим билан бувимга айтишга тоқат йўқ. Қайтарилган таом тўла тугунни Олимга бердим-да, ўзим мактабга қайтдим.

Ана шундай кўнгилсиз соатларда Ойбек кўриниб қолса, — у кўпинча мени пойлаб юрарди, — менинг ичимда рўй бераётган туғёнларни билмай, мендан фақат ўзининг ишқий кечинмаларига уйғун ҳолатни талаб этар эди. Афсуски, вазият бундай уйғунликнинг бўлишига кўпинча имкон бермас эди. Бир томони, Ойбек мендан ўринсиз ранжимаслиги учун бир кuni, ахийри, унга мени кемираётган воқеани айтиб бердим.

Ойбек мени тўғри тушунди. У, баъзи бир кимсалар сингари, мушкул ҳолатда яшаётган қиздан воз кечадиган номард йигит эмас эди. У менга ҳамдard ва таянч бўлишга интилди.

Ўша йили мен дадамнинг иши билан Янги шаҳардаги идораларда кўп бўлар эдим. Воқеадан ҳабардор Ойбек мени ҳеч бир ёлғиз қолдирмас эди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Мен ГПУ олдида турар эканман, у келди-да:

— Зарифа, юр менинг уйимга, — деди ялинган-симон.

— Йўғ-е, Ойбек ака, — уялганим ва шошиб қолганимдан бошқа сўз айта олмадим.

У шу йилларда ГПУнинг ёнгинасида жойлашган «Шарқ» меҳмонхонасининг бир хужрасида Аъзам Аюб билан бирга истиқомат қилар эди. Улар кўнгилларининг софлиги ва бошқа кўпгина яхши фазилатлари орқали бир-бирлари билан топишиб олган ва дўстлашиб қолган эдилар.

— Зарифа, хонамда ҳеч ким йўқ. Мана, калид ҳам ўзимда, — деди Ойбек киссасидан калидни олиб кўрсатар экан.

— Йўқ, дадамдан жавоб кутиб турибман, — дедим мен.

— Ёнингда анов йигитча бор-ку! — У бир четда хўмрайиб турган Олимни кўрсатди, — Жиндай дам оласан. Юр, «йўқ», дема.

— Йўқ, — дедим бошимни тебратиб.

У бир мунча вақт яна ўз туйғулари ва шубҳалари тўғрисида сўзлагач, охишта юриб кетди. Мен унинг орқасидан хомуш ва паришон қараб қолдим. У йигирма қадам чамаси юргач, орқага қайрилиб тўхтади.

(Мен унинг чехрасида илиқ бир табассумни кўргандай бўлдим. Хўрсиндим шунда... «Нега бормадим?...» — дедим ўзимга? Ахир у кўзларимга термулиб ялинди! Тўғри, Ойбек ўт-олов йигит эди, аммо менга меҳрибон, одобли эди, еб кўймасди мени.

Хозир хотираларим уммонидан излайман уни. Қани энди у беш дақиқага олдимга келса... Мен беш йил умримдан воз кечган бўлардим... Соғинаман...)

Мени ГПУга чақирдилар. Дадамнинг терговчиси Агидулин номли бир татар эди. Балад бўйли, йирик гавдали, 35-40 ёшлар ўртасида бўлса керак.

— Мана, мактабни тугатдингиз. Энди нима қила-
сиз? — сўради у мулойимлик билан.

— Мен таълим-тарбия техникумини тамомладим.
Бу техникум муаллим ва муаллималарни етиштиради.
Албатта, мен ишлайман, ўқитаман, бунга хоҳ мажбур
қилсинлар, хоҳ мажбур қилмасинлар. Мен ўз вазифам-
ни англайман ва бажараман.

— Сиз хастахонадан уйингизга бир мактуб ёзмиш-
сиз. «Қўриқни йиғиштирдингизми?» деб сўрагансиз.
Шунга тушунмадим? — сўради у кўзларимга тикилиб.

Ховлимизнинг орқасида кенггина бир экинзор ери-
миз бор эди. Сабзи, пиёз ва шунга ўхшаш нарсалар
экилар эди. Мен хатда сўз ўша экинзор тўғрисида
бораётганини айтдим.

— Сиз 20-йилларда жуда ёш бўлгансиз-ку. Мен
шунга хайронман.., — деди терговчи.

Биз бир соатдан ортиқ сўзлашдик. Агидулин менга
кўп саволлар берди, кўп нарсаларни сўради. Лекин
улар эсимда қолмаган.

— Хайр, ҳар нима бўлса ҳам ақлли кизсиз. Ўқинг,
саломатлигингизни истайман... Сизни бундан беш йил
муқаддам ёзган мактубингиз хусусида чақирган эдик.
Керак бўлсангиз, яна чақирармиз.

У мен билан кулимсираб хайрлашди.

Маълум бўлишича, дадамнинг ҳибсга олинганидан
сўнг уйимизни титганларида, олиб кетилган қоғозлар
орасида менинг мактубим ҳам бўлган экан. Шу хат
гепеучиларнинг хийла бошларини қотирган, шекилли.

* * *

Орадан бир неча ой ўтгач, техникумдан қайтар
эканман, кимдир сочимдан тортиди:

— Деразамдан қараб, кутиб ўтирган эдим. Бир қиё
ҳам боқмадинг!

Ойбек менинг қўлимга бир китобча тутқазди. Бу
унинг биринчи шеърлар тўплами — «Туйғулар» эди.
Мен китобчани суюниб қўлга олдим-да, шоша-пиша
табрикладим. «Иккинчи, учинчи китобингиз ҳам чиқ-
син. Давоми узилмасин», демоқчи бўлдим-у, лекин ай-
тиб улгурмадим.

Муковадан кейинги саҳифада: «Зарифага, энг сўнг-
ги армуғоним», деб ёзилган эди. Мен бу бағишловни
ўқир эканман, қанчалик суюнмай ва фаҳрга тўлмай,
қиёфамдаги бирор ифодани бузмасликка тиришдим.

У эса мени тушунишга, шу чок не ўйлаганимни билишга тиришгандай, кузатди. Мен сиполик билан «Ташаккур», дедим, холос.

* * *

Ойбек мени ГПУ олдида кутади, баъзан уйга кадар жўнатиб боради. Трамвайга тушмаймиз, пиёда кетамиз. Йўлнинг узоклиги сезилмайди, албатта. Суҳбат узилмайди. Шаҳарсовет ортидаги кичик хиёбонда, дарахтлар орасидаги энг каттаси, энг азими остида тўхтаймиз. Сўзимиз битмайди, у кўпроқ гапиради, албатта, мен фақат жавоб бераман, окшом қоронғилигининг қуюкланишига назар ташлаб, кетишга шошиламан.

— Ҳеч айрилгим келмайди. Зарифа, тегасанми менга? Биламан, ўзингга муносиб кўрмайсан.

— Йўғ-е, тушунинг, жуда ёшман-ку. Энди мактабни битирипман.

(Билмайдими, ўзимга муносиб кўрмасам учрашармидим, ундан бўлак қайси йигит қўлимни ушлашга журъат этади?)

Техникумни тугатишимиз муносабати ила битирув маросими бўлди. Бултур Ойбек ва унинг дўстлари «Тонг юлдузи» деворий газетамизни биринчи марта журнал шаклида чоп этган эдилар. Биз ҳам шундай қилдик ва журналнинг 2-сонини чиқардик, («Тонг юлдузи»нинг бу ҳар икки сониди ҳам менинг ҳикоя ва мақолаларим бор эди.)

Ховлида сахна қурилди. Теварак-атроф гиламлар билан ўраб безатилди. Электр чироқлари ёқилди. Мажлис очилди, шаҳодатномалар берилди, мусиқалар чалинди. Лекин ўтган йилги кўтаринки руҳ ва тантана бўлмади. Назаримда, ҳатто ўтган йилдагига нисбатан бир оз маъюсроқ ўтгандек бўлди. Ўтган йили, битирув окшомига дадам ҳам келган эди. Бу йил эса у зиндонда ўтирибди. Ўтган йили ҳатто ойим билан Зулфия ҳам келган эдилар.

Шаҳодатномани олишим билан техникум мудир, муаллимларим ва ўртоқларим мени самимий табриклашди. Богославский ёнимга келди-да, чўғдай бир қирмизи атир гулни менга тутқазиб, русчалаб деди:

— Пусть твоя жизнь будет такой же прекрасной, как эта роза!

— Ташаккур! — дедим гулни сочимга қистириб. Техникумни ўтган йили битирган болалар мени бир-

ма-бир қутлар эканлар, Ойбек ҳам қаршимда пайдо бўлди ва ноилолгина «Табрик этаман», деди.

(...Кундалик дафтаримнинг кўпгина саҳифалари қирқилганиданми, билмадим, ўртада уч ойча узилиш бор. Шу орада биз Ойбек билан оз учрашган бўлсак керак. У бир аразлаб, бир мени излаб келарди, ўша кезларда.)

Мажлисдан сўнг зиёфат бўлди, концерт ва аллақандай спектакль кўрсатилди.

Биз тўққиз талаба эдик: Эшонжон Муҳаммадхон, Ҳожимурод (фамилияси ёдимда йўқ, риёзиётдан аъло ўқирди, баъзан дарсдан сўнг менга ҳам ёрдам берарди), Назрулло Ибодов, Рустамов, яна бир бола (исм-шарифи ёдимда қолмаган), Йўлчи Тошпўлатов, Теша Зоҳидов, Зокир Ашуров. (Сўнгги уч талаба ўтган йили Қўқондан мактабни тугатиб келганлар. Лекин, билмадим, не сабабдандир улар биз билан бир йил таҳсилда бўлганлар.) Тўққизинчиси — мен эдим.

«Тонг юлдузи» журналининг ҳисоби менда эди. Битирув оқшомининг эртаси уни биздан кейинги синфдаги талабалардан бирига топширдим. Энди техникумдан кетмоқчи бўлиб, даҳлизга чиққанимда, Эшонжон билан бир қизга дуч келдим. (Мен бу қизни танимасдим, у яқиндан бери техникумда кўрина бошлаган.) Кейинрок эшитишимга қараганда, 1-асос синф талабаларидан бири унга уйланишга ваъда қилиб, уни алдаган ва ташлаб кетган эмиш.

Мен бу қизни учратганимда, Эшонжон уни ўз ётоқхонасига таклиф қилиб турарди. «Юринг, кирайлик, нима гапи бор экан?» деб менга маҳкам ёпишди қиз. Мен ишим борлиги ва шошиб турганимни айтдим. Шу пайт Эшонжон ҳам менинг бир лаҳза ўтириб кетишимни сўради. Хуллас, унинг хонасига кирдик. Хонада яна бир-икки синфдошларимиз ҳам бор эди. Эшонжон кечаги зиёфатдан қолган май бўлса керак, кичкина пиёла-ларга қуйиб, бизга узатди. Мен бир пиёла майни ичиб, ўрнимдан турдим. Теша ҳам бирор ёмонликни пайқаган бўлса керак, дарҳол эшикка ишора қилди ва мени бир оз кузатиб қўйди.

Мен шу кутилмаган учрашувга қадар ҳеч қаерда ва ҳеч вақт ичмаган эдим. (Фақат 1920 йилда хастахонада операциядан сўнг ҳар куни менга озгина-озгина кагор берган эдилар.) Синфдошларимнинг бирортасидан шу вақтга қадар бир оғиз ёмон сўз эшитмаганим

ва кўнглимда ҳеч қандай шубҳа бўлмагани сабабли мен улар тутган майни рад эта олмаган эдим.

Битирув кечасидан сўнг талабалар Маскав ва Ленинград сафарига тараддуд кўрдилар. Мен ёлғизгина қиз бўлганим учун саёҳатга техникумга қўшни билим юрти — дорилмуаллимот қизлари билан бирга борадиган бўлдим. (Дорилмуаллимот Қизлар инпроси деб ҳам юритилар эди.) Техникум мудири Акбар Асқарий қизлар инпроси мудираси Саодатхоним билан келишиб, мени улар билан бирга сафарга жўнатиш ҳақида келишиб олди.

Лекин мен дадам қамокда ётганда, уйдагилар томоғидан қил ҳам ўтмаётган бир пайтда Маскав ва Ленинград сафарига бора олмас эдим. Шунинг учун ҳам техникумдан чиқиб, ГПУ томон кетдим.

Мен балки дадам билан сафар хусусида бир-икки оғиз сўзлашарман, деган ниятда эдим.

Дераза олдидан ўтар эканман, ертўладан дадамнинг овози эшитилди. У бизни кутиб, кўчага телмуриб турар эди.

— Нега Маскавга кетмадинг? Юбормадиларми? — сўради у хаяжон билан.

— Борайми? — рухсат сўраган бўлдим, ундан.

Биз мумкин қадар қисқарок сўзлашга тиришардик. Зеро, биз қоровул солдатнинг ўтиб-туришини ҳисобга олган ҳолда гаплашишга одатланган эдик. Воқеадан дарак топган дадам «боравер!» деб менинг Маскавга боришимга ижозат берди.

Ўша куни кундуз соат ўн иккиларда қизлар дорилмуаллимотини битирувчилардан бири — Иқбол деган қизнинг уйида зиёфат бор эди. Дадамнинг саёҳатга боришимга рози эканини билгач, суюнганимдан гўё қанот боғлагандай Қорёғди кўчасига — Иқболникига югурдим. Зиёфат авжида. Қизлар орасида Саодатхонимнинг ўзи ҳам бор эди. Овқат едик, чой ичдик. Қизлар ўйинга тушдилар. Мен ўйинни билмас эдим, фақат дутор чертдим. Кечга қадар ўйин-кулги билан ўтирдик.

Мен шу куни қанчалик хурсанд бўлмай, ётоқхонадаги воқеа ҳаёлимдан сира кетмади. Қандайдир майда гап чувалаша бошлаганини сездим. Хатти-ҳаракатимдан пушаймон бўлдим. Азбаройи ёниб кетганимдан рўй берган воқеани Зулфияга айтдим.

— Бекор қилибсан! Эшитган кулоққа яхши эмас! — деди у.

Ўйлаб қарасам, тўғри, эшитганлар яхши сўз айт-

майди. Менинг тўғрилигим ва софлигимни қаёқдан билсинлар?!

Кечаси уйкум қочиб кетди. Бир-икки йиғлаб ҳам олдим.

Ташвиш устма-уст келади, дейдилар. Ўша кунлари ГПУ биноси олдида турганимда, бирдан юқоридан дадамни олиб тушдилар. Орқасида бир солдат. Дадам озган, ранги бўздай оқарган. Ниҳоятда хафа эди. Меним олдимдан ўтар экан: «Уч йил Сибирь», деди. Юрагимга гўё яшин ургандек бўлди — ёниб кетдим, кўзларимдан қайноқ ёшлар қуюлди.

Мен бу фожиадан паришон ва беҳуш ҳолда турар эканман, Ойбек келиб қолди. Кўришгач, секингина мактуб узатди:

— Сенга шуни биров берган эди, — деди у.

— Ким берди? — сўрадим.

Мен бу мактубни унинг ўзи ёзганлигини билиб турибман. Аммо у синфдошларимдан бирининг номини айтди. Дарров очади ва ўқийди, деб ўйлади шекилли, ўша заҳоти ғойиб бўлди. Унинг кинояли ҳолатида яхшилиқ аломати борлигини сезмадим. Мактубни охишта очар эканман, ундан кутилмаганда бундай оловли сўзлар отилиб чиқди:

«...Зарифа!

Кет, кет, кет! Алдамчи кўзларинг кўзларимга тушмасин! Кўнглим тонг чоғида шафақлардан нур, ҳаёт олган тоза, соф чечакларни тилайдир. Юришингда, туришингда, кулишингда, кўзларингда сиёҳ ҳаёлимни ойдинлаштирадиган бир нур кўрган каби бўлардим. Афсуски, у нур бир саробдан бошқа нарса эмас экан, энди англадим. Май базмида ...хонимлар каби соқий бўлиб иштирок этишинг ҳам кўп яхши нарса!.. Чунки шу муҳитда кўрдигим, билдигим «цивилизация қизлари»дан фарқинг йўқ.

Ойбек сени ўпди, қучди, аллақандай аъзоларингни ушлади, — буларнинг бадалига нима истайсан?!

Маъносиз севги занжирларини афсонавий қаҳрамонлар сингари уздим.

Хайр энди!!!

21 май, 1926.

Ойбек нечун менга бундай мактуб ёзди, дея шубҳаланма! Истасанг, жавоб ёз, мен ҳам сенга қолган кутганларини айтиб бераман...»

Мен бу мактубни ўкиб, ниҳоятда жаҳлим чикди. У юқорида айтиб ўтганимдек, шундоқ ГПУ олдида, меҳмонхонада яшарди. Шу ондаёқ бориб, мактубни унинг юзига отиб ташламоқчи бўлдим, аммо журъатим етмади. Мактуб нақадар гўзал ёзилган бўлса, шу қадар заҳарли эдики, ундаги ҳар бир сўз ўқ каби қалбимга қадалган, пинҳона яраларни очиб юборган эди!

Мактуб 21 майда ёзилган. Демак, Ойбек шу кунни бўлган воқеани ўша заҳотиёқ эшитган, тўғрироғи, кимдир унга ўша заҳотидаёқ етказган эди. Шу сўнгги ҳол мени айниқса ҳайратда қолдирди.

«...Хонимлар каби...» Ойбек бу сўзларни қандай ёза олган? Бу қандай ҳақорат?!.. «Мен уни яхши биламан, у ҳам мени яхши англайди», деб ўйлар эдим. Агар у мени яхши билган, қалбимни кўра олган бўлса, бундай мактубни сира ёзмаган бўларди! Ёза олмасди!! Унга қўли бормаган бўларди!!!

«Цивилизация қизлари»дан ҳеч фарқинг йўқ» эмиш! Мен ўзимни улар қаторида кўришдан кўра, дунёдан ҳеч хабари йўқ, яшаш фақат ичиш, ейиш, кийинишдан иборат, деб ўйлайдиган, тўрт девор ичида камалиб яшаётган қизлар қаторида бўлишни афзал кўрардим.

«Аллақандай аъзоларингни ушлади...» Буниси ҳаддан ташқари ортиқча! У бир марта партада ёнма-ён ўтирар эканмиз, тиззамни ушлаган, мен унинг қўлини силтаб ташлаган эдим.

Мен ёниб, тутақиб кетдим. Алам бутун борлиғимни, сийнамни қақшатиб юборди. Ўйга келдим-у, жавоб ёзишга ўтирдим. Биринчи дафъа Ойбекка, биринчи дафъа бир йигитга мактуб ёзишга журъат этдим. Қаламим тебранишдан бир он ҳам тўхтамади. Юрагимда тошиб кетган ғазабим тўкилди. Узун, жуда узун хат ёздим.

Унинг хатидаги «буларнинг бадалига нима истайсан?» сатрларини ўкиб бўлмаслик даражада ўчирдим. Лекин на фойда? Улар юрагимга ўқ каби қадалган, хотирамда тошга ўйилгандай абадий қолган. Мен бу мактубни қўлга олишим билан у қўлимга чўғдай тегади, уни очишга юрак безиллайди. Шунга карамай, уни қайта-қайта ўқийман. «Қандай шафқатсизлик! Қандай тўхмат!..» дейман ичимда.

Мен жавоб мактубини Ойбекка бераманми, йўқ-ми, — бун сира ўйлаган эмасман. Кўнглимдаги ҳасрат ва ғазаб тўфонини қоғозга ағдарганман, холос. Балки шу нарса бир оз ором бергандир.

Мана, ўша хат:

«Ойбек ака!

Йўк, йўк! Бошқалар мени кўчадаги баъзи кизлар қаторида кўрсин, қораласин, мен ўзимнинг оппоқ юрагимни фақат ўзим кўра оламан. «Қозонга яқинлашсанг, куяси юқар», деганларидек, бир ахлоқсиз кизга учрашганимдан шундай тўхматларга қолибман. Лекин мен улар ила бир неча соатлар ўтирмадим, кетдим. Ўзимнинг ўртоқларимнинг (кизларнинг) мажлисига бордим, шунда ўтирдим. Ўйнадим, дуторни чертдим, базми шунда қилдим. Эҳтимол, сизнинг айтганларингиз аллакимларнинг тўхматидир. Наҳотки, сиз ишондингиз? Кўнглингизда шу тўхматга нисбатан бир шубҳа бўлмади? Офарин сизга! Менинг синфдошларим барчаси самимий, менга ҳурматлари бор болалар; бирортасидан ёмонлик кўрмадим, ёмон сўз эшитмадим. Четдан ўша куни келиб қолган у кизнинг ифлослигини сўнг билдим. Бу азобларим, қийналишларим менга дарс бўлди. Ешман, тажрибасизман, десам, ишонмас эдингиз. Ўзингиз боғлаган «севги занжирлари»ни узар экансиз, «шуни эшитиб уздим», деманг, балки «шуни баҳона қилдим» ёки «бундан кўп аввал узган эдим», денг! Бошқа сабабларни айтмасангиз ҳам бўларди. Сиздан бун бир ой илгари кутган эдим. Суюндим. Бироқ, Ойбекдан кутулдим, деб эмас, бошқа сабаблари бор эди, сўнгроқ биларсиз.

Қани, сўрай-чи: мен ила энг кўп гаплашган биттагина сиз экансиз, мени шу вақтга қадар танимаганимдингиз? Сиз шу ила мени қоралай олмайсиз. Юрагимнинг тозалиги, кўнглимнинг оқлиги бун кўтара олмайди.

«Сени яхши танийман», деганмидингиз? Хатто ўзингиз ила учрашгани, гаплашгани уяладиган бир қизни «...хонимлар» деб айтишга уялмадингизми?

«Нима истайсан?» — дейсизми? Бу сўзингизни менга эмас, «хонимлар»га айтинг!

Маъсума кизларнинг юрагини ...лардан сизнинг ҳам фарқингиз йўқ экан!

Жаҳлингиз чиқмасин, Ойбек ака, агар шу сўзла-

рингизни чиндан айтган бўлсангиз, сизга қандай исм берсам ҳам арзимайдими?

«Афсонавий қаҳрамон!..» Шу кеча шу қадар «шин» мактубингизни қўлимга кистирар экансиз, ўқидим. Билмадим, нечун ўқиб тугатдим.

Дадамни сургунга ҳукм қилганлар, мени юрагимни эзган энг зўр қайғу шу эди.

ГПУдан уйга етгунча чидамадим, бўғилдим...

Халқдан уялсам-да, кўзларимга сиқилган ёшларни тўхтата олмадим, йиғладим... Унинг устига яна сизнинг хатингиз... заҳарли ўқларингиз... Билмадим, ўлганнинг устига теңган қилмоқчи эдингизми? Лекин мен мулойим самимий жилмайиш ила қарши олдим. Бошқалар эзмак, сиқмоқ истасалар-да, мен куламан, юксаламан!

Мен ҳақимда, майли, қандай фикрларингиз бўлмасин, соф қалбимдан: «Юрагим тоза, кўнглим ок, сиз ўйлаган қизлардан бутун борлигим, вужудим ила йироқман!» дейман. Хоҳ тингланг, хоҳ тингламанг, «қолган-қутганларингиз» ҳам шундай юрагимни қонатадиган, кўнглимни қирадирган бўлса, ёзманг! Ёнингизда қолсин! Ўзимдагилари ҳам оз эмас.

Ойбек ака, менга бокманг, гапирманг, мен-да сизнинг кўзларингизга ортиқ учрамагай эдим.

Хайр.

Зарифа».

Мен ҳозир бу мактубларни кундалик дафтаримдан бир оз қискартишлар билан кўчирияман. Ўша куннинг ўзидаёқ, эътибор берган бўлсангиз, мактубнинг бир неча жойларини ўчириб ташлаган эдим. Чунончи, «маъсума қизлар» тўғрисидаги иборада кўп нуқталар қўйилган. Ойбекнинг синфдоши Темучин унга синглиси Маъсумани беришни истар экан. Мен хатда шуни эслатмоқчи эдим. Ниҳолгина, оппок, истараси иссиқ қиз эди у. (Ойбек уни рад этгандан сўнг бошқа бир йигитга узатганлар.)

...Хатни ёзиб тугатгач, бир оз ғазабим босилгандай бўлди. Уни китоб орасига яширдим. «Ойбек жўрттага ёзган. Қани, Зарифа не дер экан?» қабиладаги ўй-фикрлар билан ўзимга тасалли беришга уриндим.

Бу хатни Ойбекнинг қўлига туткизаманми ё йўқми, билмадим. Аммо унинг хати туфайли кўнглимга қуйилган тухмат ва оғу шалоласи хийла тинчигандек бўлди.

КУНДАЛИКДАН САҲИФАЛАР

1926 йил 31 май.

Мен бир неча кун давомида Ойбекни кўрмадим. Кунларнинг бирида рўпарадан келаётган трамвайда у ногоҳ кўриниб қолди. (Унинг аллақандай ғалати қараши кўнглим ойнасига бир умрга муҳрланиб қолган. У ҳали-ҳануз жонланиб туради.) Бугун эса уйга келди. Ташқаридаги ариқча бўйида туриб, узок сўйлашдик.

(«Оҳ, менинг кичкина дафтарчам, — деб ёзганман кундалик дафтаримга. — Нелар гаплашганимизни ёзгим келмайди. Шу вақтга қадар қайси бир руҳий ҳолатимни, нозик туйғуларимни тўла ёза олдим?... Буларни сақлайдиган дафтар — қалбимнинг ўзи! Сен эса унинг бир кўлкасисан, холос».)

— Қандай шафқатсиз йигит экансиз, билмас эканман. Шафқатсизлик шоирларга ярашмайди! — дедим араз ва гина билан унга.

— Жўрттага ёздим! Уч йилдан буён изингдаман. Қарамайсан, қочасан. Бир марта ҳам мактуб ёзмадинг, ахир! Юрагингда нелар бор, билмайман... Булар менга мажхул! Мактубимга жавоб бер, ўтинаман.

— Ёздим... Фақат сизга беришни сира истамайман. Жуда узун, жуда бемаъни хат. Сизнинг мактубингиз эса қисқа. Лекин нукул оғу ва чакмоқдан иборат — бутун борлиғимни ўртаб юборди! Қандай раҳмсизлик! Уялмадингизми, шундай сўзларни ёзгани?! Менинг бошқа ғам ва ташвишларим сизга озлик қилдимиз?!

— Сенга фақат аччиқ сўзлардан иборат хатлар ёзган эмасман! Сенга бағишланган шеърларим ҳам кўп. Насиб бўлса, баъзилари босилар, баъзилари эса изсиз йўқолиб кетар... Мана, буни бугун тонгда ёздим. Тингла!

Ойбек киссасидан бир варақ қоғоз олиб, ўқий бошлади.

— Жуда чиройли шеър, — дедим.

— Сен фақат чиройлик, дейсан. Маъносига кулоқ солишни истамайсан. Юрак қоним билан ёзилган, — у қоғозни тахлаб, киссасига солмоқчи эди, кўлимни узатдим:

— Ташлаб кетинг. Едлашни истардим.

— Арзимади, хомаки нарсаси. Сенга жиндай киймати йўқ!

— Киймати бор. Фақат сиз буни англамайсиз.

У бир лаҳза кўзларимга тикилиб қолди. Уялганимдан ерга қарадим. Сўнг кўлидаги қоғозни менга тутқазар экан:

— Мактубингни олиб чик, йўқса кетмайман, — деди у қатъий.

Мен хатни олиб чикиб, унга топширганим ҳамон уйга қараб қочдим.

Ҳар нарсадан хабардор юрадиган Зулфия эшик тирқишидан ташқари ҳовлига мўралаб, менга маълумот бериб туради:

— Арик четида, кўлида хат, бармоғини тишлаб, ўйланиб ўтирибди, — дейди у шивирлаб.

Мен қарай олмадим. Билмадим, қачон кетди у.

Ҳеч бир кимсага кўрсатмай, ҳовучимдаги қоғозни ёяман. Ундан бундай сатрлар бодраб чиқади:

*Тингла шеъримни, севгимдан куйлар,
Ҳижрон йўлларим азобин сўйлар.
Сендир қалбимда мангу ҳилола,
Қуйилур шеърлар мисли шалола.*

*Ҳануз ишқ маъносин сен англамайсан,
Ўртанди сийналар, сенда йўқ учқун.
Кеча йиғлаб ўтдим мен эшигингдан,
Бир нишон топмадим, изларинг — қуюн.*

*Айт, нечун севгингга бўлишмам тутқун,
Кўрмайман кўзингда ишқдан бир учқун.*

Мен шеърни такрор-такрор ўқидим. Хомаки деган шеъри ҳам гўзал ва азиз туюлар эди, менга!

1926 йил 1 июнь.

Биз Ойбек иккимиз кўчада учрашдик-да, сўзлаша кетдик. Хайрлашар эканмиз, у бир хатни узатди.

— У кунги эмас, ол! — деди у.

— Қандай хат бўлмасин, олишни истамайман.

— Ўқи-да, ҳозирнинг ўзидаёқ қайтариб бер!

Мен хатни олгим, ўқигим келса-да, қайсарлик қиламан:

— Йўқ, — дейман бошимни чайқаб.

Шундан кейин мавзу яна ўша май масаласига бориб тақалди.

— Май ичганинг ёлғонми? — сўради у секин.

— Рост, — дедим овозимни баландроқ кўтариб. — Лекин фақат мен Эшонжоннинг хонасидан ўша захоти

чикиб кетдим. Нима бўлибди? Осмон узилиб, ерга тушибдими?.. Шундай хатни ёзишга қандай журъат қилдингиз? У хат эмас, ҳақорат! Мени ҳақорат қилишга ҳаққингиз йўқ, ахир!..

— Йўқ, мен у сўзларни турли шов-шувларни эшитганим сабабли ёзмадим. Ростини айтсам, сенинг келгусингни ўйладим. Шу ҳолда кетиш бўлмайдиганга ўхшайди.

— Мен сизга бирор ваъда бермаганман. Неча дафъа «абдий хайрлашган» ҳам эдик. Шундай бўлгач, мени яна хафа қилиш ва топташ зарурмиди, сизга? — дедим унга боқиб.

Мен кетмоқчи бўламан. Аммо у менинг кетишимга йўл қўймайди:

— Зарифа, сўнгги сўзлашувимиз, бу! Бир нафас тўхта! Энди учрашганда, «Ҳа, Зарифа опа, эсонмисиз?» — деб кетаверайми?!

— Майли.

— Сўнгги хайрлашувимиз...

— Хайр!

Бу сўзлардан кейин ҳам бизнинг орамизда бўлиб ўтган воқеа баҳор булути сингари ўз «ёмғирлари»ни қўйиб турди.

Маълум бўлишича, май воқеасини унга мен билан техникумни тугатган йигитлардан бири айтган экан. Бу йигитнинг холис хизмати билан Ойбек ҳам, мен ҳам қанча азоб чекмадик. Бизнинг бир умрга ажралиб кетишимизга эса бир баҳя қолди.

* * *

«Зарифа, ортик ажралишдик, — деб ёзди Ойбек, ўша кезлардаги хатларининг бирида. — Фақат бу ажралишдан сенга ҳеч қандай зарар келмайдир. Бу нарсадан сенинг қалбингда на бир титрама, кўзларингда на бир томчи ёш пайдо бўладир. Бу фикримни «Севиндим!» деб ўзинг ҳам иқро қиласан. Ойбек бўлмаса, бошқаси-да! Кўнглингга ҳамма бир, буни яхши биламан. Чунки шу вақтгача юрагингда севги олови эмас, севги учқуни ҳам сезилмади.

...Зарифа, айриларкан, қўлларингни бир сиқай, кел! Қонимда сўнган электронлар яна бир оз жонлансин».

Бу сатрлар 1926 йилнинг 31 майида ёзилган.

(...Ҳозир бир пиёла майнинг можаросини ўйласам, кулгим келади. «Шу вақтга қадар юрагингда севги

олови эмас, севги учкунни ҳам сезилмади», деган эди у. Ох, Ойбек, Ойбек!..)

Ҳамиша қўлларим унинг қўлларида тафт олди. Юрагимда пайдо бўла бошлаган севгимни ўчиришга тиришдим. Аммо кундан-кунга ҳаёлим фақат унга боғланиб борди, уни соғинадиган бўлдим.

СЕВГИ МОЖАРОЛАРИ

Маскав сафарига тайёрлана бошладим. Зулфия билан бозорга тушиб, майда-чуйда нарсалар олдик. Менга атаб бир батист, бир сатин кўйлак тикдилар.

Дадам саёҳатдан яхши фойдаланиш, рус маданияти билан танишиш, Третьяков галереясини мукамал кўриб чиқишни тавсия қилиб, хат ёзиб чиқарди. Хат: «Ўртоқларинг билан яхши муносабатда бўл. Уйқунг каттик, раҳбаринг олдида ёт, сергак бўл. Озрок пул олиб кет, керак бўлади. Уйга тез-тез хат ёзиб тур, хайр», деган мазмунда эди.

Бувим ҳам: «Ўзингга эҳтиёт бўл. Эсинг бор, ҳушинг бор. Худога топширдим», — деб дуода қолди.

Сафарда Саодатхонимнинг қизи Марям опа бизга раҳбарлик қилди. У жуда гўзал ва ақлли аёл эди, афсуски, кейин камалиб кетди.

Мен Маскав ва Ленинградни айланиб келдим. Ҳар икки шаҳарни, ундаги музейларни томоша қилдик. Русия далаларини, ўрмонларини сайр этдик. Энг гўзал мавсум экан — далалар кўк бахмал ва гулларга тўла эди.

Маскав сафаридан қайтганимдан кейин Зулфияни Сафога унаштирдилар. Дадам сургунга жўнатилди. Ана шу машъум воқеадан бир-икки кун илгари оила билан хайрлашмоқ учун унга икки солдатни қўшиб, уйга юбордилар. Дадам ярим кун мобайнида биз билан бирга бўлди. Палов қилдик, суҳбатлашдик. Дадам биз билан хайрлашар экан, «Хафа бўлманглар, фақат ўқишни ўйланглар. Омон бўлсак, худо хоҳласа, кўришамиз», — деди.

Бувим дадамни кучоғига босиб, узун-уzun дуолар қилди. Биз кўз ёши билан айрилдик... Ҳаёт шунчалар оғир, азобларга тўла экан...

Бир неча кун турма эшигини пойладик. Аристонларни этап билан вокзалга ҳайдар эканлар, биз уларни кўча четида кузатиб бордик.

Инсоннинг қисқа умрида унга шу қадар зулм ўтка-

зиш, ўз халкининг мустақил бўлиши, маърифатли ва фаровон яшашини орзу қилгани учун камаш, сургун қилишни ким чиқарган экан?..

Ойим, бувим, ҳаммамиз вокзалда йиғлаб қолдик. Дадам вагоннинг темир панжарали деразаси орқали хайрлашди. Биз дадамдан айрилдик. У Оқ денгиздаги Соловки оролига жўнатилди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, мени Зебуннисо номидаги қизлар мактабига муаллима қилиб тайинладилар. Мен математика, физика, кимёдан 5, 6, 7-синфларга дарс бера бошладим. Шу орада САГУга — Ўрта Осиё Давлат дорилфунунига ўқишга кирдим. У вақтларда филология, тарих факультетлари йўқ эди. Шарқ факультети эса жуда заиф бўлганидан биз уни назар-писанд қилмасдик.

Мен физика-математика факультетининг кимё шўъбасига кирдим. Мен САГУга кирган биринчи ўзбек қизи эдим. Кириш имтиҳони нихоятда қаттиқ ўтди. Катта бир комиссия олдида физика, кимё, рус тилидан имтиҳон топширдим. Энди мен ҳам муаллима, ҳам талабаман!

Мактаб билан дорилфунун ўртасида елиб югураман... Ўртада расм студиясига қатнайман...

Ўқишдан қайтар эканман, йўлда Ойбекнинг синфдоши Абдурахимни учратиб қолдим. У мендан бир йил илгари физматга кирган эди. (Химфак сўнг ташкил этилган.) Бир йил курсда қолиб, 1930 йили мен билан бирга химфакни битирди. Биринчи ўзбек кимёгарлари биз икковимиз эдик.

Абдурахим менга тарихий материализмдан китоб беришни ваъда қилди. «Кечроқ ё ўзингиз келинг, ё бировни юборинг», — деди у.

Шайхантохурда, бизнинг уйга яқин «Намуна» мактаби бўлар эди. Ойбек, Абдурахим, Махмуд ака — ҳаммалари шу мактабда дарс берардилар. Махмуд ака ҳам мудар эди, ҳам мактабнинг олдида яшарди.

Кечкурун Абдурахимнинг уйига чиқишни истадим. Рости, Ойбекни учратишдан кўрқдим. Шунинг учун ҳам Шарифани юбордим.

Шарифа анча хаёллаб қолди. У Абдурахимни тополмабди. Лекин бир пайт Ойбекдан кичкина бир мактубни кўтариб келди.

«Абдурахим ваъда қилган китоб менинг китобим бўлади, — дебди Ойбек. — Нега опангнинг ўзи келмади? Эртага ўзи келсин, йўқса — китобни бермайман».

Юрак Ойбекнинг қандай хат ёзганини сезади. Тит-
рок кўлларим билан секин қоғозни очаман:

«3. С!

Сизга китоб керакми экан? Пардон! Менинг бир
орқадошимга худди шу китобнинг ўзи керак эди. Мум-
кин бўлса, эртага ғурубдан сўнг олиб кетинг!..

...Хаётнинг улуғ денгизида бир япроқ кабидирман...
Кўнглимда ёлғизгина бир ҳаёт ғавғоси! На ишк, на
савдо! Тушундингми?

Кеча кўнгил эшигидан қувландим, қувладинг. Сўн-
га сенинг каби баҳор чечакларидан қочдим, қочдим!!!

Қалбимдаги бошқа қизларга бўлган муҳаббатим-
нинг ҳам япроклари шилдирrrrrrrrr... этиб тўкилди.

3. С! Сен ҳам инсонмисан?.. Хайф бундай инсон-
ликка!

29. VIII. 1926. й».

Хатни кундалик дафтарим ичига тикдим: «Кейин
кўчирарман, ҳозир тоқат йўқ», дедим ўзимга.

Ўзимни оғир, эркин тутишга тиришдим, лекин бор-
ган сари ғазабим тошиб, асабийлашиб борарди... Бу
тағин нимаси? У ҳаддидан ошяпти! Бу энди унинг ҳақо-
ратларга тўла учинчи мактуби. У нима истайди, мен-
дан? Хайронман, англашдан ожизман!

Ойбек ёзган хатнинг бир жумласидан бир нарса
тушунгандай бўлсам, иккинчи жумласи уни елга учира-
ди. Ўйлайман: менинг жонимни қақшатиш учун ёзган-
дир? Хўш, нима қасди бор?..

«Қувландим», демиш. Кеча мен ўқишда эдим, ул
бизникига келмиш. 8 яшар синглим мени уйда, дебди-
да, кейин ичкаридан топмаган, чиқиб, ўқишдан ҳануз
келмаганимни айтибди. Албатта, у ишонмаган!

Ойбек балки шундай хат ёзишга ҳақлидир. «Ўйда
бўла туриб чиқмади, қувлади!» деб ўйлагандир?.. Нега
мен унинг хатти-ҳаракатларини қоралай олмайман?
Уни оқлашга уринаман?.. Чунки уни севаман, албатта!

Мен Маскавдан қайтган куним эртаси жин кўчамиз
бошида турардим. Узоқдан Ойбекнинг келаётганини
кўриб қолдим. Оқшом қоронғуси эди. Секингина уйга
қочдим. Бундан унинг, албатта, жаҳли чиққан эди.

Эртаси кечкурун ташқарида, ариқ бўйида қандай-
дир бир идишни ювардим, Ойбек дарвозадан секин-
аста кириб келди. Мени кўриб жилмайди. Мен ўрним-

дан турар эканман, кўлини узатди. Кўлим хўл бўлгани учун узр сўрадим. Шундан сўнг биз узоқ сўзлашдик. Бирдан кўзларимга тикилди:

— Кеча келаяпсам, мени кўрдинг-да, қочдинг. Жуда жаҳлим чикди, — деди у ва кўлимни маҳкам ушлаб олди.

Билмадим, тагин нелардир деди. Ниҳоят, муддаога ўтди:

— Зарифа, бир сўз айтгали келган эдим.

— Тагин нима? — хайрон бўлдим мен.

— Бизни бутун Ўзбекистон билмиш! Қаерда ўтирсам, ўртоқларим гап қилади. Индамай, кулиб ўтиравераман. Сенинг уйингга келганимни, ялина-ялина мактубингни олганимни сендан бошқа ким билади? Сен айтгансан-да, уларга!

Яна тухмат!

— Мен бирор кимсага айтмадим, — айбни ўз бўйнимдан сокит қилишга уринаман. — Абдурахим, Муксит, Темучин — булар бари — сизнинг дўстларингиз, яқинларингиз. Сиздан эшитган улар! Бундан сўнг ҳаммага «Ойбекни ортиқ танитайман!» дейман. Сиз ҳам «Кўп бўлди, айрилишиб кетганмиз», деб айтинг! Мен жуда чарчадим тухматларингиздан!..

Ойбек ҳамон кўлимни ушлаб турарди.

— Нега кўлимни кўйиб юбормайсиз?

— Севаман! Унутолмайман, наҳотки, шуни англамасанг!.. Нега қочаверасан?.. Қалбинг тошми?..

— Қочганим рост, — тан оламан.

— Қачон болаликни тарк этасан, Зарифа? Қачон менинг севгимни, мактубларимни, шеърларимни қабул этасан?

— Абадий хайрлашган эдик..., — дедим секингина, аммо ҳазил ва киноя ила. Сўнг дарҳол жиддий оҳангда давом этдим. — Эндигина биринчи курс талабаси бўлдим. Уят-ку!

Биз узоқ гаплашдик.

Биз ҳар учрашганда, жуда узоқ сўзлашар эдик. Қандай наъшали, тотли суҳбатлар бўларди! Аммо мен ёш бўлганим учун бу гўзал суҳбатларнинг ҳам, балки Ойбекнинг ҳам кадрига етмас, унинг изтиробларига тушунмас эдим. Натижада қандайдир ўткинчи, иккиламчи нарсалардан ўзим ҳам хафаланиб, уни ҳам хафа қилиб юардим.

Мана, бугун ҳам бекордан-бекорга фиғоним жўшиб кетди. Уйдагиларга бир сўз айтмасдан, бирдан чиқиб

кетдим. «Йўк, ортик чидаб бўлмайди», — дедим ўзимга, «бу говганинг хотимаси бўлиши керак». Бунга қандай журъат этдим, ўзим ҳам хайронман.

Мақтабга бориб, Ойбекнинг хужраси қаерда эканини кимдандир сўрадим-да, эшикни бармоғим билан икки бор чертдим, сўнг жавоб кутмасданок шартта очдим.

Караватда папирос тутунидан учган ҳалқаларни кузатиб, хорғин, алланечук хаёлларда ётган Ойбек сапчиб ўрнидан турди. Унинг катта кўзлари янада катталашгандай тўгаракланди: у мени кутмаган эди. Мен хурпайган мушукдай, тўғрироғи, хурпайган чумчукдай бўлсам керак, шу топда. У менинг шундай важоҳатимдан ҳайратда бир зум котиб турди-да, тўсатдан қаршимда тиз чўкди, тиззаларимни кучди.

— Мени кечир, афв эт, Зарифа!..

Менда бундай ғазаб ва қаҳрни ҳеч қачон кўрмаган.

Оёқларимни унинг қўллари ҳалқасидан чиқаришга уриндим.

— Етар, туринг-да, ўриндикка ўтиринг! — дедим буйруқ билан.

Ўзим унинг таклифини кутмай, бир ўриндикни столга яқин буриб, ўтирдим.

— Менга қоғоз-қалам беринг, қаршимга ўтиринг! Сизнинг мактубингизга шу ерда, олдингизда жавоб ёзаман! Ўтинаман, бир сўз ҳам қотманг!

Ойбек қаршимга ўтирди-да, тирсагини столга қўйди, қўли билан бир ёноғини тиради. У ҳайратдан донг қотган эди. Мен ҳам ўзимни танимайман; саҳнада бир роль ўйнаётгандай, стол устига асабий назар ташлаб, қоғоз-қалам олдим. Сўнг не учундир назм билан ёза бошладим:

*Ҳой, шоир йигит,
Кўнглимда борин
Айтгани келдим.
Хатларинг заҳрин
Тўккали келдим.*

*Чорлабсиз, нега?
Мана, мен келдим.
Шамол қувлаган
Булутдай елдим.*

Баъзан тўхтаб, бир онгина ўйлардим-да, бирор сўз-ни шартта ўчириб, тузатар эдим:

*Шоир қалбини
Шеър булоғи,
Ҳазина, дердим,*

*Соф қўшиқларга,
Нафис куйларга
Тўла қон, дердим.*

Оҳ, адашибман,
Ҳақоратлар ҳам
Кўпириб баъзан

Ҳаддан ошаркан.
...Чорлабсиз, нега?
Мана мен келдим!

У таажжубдан жим қотиб ўтирар ва мендан кўзини узмас эди. Ёзилган варақни олиб, унинг олдига ташладим.

— Қани, яна қандай сўзларингиз бор? Ёзинг. Қалам, қоғоз топинг. Сўзлашувни истамайман, ёзинг! — дедим унга.

Мен ҳар вақт шундай кескин бўлишим керак эди. Мен бўлсам, лалайиб, фақат унинг сўзларини тинглаб ўтирардим.

Ойбек менинг ёзганларимга кўз югуртди:

— Ҳақиқатан, шоира экансан. Мен бундай тез ёза олмайман, — деди у.

— Шошилаяпганим йўқ. Кутаман.

Мен яна бир варақ оқ қоғоз олиб, ёзишга тутиндим. Энди ўпкамни хийла босиб олган эдим.

— Йўқ, назмга кучим етмайди, насрга ўтаман, — дедим унга қарамасдан, гўё ўз-ўзим билан сўзлашгандай.

Ўз хатти-ҳаракатимдан ҳам ғурур, ҳам мамнуният сезардим, шу топда.

«Мен 7-8 яшар ёш қизалок эдим, дераза пардаси ортида яшириниб, «Бўз йигит», «Тоҳир ва Зухра»ларни қайта-қайта ўқирдим, товушсиз йиғлардим.

12-15 ёшларда кўнглимда, хаёлимда тўқилган бир шоир йигитга сир тўла ғойибона муҳаббатни сеза бошладим. 1924 йил Тошкентда, мактабда сизни биринчи дафъа учратганимда, кўзларингиздаги хаёлотнинг теранлиги, ифодангизнинг хасослиги, шеърларингизнинг нафислиги, мусаффолиги мафтуни бўлдим. Кўнглимда ташидигим орзуну топдим шекилли, дедим. Лекин адашибман, қалбингизда шу қадар шафқатсизлик ҳам бор экан. Шундай қарама-қарши хислатлар нечук бир қалбга жо бўлар экан?

Изимда юрдингиз, йўлимни тўсдингиз. «Ёшман», дедим. Сиздан, муҳаббатимдан қочдим. Хатто ўзимга икром бўлишдан кўркдим. «Фақат ўқишни ўйлаш керак», дедим. Энди ўзимдан ҳам, сиздан ҳам яширадиган сир қолмади. Агар ишқ мубталоси бўлган бўлсам, кўнгил қопқосини очиб юборди, тўлатсин! Энди кўркмайман, чунки шу бугун унга қарши курашувга қудратим етади, иродам зўр!

Ўтинаман, йўлимни тўсманг, мени изламанг. Йўллар айрилган. Ўқигач, йиртиб ташлагайсиз. Яна аллакимларнинг қўлига тушмасин.

Зарифа».

Хатни Ойбекка топшириб, рухсат ила унинг ҳам ёзганини олдим. У ёзмиш:

*«Зарифам, жоним!
Сўксанг-да, майли.
Қаҳр, ғазабинг
Тўксанг-да, майли.*

*Остонам босдинг,
Шудир менга бахт.
Шеърларимдан
Сенга ясай тахт.*

*Жоним, чехранг-да,
Қўзларинг-да соф.*

*Қаҳр пардаси
Шу қадар шаффоф.*

*Нурдан тўкилмиш,
Ортдан кўрурман.
Ақл,
фикр,
меҳр!..*

*Ялинадурмен:
Бир лаҳза ўтир,
Телба руҳимни
Қизғон; бағишла
Ором ва сурур...»*

Мен Ойбек ёзган қоғозни тахладим-да, ҳовучимда маҳкам қисиб, ўрнимдан турдим.

— Йўк, йўк, бир лаҳза ўтир! Қаҳр билан, чакмоқдай келдинг! Шу ҳолда янада гўзалроқсан! Сенга боқиб тўйганим йўк!

Ўзим ёзган икки варақ қоғозни олмоқчи эдим, ёпишди:

— Бу менга тегишли.

— Ўқидингиз, бас! Ўзимга керак.

— Йўк, Зарифа, ҳали кўп дафъа ўқийман.

— Эртага кўчириб юбораман.

— Йўк, — Ойбек буклаб, киссасига тикди, қоғозларни. — Озгина ўтир!

— Айтадиган бир оғиз сўзим қолмади!

Ўтириб, юзимни икки қўлимнинг орасига олдим. Тирсақларим столда. Қалбимда жўшган кайноқ ҳиссиётимни босишга тиришар эдим.

Ойбек қаршимга ўтирди.

— Аввалги икки мактубингиз ёдингиздами? — яна сўз очдим. — Мен уларни сира унутолмайман. Қалбимнигина эмас, қўлларимни ҳам қуйдиради, улар! Йиртиб ташладим, лекин кундалиқ дафтаримда нусхаси қолди, кўчириб қўйдим: йўқолмасин...

— Ялинаман, дафтарингнинг шу варақларини йирт! Мен сенга етолмаганимдан, қалбингга йўл толмаганимдан, аламдан ёзганман! Билсанг эди, муҳаббатимнинг чегараси йўқ!

— Мана бугун учинчи мактубингизни олдим. Мени ҳақимда шундай ёмон тасаввурда экансиз, нега ҳанузга қадар мени излайсиз?.. Энди ҳеч қачон йўлимни тўсманг! — такрорлайман яна.

— Агар борсам, кечагидай остонангдан қувасанми?

— Йўқ, остонадан ҳеч қуволмайман. Инонинг, мен ёлғон гапиришни ёмон кўраман. Уйда йўқ эдим — синглим билмаган.

Мен яна нималарнидир тинимсиз гапириб, юрагимни бўшатиб олдим. Бизнинг ортиқ учрашмаслигимиз лозимлигини айтдим.

— Сўзга устасан, — деди Ойбек. — Сени унута олмайман. Билсанг эди, бу қандай оғир! Сен севги шарбатини ҳали тотиб кўрмагансан... ёки севмайсан, мени! Тўғриси айт, юрагингда бошқа биров борми?

Мен «йўқ» дегандай бош чайкатдим:

— Ёзганларимни ўқинг, балки тушунарсиз. Фақат сўрайман, бошқа жавоб ёзманг! Олмайман ҳам, ўқимайман ҳам!

Шу сўзларни айтгач, ўрнимдан турдим.

— Қаршингга тиз чўккум, оёқларингни ўпгим келади! Ялинаман, кечир мени.

Ойбек кўлимни тутмоқчи бўлиб, бир қадам яқин келар экан:

— Тегинманг сира, — дея ўзимни четга олдим. — Мен ифғатимни ҳамиша ва ҳамма нарсадан юқори кўяман!

— Кўлларим кесилсин! Энди ундай мактубларни ёзмайман! — илтижо қилди Ойбек. — Феълим айнаб турганда аччиғингни келтириш учун ёзганман. Кечир!

— Феълингиз яна айниб қолиши мумкин, — дедим киноя аралаш, эшик сари юрарканман.

— Кетасанми? Мен ҳали хатингни ўқиб тугатмадим. Жавоби...

— Йўқ, Ойбек ака, жавобининг кераги йўқ! Ёзманг!

— Шошма! Кузатиб кўяман.

Биз ҳовли оша Шайхантоҳур саҳнига чикдик. Ҳаммаёқ зимзиё, қоронғи. Уйдагилар қаерда юрганимни билмайдилар. Энди уларга не дейман? Қадамимни тезлаштирар эканман, Ойбек кўлимдан тутади:

— Нега шошилсан? Секинрок юр.

Силтаб, кўлимни суғураман:

— Тегинманг! «Аллақандай аъзоларим»ни ушлаб-сиз? Бу не деганингиз? Қўлларимни сиқардингиз, елкамни кучардингиз... Балки мени бошқа қизлар билан адаштиргансиз?

Нечундир уялмасдан гапирардим, бунинг боисини ўзим билмасдим. Яхши ҳам, қоронғида юзларимиз равшан кўринмайди. Бу яхши!

Ойбек индамади. Бир оздан сўнг:

— Энди кўлларингни ҳам қизғонасан! Шу бахтниси менга кўп кўрдингми? Жуда ўрганган эдим. Кўлларинг кўлларимда экан, кўнглимга ширин туйғулар лимлим тўлар эди...

Мен жавоб бермадим. Аммо ичдан бундай садо келарди:

*Билмайсан ҳеч
Кўнглимда сен
Кеча ва кундуз.
Бу ойдинлик
Ойдан эмас,
Кўзлари юлдуз...*

Биз секин борардик. Мен унинг бирорта сўзини тушириб қўймаслик, унутмаслик, йўқотмаслик учун армон тўла кўнглимда такрорлаб борардим.

* * *

Менинг иккинчи кундалик дафтарим йўқолган. Уйимизда Олим, Ғулом, яқин қариндошларимизнинг ўғиллари, бизнинг тенгдошларимиз яшаб, ўқирдилар. Бир хонада, бир сандал атрофида ўтириб, овқатланар, дарс қилар эдик...

Иккинчи кундалик дафтарим уларнинг қўлига тушган кўринади.

Ойбекнинг менга фақат ўз қўли ила топширган хатларини биламан. Дарвоқе, Шарифа орқали ҳам бир хат олганман. Лекин бошқа бирор кимса орқали Ойбекдан мактуб олган эмасман. Энди билсам, унинг кўплаб хатлари қариндош йигитларнинг қўлида қолиб кетар экан. Шулардан бири Олим, амакимнинг ўғли. Аммам бувимга сўз очиб, «Зарифани келин қилсак», деганда, бувим: «Ўғлинг Зарифанинг тенги эмас. Ме-

ним бу ишга ҳаддим сиғмайди, бу ҳақда зинҳор оғиз оча кўрма. Мана, Шарифа ёшгина, бўйи етсин, уни кўзлаб юрибман. Ўлмасам, худо хоҳласа...» деган экан. Ана шу Олим деганим йигитча Ойбекка рашк қилар ва шу сабабдан унинг менга йўллаган хатларини олиб қолар экан.

(Мен 1929 йилга қадар бўлган воқеаларни ёзар эканман, биринчи кундалик дафтаримга тез-тез мурожаат этаман. Афсуски, дафтарим йўқолгани учун Ойбек ҳақидаги 1929 йилдан кейинги хотираларимни кунма-кун тиклаш имконига эга эмасман. Аммо ҳар бир кишининг ҳаётида, албатта, унутилмаб дақиқалар бўлади. Унутилиши мумкин бўлмаган бахтли кунлар, мармарга ёзилгандай, бирор сўзи йўқолмаган суҳбатлар, шодликлар, ҳасратлар, ғурбатлар бўлади. Мен шуларни эсласам, бутун ҳаётимни тиник бир кул остидан кўргандай ёки шаффоф самодан ўқигандай бўламан.

Шундай қилиб, менга бирор кимса воситаси ила Ойбекдан мактуб келган эмас. Ҳолбуки, Ойбек ўзининг шогирди, «Намуна» мактабининг ўқувчиси Шукрулло Файзуллаев орқали ҳам бир шеър юборган экан. Афсуски, у ҳам менга келиб етмаган.

1957 йили, орадан 32 йил ўтгач, иттифоко учрашиб қолганимизда, Шукрулло бизга бир воқеани кула-кула сўзлаб берди. Ойбек бир пайтлар унга хат бериб, уни менга етказишини буюрибди. Бироқ Шукрулло хатни очиб, ундаги шеърни кўчириб олибди-да, кейин уни бизнинг эшикда кимгадир топширибди. Бу шеърни у ҳозирга қадар ёддан ўқиб юрар эмиш. Шукрулло, идорада ўтирар эканмиз, ўша шеърни ёддан ўқиб юборди. Ойбек эса ерга қараб кулимсираб ўтирди.

Бу шеър «Туйғулар»да босилган «Қутганда» шеъри бўлиб, бундай сатрлар билан бошланар эди:

*Йўлингда кутдим,
Ҳасратлар ютдим.
Ҳажринг-ла кўндан
Ўзни унутдим.
Сен ҳеч келмадинг,
Дардим сезмадинг.
Чаманлар ичра
Бирга кезмадинг.*

*Аввал йқ отдинг,
Кўнглим қонатдинг.
Сўнгра, юлдузим,
Қайларга ботдинг?
Малагим, бир боқ,
Борлигимни ёқ.
Оҳ, ёшлик чоғим,
Бир кузги япроқ.*

Мен бу шеърий мактубни олмаганман. Унинг менга келиб етмаганини Ойбек ҳам билмаган.

Бир куни «Туйғулар»ни вараклаб, шу шеърни ўқир эканман, Ойбек: «Бу шеърнинг бошқа варианти ҳам бор-эди», деди ва столдаги қоғозлардан бир варақни олиб, ёзди:

*Йўлингда кутдим,
Ҳасратлар ютдим.
Сен ҳеч келмадинг,
Дардим сўрмадинг.
Бир кулиб боқдинг,
Ирмоқдай оқдинг.*

*Қалбимда мангу
Оловни ёқдинг.
Оқар сув қайтмас,
Лекин сен бир қайт!
Интизорман, оҳ,
Менга бир сўз айт!*

— Шунча йил ўтибди, аммо хануз ёдингизда. Ёзувларингиз орасида буни учратмаган эдим, — дедим Ойбекка.

У деди:

— Сени мактабдан қайтишингда кутар эдим-ку. Бир куни уч соат кутганман, келмадинг. Қайси кўчадан ўтиб кетибсан, билмай қолганман. Бу шеърни ўшанда ёзганман.

Биз бу воқеани эслаб, роса кулишдик.

Яқинда Бекжон касалхонада даволаниб ётганида, бир кардиолог доктор унга Ойбекнинг шогирди эканлигини ва ҳамиша Ойбекдан менга мактуб ташиганлигини сўзлабди. Буни эшитиб, таажжубландим. Демак, кўп мактублар менга келиб етмай, аро йўлда қолиб йўқолган экан.)

* * *

Мен юқорида Ойбекнинг хужрасида ўтириб, газабдан ёниб хат ёзганимни тасвирлаган эдим. Ўша куннинг эртасига у жавоб ёзиб келди, қайсарлик қилиб мен олмадим.

— Зарифа, ёмон эмас, ол! — ялинди у. — Ўжарлик қилма!

— Йўк, ёмони ҳам, яхшиси ҳам керак эмас! — юзимни четга ўгирдим, ўпкаланган тусда.

— Шу қоғозга энг инжа туйғуларимни, соф, нозик кечинмаларимни, муҳаббатимни тўкканман. Ол!

— Энг яхши мактубингизни ўқисам ҳам, қулоғимда аввалги сўзларингиз янграб туради. Уларнинг кўнглимда қолдирган яраси бутун умримга етади, — дедим норози оҳангда.

— Тун бўйи ухлолмадим. Сенинг мактубингни так-

рор-такрор ўқидим. Ҳам суюндим, ҳам йиғладим. Жавоб келтирдим, ол! Ўқи-да, йиртиб ташла! Сувда оқиб кетсин! — тутқизди у, қўлимга.

Тўрт варақдан иборат ниҳоят гўзал, шеърдан ҳам юксак ишқий нома! Ички титроқ сабабиданми ёки унинг менга тикилиб кузатишиданми, тузуккина ўқий олмадим, кўз югуртдим, холос! Тахлаб, ўз қўлим ила китоби орасига кистирдим.

— Ташаккур... ёзганингиз учун...

— Ташаккур... ўқиганингиз учун...

Кинояга киноа билан жавоб берди у. (Энди ўйласам, ёшлик тентаклик ила бирга кечар экан. Мен шу шеърга қадар ва ундан сўнг Ойбекнинг шундай гўзал, қайноқ хиссиётлар тошган мактубини кўрмадим. Мен қайтардим.)

— Энди мени хат ёзишдан ҳам маҳрум қиласанми?

— Сиз ҳақиқий шоир! Сизни Чўлпондан ҳам юксак, деб тушунаман. Шеър ёзинг!..

Ойбек индамади. Насиҳатимдан энсаси котди, шекилли.

— Ҳа, ростдан, кечаги мактубларингнинг нусхасини ваъда қилган эдим, — тахланган икки варақни узатди.

— Раҳмат, аслини қайтарсангиз бўларди.

Қаҳр билан, меҳр ва армон билан ёзилган гўзал мактублар... Ўқиб-ўқиб тўймайман, кўнглим ёруғланиб кетади. Фақат озроқ эзиб, ўртаб юборади улар.

Ойбек туманли кўзларини қисиб, синагандай узок тикилади.

— Мангуликка айрилдикми?

Ҳа, дегандай бошимни тебратаман.

— Сени бу қадар шафқатсиз, деб ўйламагандим.

— Сиздан юққан хислат! — бўш келмайман мен.

Орамизда пайдо бўлган совуқлик дарахти секин-аста ўса бошлайди.

ЛЕНИНГРАДЛИК ТАЛАБАНИНГ КЕЛИШИ

Ойбек бир-икки эшигимизга келди. Биз кўча-кўйида ҳам онда-сонда кўришадиган бўлиб қолдик. У энди, аввалгидай, муттасил йўлимни тўсмайди, кутмайди.

Мен биринчи, у эса иккинчи курсни тугатдик. Муаллимлик ва талабалик билан кунлар ва ойлар ўтмоқда.

— Яна йўлингни тўсдим, Зарифа, — кўккисдан Ойбек пайдо бўлиб қолди кўчада. — Сўнг дафъа сени

пойлаб турибман. Сени ҳам, юртимни ҳам ташлаб кет-
япман.

— Каерга? — Бу ғайриоддий учрашувдан нима
дейишни билмай қолдим.

— Ленинградга. Ўқишни ўша ерда давом эттир-
моқчиман.

— Ўқиш учун ундан ҳам узоқроқ жойларга борсан-
гиз арзийди.

— Ҳа, сенга барибир. Мажнунлигимнинг сенга зар-
ра қадар аҳамияти йўқ. Яхшиси кетиш, сендан олис-
олисларга кетиш керак! Шундай қарорга келдим. Сен-
га бўлса барибир. Мен сенинг бағрингда бўламанми
ё олис юртларда яшайманми — бунинг сенга фарқи
йўқ. Қўнглинг уйкудаги бир денгиз каби мавжсиз...

— Севмак, севилмакнинг вақти эмас, ҳозир. Айник-
са менга...

— Нега? Қачон вақти келади?

— Севмак, севилмак хотиржам кунларнинг, таш-
вишсиз ёшликнинг ҳамдами... Ўзингиз биласиз, да-
дам... Ҳаёлим у билан банд...

— Жуда сўзга чечан бўлиб кетибсан.

— Сиздан сабоқ олдим.

Ойбек яна нималар ҳақидадир сўйлади. Сўнг яна
мени қойий бошлади:

— Зарифа, кетганим яхши! Сен севмайсан! Балки
бошқа бирор севган кишинг бордир?

Мен бошимни силкитаман.

— Ҳозир бутун ҳаёлим ўқишда ва дадамда. Бирор
кишини севган тақдиримда ҳам ҳеч қачон унинг оёғига
ўзимни ташламаган бўлардим.

Шундай дедим-у ўзим ҳам кўркиб кетдим... У ўйлаб
қолди...

— Буни қандай тушуниш керак? Қувониш керакми
ё хафа бўлиш? Агар мени севишингга ишонганимда, бу
сўзларингдан фақат қувонган бўлар эдим. Балки очик-
роқ сўйларсан?..

Мен жавоб бермадим.

— Шу одатинг ёмон. Нега очик-ойдин гапир-
майсан?

— Қўнглим осмони тиник, мусаффо, булут қарвони
бор унда аммо...

— Сен ниҳоят нозик табиатли, мураккаб бир
қизсан!

— Шундай бўлсам, хурсандман!

— Мен ҳам шунинг учун севаман!

Гапнинг шу ерда кесилишини истаганимдан жим бўлдим. У яна нималар демоқчи эди, «жим» деган ишора учун бармоғимни лабларига қўйдим, ёнимиздан ўтаётган қандайдир бир кимсани имо-ишора билан кўрсатдим. Ойбек кулиб юборди, сўнг бир онгина жим бўлди.

— Сени кўрганимда, бутун борликни унутаман. Асло ишим йўқ, атрофдагилар билан. Гўё шу дунёда фақат иккимиздек...

— Хайр! Сизга ок йўл! — дедим эшитилар-эшитилмас. Юрагимда недир узилгандай бўлди, шу фурсатда. Алланечук туманли армон тўла қайноқ ҳислар бутун вужудимга ёйилгандек бўлди.

— Яна абадий хайрлашамизми? Ҳатто қўлларингни беришни ҳам истамайсан? Сени бу кўчада тентираб излар эдим. Учратган пайтимда эса сен қочиш йўлини ахтарар эдинг. Мана энди кўча ҳам, сен ҳам менсиз яшайсизлар... Мен узокдан туриб сенинг хаёлинг билан нафас оламан. Қани, қўлларингни бер!

Мен иккала қўлимни унга узатдим. У қўлларимни ўпар экан, унинг хаёлий оғушидан аста сирғалиб юриб кетдим: Қадамим оғир, оёқларимда мадор қолмагандек эди. Ўн-ўн беш кадам юриб, орқага қайрилганимда, унинг жим, қотиб, қараб турганини кўрдим. Оёқларимдаги юк бўшагандек бўлди. Енгил юриб кетдим.

Энди Ойбек билан учрашув ҳам йўқ, учрашувни кутиш дақиқалари ҳам. Унинг шарпасини кўчалардан излаш ортикча. Фақат хаёллар дунёсида қолдим. Бу катта мусибат эканини сеза бошладим, ўшанда.

Орадан бирор кун ўтгач, таниш ёқимли овоз эшитилди: «Зарифа!» Кутилмаган товушдан сесканиб тўхтар эканман, Ойбек ёнимда пайдо бўлиб қолди.

— Кетибсиз, деб ўйлагандим.

— Окшом жўнайман. Яна бир кўргим келди. Сўнгги дафъа овозингни эшитиб, кўзларинг нуридан шимиб, қўлларинг ҳароратини туйиб қолсам, эслаб юрарман. Билмадим, сенсиз ҳаётга нечук чидар эканман?

— Ора қанча узоқ бўлса, кўнгил шунча яқин бўлади, деган эдингиз, шекилли.

— Ойбекнинг сўзини унутмабсан!

— Сизнинг сўзларингизни унутиб бўладими? — дедим киноя билан.

У кинояни сезмасликка уринди.

— Зарифа, авваллари ҳамиша юзингда мулоийм табассум бўларди. Яқиндан буён...

— Нима «яқиндан буён?» — сўзини кесдим.

— Яқиндан буён кўзларингда ғазаб тўлкин бериб туради.

— Ўзим ҳам сезаман. Сизнинг хужрангизга борганимдан бери, — бир оз жим бўлдим, — тўғрироғи, сўнгги мактубингизни олганимдан бери...

— Бас! Бас! — деди у ранжиган тусда.

— Ғазаб тўлкини сизга ёкмайдими? Ўзимга жуда ёқади. Бувимнинг бир гапи бор: «Ёғочнинг юмшоғини курт, одамнинг юмшоғини дард кемираркан».

— Сенга ҳамма килик ярашади. Табассум ҳам, қахр ва ғазаб ҳам. Лекин...

— Нима лекин?

— Ғазабинг келса, ҳеч кимни танимайсан. «Хайр» деган сўздан бошқа калимани унутасан-қўясан. Ҳар кун тонг отгандан бошлаб умид қиламан, сени учратаманми, йўқми, деб.

— Ойбек ака, неча марта «Абадий хайр», дедингиз. Мен сизнинг оёқларингизга мажбуран кишан солганим йўк. — Юзимни терс ўгирдим.

— Ох, Зарифа, бахсда сени енгил мушкул!

У ҳар бир сўзимдаги кинояни пайқаса-да, бугун меҳр ва шафқат билан сўйларди.

— Менга хат ёзасанми? Кетар эканман, сенга ҳаётнинг барча эзгуликларини истайман. Айт, хат ёзасанми?

Бошимни чайқайман.

— Нега? Лайли Мажнунга мактуб ёзмаганми? Ширин Фарходга атаб хат битмаганми? Сен улардан ибрат олсанг арзийди.

— Мендан сира хат кутманг. Ўзингиз ҳам ёзманг, ўтинаман. Мактубингизни очгани кўркаман.

— Нега?

— Негамиш? Гўё тушунмайсиз. Мен ахир йиғлоки кизлардан эмасман. Сизнинг хатларингизни ўқиб, одамнинг кўнгли бўшашиб кетади.

— Ишонмайман. Сен кўз ёши тўкишни, дард чекишни сира билмайсан!

— Сиз юзимдаги табассумни кўрасиз, фақат... Қалбимга ҳам кўрғошиндай қуйилган. Бунга билмайсиз, тушунмайсиз... Ахир... дадам шимолий муҳит асирику!.. Хайр! — дедим кўлимни тортиб.

— Хайр, — деди у бўшашиб.

Менинг юрагимда ётган ғамни энди тушунгандек бўлди, чамамда. Биз хайрлашар эканмиз, унинг: «Хайр,

унутма, ўтинаман», деган сўзлари узоқ вақт кулоғимдан кетмади. Тез юриб кетдим. Орқага қарашдан кўркардим, кўнглимда тошган ҳароратни, кўзларимга қуийилиб келаётган ёшларни кўриб қолишини истамасдим.

* * *

Орадан бир йил ўтди. Мен III курсда таҳсил кўраман. Айни пайтда Зулфия икковимиз «Зебуннисо» мактабида муаллимлик ҳам қиламиз. Менинг маошим 35 сўм; 3 сўми ёнимда қолади; 30 сўмни эса ҳар ой дадамга, Соловкига юборамиз. Тез-тез бўғирсоқ, патир, ёғли ва шакарли сўк, талкон юбориб турамиз.

Мен стипендия олмайман. Бир неча бор комсомол кўмитасига чақириб, стипендия олишни маслаҳат бердилар. Аммо уни мен рад этишга мажбур эдим, чунки таълим-тарбия техникумини битиргач, икки йил ишлаб беришни ўз бурчим, деб билардим.

Уша йиллари хотин-қизларнинг «Янги йўл» журна-ли чика бошлаган эди. Унинг муҳаррири Ойдин эди. У шу пайтларда ҳали ҳам паранжида юрарди. Лекин унинг бу иши таҳрир хайъатига ҳам, раҳбариятга ҳам ёкмас эди, шекилли. Шунинг учун ҳам мени бир неча марта журнал муҳаррирлигига таклиф этиб, 300 сўм маош берилишини айтдилар. Ҳатто «Бизга фақат ис-мингиз керак. Бутун ишни ўзимиз бажарамиз. Ўқи-шингизга асло ҳалақит бермаймиз», десалар-да, уна-мадим. Биринчидан, муҳаррир бўлгач, ишлаш керак, иккинчидан, мен ўқиш учун кўп вақтни ажратишим лозим эди.

Зулфияни эрга бердилар. Куёв Туркистоннинг Икон қишлоғидан бўлиб, Шарқ факультетни тугатган эди. У Зулфиянинг сира тенги эмас. Шунинг учун ҳам улар кейинчалик ажралиб кетишди.

Дадам масаласида унинг яқин дўсти адвокат Убайдулла Хўжаев билан маслаҳатлашдик. Бу одам Маскавда бир рус оиласи билан бирга яшаган, инқи-лобдан аввал Русиядаги шаҳарларнинг бирида таҳсил кўриб қайтган, русчага ниҳоят уста, хотини ҳам маскавлик рус аёли эди.

Убайдулла Хўжаев дадамни озод қилиш масаласи-да М. И. Калинин номига ариза ёзди ва Маскавга борганимда, унинг қайнонаси уйига тушишимни масла-ҳат берди. Мен Маскавда Михаил Ивановичнинг муо-вини туркман Гулбешеров олдига кирдим; у мен билан

яхши муомала килди: «Хафа бўлманг, ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Аризанинг натижасини кутмасдан кетаверинг. Тошкентга етганингизча дадангиз озод бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас», деди.

Мен Маскавда Убайдулла Хўжаевнинг татар адвокат дўстлари билан ҳам учрашдим, шунингдек, Шарқ халқлари марказий нашриёти мудир Абдулла Раҳимбоев билан маслаҳатлашдим. У Гулбешеровга учрашиб кўришга ваъда берди. Унинг иниси Файзулла Раҳимбоев (русга уйланган, хотини Кремлда ишларди) Тимирязев академиясида ўқир экан.

Маскавда ўша йиллари ўзбек рабфаки ҳам бор бўлиб, унинг мудирини биринчи ўзбек алифбеларининг тузувчиси Шокиржон Раҳимов эди. У дадамнинг дўсти, мулоим, камтарин, хушмуомила киши. Хотини Кимё «Зубуннисо»да муаллима бўлган. Мен уларни яхши таниганимдан бир-икки марта уйларига бориб турдим.

(Кейинчалик юқорида зикр этилган кишиларнинг барчаси — Гулбешеров ҳам, Абдулла билан Файзулла ҳам, Убайдулла Хўжаев ҳам, Шокиржон ака ҳам — биттаси қолмай ҳаммаси қамалиб кетди.)

Кунларнинг бирида Кимё опа менга телефон қилиб қолди: «Тез етиб келинг! Тошкентга бир талаба кетяпти. Хат ёзиб бермоқчи эдингиз», деб. Мен шошилиш равишда уйга хат ёздим, Гулбешеровнинг ваъда қилганини хабар қилишга, уйдагиларни суюнтиришга ошиқдим. Сўнг хатни олиб, рабфакка югурдим. Кимё опа мени сирли бир табассум билан қаршилагач, уйга таклиф қилди. Уйда Шокиржон ака билан Ойбек сўйлашиб ўтирардилар. Мен икковимиз учун ҳам қутилмаган бу учрашувдан шошиб қолдим. Ойбек билан чала-ярим кўришдим-да, ўзимни ичкари уйга урдим.

Кимё опа Ойбекнинг Ленинграддан Тошкентга кетаётганини, унинг орқали хат беришим мумкинлигини айтди. Унинг юзидаги енгил табассумни англаган эдим, албатта.

Мезбонлар қанча қистасалар-да, ўтиришни истамадим. Ойбекка хатни узатиб, Зулфияга топширишни ўтindingим-да, хайрлашиб, чиқиб кетдим.

Кимё опа ошга гуруч бостираётган эди:

— Мунча шошмасангиз, гаплашиб ўтирибсизда, — деди.

Мен кўчага отилиб чиққанимдан сўнггина юрагимнинг ҳаяжонли гурсиллаши босилди.

(Мен кетганимдан кейин Шокиржон ака Ойбекка:



Ойбек. Ленинград, 1929 йил.

«Нега олиб қолмадингиз? Биз сизларни атайлаб учраш-тирган эдик», — дебди. Ойбек эса «Майли, Тошкент-да ўзим топиб оламан», — деб жавоб қилибди. Кейин Ойбекнинг ўзи кула-кула гапириб берган эди буни...)

Бир неча кундан сўнг Тошкентга қайтдим. Маскавдан бирор нажот бўлмади. Балки мен Кали-ниннинг хузурига кирганимда, дадам озод қилинган бўлармиди?!

Ховлимизда бир туп шотут, бир-икки туп гилос, олча ва каттагина ўрик дарахти бор. Саратон... Айни пишиқчилик пайти... Мен ўрик дарахтининг устига чиқиб, шохдан-шохга ўтиб қоқар, ойим эса терар эди. Шу пайт эшик ҳалқаси шақиллади, қарасам, Ойбек эшик олдида кулиб, ўрик тепасига — менга тикилиб турибди. Отилиб, ерга тушдим...

Уйга кирдик. Палов дамланган эканми, ойим кичик бир лаганчада ош сузиб берди. Дастурхон ёздим, чой келтирдим. Узок гаплашиб ўтирдик. Шу бир йиллик хижрон кунларида икковимиз хийла жиддийлашган эканмиз, катталардек суҳбатлашамиз. Болалик фаслидан ўтганимиз аён кўриниб турар эди.

Эртаси Ойбек окшом пайти тағин келди:

— Зарифа, айланиб келамиз, — деди.

Мен нима дейишни билмай, ерга қараб жим қолдим.

— Аввал мени кўрсанг, қочар эдинг. «Ҳали ёшман», дердинг. Мана, энди бўйинг ҳам менга етиб қолибди. Ёш бола эмассан, — деди у жиддий товуш билан.

Мен ҳамон оғзимга сув олганча жим турибман.

— Юр, Зарифа! Хафа қилма, соғинганман, — унинг товушида майин тўлқин пайдо бўлди. Менинг иккиланаётганимни кўриб, яна деди. — Ойингдан сўра, рухсат берсин.

Ховлига чиқишим билан ёнимда Зулфия пайдо бўлди. У, албатта, эшик орқасидан кулоқ солиб, бизнинг ҳамма гапимизни тинглаб турган эди.

— Нима деяпти? Айланиб келамиз, деяптими? — ўсмоқчилади у.

— Ҳа.

— Нима бўпти, боравер, ёш эмассан! — катталардек маслаҳат берди Зулфия.

Айвонда ойим недир тикиб ўтирар эди.

— Сиз нима дейсиз? — сўрадим уялибгина, гўё Ойбек билан ҳеч учрашмаган кишидек.

— Майли, фақат кеч қолма, — рухсат берди ойим.

Билмайман, устимга нима кийдим, аммо бошимга катта, гулли нафис бухори шойи рўмолни ташлаганим эсимда. Ойбекнинг олдига тушдим. Узун жин кўчадан чиқиб, Шайхантохур ичидаги «Намуна», мактабига кирдим. Чамамда, Ойбек бизга Маҳмуд акани ҳам ҳамроҳ қилмоқчи бўлганга ўхшайди. У эса банд экан-

лигини, шогирдлар ила йиғилиш ўтказажани ай-тиб, бизни мактаб боғига кузатди.

Шайхантохурнинг нак оркасида мактабнинг каттагина боғи бор экан. Боққа киришимиз билан кимдир бизни самимий қарши олди. Боғ этагига, шундоққина сўлқиллаган кўк майса гилам устига кўрпача солиб, жой қилди. Икковимиз ҳам ўз хаёлларимиз билан жим ўтирдик. Дастурхон келтирдилар. Нон, чой, ҳар нав мевалар бўлса керак, ҳеч бирини пайкамадим. Боғдаги йигитларнинг бирортаси биз билан бирга ўтирмади. Биз ёлғиз эдик. Ойбек чой қуйди, нон ушатди. Гоҳ гаплашиб, гоҳ окшом шабада-сида тебранаётган майсалар тўлқинини томоша қилиб ўтирдик. Бир-биримизни сўзсиз ҳам яхшироқ англاردик, шунинг учун ҳам бу висол дамларининг лаззатини тўла ҳис этардик.

У секин кўрпача узра ёнбошлаб, сўнг ағдарилиб, осмондаги мовий булутлар қарвонига тикилиб ётди. Мен эсам кимир этолмайман. Мен қаршимдаги кўк майсадан кўз узолмас, у эса осмонга тикилган ҳолда бу оромбахш сукунатни бузмаслик йўлларини ахтарар эди.

Бундан тўрт йил муқаддам унинг калин қўнғир сочлари типратикон ниначаларидек тепага «санчилиб» турарди. Ҳозир эса унинг қоп-қора қўнғироқ сочлари манглайи бўйлаб сочилиб ётибди. Секин сидириб, пешонасини очдим. Бунга қандай журъат этдим — ўзим ҳам хайронман. Унинг йирик-йирик, теран маъно ва сеҳр билан тўла кўзларига, нур балқиган юзларига боқар эканман, қўнғлимда шу ондаёқ меҳр бўлоғи тошиб кетгандай бўлди.

У маҳкам қўлимни сиқиб олди, лабларига олиб бориб, ўпар экан:

— Кетайлик. Қоронғилик қуюклашяпти, — дедим секингина.

Қўзғолдик. Ойбек гулхона олдида тўхтаб, гул уза бошлар экан, бизни қаршилаган ва меҳвоннавозлик билан сийлаган йигит ёнидан пичоқ суғурди-да, боғдаги гуллардан бир гулдаста ясади. Сўнг Ойбекка узатди. Ойбек атир бўйлари бурқиб турган гул ва райхонларни хидлаб, менга тутқазди.

Тошкент окшомининг қуюқлаша бошлаган қоронғи-сида эндигина туғилган ойнинг нозик ўроқчаси булутлар денгизида аста оқар, ундан таралаётган бир тутам нур бизнинг қалбимизга шароб бўлиб қуйилмоқда эди. Бу шаробдан иккимиз маст эдик. У биринчи марта мени

кўлтиклаб олган, кадамларимизни билмадим-у, аммо юракларимиз баробар ураётгандек эди, шу топда.

Эшикка етганда:

— Зарифа, эртага келаман. Айтадиган сўзларим бор, — деди хайрлашаётиб.

Эртаси уйда ўтирибмиз... Дастурхонга патир, қовун, чой келтирдим. Ўзоқ ўтириб, узок сўйлашдик. Нималар хусусида гап кетди — эслай олмайман. Юрак зарби, тўлкини, ҳаяжон, тотли ҳиссиёт бутун борлиғимизни, руҳимизни қамраб олган.

— Зарифа, менинг дардимни, севинчимни, орзуларимни — барини биласан. Тўрт йил бўлади — юрагим сен билан. Таътил кунлари ҳам хотимага етаяпти. Кетадиган вақт яқин. Сендан бир оғиз сўз эшитиб, кўнглимни тинчитиб кетсам...

Мен нима ҳам дер эдим? Сукут сақлайман, холос.

— Нега индамайсан? — Жаҳли чиқади унинг. — Яхши, тўрт йил кутган бўлсам, тагин бир кун кутай. Ойингдан сўра. Ойинг розилигини айтса, бас, мен бахт қанотида учаман.

Мен унинг юзига қарашга уяламан. У қўлларимни ўпар экан, илиқ табассум ила:

— Мендан хафа бўлма, кўрдингми, фақат қўлларингни ўпиш билан қаноатланаман, — деб сўз қотади.

Кўзларим ҳамон ерда.

— Нега кўзларингни яширасан? Менга қара, кўзларингдан ўйларингни, сирларингни ўқиб билгим бор.

Мендан ҳамон садо йўқ.

— Севги — буюк эзгулик! — деди у астагина.

Бу сўзлар унинг ўзигами ё менга қарата айтилганмиди, билмадим.

Ойбек тоқчадан «Турк адабиёти тарихи»ни олиб, ёстикка ёнбошлади. Тавфиқ Фикрат, Яхё Камол шеърларини ўқиркан, назаримда, ниҳоят, мен ҳам у чертаётган танбур садоларига ҳамоҳанг ва ҳамжўр бўла бошлаган эдим.

Ойбекни жўнатиб, айвонга қайтар эканман, Зулфия ёнимга келиб ўтирди.

— Предложение қилдими? — сўради у.

— Ҳа, — дедим секин.

— Не жавоб қилдинг?.. Хўп, деявер. Ойбекдан яхшисини топармидинг? — Индамадим.

Билмайдик, мен ундан бошқасини асло ўйламайман. Бошқа бирор кимса кўзимга ҳам кўринмайди, ҳаёлимни ҳам ўзига тортмайди.

— Ойим билан ўзим гаплашиб қўйганман. Ташвишланма, ойим рози, — деди яна Зулфия.

Ҳамиша сўз келганда мен «Эрга чикмайман», дер эдим. Ойим бу сўзларимга ишонар ва ташвишланар экан. Зулфия пойлаб юриб, эшитганини, фахмлаганини ойимга битта ҳам қўймай етказиб тургани учун у рўй бераётган воқеалардан мамнун юрган экан.

Айвонда чой ичиб ўтирган ойим пиёласини дастурхон устига қўйди. Меҳр балкиган юзида илиқ табассум, кувонч ва бахт табассуми пайдо бўлди.

— Мен ҳам, бувинг ҳам рози, — деди у жойнамоз устида тасбеҳ ўгириб ўтирган бувимга ишора қилиб. — Бу шоир йигит кўзимизга иссиқ кўринади. Парвардигорим бахтингни берсин, акли расо йигитга ўхшайди, — ойимнинг сўзига қўшилади бувим ҳам, тасбеҳ ўгиришни бир лаҳза тўхтатиб.

— Дадамдан сўраймизми? — дегим келди менинг. Лекин бу фикр ҳаммамизнинг кўнглимизни қакшатиб турганини яхши билар эдик. Шунинг учун ҳам хўрсиниб, ўзимни қоронғи уйга отдим. Алам билан шодлик, армон билан бахт уйкаш ҳолда юрагимдан тошиб кетган эди.

Эртаси, пешин эндигина оған эди, Ойбек кириб келди. Биз уйда, кичик стол ёнидаги икки ўриндикда карама-карши ўтирибмиз...

— Зарифа, гапир! Қулоғим сенда..., — деди у. — Нега индамайсан? Билмайсанми, сукунатдан қўрқаман. Хоҳла жаҳаннам қаърига от, хоҳла оппоқ момик булутлар устига олиб чик! Сўйла!

Не дердим? Мен ундай шоирона сўзлашни билмайман. Бошимни қуйи солиб, жим ўтирибман. У менинг уялганимни сезиб турар эди. Тирсакларини столга қўйиб, қўлларини менга узатар экан:

— Ойинг нима деди? Розими? — сўради.

— Ҳа, — жавоб бердим секингина.

Ойбек сапчиб ўрнидан турди-да, мени кучоқлаб олди. Еш чақалокни эҳтиёт қилиб ўпгандек яноқларимдан бир-икки бўса олди, кўксига босди.

— Зарифамга етишдим!.. Энди кўнглим тинч!..

Энди мен ҳам унинг ёниқ ҳаракатларига қаршилиқ қилмайман.

— Ленинградда бир йил юрдим. Лекин сени бир дақиқа ҳам унутолмадим...

У меҳр ва муҳаббат чакнаган кўзларини мендан узмай, узоқ сўйлади.

Биз унаштирилган киз ва йигит эдик, энди.

Энди биз кечга якин тез-тез бирга чиқиб кетамиз. Ойбек баъзан икки-уч дўсти билан бирга келади. Шахардаги истироҳат боғларига бориб, озгина пиво ичиб, марокли суҳбат курамиз, хиёбонларда сайр этамиз. Тунда, вақт алламаҳал бўлганда, Ойбек мени эшикка қадар кузатиб қўяди.

Баъзан эса иккимиз ҳам кўчага чиқмай, уйда ўтирамиз. Навоий, Фузулий ғазалларини, турк шоирларининг шеърларини ўқиймиз. Бизга макбул бўлган шеърлар ва ғазалларни қайта-қайта ўқиб, завқ қиламиз. Секин-аста вақт дарёси оқиб, оқшом қуюлганини билмай қоламиз. Қоқ ярим кечада ёки тонг кўкара бошлаганда, Ойбек уйига кетади.

Шу тарзда таътил кунлари ҳам ўтади.

ҲИЖРОН ВА ВИСОЛ

Октябрнинг охириларида Ойбек Ленинградга жўнади. Кетадиган кун иёр-дўстлари билан бирга келиб, биз билан хайрлашди. Вокзалга чиқишимни, унга, Ленинградга хат ёзиб туришимни сўради. Агар дарслардан кета билсам, кузатишга чиқишимни айтдим.

Ўша кун иимфакда физикадан лекция тинглаб ўтирар эдим. Қаршимдаги деворда соат бор. Ундан кўз узмайман; соат милларининг ҳаракатини кузатиб, ҳатто профессорнинг нима тўғрисида сўйлаётгани ҳам қулоғимга кирмади. Лекин уни кузатажак дўстлари ва акасидан уялиб, вокзалга ҳам чиқишга ботинмадим. Соат миллари эса, поезд ғилдираклари сингари, тез-тез юра бошлади. Машғулотхонада юрак-бағрим эзилиб, паришон ўтирдим. У ҳам вокзалда кўзларини жовдиратиб турган бўлиши керак.

Поезднинг жўнаш дақиқаси кечар экан, оғир бир «ух» тортдим. Гўё менинг ҳам юрагим, бойлигим, бу дунёда орттирган нарсаларим ўша поездда кетгандек бўлди.

Орадан бир мунча фурсат ўтгач, Ойбекдан соғинч туйғулари билан тўла хатлар кела бошлади. Менинг кўнглимда пайдо бўлган бўшлиқни унинг мактубларидаги тошқин туйғулар тўлдириб юборди.

У Ленинградга етиб борар-бормас, қуйидаги шеърни ёзиб юборди:

УЗОҚДАН ТУРИБ...

*Кўзлари чўлпондек нозли севгилим!
Бир қараши ташладинг, мен севдим сени.
Хаёлинг эсларкан, қонайдир дилим,
Ёлборай, гўзалим, унутма мени!*

*Дарёлар сингари кўнглим жўшқиндир,
Бир тола сочинг-ла боғланиб қолди.
Кўксингда ётганим на гўзал кунди,
Айрилиқ сийнамга ёнғинлар солди.*

*Хаёлдек йўқолди яйраган чоқлар...
Дардинг-ла сўнаркан қора, шўх кўзим,
Сени эркалайди денгиз, қирғоқлар,
Кўзлари чўлпондек нозли севгилим!*

Бу шеър 1928 йил 26 октябрда ёзилган. Мен учун ниҳоят азиз сатрлар... Бу шеър менга бағишлангани учунгина эмас, балки унда улўғ шоирнинг булўқ сувларидек мусаффо қалби мавж уриб тургани учун ҳам севаман, уни. Бу шеърни ўкиб, хасратларим, дардларим, ташвишларим эриб йўқолгандек бўлади.

Кетма-кет хат, кетма-кет шеър келиб туради. У ўзининг соғинчларини яширмай, уларни шеърнинг олтин қанотларига боғлайди. Мана, шундай шеърлардан яна бири:

*Бир тола сочингми бўйнимнинг боғи?
Темир занжир каби — уза билмаймен.
Қонларга бўялсин шоир ётоғи,
Мен бир кун ханжар-ла қалбни тилгаймен...
Айрилиқ йиллари оғир юк каби
Кифтимга чўкмишдир, нозли севгилим!
Севгинг саҳросида кўрмагач сени,
Ёнғинда жизғанақ бўлди ёш дилим...
Ёшли кўзларимдан сира кетмайди,
Қовушган кунларнинг у олтин изи.
Чолғимнинг инграши сенга етмайди,
Мангулик қочдингми, эй хаёл қизи?*

Бу шеърнинг биринчи бандини Муксид Қориев баъзи ўтиришларда ёддан айтиб кўярди. Мен уялардим, ранжирдим, Ойбек эса куларди. (Бу шеър унинг китобларига кирганда, мен баъзи сатрларни ўзгартирганман.)

رأاه ساجدین بر چنگش ما ؟
 پیر زده غیر که بی تو را بلمه بیهوش
 خانه را خواب و یاس شاعر با نانی
 در بر کز دمه نغمه راه قه لبتی تلک بیهوش ...

تاریخی بیلا رسه نامه یوک که بی ،
 کپیته یوکسته ، نازی سبوت گیلیم !
 سبوت گلد سر مرانید و کورمده معصوفی ،
 با نغینه ا جند نینه ک بولون یاش دیلم ...

یا شاه کوز ارمده و سرده نغمه بیهوش ،
 قاز و شکان کوز نله رنک تو نالمتی ندره .
 یا لعلنگ ننگه ش سبوت چنجه بیهوش ،
 منگر لک خامیه گوی که مر باد قندره !؟

Хуллас, Ойбек Ленинградда таҳсил олар экан, мени бир кун бўлса ҳам унутмади. Аксинча, унинг менга бўлган севгиси шу йилларда синовдан яна бир бор ўтиб, яна ҳам гулхан олди.

(Агар Ойбек улуғ адибгина эмас, улуғ инсон ҳам бўлмаганида, у севги можароларидан ҳориб, ўз бахтини, оромини бошқа кимсалардан излаган бўлармиди? У улуғ инсон бўлгани учун муқаддас инсоний туйғуларни теран ҳис этар, бизнинг қалбимиз пайқай олмаган севги ва севинч, ғам ва алам пардаларидан кўтарилган нозик оҳангларни зукколик билан илғаб олар эди.)

21 декабрда у яна бир шеърини мактубни йўллади. Бу шеър, афтидан, кўпчиликнинг назарига тушмаган. Мана, ўша шеър:

*Қалбимнинг фарёди қаламдан тўкилди,
Мен сенга, гўзалим, шу хатни ёзаркан.
Ёнғиннинг тиллари сийнамни кўп юлди,
Шоир ҳеч қутулмас бу ўқсиз ишқдан.
Боғчада сен танҳо бекиниб, нонамни —
Ўқигач, қалбимга бир умид бағишла!
Қора, шўх кўзимга чўккан шу мотамни
Йўқот, эй севгилим, бир юлдуз бағишла!*

Қандай илик, самимий ва латиф мактублар! Нақадар тотли ва табарруқ эди улар!

Ойбек шу даврда Тошкентга, менга соғинч ва муҳаббат билан яшади. Мен эсам соф шеърят денгизида, Ойбек яратган эзгулик ва гўзаллик денгизида нафас олдим. Тунлари ширин орзулар оғушида, оромбахш ҳислар, ёкимли соғинчлар билан уйқуга кетганимни сезмасдим. Қалбим унинг ўзи билан, соф севгимиз билан, қайғуларим кўланкасини тарқатиб юборадиган латиф шеърятини билан тўла бўлди. Бу шеърлар кунларим ва тунларимни ёритиб юборадиган муҳаббат машғаласи эди!

Билмадим, менинг ёзган мактубларим қандай эди? Уни суюнтирадиган, муҳаббатим чечакларини унга етказадиган бирор фазилати бўлганми, йўқми?..

* * *

Ойбекнинг дўстлари унга ҳам, менга ҳам меҳрибон, хайрихоҳлик истайдиган, самимий йигитлар эди. Менга синфдош йигитлар ҳам яхши инсонлар эди. Бироқ мен уларнинг биттаси хусусида қаттиқ янглишганман.

У русчадан нўноқ. Ўқишда ҳам заифгина, судралиб юрарди. Мен кимё, у биология факультетида ўқирдик. Баъзи лекцияларни эса бирга эшитардик. У кўпинча имтиҳон олдида менга ялиниб келар, «Бирга топширсак, бирга такрорласак», — дер эди.

1927 йили Ойбек Ленинградга кетган эмасми, балки унинг кўнглида ўзга ният бўлгандир?.. Менга яқин юриши балки бежиз эмасдир?.. Аммо менинг кўнглимда асло шубҳа йўқ, бепарво эдим.

Эсимда, биз у билан зоологиядан имтиҳонни бирга топширдик. Диалектик материализмдан менинг конспектарим асосида тайёрлангач, имтиҳон топширгали яна у билан бирга бордик. Муаллим аввал мендан имтиҳон олди. Сўнг «Қайси миллатдан бўласиз?» деб сўради. Мен «Ўзбек кизиман», деб жавоб берганимда, у «Рус тилини яхши билар экансиз», — деди. «Олти синфни рус тилида тугатганман», — дедим. Рус тилини мукамал билмасам-да, бошқа ўзбек талабалари орасида тузукрок кўринар эдим.

Муаллим мендан кейин уни сўроқлай бошлади. У бирорта саволга жавоб беролмади. «Шеригингиз билмайди, тайёр эмас», — деди муаллим менга қараб. «Билади, менга инонинг, фақат русча айтиб беролмаяпти», — дедим мен. «Яхши, йўқса у ўзбекча жавоб қилсин, сиз таржима қилинг», — деди муаллим...

Биз у билан шу тарзда имтиҳон топширганмиз.

У академиянинг раҳбарларидан бири бўлганида ҳам рус тилида тузукрок гапира олмас, ўзбекча нутқи ҳам ёмон эди. Бир куни курсдошларимиздан профессор Ҳасан Муртазоев мени кўчада учратиб қолди: «Зарифа, фалончи катта бўлибди. Сиз билан мен унинг кимлигини яхши биламиз». Биз икковимиз роса кулишдик.

Мана шу одам «Шу қизни САГУдан, албатта, ҳайдаттираман», деган. Парткомга: «Бу қизнинг отаси камалган. Ҳозир сургунда. У бой бўлган, ундай-бундай бўлган», деб ариза берган. Шундан сўнг мени парткомга чакириб, дадам хусусида сўрадилар. Мен «САГУга кирганимда, ҳаммасини анкетада очик ёзганман», — деб жавоб бердим. Дорилфунун раҳбарлари менинг масалам бўйича ГПУга мурожаат қилганларида, улар «Университетга кирган биринчи ўзбек қизи шуми?» «Ўқисин! Тўсқинлик қилманг!» — деб жавоб берганлар.

Мендан бир йил кейин САГУнинг кишлоқ хўжалик факультетига Орифхонова деган ўзбек қизи ўқишга кирган. У русчага жуда уста, ўткир, ақлли киз эди.

Бизга аналитик кимёдан дарс берган профессор Новиков ҳар иккимизни у билан қиёс қилиб, ҳатто «Ўзбек қизлари йигитларга қараганда истеъдодлироқ экан», деб қулган.

Аммо у истеъдодсиз киши бўлишига қарамай, САГУ факультетларининг бирига декан бўлди. Шунда у аъло ўқийдиган, профессорларнинг суюкли талабаларидан бири бўлган синглим Шарифани бойнинг кизи, деб дорилфунундан, ўқишдан ҳайдаттирди.



Саидносир Миржалилов

* * *

Парткомда мен билан хушмуомалалик ила сўзлашсалар-да, мен ранжидим, хафа бўлдим. Ойбекка йўллаган бир мактубимда кайфиятимнинг хиралиги, дилгирлигим, ҳаёт ғавғоларидан чарчаганлигим хусусида ёзган эдим. Кўп ўтмай, Ойбекдан жавоб келди. Жавоб шеърӣ эди, албатта. Ойбек кўпинча менга мактублар билан бирга шеърлар ҳам йўллар эди. Мана, ўша шеър:

*Ҳеч йиғлама, ҳеч қайғурма, дардли қиз!
Кўзларингдан эрк юлдузи сўнмасин.
Нашталардан ҳаёлингда маржон тиз,
Кипригингга асло ҳузун қўнмасин.*

*Ёш кўнгиллар шўхлик қилса ярашар,
Тоғлардаги булоқ каби шўх, шод бўл!
Шўх руҳларда ҳаёт қайнар, ишқ тошар,
Баҳорингни хароб қилмас алам, дўл.*

*Янги ўйлар, янги куйлар тошаркан,
Қора, қўрқинч ҳаёлларни от узоқ!
Шўхликлардан ёш кўнглингга қанот тоқ!
Нурли кунлар, ипак тунлар қизисан!*

Ойбек ўз мактубларини факультетга, менинг номимга юборар эди. Мен ҳар кун муштоқлик ила кутардим. Қоровул олдидаги столни тез-тез кўздан кечирар эдим.

(Ойбекнинг бир неча дўстлари физика-математика бўлимида мен билан бирга ўқирдилар. (Айтиб ўтганимдек, кимё факультети 1930 йилда ажралиб чиққан. Биз шу факультетнинг биринчи битирувчилари бўлган эдик.) Шулардан бири Мажид Қодирий эди. Орадан бир қанча йиллар ўтгач, у менга бир воқеани айтиб берган. Унинг эслашича, Ойбекдан менинг номимга келган хатларни аввал улар очиб ўқир эканлар; кейин конвертни яхшилаб елимлаб, жойига қўяр эканлар-да, чет-четда пойлаб турар эканлар. Мен хатни суюниб олганим, конвертни очганим ва шу ердаёқ четланиб, шошилиб ўқиганимни кузатар эканлар.)

* * *

Ойбек Ленинградда таҳсилда экан, техникумдаги муаллими Иброҳим афандининг Ленинград турмасида ҳибсда турганидан хабар топади. У шу ерда ўқиётган ўртоғи Муксид билан Иброҳим афандини кўргани боради. Шунда Муксид ҳибсдаги домласига Ойбек икковимизнинг унаштирилганимизни айтади. Иброҳим афанди буни эшитиб, ғоят мамнун бўлади.

Мен Иброҳим афандининг суюкли шогирдларидан эдим, Ойбекни-ку у ниҳоятда севарди. Билмадим, тақдирнинг қандай ўйини уни Туркиядан Тошкентга олиб келиб ташлаган?! Бечора домламиз ёлғиз, оиласиз,

ғариб бир муаллим эди. Биз барчамиз уни севардик хурмат қилардик.

1928 йил декабрининг сўнгги кунларида Ойбек Тошкентга таътилга келди. Қиш, айни чиллаи гарозон кунлари эди. Қалин қор ёққан. Томдан кураб ташланган қор уюмлари тор, эгри кўчаларни тўлдириб юборган шу туфайли кўча-кўйлар кимсасиз қолган пайт эди.

Қутилмаганда Ойбек қоматлари келишган, баланд бўйли, кўркам икки ўртоғи билан кириб келди. (Унинг устидаги қалин пальто ва кулоқчин ҳали ҳам эсимда. У ана шу кийимда Ленинградда расмга тушган ва бу расм унинг китобларида кўп маротаба эълон қилинган.) Эшикни очишим билан унинг юзида илиқ табассум, кўзларида эса севинч ва меҳр порлаб юборди. Менинг ҳам соғинчдан ўртанган, уни кўришга муштон кўнглимда севинч ва ғурур тошқини...

Биз энди ҳар куни учрашамиз. Совуқ уйда, чўл тўла, базиллаган сандалнинг бир томонида, севги оғушида ўтирамиз. Бирга шеър ўқиймиз. Тотли, мароқли суҳбатнинг адоғи бўлмайди. Мабодо беш-ўн дақиқа сукутда қолсак, бу сукут сониялари ҳам кўнглимизни бахт нашидаси, ором туйғуси билан тўлдириб юборади. Бу сониялар суҳбатдан ҳам ширин ва тотли туюлади кўнгиллар қовушиб кетгандек бўлади.

Қоқ ярим кечада ё тонгга яқин Ойбек уйига кетади. Биз айрилишни истамаймиз. Бир кеча ҳатто бўвим айтмиш: «Бемалол ўтиришингни қара. Эҳтиёт бўл, ўғил бола — бўри, қиз бола қўзичоқ бўлади...» Ойим ҳам «Еш қизсан, эҳтиёт бўл, тагин бизни ранжитиб қўйма» дегани-деган.

(Бугунги ёшлар бизнинг ўша пайтдаги ҳолатимизни тушунмаслиги мумкин. Бизнинг муҳаббатимиз чилла қоридек тоза бўлгани сабабли юксак маънавий иқлимда яшар эдик. На Ойбекнинг, на менинг ҳаёлимга зинҳор уятли, ёмон фикрлар келмаган. У бир марта ҳам менинг дудокларимдан ўпмаган.)

Баъзан Ойбек ўртоқлари билан бирга келиб, мени театрға олиб боради. «Хамза» театрида қўйилган спектакллари қанда қилмай кўрамиз.

Аммо Ленинградда ўпкаси шамоллаб қолган Ойбек қаттиқ йўталади. Мен унинг соғлиғини сўрашга ийманаман, кўнглига оғир ботмасин, деб андиша қиламан.

Ўша кезлари Ойбек икки кун келмай қолди. Ойим хавотирланганидан Шарифани хабар олгани юборди. Шарифа Ойбекнинг тоби қочиб қолгани ҳақида таш-

вишли хабар олиб келди. Шунда менинг хаёлимга Ойбекнинг таълим-тарбия техникумида ўкиб юрган кезларида кийим-боши яхши бўлмагани, каҳратон киш кунларида ҳам пайпоксиз, йиртик ботинка кийиб юрган ҳолатлари келди. Унинг ботинка йиртигидан чикиб турган яланғоч оёқларининг бармоқлари кўзимга кўриниб кетди. Шунинг устига, ётоқхона ошхонасида ичганлари ҳам ёвғон мошхўрдадан бўлак нарса эмас эди. Хуллас, ўша пайтларда Ойбекнинг заифлаша бошлаган ўпкаси Ленинграднинг зах ҳавосида ҳилвираб, унда сил касаллиги бошланган эди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Саидвали Шарафидинов, Ойбекнинг техникумдош дўсти, бизни меҳмонга таклиф этди. Мен синфдошлар зиёфатида Ойбек билан ёлғиз қолмаслигим учун дугонам Марямни ҳам эргаштириб бордим. Марям хоразмлик киз бўлиб, Берлинда таҳсил кўриб қайтган ва ўша йилларда «Зебуннисо» мактабида немис тилидан дарс берар эди.

Биз Саидвалининг уйида ўйин-кулги билан ўтирдик. Ойбек менинг қўлимга дутор тутқазди — аллақандай мақомларни чертган киши бўлдим. Қимдир ўйнади, қимдир кўшик айтди. Ўртада шўх ва шодон бир кайфият ҳукмронлик қилди. Аммо шу пайт Ойбек пастда ёзилган кўрпача устига келиб чўкди. Мен келиб, унинг ёнидан жой олганимга қарамай, паришон бир ҳолда оғир сукутга чўмди. Ойбекнинг хаёлчан ҳолатини кўрган Марям ҳам ёнимизга келиб:

— Сизга нима бўлди, Ойбек ака? Кайфиятингиз яхши эмас. Бизларга кўшилиб, ўйнаб-кулиб ўтиринг. Зарифа хафа бўлмасин,— деди.

Лекин Ойбек ўз бошидан нима кечаётганини бизга сездирмасликка уринар, чамаси, хасталигидан ташвишланар ва ўз ҳолатини менга қандай қилиб айтишни билмас, мени қайғуда қолдиришни истамас эди.

Шу кеча Ойбек Саидвалиникида тунаб қолди. Мен билан Марямни кузатиб қўйишни эса Темучинга топширди. У бирор кимсанинг менга қўл кўтармаслигини билгани ва мендан кўнгли тўқ бўлгани вазидан Темучинни четга имлаб, Марямни хафа қилмасдан, уйига қадар элтиб қўйишни илтимос қилди.

Ўша кунлари ойим Ойбекнинг хаста бўлиб қолганидан дарак топиб, ҳафаланиб қолди. «Танлаган йигитинг силга ўхшайди», деди. Мен унга жавобан: «Сил бўлса ҳам майли, тузалиб кетади. У тенги йўк йигит!»

дедим. Чиндан ҳам, у бошқа бирор йигитга ўхшамас, бутун хаёли ижод ва адабиётда эди.

Мен юкорида унинг бирор марта дудокларимдан ўпмаганини айтдим. У, эҳтимол, Навоийни, бошқа Шарқ классикларини кўпроқ ўкигани учун ўз хатти-харакатларида сабр ва назокатга озор бермас, меҳри тошиб кетган дақиқаларда эса факат кўзларимдан ўпарди.

Орадан бир ой ўтгач, Ойбек Ленинградга кетишга ҳозирланиб, хайрлашгани келди. Мени кўксига босиб, кўзларимдан ўпди.

— Бу гал мени кузатгали вокзалга чиқасанми? — сўради кўзларимга тикилиб.

— Албатта! — дедим қатъият билан.

Кечкурун вокзалда уни кузатиб қайтдим. Кўнглимгина, уйимгина эмас, назаримда, бутун Тошкент бўм-бўш қолгандек бўлди. Сийнамга ҳижрон дарди юкланди, руҳим ўксик қолди...

Тагин ундан мактуб кутаман, у эса мендан кутади. Шу тариқа соғинч ва ишқ ўтида кунлар ва тунлар ўтади. Мен агар дастлабки мактубларимда хаё, иффат ва назокатни сақлашга тиришган бўлсам, энди ундан меҳрибонлигимни аямай, сихат-саломатлигига аҳамият беришини, даволанишини маслаҳат берардим. Шу йўл билан унинг хасталигидан хабардор эканлигимни аңлатар эдим.

(Неча бора айтиб ўтганимдек, Ойбекнинг Ленинграддан ёзиб юборган шеър ва мактубларини ҳали ҳам кўз қорасидек сақлаб келаман. Ўқтин-ўқтин уларни ўқиб, олис 20 ва 30-йилларни, ҳаётимизнинг оғир, аммо бахтли дақиқаларини эслайман).

Мана бу хат ўша ширин ёшлигимизни эслатиб, менга бир дунё севинч ва роҳат бағишлайди:

«Зарифа»

16/II да ёзган хатингни олганимга бир ҳафта бўлди. Энди жавоб ёзишга ўтирдим.

Сенда бир парвосизлик сезилади, Зарифа! Бунинг сабабини ҳозирча аңлай олмадим. Қалбим сирли иплар ила сенга боғлиқ. Ҳар дақиқа, ҳар сонияда бу ипнинг таъсирини сезиб қўяман. Билмадим, сенинг хаёлинг нималарда?!

Биринчи мактубимдаёқ сендан расм сўраган эдим. Фақат бу илтимосимга сен сукут ила жавоб бердинг. Тошкентга борган вақтимда бунинг учун сенга «қаттиқ

жазо» бераман!.. «Жазо», албатта, жисмоний, яъни ЗАГСдан келгандан кейин... Тушундингми?

Шу кунларда ишларим кўп. Ўзим мутולהга берилганман. Цвейг деган бир немис ёзувчисининг русчага таржима этилган мажмуасини босароқ ўкиб чикдим. Ҳозир Шарқ ва Ғарб фалсафасини ўқиш ила машғулман. Иктисодий фанлар ўз йўлида боради, албатта. Шу ғайратимни, шу ҳавасимни бир фан устида марказлаштирсам, эҳтимол, тузуккина олим бўла олар эдим. Аммо мен энергиямни бир қанча тармоқларга бўлиб юборганман. Бу одатдан сира айрила олмайман. Бу ёмон. Баъзан ўзимга: «Мен ким ва ким бўламан?» деган савол бериб қўяман. Жавоб, табиий, йўқ.

Яқинда Германиядан бизнинг лабораторияга сунъий ипак ҳам ундан ишланган тўқималар ва оддий «ель» тўнқасидан ипак тайёрлаш учун лозим бўлган бутун ўзгариш процессини кўрсатувчи моддалар ҳам шишага солиниб юборилган. Бундан бошқа, сунъий шойи ва ипакни тарқатиш учун ҳар хил суратлар (реклама), кичкина китобчалар, сунъий ипак фабрикасининг турли бўлимларининг расмлари-да бор. Руслар эмас, ипакчи мамлакатдан келган мен ҳам сунъий ва табиий ипак орасида ҳеч фарқ тополмадим. Бу — техниканинг муваффақияти! Зарифа! Кимёга чалиш!

Немис шоири шоирларни қадахга ўхшатган экан. Сен «тўғрими?» деб сўрайсан. Билмайман, тўғрими, янглишми? Зотан, дунёда сафсата ва бўш сўз кўп. Бўш қадахларга дудокларимни суртишни истамайман.

Шу кунларда анчагина парчалар ёздим. Бир қанчасини «Қизил Ўзбекистон» ва «Маориф ва ўқитувчи»га юбордим. Чикқандир ёки чиқиб қолар. Шу шеърларим тўғрисида ўз фикрингни ёз. Тузукми?

Ўзинг қалайсан, нималар ўйлаб, нима хаёллардасан? Тошкентда қандай гаплар бор?.. — мана бу нарсалар ҳақида нега сўз очмайсан?

Шарифа уй кизи бўлиб қолибдир. Ростми? Унинг қўшиқчи кўнгли бунга кўнадими? Айтиб қўй, кўп дуторга берилмасин, чунки мусиқа очик фикрларни гўзал туманлар ила қоплаб қўяди. Китоб ўқисин, китоб!

Буқун мунис боқишли, шаффоф қалбли шеърим кадар суюкли укам Наноқ (Шафоатни ёшликдан бери севиб, уй ичида шу исм билан юритур эдик — З. С.)

«Янги турмушга чикканимга бир хафта бўлди, ака», дейди. Синглим янги турмушни яхши англамайди. Шунинг учунми, мана шу жумлани ўқиркан, кўнглим бузилиб кетди, йўғламок истадим. Лекин мактубидаги бошқа бир жумла менга умид ва шодлик берди: «Ўртоғим Носиржондан ҳам салом», деган. Бундаги «ўртоғим» калимаси нақадар яхши эшитилади! Бу хатни ёзиб бўлгач, Нанокка ҳам битта хат ёзаман.

Зарифа! Тез-тез хат ёзиб тур. Сени жуда соғиндим. Баҳорда келмокчи эдинг. Нима бўлди? Бир кела қолсанг-чи! Назаримда, ҳар кун бир аср каби чўзилади. Сенга қовушмок кўнлари қачон келар экан?

Укаларимга салом!

Кўзларингдан ўпиб, қалбий саломлар ила:

Ойбек.

Абдурахим, Мажид, Олтой, Саидвали ва Азизларга салом. Уларга ҳеч бир хат ёзолмадим.

Азизни кўрсанг, айт, Госиздатга кириб, Элбек ила таржимам гонорари тўғрисида сўзлашсин,— уйдагилар олганми, йўқми?...

Ойбек мутолаани ҳаят севарди, китоб устида заҳмат чекиш унга бир олам завқ-шавқ бағишлар эди. Мен буни Ленинграддан келтирган китобларидан ҳам билардим. Маркс, Энгельс, Ленин, Плеханов, Гегель, Кант асарлари кечалари билан ўқиб чиқилгани учун шалоқланган, чизилган, саҳифа учлари эса кемирилган бўларди. У китоб ўқиганда, шеър ёзганда, ҳаёл оғушида бўлиб, саҳифа учларини узиб-йиртиб, чайнаб ўтирарди. Бутун умр шу одатини тарқ этолмаган.

Ойбек Блок, Брюсов, Верхарн каби шоирларни айникса севарди. У бу севдиги шоирлар билан Ленинградда танишган. Айникса, Блок унинг меҳрини қозонган. Рус шоирининг «Ямблар» деган китоби унинг доимий ҳамроҳи бўлган. Кейинчалик биз турмуш қурганимизда, менинг қараватим ёнида Фузулий девони, унинг бағрида эса Блок шеърлари турарди. Биз бу китобларни навбатлашиб ўқир, ҳузур қилар эдик.

Ойбек хатида тилга олинган шеърлар секин-аста босилиб чиқа бошлади. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 8 март сониди «Бирлик сезгиси», 15 март сониди «Йўлда», 12 апрель сониди Аъзам Аюбга бағишланган «Толма, ўртоқ!», «Ер юзи» журналида эса «Ша-

хар» шеърлари чоп этилди. Табиийки, мен газета ва журналларни кузатиб борар, Ойбек шеърлари чиқиши билан уларни зўр мамнуният ва ғурур ила ўқир, сўнг бу шеърлар тўғрисидаги таассуротларим хусусида Ойбекка хат ёзар эдим.

Ўша кунларда расмим бўлмаса керакки, Ойбек сўраганда, яқин орада расм олдириб юборишни ваъда қилганман. Кейин ваъдамда туриб, расмимни юбордим. Лекин хат Ойбек Ленинграддан кетганидан кейин Нева бўйларига етиб борган, чоғи; у ололмаган. Билмадим, қаерларда, кимларнинг қўлида қолган, менинг бечора расмим?

Синглим Шарифа Самарқанддаги Санъат институтида таҳсил кўрар эди. Бу институтга Маскавдан бир неча профессорлар чақирилган бўлиб, улар орасида мусикашунос Миронов ҳам бўлган. У ўзининг барча шогирдлари орасида Шарифани энг истеъдодли деб билган ва ҳурмат қилган. Шарифа дирижёрлик бўлимида ўқиётган, баъзи бир концертларда эса ҳатто дирижёрлик қила бошлаган бир пайтда турмушга чиқиб ўқиши хароб бўлган.

У нозиккина, мулойим, мусикаси каби ёқимли, латофатли қиз эди. Уни севмаган, унга уйланишни орзу қилмаган одам йўқ эди, десам, муболага бўлмас. Ҳатто уйланган, оила қурган ёшлар ҳам Шарифани ғойибона севиб, оҳ-воҳ тортиб юришар эди. Шарифани севган йигитлар орасида НКВДда ишлайдиган бир йигит ҳам бўлган. У Шарифани чакириб, ҳам ўзининг севишини айтмоқчи, ҳам унга махфий топширик бериб, уни НКВДнинг хуфяларидан бирига айлантирмоқчи бўлган. Шарифа: «Мен бундай ишни уддалай олмайман»,— деб уни рад этган. Шунда бояги йигит Шарифани иккинчи марта чакирган. Шарифа борса, дастурхон ясатуғлик, шишалардаги майлар унга мунтазир бўлиб турибди. Бунга кўрган Шарифа қаттиқ ранжиб, остонадан ўтмасданок изига қайтган. Эртаси ўша шахс сим қоқиб, «Сизга икки кун муҳлат. Самарқанддан чиқиб кетасиз!» деб буйруқ берган.

Шарифа шошилишча равишда менга, Тошкентга телефон қилиб, нима қилиш лозимлиги ҳақида маслаҳат сўради. Ўша пайтда бизнинг қўлимиздан нима ҳам келар эди? У идорага кимнинг ҳам кучи етарди?.. Мен ўйлаб-ўйлаб, унга Тошкентга қайтиб келишдан бошқа илож йўқлигини тушунтирдим. Санъат институти муаллимларининг энг суюкли ва энг истеъдодли толибаси-

нинг истикболи шу тарзда барбод бўлди. Аммо Ойбекнинг бу воқеалардан, чамаси, хабари йўқ эди.

Орадан тўрт-беш йил ўтгач, Қори Ёқубов сингари Шарифанинг мусикий истеъдодидан хабардор бўлган кишилар уни Маскавга бориб ўқишга даъват этиб кўрдилар. Лекин Шарифа бу вақтда турмушга чиққан ва болалик бўлган эди.

Бу воқеадан олдин эса у Самарқанддан қайтиши биланок Ўрта Осиё давлат дорилфунунининг биология факультетига ўқишга кирган эди. У рус бўлимида ўжир, жуда кўп талабалар унинг ишқида юрар, бир-бирларидан қизғанар эдилар. Шарифанинг эътиборини торта олмаган ана шундай қизғончиқ кимсалардан бири, айтиб ўтганимдек, Шарифани бойнинг қизи, деб ариза ёзиб, унинг ўқишдан ҳайдалишига эришди. Шундан кейин бошқа иложи қолмагач, Шарифа турмушга чиқди.

Ойбек Шарифани яқиндан билгани, унинг келажагига катта умидлар боғлагани учун ўша хатда унинг уйда болалик бўлиб қолганидан афсусланган эди.

Биз ана шундай ёзишмалар оркали бир-биримизнинг ҳол-аҳволимиздан хабардор бўлиб турдик.

* * *

Ойбекнинг соғлиғи 1929 йилнинг февраль-март ойларида айниқса оғирлашди. Бу вақтда у, билишимча, пулдан сиқилмаган. Плеханов номидаги Халқ хўжалиги институтида таҳсил кўриш билан барабар у Жонли Шарқ тиллари институтида ҳам ўзбек тили ва адабиётидан дарс бериб, тузуккина маош олиб турган. Аммо у 1927—1928 йилларда оғир иктисодий ҳолатда яшаган. Кейин маълум бўлишича, у кўпинча оч қолиб, куруқ нон ва шўр бодринг билан тирикчилик ўтказиб юрган.

(Бир куни у кулиб-кулиб айтиб берган эди: Шундай пулга зор бўлиб, қора нонни шўр бодринг билан ошалаб ётган кунларининг бирида Тошкентдан, Шорасул Зуннундан унга пул бориб қолган. Орадан қанча йиллар ўтиб, Шорасул Зуннун неча бор қамалиб келганида, Ойбек бир куни унга бир даста пул берди. Шунда мен Шорасул аканинг Ойбекка мадад берган ўша кунларини эсладим).

Хуллас, Ойбекнинг 1927—1928 йиллардаги оч ва юпун ҳолда Ленинградда яшаши беиз кетмади: юкори-

да айтиб ўтганимдек, у сил касаллигини орттирди. 1928—1929-ўқув йилида эса унинг не-не захматлар билан топган пули ҳам соғлиғини тиклаш учун имкон бермади. Кундан-кунга оғирлашиб бораётган хасталикни энди фақат овқат билан енгиб бўлмас эди. Ленинграднинг нам, салқин об-ҳавоси енгиб бўлмас бир муш-килот эди.

Докторлар унга Ленинградни асло ҳаяжонланмай тарк этишни ва Қримга бориб даволанишни тавсия қилдилар. Ойбек Москвадаги Ўзбекистон ваколатхонасидан Қрим санаторийларидан бирига йўлланма олиб, шошилиш равишда Ялтага жўнади.

Ўша кунларда Шарифа Ойбекдан бундай мазмундаги хатни олди:

«Шарифа, синглим!

Калбли саломларимни қабул эт! Сен ёзган «заказной» хатни Ленинградда олган эдим. Йўқлашинг учун ташаккурларим. Мен касалим зўрайганлиги сабабидан Тошкентга жўнаб кетмакчи эдим. 25 апрелда Зарифага бир мактуб ёзмишдим. Фақат бу насиб бўлмади. Истироҳат ва тузалиш учун менга Ялтадаги «Ўзбекистон» санаторийсидан жой бердилар. Мен-да 28 апрель Ленинграддан чиқиб, Москвага келдим. Москвадаги ўртоқларим олдида 2-3 кун туриб, Ялтага жўнадим. 11 майдан бери Ялтадаман. Бу кун Қора денгиз қирғоқларидан сенга бир мактуб ёзиш учун вақт бағишладим.

Зарифадан, бир ой бўлди, хат олганим йўқ. Билмадим, нечук ёзмайди? Ҳозир Тошкентда эмасдир? Майнинг бошларида экскурсияга жўнашмоқчи эди. Шу сабабдан унга хат ёзмадим. Агар Тошкентда бўлса, мендан салом айт! Араз қилмасин! Аразчи қизларга қарағум келмайди, калбим сиқилади.

Шарифа, Ленинградда сўнгги ойларда ўзимни жуда олдирган эдим: «Бу кунлар ҳаётимнинг сўнгги саҳифасидир, қора билгисиз кечанинг кучоқларида ғойиб бўлиб кетаманми? Гунча экан, очила олмадим...» деб ўйладим. Фақат Ялтага келгач, яна ўзимда куч, қувват, тебраниш сеза бошладим. Денгиз шамоли куёш очилишини ваъда қилди. Қонларим юришди, юзларимга қизиллик югурди. Муборак каби шод ва қувноқман.

Докторлар ҳам: «Тузалиб кетасан, силнинг бошланғичи экан», дейдилар.

Шарифа, Ялтанинг табиати жуда гўзал! Мен умримда бундай шоирона ва латиф манзараларни асло кўрмаган эдим.

«Ўзбекистон» санаторийси баландликда солинган. Пастда Қора денгиз мавж уриб ётади. Атрофда тоғлар, арча ўрмонлари... Санаториймизнинг боғлари чечаклар ва арча ўрмонлари билан қопланган. Япроқлар орасидан турли қушларнинг қўшиқлари тўкилади. Оқшомлари ботган кۈёшнинг олов сочлари сувларни қоплайди. Шундай онларда Қора денгиз соҳилига тушиб, узоқларга қарайман, тўлқинларнинг қучоғида аллақайларга оқиб кетмоқ истайман. Баъзан оғочликларда ўтириб, мутолаа қиламан. Зериксам, юсак тошларга чиқиб, шеър ёзаман ва Зарифа опангни эслайман.

Шарифа, агар малол келмаса, уйимизга бориб, мен Ялтада эканлигимни айт, ташвишга тушмасинлар, дурустми?

Суюкли ойимга, Равзага, Муборакка саломларим. Хайр.

Ойбек».

Шу хатнинг охирида «8/IV» деб сана қўйилган. Бу, албатта, тўғри эмас. Зеро, хатда 28 апрелда Ленинграддан чиққани, 11 майда эса Ялтага келганини ёзган, конвертда эса 16 май деб муҳр босилган. Демак, хат 13—14 май кунлари ёзилган. Бундан ташқари, Ойбек хатида: «Зарифадан, бир ой бўлди, хат олганим йўқ», деган сўзлар ҳам бор. Демак, мен апрелнинг сўнгги кунларида хат билан расмимни юборган эканман.

Яна ушбу хатда тилга олинган Муборакни ҳам таништиришим керак. У менинг синглим бўлади, ўша пайтда у эндигина беш ёшга кирган эди.

Ойбекнинг хасталиги зўрайиб, ҳатто кон туфура бошлагач, у каттик ташвишланган ва умидсизлик туйғулари, оғу сингари, унинг қалбига кириб борган. Буни Шарифага ёзган хатида очикдан-очик айтган, у.

Тубандаги шеър ҳам унинг шу кезларидаги оғир изтиробларидан дарак бериб турибди:

*Кўнглим ярали, кўнглим ярали,
Баҳорлар мендан узоққа қочди.
Хасталик эса қучоғин очди,*

*Бояқиш кўнглим қонли ёш сочди,
Кўнглим ярали, кўнглим ярали.
Қоронғи кеча... Ёлғиз инграйман,
Кўксимни босмиш ҳижроннинг ғами.
Ётоғим — олов, жаҳаннам каби...
Тегмайди еллар гўзал кўклардан,
Кўнглим ярали, кўнглим ярали...*

(Ойбекнинг ана шундай оғир хасталик пайтида ёзган шеърлари кейинчалик танқидчиларга дастак бўлиб қолди. Улар бу шеърларга ёпишиб, Ойбекни бадбин кайфият билан йўғрилган шеърлар ёзишда айбладилар. Улар фикрига кўра, она тупроғидан, ёр-дўстларидан узокда, мусофирликда яшаётган, бунинг устига, ҳам иктисодий жиҳатдан қийналган, ҳам турли оғир хасталикка йўлиққан шоир фақат Совет ҳукуматиани шарафловчи шеърлар ёзиши, ўз дарди ва аламларини эса ичига ютиши лозим эди).

Табиийки, Ойбек Ялтада даволанган кезларида биз хат ёзишиб турдик. Лекин нима учундир бу хатлар сақланмай қолган. Улар қандай йўқолган? ким олган уларни? — ақлим бовар қилмайди.

У Ялтада яхши дам олиб, яхши даволанди. Ялта ҳавосининг ўзи унинг дардига малҳам бўлди. Ойбекнинг кайфияти ҳам яхшиланиб, руҳида енгиллик кўринди. Шундан кейин «Ялта кечаси», «Қора денгиз бўйларида», «Кўклам тароналари», «Окшом сезгиси» сингари гўзал шеърларини ёзди. Бу шеърларнинг аксари унинг «Машъала» тўпламига киритилган.

* * *

Май ойининг охирларида, бир куни, бувим: «Чучвара қилсак, ўзим гўшт чопиб берардим», деди. Кўнгли шуни тусади шекилли. Шайхантоҳур гузаридан, бокколдан яхши қўй гўшти оладириб, чучвара пиширдик. Шу кунларда бувим тез-тез безовталаниб турарди. Бир айвонда бувим иккимиз, иккинчи айвонда ойим, Шарифа ва майдалар билан ётар эдик. Шу куни бувимнинг тоби қочиб турганидан ташвишланиб, ҳаммамиз ёнмаён кўрпа-ўрин солдик.

Кўчамизда Сафаров деган тузуккина тажрибали, бир кекса татар дўхтир яшар эди, уни чақирдик. У бувимни кўриб, «Эҳтиёт бўлинглар, қарилик...» — деди. Эрта саҳар бувим безовталанган бўлса керак, бошини кўтариб ўтирганди, бирдан ўзини ёстиққа ташлаган.

Мен оймнинг товушидан чўчиб уйғондим. Ҳаммамиз бувимнинг бошига тўпландик. Кичкиналарнинг бири дўхтирга, бошқаси ташқарига, Ваҳоб тоғамга югурди. Бувим бир оғиз сўз ҳам айтолмади, армон билан қайғира-қайғира бу дунёдан кетди.

Дадамнинг Соловкидаги уч йиллик жазо муддати ўтган эди. У сургун йилларини ўтказиш учун Семипалатинск вилоятидаги татарлар истиқомат қиладиган Бийск шахрини танлаб, шу ерда яшай бошлаган эди. Унинг Тошкентга, ё Ўзбекистоннинг бошқа бирор шаҳарига келиши учун рухсат йўқ эди.

Бувимни Минор қабристонига дафн этдик. Шарифа икковимиз эркакларга эргашиб, қабристонгача бордик. Шундай меҳрибон, меҳнаткаш бувимиздан жудо бўлдик. Кечкурун Туркистондан амакиларим етиб келишди.

Бувим Тошкентда беш йил яшади. Ҳар йили Туркистонга, ўзи севган Икон кишлоғига бориб, у ердан эритилган қўй мойи, қоринларга тўлатилган сариғ мой, қовун қурт сингари нарсаларни ортиб-тортиб келарди. 73 ёшида вафот этди. Биз бувимнинг, айникса, дадамни кўрмай кетганига қайғириб, ачиндик.

Июнь ойининг охирларида соғинч ва интизорлик билан кутганим Ойбек келди. Қаршилаш учун эшикка югурдим. Ойбек ўзининг ёрқин табассуми ила эшик халқасини ушлаб турарди.

ОЙБЕГИМ, ОМОНБЕГИМ

У тўлишган эди. Юзида қуёш бахшида этган шифо ранги порлар, қўйлагининг енги калта бўлганидан яланғоч билаклар қайроқдай товланар, хуллас, қаршимда соғлом, кўзларида севинч, бахт чакнаган Ойбек турар эди.

Ешлик нашьалари, ишқ мавжлари, севинч тўлқинлари билан тўла кунлар бошланди. Ҳар куни биргамиз; ҳар окшом истироҳат боғларининг салқин хиёбонларида кезамиз.

Бир кеча у мени, ҳар вақтдаги каби, эшикка қадар кузатиб келди. Айрилгимиз келмай, жин кўчада анча маҳалга қадар сўзлашиб турдик. Кейин хайрлашар эканмиз, у мени қаттиқ қучиб, дудокларимдан ўпа бошлади. Мен шунда муҳаббатнинг янги бир қопқасини очгандек бўлдим. Бир ўт, чакмоқдан-да зўр бир оташ, назаримда, бутун борлиғимни ёкиб ўтди. Унинг

қучоғида жонсиз ва мадорсиз қолдим. Ойбек бунни сезди, шекилли, кўзларимдан қайта-қайта ўпди.

— Зарифа, юр уйимга! Олиб кетай,— деди у ялинган товуш билан.

— Уят-ку!

У кулиб юборди.

— Ҳали ҳам «уят-ку»ни унутмабсан!

Биз қўлларимизни маҳкам сиқиб, хайрлашдик.

Шундан кейин ҳам баъзан уйда ўтириб, хуш, мароқли суҳбатга бериламиз, муҳаббатимиз достони ила машғул бўламиз. Ойбек келтирган Блок, Брюсовни ўқиймиз, сўнг Навоийга, Ғафур Ғафурга кўчамиз. Ойбек ўзининг ҳам шеърларини ўқийди, баъзан кичик ишқий қитъалар ёзиб беради.

Ёзининг қисқа тунлари етмайди, бизга. Ойбек тонгни қаршилаб, сўнг уйига ухлагали кетади.

Ўша кезларнинг бирида ойим мени, Шарифани, тоғамнинг қизи Меҳрини уйда Ойбек билан қолдириб, дадамнинг олдига кетмоқчи бўлди. Бирок, у мени Ойбек билан шу ҳолда қолдириб кетишни истамади. Шунинг учун ҳам шошилиш равишда тўйга тайёргарлик кўра бошлади.

Ойимнинг келин вақтидан сақлаб келган янги бир шоҳи кўрпаси бор эди. У бу билан қаноатланмай, бувимнинг сандиғидан янги, кенг товар кўйлак олиб, иккинчи кўрпани тикди. Икки ёстиқ, чойшаб, сулғи тайёрлади. Ойбекка атаб, оқ шоҳи кўйлак, ички кийимлар тикди. Мен духоба дўппига аллақандай бўёқ билан расмлар ясадим. Ойбек эса менга уч қатор кийимбош тиктириб, ойим ва кизларга ипак кўйлақликлар келтирди.

29 июнь кунини эди... Ҳар кунини кийиб юрадиган ёзги оқ репис костюмимни ювдириб, дазмоллаб қийдим. Ойбек ҳам кундалик кийимида, аммо юракларимиз севги ва севинчга тўла, Хадрага, ЗАГСга бордик. Янги кийим-кечак, тўй-ҳашам, уй-ускунани сира ўйламаймиз, хаёлга ҳам келтирмаймиз... Муҳаббатимизнинг чегараси йўқ. Фақат шу май билан сархушимиз...

ЗАГСда бизга гувоҳ кераклигини айтдилар. Ойбек югуриб кўчага отилди-да, ўтиб кетаётган бир чала таниш ўрта яшар кишини бошлаб кирди... Биз... энди келин-куёвмиз!

Ойим: «Никоҳ ўқилмаса, кўнглим хира бўлади», деб домудла излашга киришди. Уйда Туркистондан келган Раим хожи амаким бор эди. Ғоят диндор эди у. Ҳар



Ойбек ва Зарифа Саидносирова. 1929 йил.

қадамида «Мошоолло!», «Иншоолло», дер эди, кўлтуғида Куръон юрарди. Мана шу хожи амаким: «Никоҳ шарт эмас! Сен эр бўлишга розимисан? Сен хотин бўлишга розимисан?» деган сўзлар арабча айтилади, холос! Булар бир-бирига сўз берибдими, шунинг ўзи розилик, шунинг ўзи никоҳ!» — деди.

Ойим «Ҳожилиги садаға кетсин, бемаънининг!» — деб қўймагач, Ваҳоб тоғам бир домудла топиб келди. Ойбек: «Ойим нима истаса, шу-да!» деб кула-кула қўлимдан ушлаб, ташқарига сургади. Никоҳ ҳам ўқилди.

Ҳовлимизда жуда ширин, шўхлик қайнаб тошган, тантанали бир руҳда кичик тўй ўтказилди.

Ойбекнинг дадаси, ойиси, акаси, келинойиси, буви-си, тоғаси эса хотини билан, синглиси Шафоат куёви

билан келдилар. Яна Ойбекнинг дўстлари, менинг факультетдаги ва «Зубуннисо»даги дугоналарим йиғилишди. Мусиқа, ашула... Ўзбекча рақслар, оврупоча танцалар...

Нак тўй кун, меҳмонлар келишидан салгина олдин, дадамдан: «Тўйни тўхтатиб туринглар, Зарифа ҳам келсин», деган телеграмма келди. Шунда ўпкам тўлиб, йиғлаб юбордим. Ойим мени овутиб, «Дадангга ўзим тушунтираман»,— деди.

Ойбек Шафоатни, мени хонага олиб кирди. Катта пиёлага лим тўлдириб, шароб куйди. У қўлимга пиёла-ни тутганида, бир вақтдаги тентаклигимиз ёдимга тушди-да, Ойбекка бокдим. Икковимиз ҳам кулиб юбордик. Бу, икковимиз ҳам бир-биримизни кечирганимиз эди. Шафоатни билмайман-у, аммо Ойбек кўярда-қўймай, менга шунча шаробни ичкизди. Табиий, у менга таъсир этди, хийлагина кайф билан юрдим. Меҳмонлар орасида бош яланг, жуда эркин, сарбаст кулишиб-сўйлашиб бемалол ўтирдим. Ҳатто ош тортилганда ҳам меҳмонлар ила бир каторда ошайвердим. Шунда, қаршимда ўтирган Бакир ака: «Ҳой, келин, уят бўлади-я!» деб ҳазиллашгани ҳамон эсимда.

Бизнинг тўйимиз самимий дўстлар даврасида шундай шўх-шан ўтди.

Меҳмонлар тарқалгандан сўнг икковимиз уйга кирдик. Икковимиз ҳам шаробдан, ҳам кўпроқ бахтимиздан маст эдик. Токчадаги лампа олдида тик турганимизча, Фузулий девонини очдик. Узок, жуда узок, алламаҳалга қадар шеърият уммонида суздик... Бубулутсиз, кайғусиз, севги нашъасига, севинч ва бахтга тўла кечаларнинг бири эди...

Тўй ўтиши билан ойимни Бийскака жўнатдик. Уйда Ойбек, мен, Шарифа ва Меҳри тўрттовимиз қолдик. Шарифа билан Меҳри катта уйда, Ойбек икковимиз Зулфиянинг уйида турамиз.

Ойбек аллақандай бир курсда дарс бера бошлади. Кун иссиқ... У офтобда пишиб, терга ботиб келади... Мен қизлар билан уйда ҳар кун бошимни ювиб, келин бўлиб, ясаниб-тараниб ўтираман. Катта тош ойнага қараб, ёшлигимни томоша қиламан; нахотки, бир кун шу ёшлик кўрки ўтиб кетади, деб ўйлайман.

Биз тўрттовимиз овқат қиламиз. Баъзан ҳовли ўрта-сида олов ёқиб, кабоб тайёрлаймиз. Баъзан Шарифа билан Меҳрининг қўлларига товоқ тутқазиб, Шайхантохурга, уйғурлар ошхонасига чиқарамиз — уйғур лағмо-

ни ё манпар олдирамиз. Булар жуда лаззатли таомлар эди...

Ойим дадамни кўриб, хийлагина меҳр кондириб қайтди. Дадам бир чустлик киши билан бирга турар экан. Хар куни нон пишириб сотишар, куён бокишар, шу таҳлитда кун кечирар эканлар. Соловкида, катта хонада, юзлаб маҳбуслар канага ем бўлиб, сассик балиқ ошаб, ҳаётнинг энг оғир ғурбатли кунларини кечирганларидан сўнг Бийскдаги бу турмуш, табиийки, уларга шоҳона бўлиб туюлган.

* * *

Куз яқинлашди... Бизга, Ойбек икковимизга бошпа-на йўқ. Биз кўп бош қотириб ўтирмадик. Бу биз учун аҳамиятсиз эди. Биз дарров қарор қилдик: ойимнинг айвони катта эмасми, икки девор қўндирилса, бир уй ясалади-қўяди.

Ойбекнинг дадаси мардикор уста бошлаб келди. Ойбекнинг ўзи бозордан уч табақали катта дераза ва бир эшик келтирди. Бўйи ва эни 3 ярим метрлик бир кичик хона пайдо бўлди. Бир диван сотиб олдик — бу бизга қарават. Бошқа не керак яна?! Тўлиқ бахтимиз бор: тунлар ва кунларимиз мутолаа, ширин суҳбат, ижод ва ором ила ўтади.

Мен уй ишлари билан машғул бўлмайман; тотли таомларни ойим тайёрлаб ўтиради.

Ойбекнинг Назар сўфи деган бобоси бўлган. У маҳсидўз, доно киши эди. Унинг бир қизи Ойбекнинг онаси бўлиб, шеърятга ғоят қизиққан аёл эди. Шаҳодат опа Ойбекнинг вояга етишида фақат меҳрибон она сифатида эмас, айни пайтда нозиктаъб шеърят мухлиси сифатида ҳам иштирок этган. Ойбекнинг «Онамни эслаб...» деган шеърида бундай сатрларнинг бўлиши бежиз эмас:

*Қаҳратон қиш... Совуқ... Титрар қўлларинг;
Тутолмас игнани... Улик бир кеча
Илиқ нафаслари сўнган танчага
Ётқизгач бизларни, очиб китобинг —*

*Уқирдинг ичингда... Мендан-да уйқу —
Қочарди... Боқардим маъюс, жимгина.
Болалик севгим-ла, олтин севгим-ла...
У онлар кўнглимдан ўчмайди мангу!*



Ойбек ота-онаси билан. 1929 йил.

*Варақлар бетига юмаланарди
 Руҳинг косасига тўлган инжу-ёш.
 Ховлида қутурган шамол ва қорди,
 Юзингда бир қўрқув... сирлар аралаш...*

Ойбекнинг ана шундай мунис, меҳрибон, ўқимишли ойиси барвақт вафот этган, Гавкуш маҳалласидаги ховлида эса Тошмуҳаммад ака иккинчи хотини ва тўнгич ўғли Исамуҳаммад билан турар эди. Ойбек отасини ҳам, ўғай ойисини ҳам, акаси ва опа-сингилларини ҳам тез-тез йўқлар, улар яшаётган уйга мени ҳам сургаб борарди.

Хуллас, ҳар жума Ойбек дуторни қўлтиқлайди, мен фотоаппаратимни оёқлари ила кўтариб оламан. Биз акасининг уйига борамиз. Дадаси, ойиси, акаси, келин ойиси ховлининг ўртасига жой қилиб, ош дамлаб, бизни кутиб ўтирадилар. Паловни еб бўлгач, бир-икки пиёла чой ичамиз; Ойбек қўлимга дуторни тутқазади. «Дилхирож» ёки «Қари наво» мақомига черта бошлайман. (Қани энди Шарифа каби гўзал чала билсам!) Ойбек ойисини ўртага тортади, унга эргашиб, ўзи ҳам ракс бошлайди. Дадаси, акаси жилмайиб ўтирадилар.

Телевизор йўқ, радио йўқ у замонларда, биз шундай кўнгил очиб, дам оламиз.

* * *

(Мен Ойбекни яқинлари даврасида олган суратларимни хануз сақлайман. Унинг ўн жилдлик асарлари ва академик нашрларида бу суратлардан босилганлари ҳам бор).

Баъзан, жума кунлари, Ойбек менинг этюднигимни кўтариб олади; иккаламиз шаҳар четига чиқиб кетамиз. Мен бирор расм ясаган бўлман, Ойбек эса шеър ёзади.

Биз 1926—1927 йилларда Ўрол Тансиқбаев билан расм ишлагали шаҳар атрофига чиқардик.

Мен расм учун каноп матони тайёрлашни нечундир билмасдим. Бир куни уйда каноп матони таранг қилиб ёйдим-да, унга сув қорилган крахмални суркадим. Қуригандан сўнг крахмал тўкилди-кетди. Эртаси бу воқеани студияда Ўролга айтсам, у қотиб қолди. Крахмални қайнатиш керак экан; менинг шунга ақлим етмабди. Ўролнинг ўзи уйимизга келиб, бир-икки расмга етадиган канопни тайёрлаб кўрсатди, крахмал қуриганидан кейин матони ўзим оқ бўёқ билан коплардим.

Бир куни Ўрол икковимиз Шайхантоҳурдаги макбаранинг суратини (ёнидаги қуриб қовжираган, неча асрлик чинорлари билан) ясаган эдик. (Бу расм кимгадир ёқиб қолган — уни ҳадя қилишга тўғри келган).

* * *

Дадам бир хатида Бийскка яқин бир манзилда Иброҳим афандининг сургунда яшаётганини ёзди. У жуда содда, оғир карвон, ғариб бир киши эди. Дадам биздан яхши бир устара топиб юборишимизни сўрабди — унга сартарошлик қилишни маслаҳат берган экан. Ойбек икковимиз Пиён бозордан устара олиб жўнатдик. Афсуски, Иброҳим афанди, кўп ўтмай, вафот этди. Буни эшитиб, кўп ачиндик. Ақлли, соф кўнгилли, камтарин, камсукум одам эди, у!

Совук тушгандан кейин ойим бизнинг хонамизга бир сандал, бир туника печь куриб берди. Юпка деворли хонамиз ниҳоятда совук эди — томи ҳам иссиқни тортса керак. Биз шу уйда икки кишни ўтказдик.

Мен кимё факультетининг, Ойбек эса иқтисод факультетининг IV курсида ўқиймиз. Икковимиз ҳам мактабларда, техникум ва рабфакларда дарс берамиз.

Ўша йилнинг январиди Тошкентда Пахтачилик институти ташкил этилди. Москвадан бир гуруҳ профессорлар келиб, ташкилий қўмигада ишладилар. Улар янги институт учун ёш кадрларни танлар эканлар, домлам профессор Алексеев мени ҳам шу институтга тавсия қилди. Шундан кейин мени ташкилий қўмигага чақирдилар. Мен ҳали кимё факультетини тамом қилмаганлигимни айтганимда, улар «Зарари йўқ, яқинда тамом қиласиз»,— дейишди. Хуллас, талабалик чоғимдаёқ шу институтга ассистент қилиб тайин этилдим.

1930 йилнинг 1 февралидан бошлаб институтда рус тилида лекция ўқий бошладим.

Ойбекнинг ўртоқлари бизнига тез-тез келиб турадилар. Гох ўзимиз уларникида меҳмон бўламиз, гох уларни уйимизга чақирамиз. Кичик ҳужраимизда қалин давра ясаб, мароқли суҳбат ила қувноқ ўтирамиз.

Ёдимда, Ойбек бир куни Ботуни таклиф қилган эди. Бир марта Чўлпон ҳам бизникида меҳмон бўлган. Шунда у: «Шеърларингизни Зарифахон ёддан ўқишни ўргансин»,— деган эди Ойбекка.

Ойим азалдан меҳмон кутиб ўргангани учун Ойбекнинг ўртоқларини норин, сомса каби лаззатли таомлар билан қаршиларди. Қайнота ва қайноналарим ҳам: «Қудамиз жуда пазанда»,— деб мақтаб юрардилар.

Баҳор ўтиб, ёз бошланди... Ойбек ўқишни тамомлаб, курсдошлари билан Маскав, Ленинград ва Кавказ сафарига борадиган, мен эсам Маскавдаги бирор кимё заводида тажриба ўтказадиган бўлдим.

Мана, Ойбек икковимиз Маскавдамиз... Унинг курсдошлари биздан хийла кейин йўлга чиқмоқчилар...

Маскавда тўғри Ўзбекистон ваколатхонасига бордик. Турсунхўжаев деган киши вакилимиз экан. Мен унинг ҳузурига киришни истамадим. Дахлизда ўтир-

дим. Ойбек анчагина танилган шоир, мен эсам САГУни битираётган биринчи ўзбек қизи, биринчи кимёгар бўлсам ҳам бизга жой йўқ. Турсунхўжаев Бухоро амирининг тўнига ўхшаш ола байроқ тўнга ўралиб, қиёбоқмай, ёнимдан ўтиб кетди.

Шундан кейин Ойбекнинг МГУда ўқийдиган ўртоқларини излаб топдик. Улар ётоқхона комендантига муурожаат қилиб, каттагина бир хонани бизнинг ихтиёримизга олиб бердилар.

Мен Совнархозга бориб, катта бир бўлим бошлиғининг қабулхонасида бўлдим. Бўлим бошлиғи инқилобнинг биринчи йилларида Тошкентда ишлаган экан. У «Ўзбек қизи олий маълумотга эришиб қолибди! Ўзбек қизи рус тилини эгаллабди!» — деб ҳам суюнди, ҳам таажжубланди. Кейин Иттифок электр бирлашмасига телефон қилди; у ердан электротехника заводига буйруқ берилди; завод эса ўзининг вольфрам бўлимига, бўлимдан кимё цехига қўнғироклар кетди. Бу яхши одам шу ишларни битириш, менга — бир талаба қизга ёрдам бериш учун икки соат вақтини сарф қилди. Мен ташақкурларимни изхор этиб, заводга йўл олдим.

Ойбек мен билан бирга борди. Лекин заводга кириш мумкин бўлмаганидан, кўчада кутиб қолди. Мен шунга қойил қолдимки, заводнинг қайси бир бўлимига кирсам, ҳаммаси менинг келишимдан хабардор эди. Демак, телефонда сўзлашилган, буйруқ берилган, тажриба олишга келган талабаларни қабул қилишга розилик берилган. Шундай эса-да, ариза ёзиш, бўлимдан-бўлимга ўтиш, вольфрам бўлимидан кимё цехига бориб, беш инженерга ўзимни танитиш каби расмийчиликларга бир неча соат вақт кетди. Кўчага чиқиб, Ойбекни топа олмадим. У ёқ — бу ёққа қарадим, у йўқ... Хаёлимда бутун дунё бўм-бўш, шу азим шаҳарда ёлғиз етим қолгандай сездим, ўзимни. Ғоят хафа бўлдим. Бу, албатта, болалик эди. У бояқиш кута-кута ҳориб кетган. Мен эса ёш боладай аразлаб, шу куни унинг ила гаплашишга тоқатим қолмаганди...

Кейин Ойбек билан энг арзон меҳмонхоналардан бири — «Маяк»дан бир хона олдик. Бир нав яхши жойлашдик, десам ҳам бўлади.

Мен заводда ишлай бошладим. Ўша йиллари Маскавда озиқ-овқат масаласи оғир эди. Кичик-кичик ошхоналарга қирамиз; бир тарелка винегрет 10 тийин; 15 минутдан кейин яна қорнимиз очади... Баъзан яқшанба куни «Савой»га ўхшаш катта ресторанда 3 сўм-

га овқатланамиз. Овқат гўштли, лаззатли, лекин ким-мат...

Бир неча кундан сўнг Ойбек курсдошлари билан саёхатга кетди. 18 июлда мен уларни Ленинградга жўнатдим. Маскавдек катта шаҳарда ёлғиз ўзим қолдим. Биз сўнгги бир йил ичида биринчи марта айрилдик: яна айрилиқ, яна соғиниш...

Ойбекнинг бир расмини стол устига қўйдим. Заводдан келгач, ундан кўзимни узмайман. Расм орқасидаги ёзув эса ёд бўлиб кетган:

«Кўнглимнинг энг яқин ошноси
севгили Зарифага

*Сен мендан зангинлик, безакли ҳаёт
Кутма, эй гўзалим, мен буюк тентак.
Бир улуг бўшлиқдир сенсиз коинот,
Унутма, қайғурма, йиғлатма, чечак!*

Ойбек.

16/VII 1930».

Ойбек меним-да расмимни қўйнига солиб кетган. Орадан икки-уч кун ўтгач, Ленинграддан хат келди. Унда бундай сўзлар ёзилган эди:

«Зарифа!

Бугун соат 9 да Ленинградга келдик. Бир техникумнинг ётоқхонасида турибмиз. Ленинградда қизиқарли ҳеч нарса йўқ. Маскавдаги қайноқлик, тошқинлик кўринмайди. Озуқа масаласи жуда ёмон.

Ўзинг қалайсан? Зерикмай турибсанми? Еки кечалари кўз ёшларинг билан ёстиқларни ивиб қўяябсанми?

Жоним, хафа бўлма! Мен ҳам кечадан бошлаб кўзимдан сени узоқлаштиролмайман.

Шу адресга хат ёз:

Татарский переулок, Фармацевтический техникум.

Ойбек.

19/VII 30».

Эртаси Ойбекдан яна бир кичик мактуб келди:

«Зарифаой!

Зерикмадингизми? Зачётларингиз қалай? Номер тинчми?

Театргами, киногами бориб турунгиз.
Бу кеча биз «Икки коммунист» асарини Ленинград
сахнасида кўрдик. Эрта «Фарход ва Ширин» бўлади.
Соғиндим, кўзларингдан ўпаман.

Ойбек.

20/VII 30».

Ойбек негадир бу сафар мени сизлаб хат ёзган эди.
Эркалагани бўлса керак, дедим ўзимча.

Ў соғинса-да, ёнида ўртоқлари бор; куни бўйи
банд... югур-югур... Мен эсам заводдан келгач, хуж-
рамга тикилиб оламан. Фақат унинг хаёли ила ўзимни
овутаман. Етим қиздай ҳис қиламан, ўзимни... Хат
кутаман... Кўзларимдан ёш тўкилмайди, холос...

Заводда ҳар куни ярим литрли икки шишадан сут
берадилар. Ярим литр сутни заводда, ярим литрини
кечкурун меҳмонхонада ичаман. Қаймоқли, қуюқ сут.
Шу сутдан семира бошладим, деб ўйлайман.

Ойбекдан яна хат олдим. Бу хат ҳам хотира дафта-
римни ҳамон безаб турибди:

«Зарифа!

Биз 25-да йўлга чиқамиз, 26-да эрталаб Маскавда
бўламиз.

Агар поезд кўпроқ тўхтаса, уйга бораман. Эҳтиёт-
дан сен ҳам вокзалга чиқ.

Уйга хат ёздингми? Улардан ҳеч хат келдимиз?..

Маскавда, бир оз бўлса-да, ковушсак, нақадар
бахтли бўлардим!

Жуда, жуда соғиндим.

Хайр.

Ойбек».

Мен-Ойбекдан кўпроқ дард чекаман. Ёлғизликдан.
соғинчдан эзилиб кетганимни билса эди, у! Фақат
иш билан овунаман. Кеча-кундуз у хаёлимдан кет-
майди.

Эртаси куни Ойбекдан телеграмма олдим: «26-да
вокзалга чиқ».

26 июль куни поезд келишидан хийла олдин вок-
залга чиқдим. Яна қаерга, денг? Ў жўнаб кетган
Ленинград вокзалига! Сабрсизлик билан соатни, дақи-
қаларни санайман. Поезддан дарак йўқ. Бир кишидан
сўрасам, у кулиб юборди: Кавказга борадиган поезд

Курск вокзалидан ўтар экан! Шунда Ойбек билан учраша олмаслигимни билиб, кўзларимдан ёшларим қуйилиб кетди! Балки Ойбек уйга келганмикан, деган умид билан «Маяк»ка югурдим. Хонада ҳеч ким йўқ. Бир варақ қоғозга: «Ойбек! Сизни Ленинград вокзалида кутдим», деб ёздим-да, эшик дастасига қистирдим. Сўнг яна Курск вокзалига жўнадим. Поезд аллақачон ўтиб кетган эди...

Оҳ, қандай қайғурдим, ўшанда! Бўшашган, мадорсиз, руҳан эзилган ҳолда меҳмонхонага қайтиб, узун йўлакка кирганимда, узоқдан бировнинг эшикдаги қоғозни ўкиб турганини кўрдим. Бу Чўлпон эди.

Биз кўришдик.

— Кечиринг. «Ойбек» деган сўзга кўзим тушди-да, беихтиёр ўқимоқ истадим,— кулди Чўлпон, алла-нечук ўнғайсизланган бир тусда.

Мен эшикни очиб, уни таклиф этдим. Чўлпон хонага кирди. Мен бўлиб ўтган воқеани унга айтиб берар эканман, табиий, ички ҳиссиётимни, сийнамни қакшатиб турган хаяжонни яширишга тиришдим...

«Маяк»да кичик бир ресторан бўлиб, Абдулҳамид ака ўша ерда овқатланар эди. Кейин ҳам биз баъзан бир-биримизга йўлиқиб қолар эдик. Бир якшанба кuni у мени Царицинога олиб борди. У ерда ошнаси, бир хотин бор экан. (Чўлпон кейин шу хотинга уйланиб, у билан Тошкентга бирга қайтган). Мен Царицинонинг харобаларини ёлғиз айланиб томоша қилдим, Чўлпон у хотин билан ўтирди. Кечқурун шаҳарга қайтдик. Вокзалдан таксида келдик. Мен «Маяк» олдида таксичи билан ҳисоблашиб, тушиб қолдим. Чўлпон хайрлашиб, шу машинада уйига кетди.

Мен Ойбекни соғиниб, ундан хабар кутардим; икки-уч кундан сўнг ундан қуйидаги хат келди:

«Зарифа! Зарифаой, хафа бўлма! Кеча (26-июлда) соат 9^{1/2} да Маскав-Курск вокзалига келдик. Вагондан тушиб, кўзларим қидира бошлади. Фақат сени кўриш мумкин бўлмади. Кўнглимга оғирлик тушди. У ёққа, бу ёққа югурдим. Мен сенга телеграмма берган эдим, олдингми? Агар олган бўлсанг, нега қарши олмадинг? Номер масаласи нима бўлди? Мен қайтгунча туришга имконият олдингми? Практиканг қалай?..

Бугун кечқурун биз Ростовга тушамиз, сўнгра Бокуга жўнаймиз.

Айрилиқнинг оғирлигини кечадан бери ортиқ сеза бошладим...

Ленинграддан сенга 3-4 марта хат ёздим, олдингми? Бокуга хат ёз.

Ойбек».

Буни қаранг: «Нега қарши олмадинг?» эмиш. Оҳ, билса эди Ойбек шу муаззам шаҳарда менинг адашиб, сарсон-саргардон бўлиб, йиғлаб юрганларимни!.. У ҳам хафа бўлган, ҳам жаҳли чиккан! Хатни бошлаши ва тугатишидан маълум.

(Нега энди у мени нотаниш шаҳарга ёлғиз ташлаб кетади? Менинг қайғурганимни билади, албатта! Жинни бўлмасам, бировлардан ёки «Справочное»дан поезднинг қаерга келишини сўраб олсам бўлмасмиди? Тажрибасизлик, бўшлиқ ёки фаросатсизлик бу!)

Тунда йиғлай-йиғлай ётдим. Ойбек айтгандай, ёстигим кўз ёшларим билан ювилди. Мен энди фақат унинг хатларидан олган севинчларим ила яшайман. Тезрок Ойбек билан кўришмоқ орзуси ила вақт кечираман.

Мана, ўша кезларда келган яна бир хат:

«Зарифа!

Букун (4 август) эрта ила Ботумга келдик. Боку ва Тифлисида икки кундан турдик. Ботумда ҳам икки-уч кун турмоқчимиз. Сўнгра пароход ила Севастополга ўтиб, Маскавга жўнаймиз. 15-ларда, албатта, Маскавда бўламан.

Сен зерикмай ишларингни давом қилдираётирми-сан? Номерни 1 сентябрга қадар бўшатмасликка тиришдингми?..

Кавказ тоғлари, далалари, ҳавоси кўнглимга жуда ёқди. Йўл таассуротлари қалбимга сиғмайди. Борганимда оғзимдан, шеърларимдан тинглайсен.

Ҳозир Ботумда окшом. Куёш олтин алангаларини Қора денгизга тўқади. Чўмилиш учун ҳозирланиб турибмиз...

Хайр. Кўзларингдан ўпаман.

Ойбек».

(Ойбек бу сафарида «Украина далалари», «Днепро-строй», «Ожаристон», «Қора денгизга», «Денгизга» шеърларини ёзган. Мен тубандаги шеърни унинг хатлари орасидан топдим. У биронта хат билан бирга йўланганми, деб гумон қиламан.

*Қалбимни қўйсам эди
Изинг тушган ёқларга...*

Фақат кўзинг ёқути —
Кечамнингдир юлдузи.
Хаёлларнинг булути
Ўралди салла каби.

Ташидим кипригимда
Севгимнинг қорасини.
Тўкди қайғунг ичимда
Қонимнинг гилосини.

Юзингдан шўх-шан баҳор
Кулса ва боқса иноқ,
Қалбимнинг музи шу чоқ
Кўз ёши бўлиб томар.

Севгим алангасида
Уйқумни ёндираман.
Ҳар тун фикримни якка
Васлингга қондираман.

Бу шеър, назаримда, ҳали босилмаган.

Бир куни кечкурун бошимни ювиб, ванна олдим-да, Ойбекнинг ёди билан ухлаб қолдим. Эрталаб, барвақт эшигим тез-тез қоқилди.

— Зарифа, оч! Оч! Мен келдим!

Сапчиб турдим-да, эшикни очдим. Ойбек мени ўпа-ўпа бағрига босди.

Бу, якшанба куни эди. Узоқ, жуда узоқ сўйлашиб ётдик. Йўл таассуротлари битмас-туганмас дoston эди...

— Хатингизда ваъда қилган шеърларингизни ўқиб беринг,— сўрадим мен.

— Йўқ, аввал сен ўқи! — деди у.

Мен Ойбекнинг 1929 йили ёзган шеърларидан ўқий бошладим:

— Айрилиқ диёрига
Телмурамен, толамен.
Дилбарим хаёлига
Бўсадан гул тақамен...

Қалбим эшини йўқлар,
Овунмайди бир нафас.

Қуёш кўйлакли баҳор,
Булуллар кўкда атлас.

Ҳижрон қирғоқларини
Битта-битта босамен.
Фироқ япроқларини
Изларимга сочамен...

— Қалай? Шу шеърингиз менга жуда ёқади. Заводда ҳам, меҳмонхонада ҳам ҳамиша шу шеърингизни ўқийман.

— Сенга ёққанидан мамнунман,— дейди Ойбек.— Ўқи яна! Машрабдан, Фузулийдан ўқи!

Мен яна унинг «Ошхона» шеърини ёд ўқий бошладим:

Дарахтлар ортида беркиниб,
Ис босган ошхона ётасен.

*Иссиқдан энтикиб, энтикиб,
Кампирдек букчайиб борасен.*

*Кўп эски ва нодон асрлар
Шу чурук кўксингда ухлайди.
Қоп-қора мурабба кўзларинг,
Йўқчилик дардини сўйлайди!*

*Зарифам расмингни чизмоқчи,
Эй фақир, буришиқ ошхона!
Порлоқ кун келганда тизмоқчи,
Йўқолсанг, бўлмасин афсона!*

— Шунини ҳам ёқтирасанми? — хайрон бўлиб сўради Ойбек.

— Ёқтираман, менга жуда азиз бу шеър, — жавоб бердим унга.

Кейин яна давом этдим:

**— Машраб сени деб кечди жаҳондан,
Бошини кўйди остоналарга.
Эй, майфурушим, бир коса май бер,
Вахдат майидан ичгали келдим.**

— Оҳ, қандай гўзал! Ҳар бир сатри худди олмос билан тарашлагандай!.. — деди Ойбек жиддият ва ихлос билан.

Мен Машрабдан кейин Фузулийга ўтдим:

**Ул париваш ким, малоҳат мулкунун султониدير,
Хукм онун ҳукмудурур, фармон онун фармониدير.
Сурду Мажнун навбатин, инди манам русвойи-ишг.
Дўғру дерлар ҳар замон бир ошигин даврониدير.**

— Етар! Энди сизга навбат! — дедим Ойбекка, шунча шеърларни ўқиб бўлгандан кейин.

— Яна ўқи! Тинглашни севаман, — деди Ойбек.

— Хўп, бир шингил, холос:

**Гар деса Фузулий гўзалларда вафо вор,
Олданмаки, шоир сўзи албат ёлондир.**

Ойбек қотиб-қотиб кулди.

— Демак, сен бевафосан? — деди у.

— Йўк, йўк, мен гўзаллар қаторига кирмайман.

— Сен ҳаммадан гўзалсан, мен учун! — деди Ойбек. Сўнг жомадонидан қоғоз-каламларини олиб, янги шеърларини кўздан кечирди-да, қайтиб қараватга келди. Бир варақ қоғозни ажратиб, ўқий бошлади:

**— Кафтдек текис далаларнинг бир ўзи
Узоқ мовий уфқлардан ошади.**

Ўтиш учун етолмайди ел кучи,
Қуёш сочин бу ерларда ўради.

Майин, нозли товланади бошоқлар
Шамолларнинг тегса ипак этаги.
Уни кўриб секингина ўйноқлар
Қўнглимдаги сезгиларнинг ёш барги.

Ўрим чоғи... Қўллар қўлга ҳеч тегмас,-
Ҳар ён меҳнат мусиқаси учади.
Қирдан соғлом, тоза, тотли бир нафас
Қонларимга кириб, руҳим кучади...

— Нечук? Гапир! — Ойбек шеър ҳақидаги фикрим-
ни сўради.

— Мукамал! Куйи оҳанги билан бирга яратилган
шеър! — жавоб бердим мен.

— Сен ҳеч қачон «хом», «заиф», демайсан, биламан!

— Мен ҳам ҳеч қачон сохта гапирмайман. Бун
яхши билинг! — дедим аразлаган тусда. — Ўқинг,
эштай!

Ойбек «Днепрострой», «Ожаристон», «Қора денгиз-
га» шеърларини ўқиди.

Қориннинг оч-тўқлиги эсга келмайди; шеърят би-
лан соатлар ўтади. У гоҳ сафар хотираларини сўйлай-
ди, гоҳ шеърларини ўқийди. (Бу онларнинг кўркемли-
ги, тоти ҳали ҳам ёдимда!)

* * *

Мен заводдаги тажрибани тугатдим. Бош инженер
ёзган ҳисоботимни кўриб чиқиб, тасдиқлади. У мен
билан узоқ сўзлашиб, Маскавда, шу заводда қолишни
таклиф этди. Мен ташаккурларимни билдирдим-да,
ойим, сингилларимдан, эримдан айри Маскавда яша-
шим мумкин эмаслигини тушунтирдим.

Кавказ сафаридан кейин Маскавда Ойбекнинг
практикаси бошланди. Баъзи ишларни битириш, бир
неча заҳётларни топшириш учун менинг Тошкентга
бориб келишим керак эди. Тошкентдан қайтиб келга-
нимдан кейин Ойбек икковимиз Сочига дам олиш учун
боришни режалаштирган эдик.

Мен Тошкентга кетгач, яна айрилиқ бошланди. Яна
бир-биримиздан зориқиб мактуб кута бошладик.

Ҳадемай, Маскавдан, Ойбекдан куйидаги хат келди:

«Зарифа!

Сен жўнагач, бўшашиб уйга қайтдим. Китобимни олиб, мутолаага киришдим. Фақат ишим жуда унумсиз борди. Бир саҳифа битгач, фикрим тўхтайди, кўзимга саҳрода югуриб кетаётган поезд ва унинг катор уйлари-дан бирида — кичкина бир «купе»да сени турли ва-зиятда кўраман.

Бундай ҳол узоқ бормади. Хидоят ва Ғани ўртоқлар келишиб қолди. (30-да соат 12 да келган эканлар). Узоқ замон суҳбатлашиб ўтирдик. Олиб келган узум ачиб-бижиб кетибди, еб бўлмади.

Шу кунларда соат 5 га қадар Госпланда бўламан. Кечалари ҳам жиддий ўқиш билан машғулман.

Дам аразлашиб, дам ярашиб, арзимаган нарсалар устида тортишишимизни соғиндим. Бундай майда-чуйдалар кишини овутар экан.

Ҳозир сен Галя билан сўзлашиб борасан, эрта Тошкентда бўлсанг керак. Менинг бу хатим етгунча анча-мунча ишларингни ҳам битириб қўярсан. Шунинг учун қуйидагиларни ёза берай: Уйда қандай ўзгаришлар бор? Ҳозир кимлар турадир? Бизнинг ҳовлига боргандирсан, отам шундами ёки қишлоқда? Кичкина Шарифа ҳаётми ёки «жаннат қуши» бўлиб учиб юрадирми?..

САХИПИ курорт ҳақида нималар деди? Кеча Зокировдан хат олган эдим, ҳамма техникумлар, рабфаклар кўчиш арафасида эмиш.


Муксид, Хомил ва бошқаларни кўрдингми? Ҳозир нима қиладилар?

Зарифа, Тошкентда вақтинг оз; шу вақтдан яхши фойдалан; заҳётларинг учун белгили соатларни айириб қўй ва мунтазам ишла! Акс ҳолда, бир нима «реальный» чикара олмасдан, қайтиб келажаксан.

Ленинизмни бергандан кейин термодинамикага кўч! Хар ҳолда Маскавга етиб келишга ошиқ!

Тошкентда иқтисодий ҳаёт қандай? Пулга топилиб турадими? Маошларимизни ва наشريётдан пул олсанг, пианино учун юбор... Заём отамда, олиб сотсанг-да бўлади. Бу ҳақда яна ўйлаб иш қил. Молия жиҳатинг яхши бўлса, Иса акага ҳам бир оз пул бер. Мен сенга айтмоқчи эдим, унутганман. Исанинг ўзи ишга бориб турадими? Ёки сигир-бузоғи билан оворами? Хатингда шуларни ёз!

Эртадан бошлаб ёккан ёмғир остида Маскав увишиб, мунгланиб боқадир. Осмон кўнгулга ҳузун қуйғувчи булутлар билан қопланган. Уй ичи жимжит.



Ойбек дўстлари билан. Ленинград 1929 йил.

Фақат деволдаги соатнинг «чик-чик» деган сирли тилигина жимжитликни бузиб юборади. Ҳозир кеч соат 7. Кўзларингдан ўпаман, Зарифа!

Ойбек.

3/IX 30.

Тез-тез хат ёзиб тур. Зулфия опа, Шарифажонга ҳам Сафо ва Абдурахмон акаларга салом».

Бу хатда тилга олинган Шарифа Ойбекнинг акаси Исамухаммад аканинг қизи бўлиб, ёш ўлиб кетган. Зокиров эса Ойбекнинг дўсти ва курсдоши эди. Жумхурият давлат режа қўмитасининг раиси лавозимида ишлар экан, 1937 йил қуюни уни ҳам олиб кетган.

Ойбек салом йўллаган кишилардан бири Абдурахмон ака — Хайри холанинг эри; биз билан бир ҳовлида турарди. Кейин Бойсўнга райком секретари бўлиб кетди, 1937 йилда у ҳам камалиб, йўқ бўлди.

Гани Хўжаев ва Ҳидоят Азизовлар — МГУда ўқиётган кимё факультети талабалари, Ойбекнинг дўстлари, яхши, самимий юракли йигитлар. Биз Маскавга келганда таътил бошланиб, улар Тошкентга кетган эдилар.

Биз уларни жўнатгани Қозон вокзалига чиққани-

мизда, туфлимнинг товони кўчиб кетганидан, юролмай колдим. Ғани ака купеда қайдандир каноп ип топиб келиб, туфлимни бойлаб берди. Ҳаммамиз кулишдик. Эртаси Ойбек Маскав бозоридан темирдай каттик, сўкма бир туфли топиб келди. (Дўкондан ҳеч нарса олиб бўлмас, ҳамма нарса ордер билан берилар эди). Шу туфлнинг кўполлигидан бир оёғимда бутун умрга кадоқ қолган.

* * *

Ўшанда Ғани ака менга бир воқеани сўзлаб берган: Икки дўст Маскавга, ўқишга кетиш олдида Пиён бозорда бир жомадон кўриб, савдолашиб турар экан, бир киши келиб: «Қаерга кетмоқчисиз? Ўқишгами?» деб сўраган. Улар: «Маскавга ўқигади кетяпмиз», деганларида, ҳалиги киши киссасидан 10 сўмлик олтин танга олиб берган. Кейин йигитлар суриштириб билсалар, бу киши туркистонлик Саидносир Миржалилов экан... Бу дадамнинг ширкатда раис бўлган вақти эди...

Тагин бир воқеани эшитган эдим. Менделеев номидаги Кимё институтида ўқувчи туркистонлик бир талаба Маскавдаги меҳмонхоналарнинг бирида дадамнинг олдида келган. Кетаётганида дадам унга пул берган ва туйқусдан енгил пальтосини кўриб қолган. У «Пальтонгиз жуда юпун экан. Холбуки, Маскавнинг совуғи каттик», деган-да, устидаги пальтосини ечиб, талабага кийгизиб юборган... (Шу воқеани ҳам ўша талабанинг ўзи менга сўзлаб берган эди.)

Менинг бу гапларни ёзишдан муродим дадамнинг меҳрибонлиги, қўли очиқлиги, саҳийлигини қайд этиш эмас. Зинҳор шундай деб ўйламанг. Булар бойларнинг савдодан қилган фойдалари олдида бир томчи, холос! Буни мен яхши англайман. Аммо дадам маърифатчи бойлардан эди, ёшларнинг ўқиётганини кўриб, суюнардди. У бой бўлиб ҳам катта бой эмас эди. Юқорида айтиб ўтганимдек, дадам заводни ҳам холасининг ўғли билан шерикчилик ила қурган. НЭП замонида эса ширкат тузган.

* * *

Бир неча кундан кейин Ойбекдан яна бир хат олдим. У ёзган эди:

«Зарифа!

5-даги мактубимни олдингми? Бу — учинчи хатим. Ваъдамда тураман, деб хат устига хат ёза бошладим.

Сенинг йўлда ёзган очик мактубинг бугун келди. Ўқиб, севиндим. Фақат нечукдир уйқусизликка йўлиқкансан, билмадим, бу нарсa чарчаганингданми ё бошқа сабаби борми? Ўз соғлиғинг хақида мактубингда ёзиб тур.

Мен ҳозиргина «звуковой кино»дан келиб турибман. Ғани билан борган эдим. (Икки-уч кундан бери Ғани билан турибман.) Анов куни бир канча бўлишиб, бизнинг уйда палов қилган эдик; шу куни Муқимов қаттиқ шамоллаб, касал бўлиб қолгани учун доктор тузалгунча ташқари чиқмасликка буюрди. (Уйимда Муқимов ётибди; тузук бўла бошлади; ўз уйига энди чиқиб кетар.)

Товушли кино кишини ҳайратга соладирган бир муваффақият. Қандайлигини айтиб ўтирмайман. Келганингда, бориб кўрасан.

Маскав ҳавосининг ўзгарганлиги тўғрисида аввалги хатларимда ёзган эдим; энди қайғирмасанг-да бўлади. «Командировочный» қоғозим ила ботинка ҳам қалиш олдим. Оёқ-бош бутун. Боки 2-3 кундан сўнг Ялтага, «Ўзбекистон» санаторийсига кетади. Ҳамма иш битди. Сен билан бирга кетиб, икки-уч ҳафта яйраб келсам, жуда дуруст бўларди. (Ўз ҳисобига боровчилар ойига 150 сўм тўлар экан). Келганингда, яна маслаҳатлашамиз.

Зарифа, ишларинг қалай? Заҷётлардан битта-яримтасини бера билдингми? Вақтингни тартибга сол; жиддий, босиб ўтир; бўлмаса, ҳеч бир иш қилолмайсан.

Мен эрталабдан бошимни китобдан узмайман; янглишмасам, кетганингдан бери фақат шу бугун кинога бордим. Ғани ҳам кундузлари дорилфунунда бўлади; кечқурун келиб, қафасдек уйда (Шиорнинг уйидан ҳам кичкина!) мутолаага бериламиз.

Зарифа, тез-тез хат ёз. Чунки, ўзинг биласан, гап-лашгандек бўламан. Кетганингдан бери аллақандай аҳволдаман. Ёлғизлик мени ўксизлатганми?..

Ишингни битирсанг, тезроқ йўлга чиқ. Тошкент аҳволларидан ёз.

Уйдагиларнинг ҳаммасига салом.

Ойбек.

9/IX 30 й.».

Ойбекнинг сентябр ойида ёзган мактуби менда сақланмаган. Балки келиб етмагандир ёки ўзим йўқотгандирман.

Ойбек хатида ёлғизликдан шикоятланади ва саёҳат қилиб юрганида, ёлғизликни мунчалик сезмаганини ёзади. Албатта, бу тушунарли. Лекин мен Маскавда ёлғиз ўзим қолганимда, Ойбекнинг ҳозирги аҳволидан ҳам оғирроқ аҳволда эдим. Ҳолбуки, Ойбекнинг дўстлари бор, хоҳласа кинога, хоҳласа театрға боради, мен эсам танҳо ўзим эдим.

Бир куни Тошкентдан хат борми экан, деб Ширнинг уйига борсам, бир тўп йигитларнинг ош еб ўтирганлари устидан чиқдим. «Қани, келинг, келинг, паловга келинг»,— деб таклиф қилдилар. Мен ташаккур айтиб, менга хат келмаганини эшитдим-да, қайтиб кетдим. Ҳатто бўсағадан ичкарига бир қадам ҳам қўймадим.

Тўғри, Ойбек кўп мутолаа қилади. Окшомдан тонгга қадар китоб устида ўтиради. Мени ҳам шунга ундайди, ўргатади. У мутолаадан чарчагандагина шеър ёзишга тугилади. Шеър ёзиб тугатгач, яна мутолаага ўтади. Мен ундаги иш қобилиятининг шу қадар зўрлигига ҳайратланаман.

Агар Ойбекнинг ўша йиллари ёзган хатларидан зерикмаган бўлсангиз, яна бирини келтирай:

«Зарифа!

Бу — тўртинчи хатим. Бу қадар ошиқиб ёзишимни кўрган ўртоқлар ҳам «Яқиндагина кетди-ку, нега мунча соғинмасанг», деб кулишиб қўядирлар. Эҳтимол, ҳақлидирлар. Бундан сўнг яна битта мактуб ёзаман, сўнгра ёзмасам ҳам бўлади, чунки ўзинг келиб қоласан.

Укаларингнинг келиши нима бўлди? Хат олиб турасанми? Уйда нима гаплар бор? Шарифа қаерда?

Хатингни кутиб ётибман. Сендан сира дарак йўқ. Ишларинг билан овора бўлиб, мени-да унутдинг, шекилли. Ҳар уч кунда ваъдангга мувофиқ хат ёзиб турмасанг, келганингда қарши олмайман.

Рабфак, техникум ва САХИПИдан маошларни олдингми? Пианино ҳақида кўп ўйлай бошладим. Мусиқа ва ашуладан узоқ киши бўлсам-да, нима учундир, шу инструментга муҳаббатим ортиб борадир.

Таржимамиз босилиб чиқибдирми? Госиздат нима дейди?..

Шимимнинг орқа томони титилиб кетаётир. Сен бўлсанг эди, яхшилаб ямок солиб берардинг. Мен бугун тиксам, эртасига сўкилиб кетади. Бир илож қилиб, Тошкентдан бир шим юбора оласанми? Материал топсанг, машиначига тикдирсанг-да бўлади. Бунда 45 сўмдан шим сотадилар-ку, фақат материали ёмон.

Бизнинг уйга тез-тез бориб турсанг керак, дадам қалай, тетикми?

Мен «Деньги переходящего периода» ҳам «Теория воспроизводства» деган мавзуларни ишлайман. Кечкурунлари, вақт топилса ва зериксам, беллетристика ўқийман. Энди Ғани иккимиз «Большой театр»нинг баъзи постановкаларига бормоқчи бўлдик.

Зарифа, Исонинг тирикчилиги дурустми? Келино-йингдан эшитгандирсан? Шундай узун бир хат ёзгилки, ҳар хатимда такрорлайдиган саволларимга жавоб ола билай!

Зарифа, саёҳатда юрганимда, қалбимда бу қадар бўшлиқ сезмасдим. Ҳар куни янги-янги ўлкаларни, шаҳарларни, халқларни кўрар эдим. Аммо бу кунларда айрилиқ оташи тўхтовсиз алангаланеди, айниқса, оқшомлари сиқиламан. Тезроқ кел, гўзалим!

Тентак руҳдан салом!

Ойбек.

Москва. 12/IX 30».

Мен зачёт ва имтиҳонларни топширгач, шошилишч равишда Маскавга жўнадим. Ойбек кутиб олди ва Ғани аканинг уйига бошлаб борди. Ғани ака кичкина хонасини бизга қолдириб, ўзи қайгадир бир ўртоғиникига кетди.

Тошкентдалиқ эканимда, Сочига бориш учун фақат биргина йўлланма топа олганимдан иккимиз маслаҳат қилдик. Мен Сочига бориб, санаторийга яқинроқ ердан Ойбекка жой тайёрлайдиган ва унга телеграмма берадиган бўлдим. Ойбек мени жўнатиб қолди.

Мана, унинг орқамдан ёзган хати:

«Зарифа!

Сочи денгизи, қуёш ва ҳавосида, эҳтимол, ўйнаб, кулиб юргандирсан; эҳтимол, кўнглинг баъзан йўқлаб, ўқсир. Эҳтимол, сира йўқламас, мендан айрилганига севинач, билмаймен...

Кеча бизнинг ётоққа бир киши келди. Сухумида бўлган экан. Сухумини жуда мақтайди. Мен қизиқси-

ниб, Сочини сўрадим. «Жуда ёмон! Гўшт, мой йўк! Ҳар куни 10 сўм сарф қилсанг-да, қорнинг тўймайди»,— деди.

Балки бу киши яхши билмас, муболаға қилар. Мен ҳам Сочига боришдан умид узганим йўк. Телеграмма қўлга теккан кун, агарда мусбат жавоб бўлса, тездан ҳаракат қиламан.

Зарифа, Сочининг табиати гўзалми? Вақтингни қандай кечирасан? Овқат масаласи тузуқми?

Агарда менинг боришлигим мумкин бўлмаса, хафа бўлма! Қайфингни чоғ қилиб юра бер.

Кеча «Огненний мост»га бордим, калбимда унутилмас таъсир қолдирди.

Бугун «За океаном»га бормоқчиман.

Хайр, Зарифа, жоним!

Ойбек.

IX. 30».

Ойбексиз Сочининг сўлим табиати, ҳавоси, гўзаллиги менга татирмиди?

Мен биринчи кундан бошлаб Ойбекка жой ахтардим. Бир врач аёл шундайгина санаторийнинг ён бағрида турар экан. У билан келишиб, суюна-суюна Ойбекка телеграмма йўлладим. Соғиниб кутар эканман, Ойбек етиб келди.

Биз тонгдан то окшомга қадар бирга бўлдик. Сочининг барча истироҳат боғларини, гўзал масканларини айланиб чикдик. Ҳар куни кеч пайтлари денгиз соҳилидаги машҳур «Ривьера» санаторийсининг ресторанига борамиз ва унинг денгиз бағрига кирган айвонида ўтириб, пивоми, кофеми ичамиз. Денгиз ортига ботаётган қуёшни, унинг тўлқинлар устига тўккан нурларини, ғуруб гўзаллигини кўз узмай, завқ билан томоша қиламиз. Денгизнинг шовуллаган товушини тинглаймиз. Гоҳ сокин ўтириб, борлиқнинг шу мангу гўзаллигини қўнгилга соламиз, гоҳ тотли суҳбатдан ором оламиз.

Кеч бўлгач, Ойбек мени санаторийга кузатиб, сўнг ўзининг кичик ҳужрасига чиқиб кетади. Мен баъзан унинг ёнида узок ўтириб қоламан-да, кейин у мени санаторийнинг панжара деворидан кўтариб, ошириб юборади.

Биз кундузлари денгиз соҳилида узок юрамиз, чўмиламиз. Кечқурунлар хийлагина салқин бўлганидан мен манто кийиб олардим. Қалин жигарранг товар



Ойбек ва З. Саидносирова. Сочи. 1930 йил.

устига қора ва жигарранг бархат қопланган. Буни бир татар аёлидан олиб, қиска, кенг манто тиктирганман. Бу ўша замонларда расм эди. Бошимга катта, шўх, ҳинд шоҳи рўмолни саллача қилиб ўрардим. Упа ва лаббўёклар ила пардоз қилардим. Қизиғи шундаки, мен бутун умримда фақат бир ойгина пардоз қилганман. Шунга қадар ва ундан сўнг асло упа, ўсма, лаббўёк деган нарсаларни қўлимга тутмаганман. Лекин тўйимиздан сўнг ҳар вақт яхши кийиндим ва яхши кийинишни севардим. Ойбек баъзан, кайфияти яхши

чоғида, оёғимга қадар қарар, суқланиб, кулимси-
рар эди.

Ойбекнинг ўзи эса яхши кийинишни асло ўйламай-
ди. Бу ташвиш ҳам менинг устимда. Мен кийимлик
газламани топиб келаман, тиктираман. У гоҳо кунт
билан кийинади, гоҳо эса кийинишни сира ўйламайди;
меҳмонга ҳам, театрга ҳам, ўзига қолса, уй кийими
билан кетаверса!..

Биз Сочида жуда яхши дам олдик. Ойбек «Тонг»,
«Денгизда оқшом» шеърларини ёзди, кўп мутолаа
қилди.

Ниҳоят, Тошкентга қайтдик. Икковимиз ҳам до-
рилфунунни битирганимиз учун шаҳодатномаларни
олдик.

Мени кимё факультетида қолдирмоқчи эдилар, аммо
мен буни рад этдим. Чунки бир йил ичида САХИПИ-
га жуда ўрганиб қолган эдим, уни ташлаб кетишга
кўзим қиймади. Мени ҳеч кўндира олмаганларидан
сўнг декан (Мейерсон деган киши) «Майли, бир йил-
дан сўнг химфакка қайтингиз, шу шарт билан сизга
рухсат берамиз»,— деди. Энди ўйлаб қарасам, жуда
тентак эканман: ҳозир ўқишни битирганлар қандай
бўлса ҳам ўша жойда қолишни ўзларига катта бахт,
деб биладилар.

Ойбекни ўзи тугатган факультетда олиб қолдилар.
У сиёсий иқтисоддан лекция ўқий бошлади. Тунлари
Маркс, Энгельс, Ленин асарларини тағин-да чуқурроқ
ўргана бошлади. Мен унинг бу қадар чалишувига,
бундай иктидорига, чидамига ҳар сафар ҳайратланар
эдим.

У шу йиллари кўп вақтини адабиётга ҳам бағиш-
ларди. Унинг «Бешйиллик план», «Онамни эслаб...»,
«Фанга юриш», «Даладан-далага» шеърлари 1930—
1931 йилларда ёзилди. У шу кезларда кичик-кичик
достонлар ҳам ёза бошлади. Унинг 30-йилларда айниқ-
са машҳур бўлган «Дилбар — давр кизи» достони ав-
вал «Ўтинчининг кизи» деб аталган эди. Ойбек унинг
номини кейинчалик ўзгартирди.

У ишлаб ўтирганида, илҳом булоғига бутунлай фарк
бўлар, ҳатто фикри ва хаёллари мендан, ўтирган уйи-
дан узоқларга кетар, бу унинг бутун киефасида кўри-
ниб турар эди...

Ҳар ойда маошимизни олиб, Эски шаҳар бозори-
га тушамиз. Йўлда, «Ҳамза» театрининг эски биноси
ёнида, бозорга чиқиб кетадиган кўчанинг бошида кич-

кинагина кабобхона бор. Унинг бўйи — эни уч метрдан ошмайди. Кабобпаз — Ойбекнинг эски мактабда бирга ўқиган дўсти. Биз бозорга кириш олдидан унинг кабобхонаси олдида тўхтаймиз; ҳар иккови мамнун, хушнуд кўринадилар.

— Қани, марҳамат, Мусавой! — таклиф этади, кичик курсиларни суриб кабобпаз.

У гавдали, кенг яғринли, хушмомила йигит. Қайноқ, бозиллаб пишиб турган хушбўй кабоб сихларини саралаб, бир дастасини олдимизга қўяди, устига мурчли пиёзни тўкиб, юмшоқ нонни бурдалайди.

Болалик чоғларини, эски мактабни, домласи-ю, дўстларини эслаб, кўришганларидан уларнинг иккаласи ҳам хурсанд бўлиб, узоқ сўйлашадилар.

* * *

Тўйимиз бўлиб ўтганига ҳам бир йилдан ошди. Шундан кейин юрагимда ғулғула пайдо бўлди. Нега бўйимда бўлмайди?.. Ҳар замон-ҳар замон Ойбек ҳам бу ҳақда гапириб қўяди. Авваллари «Майли, ўқишингни битириб ол»,— дерди у. Энди икковимиз ҳам шу ҳақда ўйлай, хатто истай бошладик.

Мен Сочи ва Маскавдаги докторларга кўринганимда, улар ташвишланишга ҳеч бир сабаб йўқлигини айтдилар. Ойим оловда кесак қиздириб, устига сув сепиб, туркона даволар қилди. Шундан кейин бўйимда бўлди. Ҳаммамиз қувондик.

Бир куни, кеч куз пайти бир немис чолдан хусусий дарс олиб ўтирар эдим... У бир иш билан иккинчи хонага чиқиб кетди. Мен газета кўриб ўтирдим. Шу пайт бирдан уч-тўртта майда кучуклар эшиқдан кириб, оёғимга ёпишди. Бу кутилмаган ҳодисадан сапчим тушдим... Рост, жуда ҳам кўркиб кетдим. Ёмғир қуйиб турган эди, кўчага чиқдим... Трамвайга туша олмай, Паркент кўчасидан Товуқ бозор орқали Шайхантоҳурга қадар жикка ҳўл бўлиб, ивиб, пиёда кетдим. Трамвайга тушарман, деб Товуқ бозор орқали юрганман ўша куни, йўкса, қисқароқ йўл ҳам бор эди.

Уйга етишим биланок ўзимни кўрпага ташладим; ҳароратим 40° дан ошиб кетди. Оғриқдан тўлғана бошладим, Ойбек дарҳол докторга югурди. Хуллас, ўша кечанинг ўзида ҳаёт ришталари узилгандек бўлди. Ойбек тун бўйи ухламай, йиғлаб чиқди...

1931 йили биз Бешоғоч даҳасидаги Арпапоя кўчаси-

га кўчиб ўтдик. Катта боғ ҳовли... Унинг уч томонидан шаркираб сув ўтиб туради. Дарахтлар кўп... Улар орасида янги қурилган икки хоналик уй...

1932 йили мени Тошкент Медицина институтига ишга таклиф қилдилар. Мен, албатта, САХИПини ташлашни хоҳламайман. Бу менинг асосий хизмат жойим. Шунинг учун ҳам мен ТошМИда қўшимча тарзда ишлашга рози бўлдим. Бунинг ҳам асосий сабаби бизга уй ваъда қилишларида эди.

Кўп ўтмай, ойимни Арпапоядаги уйда қолдириб, ўзимиз ТошМИ берган уйга кўчдик. Бу, табиий, оғир эди.

Арпапоядаги уйимиз тупроқ сахли, қорасувоқ бўлгани учун бизга Медицина институти томонидан берилган уй ниҳоят катта бўлиб кўринди. У, чиндан ҳам, катта, уч деразали, тахта полли уй бўлиб, жуда кенг йўлаги ва катта айвони ҳам бор эди.

Биз шу уйда яшар эканмиз, меним бўйимда бўлди. Ҳаммамиз хурсандмиз, ҳаммамизнинг орзу ва тилагимиз — ўғил.

* * *

Мен 1930 йилдан бошлаб ўрта мактаблар учун кимёдан дарслик ёзишни ўйлай бошладим. Бунинг учун энг аввал кимё атамаларини ишлаб чиқиш керак эди. Шу сабабдан мен атамалар билан шуғуллана бошладим ва айни замонда дарслик ёзишга ҳам ҳозирлик кўрдим.

Ғани ака ва Ҳидоятни чақириб, кимё атамалари устида баҳслашамиз; Ойбекни ҳам бу баҳсда иштирок этишга мажбур қиламиз. Уйимизда узоқ тортишувлар бўлиб ўтади. Кислородни «аччил», водородни «сувчил», кислоталарни «ачилиқ» деб қабул қиламиз. (Шу атамалар бир неча йил давомида қўлланиб келинган.)

* * *

Тўсатдан дадамни Тошкентга, ГПУ ертўласига келтирганидан хабар топдик. Мени чақирдилар. Эрталаб соат 10 да ГПУнинг иккинчиси ё учинчиси хонасига бориб, йўлакда қабул қилишларини кутдим. Кеч соат 5-6 га қадар ўтирдим. Ичимда 8 ойлик бола, қадалиб ўтириш кийин: гоҳ ўрнимдан тураман, гоҳ ўтираман.

Ўша кунни эсласам, ҳозир ҳам бир олам азобни ҳис этаман.

Ниҳоят, бир грузинми, арманими мани қабул қилди. Уни-буни сўрагач, дадамга бир хат ёзишни буюрди. «Дадангиз ўжар одам. Езинг, кўрган-билганларининг барини бизга сўйлаб берсин»,— деди у. Мен недир ёздим-да, чиқиб кетдим.

Чамаси, дадам бу сафар ҳам уларга керакли маълумотларни бермаган. Озодликда юрган ёр-дўстларига заррача ҳам хиёнат қилмаган. Шундан кейин дадамни яна Соловкига жўнатдилар. (Шу сафар у Соловкида Боту билан бирга бўлган.)

* * *

ТошМИдаги туғруқхона таъмирланаётган эди. Шу сабабдан менда тўлғоқ бошланганида, кўшниларишимиз Дамин Соҳибов билан Мажид ака докторларга югуришди. Бир немис қизи уй ишларига қарашиб турар эди. У ойимни Арпаоядаги уйдан ошиқич равишда чакириб келди. ТошМИ клиникасидан эса доя хотин билан икки-уч профессор-гинеколог етиб келишди. ТошМИ доценти бўлганим сабабли менга зўр илтифот кўрсатдилар.

Оғрикни ифода этишдан ожизман. Шу дақиқада «Ўлишга ҳам розиман», деб тўлғанар эдим. Ойбек ҳовлига қочиб кетди. «Энди ҳеч туғмасин! Шунинг ўзи етади!» деб йиғлабди у — буни кўшнилари кейин кулиб-кулиб гапириб беришди.

1932 йилнинг 26 июлида ўғил туғилди. Оиламизнинг шодлиги гўё бутун жаҳонни тўлдириб юборгандек эди. Доя бир ҳафта мобайнида олдимдан силжимади. Ойим, қайнонам ҳам биз билан бирга бўлди. Зулфия, сингилларим эса ҳар кун хабар олиб турдилар. Карават, ванна, йўргак, кўрпача, ёстиклар меҳр ва қувонч билан мухайё этилди. Ўғилчанинг номини Омонбек қўйдик. Биз бу исмни аввалдан тайёрлаб қўйган эдик. Бир дафтарга, саҳифани тўлатиб, ўғил болалар исмини ёзганмиз. Ўғил туғилишини зўр орзулар билан кутган эдик.

Уй ўртасига кўрпача ётқизиб, йўргакни очамиз-да, ҳаммамиз Омонбекнинг атрофида давра қуриб ўтирамиз. Унинг оёқ-қўлларини қимирлатиб ётишини суюниб томоша қиламиз. Ҳаммамизга тансиқ, табаррук, суюкли, ҳаммамизнинг қувончимиз, бу гўдак!

Ойим уни менга ишонмайди. Кечаси уйкуда эмизса, босиб ўлдириб қўямасин, деб Омонбек йиғлаши билан мени уйғотади, эмизиб бўлганимча бошимда ўтиради...

СОКИН КУНЛАР НАФАСИ

Тахтапулда Ишчилар шаҳарчаси қурилди. Аммо шаҳар четида деб ҳеч ким Ишчилар шаҳарчасидан уй олишни истамас эди. Зулфия эса шу йилларда Тоштрам идорасида ишлагани учун икки хонали уйни 500 сўмга сотиб олди. Ойим, сингилларим, Зулфия — ҳаммалари шу уйга қўчиб келишди.

У замонларда ҳозирги Усмон Юсупов кўчаси йўқ эди. Биз трамвайда Хадрадан Себзор орқали Тахтапул кўпригига қадар борар ва шу ердан Ишчилар шаҳарчасига пиёда юрар эдик.

Омонбекнинг яқинда чилласи чиқади. Ҳаммамизнинг қувончимиз, овунчоғимиз у.

Ойбек худди шу кунларда бир ярим-икки ойга Маскавга, командировкага жўнади. Йўлдан менга қўйидаги хат келди:

«Зарифа!

Мен кетаяпман. Ҳар кун станцияда истаган нарсангни олиш мумкин: сут, қатик, товук, нон, сметана ва бошқалар.

Оренбургдан бошлаб ҳаво салқин. Билмасам, Маскавда қандай экан? Тошкентдан чиққан кундан бошлаб Омонни соғинаман. Ҳар вақт у кўзимнинг олдида. Докторга, албатта, кўрсат!

Шарифа йўлга чиқдимиз? Маскавда кутиб оламан. Мен учун Омоннинг кўзларидан ўпиб қўй.

Қолганларга салом.

Ойбек.

30/VIII 1932.

Самарқанддан ўтдик».

Омонбек бир ойга тўлганида, унда йиғи бошланди. Ичи оғрир эди, назаримда. Биз Ойбекнинг Маскавга кетиши олдида буни пайқаб қолдик. Шу сабабли у ўз хатида Омонбекдан ташвишланиб, уни тезроқ докторга кўрсатишни уқдирди.

Мен икки ҳафта давомида уни доктордан-докторга кўтариб юрдим. Тошкентнинг энг машҳур профессор-хирурглари Перешивкин, Орловларга кўрсатдим. Еш-

лигимда иттифоқо бошим ёрилганда, уни тиккан Орлов ҳам, 11 ёшимда мени операция қилган Перешивкин ҳам Омонбекни хатна қилишни тавсия қилдилар. Профессор Омонни бир ҳафтага, албатта, мен билан бирга ўз клиникасига қабул қилишга розилик берди. Мен жуда кўрдим. Бирдан бирор фалокат рўй берса, не бўлади?.. Ойбек ҳам йўқ... Масъулиятни ёлғиз ўз устимга олишдан ожиз эдим. Шунинг учун ҳам профессордан операцияни икки ой орқага суришни сўрадим. Профессор рухсат бергач, суюниб, уйга қайтдим.

Омонбекнинг йиғиси секин-аста камая бориб, ахийри, тиниб-тинчиб, тузалиб қолди. Шундан сўнг ортик бу ҳақда ўйламадик.

Мен Омонбек билан Ишчилар шаҳарчасида — ойимникидаман. Ўзим ТошМИ ва САХИПИга ишга қатнаб тураман. Омонбекка ойим қараб ўтиради.

Ойбекнинг Маскавда бир ярим ой давомида кечмиш ҳаётини унинг хатларидан кўриш мумкин. Тубанда шу мактублардан менда сақланиб қолганларини келтираман:

«Зарифа!

Мана шу тўртинчи ёки бешинчи мактубим. Сендан бир мартаба ҳам хат олмадим. Ҳар куни хат ё телеграмма кутаман. 5 сентябрда ёзган хатимда адресимни кўрсатган эдим-ку! Омоннинг соғлиғи ҳақида менга телеграмма берса керак, деб умид қилар эдим. Билмадим, хатларим, эҳтимол, Тахтапулга бориб етмас, почтабон қўлида йўқолиб кетаётгандир. Бу дафъа хатни Зулфияга, Тоштрамга ёздим. 6-да Шарифага хат ёзиб юборгандим. Аммо жавоб келгани йўқ. Ёзиб туришга ваъда қилган эди... Сизларга ёздими?

Зарифа, рост гапир, Омон соғми? Шарифанинг сўзлаш тонидан кўнглим нималарнидир сезганди. Шунинг учун кўп кўркамен.

12-да «спешный» хат ёзиб, ақча сўраган эдим. Тезда бериб юбор: китоб ҳам ёзув асбоблари олмоқчиман.

Маскав жуда кўнглилли... Ҳар томонда буюк қурилиш, буюк суръат... Маданий жиҳатдан инсоннинг юксалишига лозим ҳамма шароит бор. Маскавда халк кўп. Ҳаммаси шод, ишчан, соғлом...

Ғафуржон билан кеча Катта театрда бориб, «Снегурочка» деган операни кўрдик. Мазмуни ҳаёлий. Аммо мусиқаси ва постановкаси жуда яхши. Эртага ўқиб бўлгандан сўнг, Планетарийга бормоқчиман. Кира бил-

сак, кўп фойда берар эди. Чунки, китоб устида ўтиришдан кўра, фан-техника тараққийсини «производствого бориб кўриш қат-қат фойдали!

Ишга тушмадингми? Она бўлиб уйда ўтириш, болага боғланиб қолиш зериктирган бўлса керак, сени... Мен ҳаммаларингни соғиндим, айниқса ўғлимни.

Унинг кўзларидан ғайибона ўпамен.

Ҳаммага салом.

Ойбек.

15/IX 1932».

«Зарифа!

Шу еттинчи хат. Бугун 18 сентябрь. Сендан телеграмма йўқ, хат йўқ, ҳеч нима! Ўзинг соғмисан? Агар соғ бўлсанг, бундай жимжитлик нима билан исбот қилинади? Мен Омоннинг соғлиги ҳақида телеграмма билан тезда билдир, деб ёзганимга 13 кун бўлди. Ҳеч дарак йўқ.

Сўнгги хатларимда пул кераклигини сўзлаган эдим. Пулим яна 4—5 кунга етади. Шунинг учун шу хатни олган замон менга пул бериб юбор. Телеграф билан. Мумкин қадар кўпроқ. Пианино жуда қиммат. Олиш мумкин эмас. Пул юборсанг, сенга яхши кўйлақлар ва бошқа нарсалар олиш ва ўзимга ҳам баъзи нарсалар олмоқ мумкин.

Зарифа, шу хатдан сўнг сендан дарак келмаса, бошқа хат ёзмаймен; ҳар куни хат, телеграмма кута-кута ўлдим, айниқса Омон...

Шарифадан ҳам шу вақтгача ҳеч хабар йўқ. Борган куни хат ёзмоқчи эди... Яна бугун бир хат ёзмоқчиман... Сизларга ёздими?..

Хайр.

Ойбек.

18/IX 32».

Ойбекнинг кетганига эндигина йигирма кун бўлган эди. Мен ҳар куни Омонни докторларга кўтариб юрган вақтим бўлса керак. Ишларим ҳам бошланган. Албатта, шунга қарамай, хат ёзиб турганман, балки улар кечикиб боргандир? Ахир поезднинг ўзи Тошкентдан Москвага қадар бир ҳафта юради-ку!

Ойбекни ишки, ҳавоси пианинога тушган! Пианино-миз бўлса-да, мен ҳар куни чалиб ўтирсам! Ҳолбуки,



Ойбек. 1930 йил.

мен пианино чалишни сира билмайман. Пианино чалишни ўрганолмай, мусиқа мактабини ташлаб кетганман. Сўнгги йилларда эса ҳатто расм студиясига қатнашни ҳам тарк этганман. Икки институтда ишлаш, атамашунослик билан шуғулланиш, дарслик ёзиш, дарсликларни таржима этиш ва оналик вазифаси... булар менга жуда катта юк бўлиб, сутканинг 24 соати камлик қиларди.

Баъзан рассом дўстларимни, айниқса Ўролни кўрсам, улар мени жуда койир, хафа бўлар эдилар. «Хамма кимёгар бўлиши мумкин. Лекин ҳамма ҳам рассом бўлолмайди!»— дер эди Ўрол.

«Сиздай рассом бўлишимга кўзим етмайди, шунинг учун ташладим»,— дердим мен унга кулги билан.

Юқоридаги хатларда тилга олинган Шарифа ўша кезларда ҳордиқ олгани кетган, Ойбек эса уни Маскавда кутиб олган ва Ялтага жўнатиб юборган эди.

Ойбекдан келган хатларни вараклашда давом этаман:

«Зарифа!

Кеча сендан телеграмма олдим... Кўпдан бери хат олмаганим учун ...Омонга бирон нима бўлгандир, мени хафа қилмаслик учун билдиришдан тортинган бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Кечаги телеграмма менга умид бағишлади.

Нега бундай жим бўлиб кетдинг? Мактубларим номерсиз уйлариңга бориб етмадимиз? 16-да Зулфия опа адресига хат ёзмишдим. Олган бўлсанг керак. Сатторнинг хотинидан ҳам хат ёзиб юбордим, олдингми? Ширмани ҳам унинг нарсаларидан қўшиб юбордим.

Китобинг босилаётибдирми? Менинг ёзганларим учун гонорар олдингми?..

Таҳрир битган бўлса керак. Сени кўп қийнагандир...

Пианино 5000 сўм! Мусиқа тинглашдан воз кечишга тўғри келади...

Ҳар кун 6—7 соат ўқийман. Иқтисодий маълумотимнинг йиртиқларини ямаяпман...

Омоннинг умумий аҳволи қалай? Қасаллик ўсишига таъсир қилмайдими?..

Ўғлинг кўзимнинг олдидан сира кетмайди... Соғиндим. Сени ҳам.

Тошкентдан ҳар кун ақча кутаман, келмайди, тез юбор!

Шарифага икки марта хат ёздим. Ўзи ҳеч ёзгани йўқ. 19-да бир телеграмма олдим. «Если получили перевод переведите»— мана унинг телеграммаси. Нима демоқчи? «Пул юбор», демоқчими? Қанча пул керак? нимага керак?— билмайман. Менимча, Шарифага пулнинг ҳожати йўқ. Чунки, Маскавда ҳеч нима олмади. Демак, пули ўз ёнида. Бир хат ёзиб, бу масалани тушунтирса, бўлмасмиди?.. «Ҳозир пул йўқ, келса юбораман»,— деб ёзиб юбордим.

Зарифа, менга пул жуда керак, келтирган пулим битди, тез юбор.

Хайр.

Ойбек.

23/IX 32».

«Зарифам!

Мен сенга ўнларча хат ёздим. Фақат бюрократизм ўрасига тушиб кетган Тошкент почта-телеграф идораларининг касофати орқасида хатларим вақтида бормаган. Бунинг учун мен айбли эмас. Ёзганларимни почтадан сўраб оларсан.

Сендан хат кута-кута кўзларим тешилди. Ниҳоят, 26-да бир хатингни олдим. Омонга оид сатрларни қайта-қайта ўқидим. Севинчим қалбимдан тошаёзди. Лекин шу хатни бошлаганда сенинг кайфиятинг жуда ёмонга ўхшаб кўринди. Менга алоқаси бўлмаган тегсиз гапларни ёзгансан. Шу сатрларни ўқиркан, ҳам кулдим, ҳам ҳафа бўлдим. Мен келгандан бери сендан бошқа ҳеч кимсага хат ёзмадим-ку! Ишонасанми? Хайр, борганда, яна-да сўзлашармиз.

Зарифам, ўғлинг ҳақида жуда муболаға ила ёзибсан. Юради, гапиради, дейсан. Мумкинми? Аммо ўзим ҳам баъзан инониб қоламан. Чунки туғилган кунларидёқ қўл-оёғини ўйната бошламишди ва кўзларида зийраклик туюларди.

30-да (кеча) яна бир хатингни олдим. «300 сўм пул юбордим», — дебсан. Телеграф ила юбордингми? Мен ҳали ҳеч қандай «извещение» олганим йўқ! Бугун почтага ҳам бордим. Қараб тополмадилар. Маскавда ҳам пул масаласи жуда чаток. Шундай «задержки»лар кўп бўлармиш. Билмадим, қачон олишимни. Ўзимда ҳеч пул йўқ. 20-дан буён Ғафуржондан пул олиб яшаппман.

Фақат, эрта-индин Ғафуржон иш билан Ленинградга жўнайди. Сўнг, нима қиламан?

Мен 12 сентябрдаги хатимда пул сўрамишдим. Шу хат тез бориб етган бўлса эди, шу вақтгача келган бўларди. Ётоқхона учун сентябрь ойига тўлашим керак. Ҳар кун қистайдилар. Шуниси ёмон (Овқат учун пул топилар эди-я!)

Кўпдан бери Госплан ёки Комакадемиянинг ёпик ошхонасида овқатланаман, арзон ҳам яхши.

Энди юбормоқчи бўлган 700 сўмни қачон олишим мумкин? Октябрнинг охирига қадар ола биламанми, йўқми?

12 ёки 15 октябрда йўлга чиқишим керак эди. Пулсиз чиқа олмайман. Шу масалани ўйлаб, ҳафа бўламан.

Маскавга келадиган ишончли киши йўқми, бериб

юборар эдинг. Телеграф ила пул олишга ишонмай қолдим. Банкарлар ушлаб қолади. Яна ўзинг атрофлича ўйлаб қара!

Шарифа телеграмма ила икки марта пул сўрамишди. Бу нарса яна мени қайғуга солди. 2—3 кун илгари ёзган хатида сизлардан пул олганлигини билдирган эди. Жуда севиндим.

Ялта Шарифага жуда ёқибди, зерикмас эмиш. Эрта-индин келиб қолса керак. Телеграмма ила билдирмоқчи.

Буқун (1 октябрь) яна бир хатингни олдим. Кечагидан аввал ёзилганга ўхшайди. Қўп қисми Омонга бағишланган. Жуда севасан ўғлингни, кўз тегмасин. Омон каби болани севмаслик мумкинми? Мен ҳар вақт уни ўйлайман, ҳаёлимда қучоклайман, ўпаман, эркалатаман. Омоннинг соғлиғи учун кестириш лозим экан, кўркмасдан кестира бер!

Маскавни севиб қолдим, фақат Омон ва сен бўлсанг эди мунда, кетмасдим. Маскав ҳақида яна ёзармен.

Зарифам, мени тезроқ кўрай, десанг, пулнинг келиши йўлини кидир!

Севимли Омонни ва унинг гўзал онасини ўпамен. Хайр.

Ойбек.

1/X 32.

Зулфиянинг адресига бундан бошқа яна 2—3 хат ёзмашдим, олдингми?

Пианинони ўйламай кўяқол! 5000 сўм! 5 йилда ҳам ола билмаймиз!

Буқун эрталаб (2 октябрь) Шарифа келди. Соғсаломат. Эртага кетамен, дейди. Мен яна жилла бўлмаса, 2—3 кун олиб қолмоқчиман. Зарифа, қолган пулни банкага бориб, бошқа йўл билан юбориш мумкин эмасми? Мен эшитдим: шундай йўллар ҳам бор эмиш, аммо мен хозирча яхши суриштиролмадим».

Мен, чамаси, Омоннинг хасталиғи билан овора бўлиб, аввал камроқ хат ёзган кўринаман. Лекин, Ойбекнинг айтишича, у мендан 18, 22, 26 сентябрда, шунингдек, 1 октябрда хат ва телеграммалар олган. Ахир шунча иш ва ташвиш орасида бундан ортиқ хат ёзиб бўладими? У шуларни ўйламай, мендан ўпкалайди. Мен ҳам ундан ўпкалаган бўлсам керак. Мен ҳам хат кута-кута «Менга ёзмай, кимга ёзасиз?» деб ноз-фироқ қилган бўлсам керак. Бунинг устига, ўша йилларда

маош олиш қийин; бир неча кун қатнаб, соатлаб навбатда турилади. Гонорарларни эса ойлаб кутишга тўғри келади. Бу гаплардан беҳабар бўлган Ойбекнинг эса тоқати қолмайди, албатта.

Омон 15 кунлик вақтидаёқ оёқларини тиззамга қўйсам, кадам босмоқчидай, бир-бир кўтарарди, оёқларини, «Вой, қаранглар, юрмоқчи!» деб суюнардим. Икки ойдан ошганда эса, албатта, унинг ҳаракати кўпайган, ширин овозлар чиқара бошлаган эди. Мен ҳам ўз хатларимда шуларни ёзардим.

Мана, яна бир хат:

«Зарифам!

Юборган акчаларингни олдим. Шарифа бутун аҳволни гапириб берган бўлса керак. Жуда пулсиз қолган эдим. Шарифани жўнатиш олдида керакли ақчани топиш учун қанча уриндим...

Зарифа, мен ҳам эрта ё индин йўлга чиқсам, дейман. Фақат сен 700 сўм ваъда қилиб, шундан 95 сўмнигина юбординг. Шу қолганини кутиб ётибман.

Маскавда ҳозир совуқлар бошланаётибдир. Тошкент иссиқми? Сўнгги хатингда Омонни кестириш ҳақида ҳеч нима демагансан. Нима бўлди?

Мени кутишнинг аҳамияти йўқ, ўзинг сўзлашиб кестиравермайсанми?

САГУ ва САХИПИдан сентябрь учун ойлигимни олдингми?

Сафо Тошкентда эмиш. Зулфия билан ярашармиш. Бунни Шарифа айтган эди. Қалай, ярашдиларми, йўқми? Зулфияни Маскавга келтириб ўқитса, яхши бўларди. Шу шарт билан ярашса, менимча, мумкин.

Ўзинг яхшимисан? Бир хатингда «Кечалари тобим бўлмай чиқади», демишдинг. Докторга бор!..

Юнг рўмол ҳеч қайда йўқ...

Салом на эканини билмаса-да Омонга саломларим! Хайр.

Ойбек.

12/Х 32 й.».

Шу хатни олганимдан кейин кўп ўтмай, бир куни, тун чоғида Ойбек кириб келди.

Биз ойимнинг катта уйида Омонни ўртага ётқизиб, икки томонда ойим икковимиз ётардик. Ойбек қоқ ярим тунда келиши биланок роҳат уйқусида пишиллаб ухлаб ётган Омоннинг пешонасидан ўпиб-ўпиб, менинг кўрпамга суқилди...

1932—1933 йиллар жуда оғир келди. Русияда куруқчилик сабабидан буғдой битмади; бу очарчилик, дегани эди.

Бир куни уйда ёлғиз ўзим ўтирар эдим. Кўкракда сут борми-йўқми, билмайман. Омон тиззамда, уни эмизар эканман, эшикдан шошилиб қайнотам кириб келди:

— Болам, бир бурда нонингиз борми?— ўтиришга улгурмасдан остонада туриб сўради, у.

Мен «йўқ» дея олмадим. Ўрнимдан турдим-да, шкафнинг ост-устини очиб изладим. (Бир бурда қаттиқ нон ҳам топилмади. Ҳозир қозонларда, товоқларда қолган ошни, қути-қути ётган қаттиқ нонларни кўрган-имда, шу воқеа ёдимга тушади-да, юрагим эзилиб кетади.)

Ўша замонлар кўчаларда ким кўп — гадойлар ва ғариблар кўп. Йўл бўйи очликдан шишган одамлар йўлиқарди...

Тезлик билан «ёпик дўкон»лар ташкил қилинди. Ойбекни ҳам, мени ҳам олимлар ва ёзувчилар учун очилган «ёпик дўкон»ларга боғладилар. Тирикчилик бир мунча тартибга тушди.

Мен ҳар куни дўконга бориб, бирор нарса кўтариб келаман. Олимлар дўконига эса сингилларим боради.

Эрта баҳор чоғи... Куруқчилик йилларининг энг оғир вақти.. Мен Гоголь кўчасидан борар эканман, бир чол 6 яшар ўғил бола билан ариқ бўйида ердан недир терар эди. Мен бу манзарадан таажжубланиб, тўхтадим:

— Ота, нима қияпсиз?— сўрадим чолдан.

Чол бўйини ростлади. Унинг башараси жаҳлдан оппоқ оқариб кетган эди.

— Илдиз теряпмиз, илдиз!.. Еймиз!— деса бўладими, у?

Мен уялиб кетдим. Бошимни қуйи соларок, гўё биров мени қувлагандай, югура кетдим.

Дўконда шу куни тўрт кило муштдай-муштдай рафинад қанд бердилар. Мен уни катта рўмолга тугиб олиб, яна шу йўлдан қайтар эдим, чол билан бола тупроқни эндигина туртиб чиқаётган кўкатлар илдизини хануз суғурар эдилар. Мен тўхтаб, болани чақирдим. Енимга югура келган боланинг этагига беш-олти мушт қандни тўқдим. Чол қўлларини ёйиб, ихлос билан дуо қилди. Боягина бефаҳмлигимдан, андишадан, эзилган бўлсам, энди пичагина енгилландим. Лекин, бари-

бир, инсон ҳаётининг мунчалик оғир мушкилотларга тўла дамларини ўйлаб, паришон борардим.

Бир кун ёзувчилар дўконида Абдулла Қодирийни учратдим.

— Зарифахон, асал бермоқдалар. Аммо менга даркори йўқ — боғимда асалари сақлайман. Сиз олинг! — деди у.

Абдулла Қодирий 20-йиллардаёқ халқ ўртасида машхур бўлган ёзувчи эди. У Ойбекни астойдил ҳурмат қилар, шу туфайли ўз насибасини бизга инъом этмоқчи бўлган эди, ўшанда. Ўша куни унинг ҳиссасини олдим-ми, йўқми — бу ёдимда йўқ.

Абдулла Қодирийнинг кўркамгина, шинам боғчаси бор эди. Биз Ойбек икковимиз майда-чуйда нарсаларни харид қилиш учун бозорга тушганимизда, бир дафъа унинг челақ тўла шафтолини сотгали олиб турганини кўрдик. У жисмоний меҳнат ила кўп машғул бўлар, боғига ўзи қарар, ўз меҳнат кучи ила етиштирган ҳосилни бозорга элтиши-да унга ярашар эди.

Кўринишдан у хийла кўрс ва тўнг одам эди. Лекин кўнглига ёккан кишилар билан хуш муомалада бўлар, уларга илтифот кўрсатар эди...

Қунларнинг бирида ойим билан бозорга тушдим. Икир-чикир нарсаларни харид қилгач, бир жойда тўхтаб, офтоб кўринадиган даражада юпқа, тўппидайгина бир нонни 12 сўмга Омонга деб олдим. Уни эндигина қўлтиғимга қистириб, пул санар эдим, орқамдан кимдир нонни тортиб кетди. Ўгирилиб қарасам, йигирма ёшлардаги яланг оёқ деҳқоннамо бир йигит нонни тишлаганча, орқасига қараб-қараб югуриб кетяпти, «қувадиларми, йўқми», деб. Мен кулдим. Ойим: «Бой-қиш!.. Майли ош бўлсин, савоби Омонга тегсин», деди секингина.

Гоҳо ўйласам, буларнинг бари бир-бир ёдимга тушади...

1933 йили, буғдойга ўроқ тушгани ҳамон, ҳаёт ўз изида кетди. Аммо мен ўша машаққатли ва мусибатли кунларни асло унутмайман.

* * *

Рабфаклар ва техникумлар учун ёздигим «Анорганик кимё» дарслиги босилиб чикди. Ҳажми 18 босма табоқ бўлиб, лотин ҳарфи ила чоп этилган. Бу кимё фанидан ўзбек тилида чоп этилган биринчи дарслик

эди. Шу туфайли менга доцентлик унвонини бердилар. Китобга шоир Элбек муҳаррир бўлди. У камтарин, хуш муомила одам эди. У Қалдирғоч маҳаллада Муборак деган хушбичим хотини билан яшарди. Биз тез-тез учрашиб турардик. 1937 йилда у ҳам қамалиб, йўқ бўлиб кетди.

Мен 1931—1932 йилларда САХИПИ нашриётига кимё бўйича атамалар китобини топширган эдим. Дарсликдан сўнг у ҳам босилиб чиқди.

Ўша йилларда ўрта мактабларнинг қарийб барча синфларида Верховскийнинг кимё фани бўйича чиқарган китоблари дарслик сифатида ўқитилар эди. Мен шу дарсликларнинг кўпини ўша кезларда ўзбек тилига таржима қилдим.

1934 йил... Омонбек ҳали икки ёшга тўлиб улгургани йўқ эди, биз бир боғ сотиб олдик. Ойбек икковимиз кўпдан буён боғ ҳовлини орзу қилар эдик.

Боғ Тахтапул шаҳарчаси устида, Окота деган мавзеда эди. Бу катта ва янги боғга торгина боғ кўчадан кичкина бир эшикча орқали кириларди. Эшикдан бошланган якка йўлнинг ўнг томонида катта ҳовуз, атрофида қизил олма оғочлари терилган... Сўл томонда-бир танобча келадиган бедазор... Ҳовуздан кейин — қўрғон; унда бир уй ва бир айвон бор. Қўрғон орқаси ва бедазордан бошлаб 18 ишком узум: чарос, қора кишмиш, даройи, соҳиби, ҳусайни, нимранг ва ҳоказо. Беда атрофида олма ва шафтоли оғочлари. Шафтоли май ойидан бошлаб пиша бошлайди. Навлари жуда кўп.

Ҳар йили эрта баҳор кунларида Ойбекнинг ойиси ва дадаси боққа кўчиб чиқадилар. Биз кейин борамиз...

1934 йилдан 1939 йилнинг кузига қадар ҳар ёзни шу боғда ўтказдик. 1935 йилда иккинчи ўғлимиз Бекжон, 1937 йилда қизимиз Гулранг, 1939 йили эса Суюнбек туғилди. Болалар боғда яйраб ўсдилар. Биз бутун ёзги таътил пайтларида таржима билан, тирикчилик ташвиши билан машғул бўламиз.

Ойбек адабиёт, ижод билан бирга, айтиб ўтганимдек, олий дорилфунунда иқтисоддан ҳам дарс бериб келди. Лекин у 1935 йилда ўйланиб, тараддудда қолди. Ойбек ўз таржимаи ҳолида бу ҳақда ёзган эди: «...Бирок, 1935 йилда шундай пайт келиб қолдики, мен энди ё олим-иқтисодчи ва ё ёзувчиликдан бирини танлаб олишим зарурлигини яхши ҳис этдим. Аммо кўнгилда адабиётга, шеърятга муҳаббат зўр бўлганидан билдимки, менинг чинакам майлим адабиёт томонида.

Шунда иқтисодий фанлардан дарс беришни тўхтатишга рози бўлдим. Лекин илмий тадқиқот ишларига ҳавасим зўр бўлганлиги учун А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлашни давом эттирдим. Бу вақтгача менинг бир неча шеърлар тўпламим ва дostonларим босилиб чиққан эди. Бундан ташқари, газета ва журналларда иштироким борган сари ортиб борар эди».

Ойбек шу даврда адабиётнинг катта йўлига чиқиб олган ва энг истеъдодли шоирлардан бири ҳисобланар эди. Шу билан бирга у адабиёт назарияси бўйича ҳам жиддий иш олиб борди; бу соҳада ҳам кучли олим бўлиб танилди. Унинг бу соҳадаги муваффақиятларига жаҳон адабиёти ва адабиёт назариясини теран ўрганганлиги пойдевор бўлди.

Ойбек таржима билан бирга ўз ижоди ила ҳам машғул бўлиб, қатор шеърлар ва дostonлар ёзди.

1936 йили Пушкин юбилейига тайёргарлик бошланди. Ойбекка «Евгений Онегин»нинг таржимаси топширилди. Бир тўда ёзувчилар — Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қахҳор, Уйғун, Усмон Носир, Темур Фаттоҳ — ҳаммаси Чимёнда бир неча ой мобайнида Пушкин асарларини таржима қилиш устида иш олиб бордилар. Мен Омонбекни олдим, Бекжонни энагаси билан оймга қолдириб, Чимёнда бир ҳафта туриб қайтдим. Ҳар қайси таржимон шоир учун биттадан ўтов тикилган эди.

Чимёнда гўзал бир маскан. Овқат лаззатли, қимиз кўп. Ойбек таржимадан ҳориган пайтларида кўпгина шеър ёзди. «Чимён дафтари»га кирган шеърларнинг бари шунда ёзилган. Чимённинг кўркем табиати, Пушкин шеърляти билан мулоқот Ойбек ижодида янги бир босқичнинг бошланишига имкон туғдирди.

«Чимёнда булоқлар кўп экан, сиз ҳам бир шеърлят булоғини топибсиз»,— деб кулдирардим мен уни, Чимёнда битилган гўзал шеърларини ўқиб.

Ойбек Чимёнда ишлаётган кезларда унинг дадаси билан маслаҳатлашиб, кўрғондаги уй ва айвон устига катта шийпон қурдирдик. Шийпоннинг тарҳини ўзим чиздим. Уч томони девор билан ўралган шийпонга болаларнинг ва ўзимизнинг қараватларимиз қўйилди. Боғ ва кўрғон томонлар очик қолдирилиб, у ерга оғоч панжаралар ўрнатилди. Шийпоннинг бир томонига эса зина ишланди. «Ойбек келганда, шийпонни кўриб ҳайратлансин, мамнун бўлсин», деб дадамни роса шоширдим.

Шийпонга тўгарак стол, кичик диван, икки кресло, икки ўриндиқ кўйдик. Булар ҳаммаси новдалардан тўкилган ёзги мебель эди. Мен ўринга ётгандан сўнг ҳам Ойбек шундоққина ёнимда тонг отгунга қадар ишлар эди.

Шийпон жуда кўркам... Боғ томондаги дарахт новдалари шийпонга шундоққина тўкилиб туради. Улар гуллаганда, мевалари пишганда эса кўркини кўриб, кўзингиз тўймайди. Айниқса кечалари, ойдаги манзаранинг гўзаллиги кўнгилларимизни ором ва нашъа билан тўлдиради.

Зина таги эса кичкинагина хужра бўлди. Унга каттагина бир хум жойладик. Ҳар хил чарослардан мусаллас солардик. Ишдан чарчаганимизда, узумни эзиш, мусалласни сузиш эрмагимиз эди. Ойбек тайёр бўлган мусалласни тутиб, «Дада, қани, ичиб кўринг», дер, дадаси эса кулиб шимираб эди. Бу манзарани кўрган Ойбек қотиб-қотиб куларди. (Мен ёш мусалласни кўпириб турган чоғида ичишни севардим.)

Ҳар куни эрталаб шийпондан тушамиз. Совун ва сулги кўтариб, боққа чиқамиз. Шарқираб оқиб турган муздай, тиниқ сувда ювинамиз. Сўнг Ойбек шафтоли қоқади, мен тераман. Сув бўйида чўккайиб ўтирамизда, тўйиб еймиз. Кейин кўрғонда чой ичамиз. Боғни бир айланамиз-да, икковимиз баробар ўтириб, таржимага тушамиз. Баъзан Ойбек шеъриятга берилади. Унга ҳавасим келганда, мен ҳам недир ёзган бўламан. Ўчириб, тузатиб ўтирмайман. Ёзганларимни Ойбекка ҳам кўрсатмайман. Туйғулар шошиб келганда, уларни тўсиш, бўғишга кўнглим бўлмайди.

Мана, шундай лаҳзаларда ёзганларимдан бир шингили:

*Қалбим бир бурчини шеър забт этмиш,
Аммо у денгиздай чексиз, тўлқиндор.
Ёзсам, ёзмасам-да, майли, бахт эмиш,
Қалбга эш бўлса у — сўнмас қуёш бор.*

*Осмон ойнасида парча оқ булут
Сирпалса севиниб тошурман бирдан.
Бу зўр муҳаббатки, бўлмайди юлиб
Ташламоқ гуноҳдир, айрилмас дилдан.*



Ойбек. 3. Саидносирова чизган расм.

*Бир нур дуч келса гоҳ япроқлар узра,
Кўнглимда тошади севинч тўлқини.
Йиллар ўтар, аммо ўчмас хотира
Кўнглимда у нурнинг сўнмас ёлқини.*

Биз ишлаб ўтирар эканмиз, дадамиз бозорга йўл олади. Гўштни кўпинча Эски шаҳар бозоридан, баъзан Юнусободдан харж қилади.

Тошкентда трамвайдан бошқа транспорт йўқ. Биз трамвай изи тушмаган кўчаларни пиёда босамиз. Бик-бик, қайноқ жазирама тупроқ. Июнь ва сентябрь ойларида боғдан дарсга қатнашимиз керак. Мен эмизукли чақалогимни энагасига кўтартириб, Ишчилар шаҳарчасига, ойимникига бораман. Эмизиб, қолдириб кетаман. Ишдан қайтганимда, яна бир бор эмизиб, сўнг бокка, йўлга тушамиз...

1936 йилнинг август ойида дадамдан тўсатдан телеграмма келди. Дадам озод бўлиб, йўлга чиққан экан. Буни эшитиб, ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Икки аммам, куёвларнинг бари ойимнинг олдига йиғилишди. Бизлар беш қиз бўлиб, дадамни қарши олгали вокзалга чиқдик. Неча йиллик айрилиқ ва азоб-уқубатлардан кейин дадам Тошкентга, оиласи бағрига соғ-омон қайтиб келди. Шодлик, соғинч, хаяжондан энтика-энтика дадам билан кучоклашиб кўришдик. Дадам билан бирга Ботунинг онаси ва синглиси ҳам бирга келдилар. Улар Ботуни кўргали Соловкига борган ва дадам билан бирга қайтган эканлар. Улар Соловкида жигарларини кўриб, жиндай меҳр қондириб, тағин айрилиб, эзилиб қайтган эдилар.

1929 йили ойим Бийскка борганида, Равза 11 ёшда бўлган. Ҳозир у 18 ёшда, жуда гўзал, баланд бўйли, ёш келинчак. Уни 1935 йили 17 ёшида эрга берганмиз. Дадам Равзани кўриб, танимади, секингина мендан: «Бу ким?» деб сўради, вокзалда. Мен кулиб юбордим.

Уйга келиб, алламаҳаллага қадар дастурхон атрофида дадам билан сўзлаша-сўзлаша ўтирдик. Тўққиз йиллик айрилиқдан сўнг биз дадамга қараб, у бизга қараб бир-биримизга тўймас эдик.

Тун ярим бўлгач, катта аммам дадамга пар тўшак ёйиб, жой тайёрламоқчи бўлганда, дадам эътироз билдирди. «Бундай ўринга ётиш менга ярамайди. Келажак нечук бўлур — ҳали маълум эмас», — деди у хаёлчан.

Шу пайт бечора дадамнинг пешонасида яна қандай кўргуликлар бор экан, деган фикр кўнглимизни хира қилиб ўтди.

Ойбек бир неча ёзувчилар билан бирга Маскавга, А. С. Пушкин ҳалок бўлган куннинг 100 йиллигига бағишланган СССР Ёзувчилар уюшмасининг пленумига кетадиган бўлди. Югуриб юриб, кўнглимга ёқадиغان материал топдим. Бир яхши костюм тиктирдим. У замонлар Тошкентда тайёр кийим сотиб олиш иложи бўлмаганидан, костюмни ҳам, пальтони ҳам фақат тиктирар эдик. Ойим иссиқ ва енгил бўлади, деб ҳар гал Ойбекнинг пальтоси учун туя юнги топиб, титиб, саваб берарди.

1937 йил феввалида Ойбек 32 ёшда, баланд бўйли, кўркам йигит эмасми,— уни ясатиб, термулиб, фахрланиб, вокзалда жўнатиб қолдим.

Албатта, соғиниб, хат кутдик. Мана, хат ҳам келди:

«Зарифа!

Сихат ва саломат юрибман. Сизлар ҳам соғ бўлгайсиз. Бу кун Анатолий Тимохиннинг олдига бордим. Нина келди, «Зарифадан сизга хат бор экан»,— деди. Эртага биргалашиб соат карамоқчимиз. Олтин соатлар жуда қиммат. Букун Усмон Носир ўзига бир олтин соатни 1400 сўмга олибди. Бир цепочканинг 100 сўмга сотилганини кўрибди. Демак, сенга соатни цепочкасиз олишга тўғри келади.

Болаларга анча-мунча кийим олдим. Ғижим рўмол сира йўқ. Бир неча магазинларни ахтардим. Яна ахтараман.

Пленум 22-да очилган эди, давом этаётир; эртага битса керак. Кеча Пушкин таржималари ҳақида мен сўзга чиқдим. Докладни ёзиб олган эдим, дуруст бўлди. Инкилобга қадар арабча-форсчадан бўлган таржималар ҳақида ҳам гапирдим. Умуман, бизда бадиий адабиётнинг узок бир тарихи бор эканини, классик адабиётимизда Шарқ тилларидан таржима бир кўп асарлар борлигини кўрсатдим. Қизиқиб тинглашди.

Маскавда ҳар куни қор. Шамол билан юзни тирнайди. Тошкентда баҳор бошланиб қолгандир? Омон ва Бекжон қалай?.. Соғиндим.

Биринчида йўлга чиқамиз: Уларга ҳар хил кийим олдим. Бола кийимлари ҳам жуда қиммат. Масалан, 2 ёшли болага лойиқ бир вязаний кўйлак ва шапочкани 120 сўм, дейди.

Пленумга яхши китоблар келтириб сотаётирлар. Лекин дарров талаб кетишади. Бир қанча дуруст китоблар олдим, яна оламан. Ўзингни қандай сезасан, илмий ишингга қатнаб турибсанми? Узок ишлама.

Уйдагиларга салом.

Ойбек.

25/II 37».

Мен шу пайтларда ҳомиладор эдим. Оиламиз ўғилга ташна бўлганидан биринчи ва иккинчи болаларимиз ўғил бўлишини истар эдик. Омонбек ва Бекжон туғилгач, ниҳоят қувондик. Учинчи фарзандни кутар эканмиз, мен Ойбекка кулиб, «Энди қиз бўлғай», де-

дим. У ҳам кулиб юборди: «Майли, бир қиз ҳам бўлгани яхши».

1937 йилнинг 16 апрелида тиззадан келадиган қалин қор ёққан куни Гулранг туғилди. Бир кун илгари навбахор нафаси кезган, ҳовлимиздаги наставрин гуллари чаман бўлиб очилган эди.

Қиз туғилганига айниқса менинг дадам суюнган эди. Унинг беш қизи бўлса-да, битта ҳам ўғли бўлмаган. Шунга қарамай, у нечундир учинчи фарзандимизнинг қиз бўлишини истаган экан. У дарров катта битма китоби — Навоий «Хамса»си муқовасининг ичига қизимизнинг таваллуд тарихини ёзибди. (Ойбек Асакада колхозлар тарихини ўрганиш учун борганида, сафардан шу китобни кўтариб келган эди.)

Дадам қизимизга Қоргул, Гулсочар деган исмларни беришни тавсия қилди. Холбуки, биз Ойбек иккимиз қиз туғилмасидан илгариёқ унга исм тайёрлаб қўйган эдик.

Ойбек Бобурнинг Гулчехра, Гулбадан ва Гулранг деган қизларининг исмини хуш кўрарди. Менга шу исмлар орасида, айниқса, Гулбадан манзур бўлди. Ойбек эса фикримни эшитиб, кулди: «Яхши, кичиклигида Гулбадан, дея берамиз. Гўзал исм! Аммо улғайганида, бўйи етганида, Гулбадан дейиш нечук бўлар экан? Мен ўйланиб қолдим, тушундим, албатта. «Майли, Гулранг бўлсин! Бу ҳам чиройлик ҳам ҳеч кимда йўқ ном», — дедим унга. Шундай қилиб, қизимиз Гулранг деб аталди. Бу исм дадамга ёқинқирамади, «Гулсочар»га унаганимиз учун ўпқаланиб юрди.

* * *

Ойбек тагин Маскавга, ўзбек санъати декадасига кетди. Кўп ўтмай, ундан қуйидаги хатни олдим:

«Зарифа!»

Тошкентдан чиққанимда, кўнглим ғаш эди. 14-да эрта билан поезд Оренбургга келганида, сабрсизлик билан телеграмма кутиб ўтирдим. Бир неча минутдан сўнг телеграммани олиб, кўрка-кўрка очдим. 15-га қолдирилган экан. Бир оз таскин топдим. Лекин яна ҳар вақт Исанинг операцияси устида фикрим айланар эди. 17-да Маскавда иккинчи телеграммани олгандан сўнг жуда суюндим. Билмадим, кейинча бирон «осложнение»

бўлмадимки экан? Исага айт, тамом шифо топгунча касалхонада қолсин!

Келгандан бери иш билан машғулман. «Адабиёт газетаси»га икки, уч мақола ёзишни буюрганлар. Шундай қилиб, хат ёзишга ҳам қўл тегмади.

Кеча «Гулсара» умумий кўрикдан ўтди. Асар эмас, раксларгина халқни қизиқтиради. Ҳар ҳолда декада анча тантанали бўлиб ўтадирганга ўхшайди. Айрим спектакллارни трансляция қиладилар. Тошкентда ўтириб ҳам эшитиш мумкин.

Ўзимга на костюм, на ботинка олдим. Шарифага-да ола билмасмен.

Богда қулуфнай пишган бўлса керак. Омон, Бекжонни бир дафъа бўлса-да, бокқа олиб чиқ...

Бекжонни соғиндим. У ҳар вақт кўзимнинг олдида, думалаб юргандай.

Гулранг қалай? Бу ҳам эсимга тушиб кўяди.

Москва яхши, ёмғир кўп, плашсиз юриш қийин.

Ҳаммага салом, болаларни ўпиб-ўпиб қўй. Яна ёзарман.

Хат ёзсанг, адрес:

Москва, Старая Варваровка, гостиница «Дом Востока», ком. 60.

Ҳа, айтиб кўяй, бу меҳмонхонада артистлар йўқ. Факат ёзувчилар туради. Рашк билан ўртанма.

Ойбек.

20/V 37 й ».

* * *

Ниҳоят, Ёзувчилар уюшмаси бизга Асака кўчаси атрофидан бир уй бермоққа қарор қилди. Ойбек жуда суюнган... Бирга бориб кўрдик: бир даҳлиз, катта бир уй... Ўзимиз бокқа кўчиш олдида эдик. Дарҳол жиҳозларимизнинг бир қисмини янги уйга кўчирдик-да, кейин тинчланиб, бокқа кетдик.

БОЙҚУШ КЕЛГАН ЙИЛ

Аммо шу орада Тил ва адабиёт институтида ишлаб юрган Ойбек, Ҳамид Олимжон ва бошқа кўпгина кишиларни «халқ душмани», деб ишдан ҳайдадилар. 1937 йил тўполони бошланган эди.

Биз ҳар куни эрталаб ҳали у, ҳали бу танишимизнинг қамалганини эшитамиз. Қунлар ниҳоятда бе-

тинч... Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевлардан бошлаб энг гуноҳсиз ғариб бир муаллимга қадар барчаси «халқ душмани», деб эълон қилинган. Шу қора қирғин пайтида, айникса, зиёлилар кирилиб кетдилар. Ҳеч ким бу қирғиндан четда қолади, дейилса, муболаға бўлмас. Ҳатто Ойбекни ҳам камалган, деган гаплар тарқалди. На кундуз халоват бор, на тунда — уйқуда роҳат. Ҳар дақиқа ташвиш, ҳар дақиқа юрак титроқда...

Биз болаларни кўрғонда қайнонам ва қайнотамга қолдириб, икки темир караватни катта боғнинг бир четига кўчирдик. Икковимиз шунда тунларни бедор ўтказа бошладик. (Боғдан гўё бизни топа олмаслар эмиш!). Кечаси, колхознинг бизга яқин жойида трактор ишлар экан, биз ундан беҳабармиз. «Ана, бизникига машина келяпти», деб нафасимизни ютиб, котиб қоламиз. Мен Ойбекни маҳкам кучоклаб ётаман, гўё меним қўйнимдан уни тортиб ололмайдиганлардек.

Шу ғалвали даврнинг биринчи кунларидаёқ дадамни тагин ҳибсга олдилар.

Мен Гулрангни энағасига кўтартириб, ҳар куни боғдан чиқаман ва ойимникида эмизиб, яна бир оз сутимдан қолдираман-да, ишга кетаман.

Гулрангнинг туғилганига икки ой бўлган. Бир куни ойимникига келсам, дадам стол олдида турибди; рангирўйи оппоқ қоғоздай оқарган; ёнида совуққина бир татар киши. НКВДдан. У бир рус қўшни гувоҳнинг ҳузурида акт тузиб ўтирибди. Ойим боякиш айвонда йиғлаб юрибди. Дадам шу куни ҳаммомдан чиқиб, янги оқ сурп қўйлак кийиб, ойим билан гангур-гунгур сўзлашиб, нонушта қилиб ўтирганида, шу татар йигит балодай етиб келган.

Дадам ҳаммамиз билан кучоклашиб хайрлашди. Сўнг татар йигитнинг олдига тушиб кетар экан, йигирма кадамча юрганидан сўнг орқага қайтди.

— Набирамни бир ўпай, — деб қўлимдан Гулрангни олди; бағрига босиб, пешонасидан икки марта ўпди. — Умри узок бўлсин. Ақлли-ҳушли, халқига фойдали киши бўлиб етишсин! — дуо қилди у.

Юракларимиз қонга тўлди, эзилиб кетдик, шунда.

Орадан қанча вақт ўтди, билмадим, дадамдан на хат, на хабар бор. На овқат оладилар, на бирор дарак берадилар. Бир неча вақтдан сўнг, «Исламанглар! Хат ёзишдан маҳрум ўларок узокка сургун қилинган», деб

айтдилар, бизга. Лекин сургун қилинмаган, отиб ташланган, деб гумон қилдик.

Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек, Усмон Носир, қанча-қанча мнистрилар, марказқўм, обком ва райком котиблари, кекса ва ёш зиёлиларнинг бари кетди. Халқ маданияти каллакланди.

Шундай қилиб, дадам бояқиш 53 ёшида йўқ бўлди ва шу қисқа умрининг 11—12 йилини ҳибс ва сургунларда ўтказди. Жуда ақлли, зехнли, ўткир одам эди, у. Бир куни у ўзаро сўзлашиб ўтирганимизда, «Агар шундай замонда туғилиб ўсган бўлсам, фақат илм билан машғул бўлган бўлардим», деб афсусланган эди. У Тошкентда биринчи дафъа камокда ўтирганида, бир рус математики билан бирга бўлган ва бутун олий математика курсини мукаммал ўрганган. Интеграл, дифференциал, логорифмани яхши биларди у.

Дадам 1936 йили Соловкидан қайтганидан сўнг 10 ойгина уйда озод яшади. Келди-ю яна 1937 йил гирдобига дуч келди. Тўғри, у билан бирга кўп одам қамалди; бир дафъа қамалиб қайтганларнинг барчаси яна камокка олинди; уларнинг биронтаси омон қолмади.

Дадам ўн бир йил зориқиб кутгани озодликка эришганидан, оила олдида бўлганидан ниҳоят хурсанд, ўзини қаерга қўйишни, не билан машғул бўлишни билмасди. Бозорга борарди, қоплаб битма китоблар, тош босма китобларни топиб келарди. Биз пул етказа олмас эдик. Маошимиз маошимизга базўр етарди.

Дадам табиблар, кўпни кўрган қариялар билан суҳбатлашиб, қадимий табобатдан маълумот тўплай бошлаган эди. У метеорологияга оид жуда кўп халқ нақлларини, об-ҳавога оид белгиларни йиғиб, неча-неча дафтарларни тўлдирарди. У ҳатто ўзи тўплаган маълумотларни обсерваторияга элтиб кўрсатган. Обсерватория ходимлари дадамга у йикқан, тўплаган маълумотларни сотишни таклиф этганлар, дадам эса рози бўлмай, рад этган. Афсуски, НКВД ходимлари бу ёзувларнинг барини унинг ўзига қўшиб, олиб кетганлар.

Дадам, айтиб ўтганимдек, битма китобларни тўплабгина қолмай, уларни ихлос билан ўқир, форсчани яхшигина тушунар эди. Бир куни у бизнинг уйда китоб титиб ўтирар экан, ненидир топди-да, Ойбекка кўрсатди. Улар икковлан тоза қулишди. Мен уятли бир ривоят эканлигини фахмладим-да, сўрамадим.

Кейин Ойбек менга Навоий ҳазратлари ҳақидаги латифани айтиб берди. Балки бу афсона ҳам, латифа

хам эмас, ҳақиқатдир. Мен бу ерда уни ёзишдан жуда уяламан, лекин йўқолиб кетмаслиги учун ҳар на бўлса-да, ёзиб қолдиришга қарор қилдим.

...Сарой хонимлари Навоийнинг ҳанузга қадар уйланмаганидан кўп таажжубланадилар, буни турлича тушунишга уринадилар. Ниҳоят, улар Навоийнинг уйланмагани сабабини аниқлаш учун бир йўл топадилар. Улар саройдаги ёш, гўзал, сўзга моҳир, кўркам қилиқли бир аёлни, гўё бир иш билан, оқшом чоғида Навоий хузурига юборадилар. Навоий уни ниҳоят ҳурмат ва одоб билан қабул қилади, у билан жиддий суҳбатлашади. Кеч бўлганида, аёл кетолмаслигини, шунда тунаб қолишини айтганда, Навоий ўрнидан туради, мулозимлардан бирининг унга ўрин ҳозирлаб беражагини айтиб, чиқиб кетмоқчи бўлади. Бошқа бирор чоратадбирни тополмай қолган аёл ноз-карашма кўрсатиб, Навоийга асл мақсадини англатишга эришади. Шунда Навоий аёлнинг қўлини олиб, ўзига тортади: «Мана, кўринг, бизда ҳам бундай олат бор ва лекин бундай одат йўқдир», — дейди ва хонадан чиқиб кетади.

Яқинда мен уйимиздаги битма ва босма китобларни, шунингдек 20-йилларда чоп этилган нодир китобларни тартибга солиб, рақамлаб чиқдим. Улар сони 600 дан ортди. Агар у замонлар қўлимизда тирикчиликдан ортадиган акча бўлганида, дадам жуда катта бир кутубхонани йиғиб улгурган бўларди. Китобни севадиган, қадрига етадиган одам эди, у.

Китобларни тартибга солишда дадамга марҳум профессор Абдумажид Баҳодиров (у бизнинг институтда ишлаган) ёрдам бермишди. У мадрасада таҳсил кўрган, арабча, форсчадан ғоят саводли киши эди. Жуда хушмуомала, камтарин одам эди, раҳматли.

Бу китоблар орасида ҳазрати Жомийнинг битма куллийети, Хилолий ва яна кимларнингдир битма девонлари, «Калила ва Димна»нинг форсий, арабий ва туркий битма нусхалари, Замахшарийнинг уч жилдлик тош босмаси, Темур ҳақидаги тарихий рисоалар ва бошқалар бор эди.

* * *

Ойбек кўчага ҳам чиқмайди. Чиқишнинг ҳам хожа-ти йўқ. Тил ва адабиёт институтидан ҳайдалган, Ёзувчилар уюшмасидан чиқарилган. Газета ва журналлар эса унинг асарларини босмай қўйганлар. Шунинг учун



Файз Ахмад Файз — Ойбек хонадони меҳмони. 1958 йил.

ҳам Ойбек бутун ёз ичи боғдан чикмай ижод қилди.

Ойбек 30-йилларнинг бошларида «Студентлар» деган роман ёзмокчи бўлиб, бир оз уринди. Лекин асарнинг ёзилган дастлабки қисмлари ўзига ёкмагач, ташлаб қўйди. Шундан кейин мен ҳар замон-ҳар замонда унга насрга ўтиш вақти келгандир, деб сўз бошласам, «Йўқ, ҳали вақт бор, шошма!» дер эди.

Мана, энди ўша Ойбек айтган вақт келган кўринади. Лекин бу вақт ижод вақти эмас эди. Ойбекнинг барча устозлари аллақачон қамокда азоб чекаётган, бир қанча тенгдошлари секин-аста ғойиб бўлаётган, унинг ўзига ҳам қамалиш навбати келган пайт эди. Шундай таҳликали айёмда ижод билан шуғулланиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Аммо Ойбек буюк ирода эгаси эди. Шунинг учун ҳам у ўта таҳликали ва фожиали кўнларда, ғурбат ютиб, кечирилган ҳаётда «Қутлуғ қон»дай гўзал ва ўлмас бир асарни яратди. Ижодият булоғидан ҳеч нарсага қарамай, тўйиб-тўйиб сув ичди.

Тун яримланган,
Шоир «Кутлуғ қон»
Романидан бош
Қўтармас бир он.

Қўлимда китоб
Атом ҳикмати,
Тафаккуримда
Дунё қисмати.

— Бир исмни топ,
Еқимли ёш қиз —
Йўлчи синглиси,
Қўзлари юлдуз.

— Захро ё Чўлпон
Е Олтинбиби?
— Қам учрар Унсин,
Бу энг яхшиси!

«Кутлуғ қон»га Унсин образи шундай кириб келди. Бувим томонида Унсин тўти деган қариндошимиз бор эди. Гапга чечан, шўх аёл эди у. Баъзан бизникига келиб, бир неча кун тунаб, меҳмон бўлиб кетарди. Шунда мен ёнбошига тикилиб, қандай қилиб ўлиб, қайта тирилганини сўзлаб беришини сўраб, ялинардим. У бир вақтлар қаттиқ ҳасталаниб, ўлган. Яқинлари йиғи-сиғи билан энгагини боғлаганлар, сўнг мотам маросимини бошлаганлар. Бирдан Унсин тўти кўзларини очиб, қайта тирилган ва яқинларига қандай ўлганини ва нечун тирилганини сўзлаб берган.

Мен бу воқеани кўп дафъа эшитган бўлсам-да, Унсин тўти бизникига ҳар сафар келганида, тагин бир бор сўзлатиб, эшитардим. «Сен қизга яна айтиб бермасам, қутулмайман, деб кула-кула Унсин тўти саргузаштини ҳикоя қилар эди. Ўлиб, кўзлари юмилганда, унинг олдида нуроний бир чол келган эмиш. «Юр, қизим, сени олиб кетгани келдим», дебди у. Унсин тўти шу чолга эргашиб кетибди. Иккиси аллақандай девор тешиқлардан ўтиб, жуда салобатли, оппоқ соқоли кўксига тушган бир бузрук чолнинг олдида боришибди. «Аттанг, адашибсиз, — дебди чол. Мен чорлаганим аёл бу эмас, элтиб қўйинг!» Улар ҳалиги йўлларни қайта босиб, яна Унсин тўти ётган уйга қайтиб келибдилар. Унсин тўти шундан кейин қайта тирилган экан.

Ойбек бу воқеани мендан кўп эшитгани учун Йўлчининг синглиси образини яратишда ундан фойдаланишга аҳд қилди. Умуман, «Кутлуғ қон» романида тасвирланган воқеалар ҳам, қаҳрамонлар ҳам Ойбекнинг кўнглида туғилган, йиғилган бир дарё экан, шалола бўлиб қуйилди. Ойбек романи жуда оз муддатда ёзиб тугатди. Ижод нашидаси билан банд бўлган Ойбек ҳатто булутли ҳаётни ҳам унутгандек бўлди. Ижод бахти бамисоли бир қуёш бўлиб, унинг ҳаёти ва юрагига нур тўкиб турди.

У берилиб ёзди. Ижод суруридан маст бўлиб ёзди. Шийпондан бир кадам ҳам силжимаи ишлади. У баъзан ёзишдан тўхтаб, ўйланиб коларди. «Бирон қахрамонининг исмини қандай атасам экан? Бу тузукми, бу тузукми?» деб мендан маслаҳат сўраб кўярди.

Ойбекни Езувчилар уюшмасидан чиқарганларидан сўнг бизга уй бериш ҳақидаги қарорни бекор қилдилар. «Қалитни топширинг!» деб дағдаға кўтардилар. Яхшиямки биз ТошМИДаги уйни ҳали топширмаган эканмиз. Асака кўчасидаги уйга элтиб кўйган жиҳозларимизни дарҳол қайтариб олиб келдик. У уйга эса Ҳасан Пулат кўчиб ўтди. Биз шу даврда ёш эдик, шу сабабдан бу қадар ортиқча заҳматларни кўтарганмиз, уларга дош берганмиз.

Куз келгач, шахарга кўчдик. Мен Қишлоқ хўжалик институтида ва ТошМИда барабар дарс бераман. Хар икки институтда ҳам дарсни рус тилида олиб бораман. Кафедра мудиримиз Германияда таҳсил кўриб келган бир одам эди. Унинг билими чуқур, маданияти юксак бўлса-да, одамийлик жиҳатидан паст экан. У ўзини ўн йил кутиб, игна билан қайнопа, қайнота ва икки ўғилчасини бокиб ўтирган хотинини ташлаб, Германиядан бир хотинни олиб келди. У бизга кўшни эди. Бу воқеалар бизнинг кўз олдимизда содир бўлди. Биз ундан жуда ранжидик. У танаффус пайтларида уйга кириб овқатланар эди. Биринчи хотини ниҳоятда пазанда, патир, сомсалар ёпиб, қумғонга сув қуйиб, бир қўлида сочик билан маълум дақиқада эрини кутиб турарди. Иккинчи хотинига эса унинг ўзи хизмат қиларди. Бу хотинининг қўлидан дутор тушмас, у эрини кўшиқ билан тўйдирар эди.

Ўша кунлари мудиримиз мен билан бир масалада қаттиқ тортишиб қолди. Талабалар ҳам, институт директори ҳам менинг тарафимда бўлдилар. Аммо шу куннинг эртасигаёқ мудиримиз ишдан бўшаганим хусусидаги буйруқни менга ўзи олиб келиб топширди. (Кўп ўтмай, у ҳам, партком котиби ҳам қамалиб қетди.)

Мен ишдан бўшаган кунимдан бошлаб яна ўша мудир уйни ҳам бўшатиб беришимни талаб қилди. Бизнинг эса борадиган, кўчадиган жойимиз йўқ. Аммо хар кун «Қачон бўшатасизлар?» деб одам киради. Ахийри, бизни судга бердилар.

Мен ўша кунлари Қишлоқ хўжалик институтида дарс бериб турардим. Кунларнинг бирида декан муовини эшикни очиб, мени имлаб чақирди-да, қўлимга бир қоғоз тутқазди. Бу менинг институтдан бўшатишганим ҳақидаги буйруқ эди. Декан муовини ҳаттоки танаффус бўлишини ҳам кутмасдан, дарсимни тўхтатди. Мен институтдан бош олиб чиқиб кетдим.

Энди икковимиз ҳам ишсизмиз. Уч боламиз бор. Менинг онам, сингилларим, Ойбекнинг ота-онаси — ҳаммаси бизнинг қарамоғимизда эди. Билмадим, энди кунимиз қандай кечади? Мен уч ой уйда ўтирдим. Марказқўмга ариза бердим. Улар Маориф назоратига мурожаат этишимни тавсия қилдилар. Маориф назоратида эса биз бу ишни ҳал қилолмаймиз», дейишди. Шундан кейин прокуратурага шикоят қилдим. Прокурор эса институтга «Совет конституциясида ёзиб қўйилган: бола ота учун жавоб бермайди, деб. Зудлик билан ишга қайтариб олинсин. Ишдан ноқонуний равишдан четлатилгани учун институт директори уч ойлик маошини ўз киссасидан тўласин», деган кўрсатма йўллади.

Дарҳол институтдан уйга одам келди. Мен бир-икки кун араз қилиб бормадим. Каттиқ ранжиган эканман. Шу институт ташкил этилганда, биринчи лекцияни мен ўқиган эдим. Олий мактабда иш бошлаган биринчи ўзбек қизи ҳам мен бўлганман. Мен бу гапларни макташниш учун эмас, балки ҳақиқатни ошкор қилиш учун айтяпман.

ТошМИДа таълим олган рус қизлари мени бир олов каби дарс олиб боради, дер эдилар. Қишлоқ хўжалиги институтида эса бир гуруҳ рус талабалари мендан юқори икки яхудий доцентининг лекциясидан бош тортишган, илмий мудирга бориб, «Бир кичик, ориққина ўзбек аёли бизга семинар олиб боради. Истар эдикки, лекцияни-да шу аёл ўқисин», дейишган. Яқинда собик рус шогирдларимдан бири (ҳозир доцент) илмий кенгаш йиғилишида сўйлаб, «Зарифа Носировнанинг лекцияси бўладиган кун биз учун байрам эди», деди. Балки рус тилида содда гапирганим учун англаш осон бўлгандир уларга, билмадим.

Институт директори прокуратурадан фармонни олиб, уйимизга устма-уст уч марта одам юборди. Шундан кейингина институтга бордим. «Мендан хафа бўл-

манг! Ўзингизнинг яқин дўстларингиздан ариза тушди. Сўнг бўшатишга мажбур бўлдим. Замон шундай экан, иложимиз йўқ», — деди директор. Албатта, у акчани ўз кассасидан эмас, институт кассасидан тўлади. «Бир-иккита янги уй қурганмиз, тез кўчиб ўтинг! ТошМИни тарк этинг!» — деди у.

Суд ҳам «ТошМИдаги уй бўшатилсин», деб қарор чиқарган эди. Биз 600 сўмлик суд харажатларини тўлаб, 1938 йилда янги уйга кўчиб ўтдик. Бу уй Кафанов кўчасида, Қишлоқ хўжалик институтининг ҳовлисида эди.

* * *

1937 йили Ойбек «Гулноз», «Камончи» достонларини, «Машраб», «Йигирма ёшлилар билан суҳбат», «Қуёш қўшиғи» сингари шеърларини ёзди. Энди унинг вақти кўп. Кундузи ҳам, қишнинг узок тунлари ҳам босим ўтириб ишлайди. Ҳаёт оғир бўлса-да, ишдан ҳайдалганидан кўнгли синик эса-да, илҳоми, ижоди бағишлаган бахт нашидаси унинг кўнглини ёритиб туради.

Менинг маошимни ўзимизга, ойим ва сингилларимга, қайнотамга таксимлаб, бир нав кун кечирамиз.

Баъзан «Пиво ичиб келамиз», деб Ойбекни окшомлари истироҳат боғларига судраб кетаман. Ёш эдик, кўп дардни, машаққатни енгил учун кучимиз етарди.

Ойбек бир ярим йил чамаси ишсиз ўтирди. Кейин уни Давлат ўқув-педагогика нашриёти чақириб, ишга олди. Нашриёт директори Жуманиёз Шарипов эди. Шу кезларда Ойбек уйда «Антик адабиёт хрестоматияси (юнон адабиёти)»ни таржима қилишга киришди, нашриётда эса таҳрир ишлари билан машғул бўлди.

БЕКТЕМИР ИЗИДАН

1939 йилнинг 3 апрелида тўртинчи фарзандимиз — учинчи ўғлимиз Суюнбек туғилди. Ойбек «Бир қизимиз бор, буниси ҳам ўғил бўла қолсин», дер эди қулиб. Буюртгандай, ўғил туғилди. Жуда суюндик ва Суюнбек деб исм қўйдик. У боғда яйраб ўсди; оппоқ, жуда тўла бола эди у.

Халқ орасида уй қуриш ишлари бошланди. Давлат 600 квадрат метрдан ер тақсимлаб берди. Биз ҳам Ишчилар шаҳарчасидан ер олдик. Мен уй тарhini чиздим, Ойбек икковимиз маслаҳат ила уй қура бошладик.

Қўлимизда ақча йўқ, дўкон ва омборларда эса қурилиш материаллари тахчил. Шунга қарамай, уй бошладик.

Ғишт қуйиш, пойдевор қазिश каби ишлар қизиб кетди. Иморат қуришни бир устага пудратга бердик. Амаллаб пишиқ ғишт келтирдик. У вақт сиймон топилмаганидан пойдевор пишиқ ғишдан кўтарилар эди. Беш уй, икки даҳлиз ва бир айвон учун пойдевор кўтарила бошланди.

Биз Тошкентнинг тўрт даҳасида яшадик, тўрт марта кўчдик. Бир хонада яшаган кунларимиз ҳам бўлди. Катта хонанинг бир бурчагига Ойбек учун ёзув столи қўйиб, уни уч табақали кийим шкафи билан тўсганмиз — бу бурчак унга ижодхона вазифасини бажарган. Бошқа бир бурчақда эса бизнинг қараватимиз ҳамда кичик бола қаравати бўлиб, улар ширма билан айлантирилган — бу ётоқхонамиз эди. Хаётдан нолимай, меҳнат ва ижод завқи билан яшаганмиз, ўшанда.


Энди ўзимизнинг уйимиз, ҳовлимиз бўлади.

Бутун 1940 йил шу уйнинг ташвиши, орзу ва севинчи билан ўтди. Ҳар куни ишдан сўнг Ойбек икковимиз қурилишга келамиз.

Биздан кўра ҳам кўпроқ кайнотам хурсанд, у шу ерда тунайди.

«Бугун девор дераза ўрнига қадар кўтарилибди!», «Бугун ёғоч солинади!» деб суюнамиз. Баъзан тоғорада палов, баъзан қовун кўтариб келамиз. Бир жуфт қуш ўзига ин қургани каби, биз ҳам ҳавас билан уй қурдик.

Қурилишнинг инженерлари ҳам, прораби ҳам ўзим. Ғишларнинг ҳисоби ҳам менда, уста билан ҳисобкитоб ҳам ўзимда. Бир куни келсам, уйнинг бир бурчаги кийшиқ, 10 сантиметрга оққан. Дарҳол устани чақириб кўрсатдим: ишюнамади, тан олгиси келмади. «Ипга



тош боғлаб, текширинг! Баҳслашиб ўтиришнинг хожати йўқ!» — дедим. Уста бурчакни бузиб, қайта тиклашга мажбур бўлди, албатта.

Мен уста билан муомалани олиб борар эканман, Ойбек бир четда ўтириб кузатишни, томоша қилишни, уста ва мардикорлар билан суҳбатлашишни севади.

Ойбек: «Иш жуда оғир. Майли-майли, Зарифа, устанинг сўраганини бера бер! Хўб, дегин!...» — дейди. Атрофда қурилиш кўп, мен кўшнилари билан сўйлашиб, ҳар бир ишнинг нарҳини биламан; шунга қараб ҳисоб-китоб қилишга тиришаман.

Уста бу гапларнинг ҳаммасини маҳалласига бориб, ҳикоя қилар экан.

Бир куни меҳмонда ўтирганимизда, бир доктор устанинг биз ҳақимизда сўзлаган латифаларини гапириб, ҳаммамизни тоза кулдирди.

1940 йилнинг 30 декабрида Ишчилар шаҳарчасидаги янги уйга кўчиб келдик. Бу бахтли кунларимизнинг бири бўлди. Уй ҳали битмаган, фақат икки хонанинг ганчи, шипи, саҳни тайёр эди. Бошқа хоналарни ҳолимизга қараб, қўлимизга пул тушганда, тахта олиб, фанер олиб, ярим йил давомида битириб олдик.

Боғимиз гўзал эди. Мен шу вақтга қадар ундай боғ, ундай шийпонни кўрмадим. Аммо атрофимиздаги ҳам-

ма ерлар колхозга ўтди ва бизнинг боғимиз колхоз харитасига кирган ҳолда ўртада қолди. Қўни-қўшнилари колхозга аъзо бўлиб кирдилар. Ойбек «Боғни топширишимиз керак! Уни босиб ўтиришимиз ноқулай», деди. Мен ҳам боғдан маҳрум бўлаётганимиздан ҳеч бир ачинмадим, чунки янги уйни қуриш орзусида бўлганимдан боғдан қутула қолайлик, деб ўйладим. Ҳолбуки, атрофдаги боғлар орасида энг каттаси, энг гўзали бизники эди. Биз боғни топширганимиздан кейин колхоз райси Ғулом Маҳмудовнинг ўзи унга ючиб борибди. Ойбек бу гапни эшитиб, менга: «Шундай бўлишини билганимда, боғни бермас эдим. Мен бирорта камбағал колхозчи яшаб яйрасин, баҳра олсин, деган эдим. Аттанг!» деди.

* * *

1941 йил ёзи. Энди таътилга чиқиш олдидамиз. Бир уйимиз кичкина: икки яримга уч ярим. Унинг саҳнини 25 сантиметрга кўтарганимиз. Пастак бир дераза ойнаси билан тахмон бор; шипи тахта ва фанердан ўймакор ишланган. Бу бизнинг ўзбекча шинамгина бир хонамиз. Саҳнига гилам ва кўрпача ташлаб, ёстиклар қўйганман. Ўртада хонтахта. Ойбек шу уйда, ерда ўтириб ишлашни, ҳориганда ёнбошлашни яхши кўрарди. Кўпинча кўнглига яқин бир-икки меҳмонни ҳам шу уйда қабул қиларди.

22 июль, якшанба — дам олиш кунимиз. Икковимиз кичик хонада, хонтахтанинг икки томонида чойдан сўнг ёнбошлаб, роҳатланиб ўтирибмиз. Таътилни нечук ўтказсак, деган фикр бошимизда айланиб юрибди. Энди боғимиз йўқ; болалар ўсаяпти: Омонбек 9 да, Суюнбек эса 2 яшар; у югуриб юргани-юрган. Болаларни олиб, бирор курортга борсак, деган ниятимиз ҳам йўқ эмас. Ҳўш, қанча акчамиз бор? Нечук сарф қилиш мумкин?.. Биз ўтириб, ҳисоб қилдик, режалар туздик. Режамиз пишганидан қаноатланиб, вақтимиз хуш, кўчага чиқдик. Соат 11 лар эди, чамамда. Ойбек сартарошхонага кириб қолди. Мен ойимникида Ойбекни кутадиган бўлдим. Ойим, бўсагадан киришим билан ранги ўчган, қалтираб қарши олди. «Уруш! Уруш-бошланибди! Қандай офат!» деди у. Мен бир лаҳза котиб қолдим. Бир сўз айтишга мадорим йўқ, кўчага югурдим. Ойбекнинг олдида, сартарошхонага чопдим. Қаршимдан юраги хаприккан ҳолда Ойбек келаётган эди. У сартарошдан

уруш ҳақидаги хабарни эшитиши билан соқолини олдиришга ҳам тоқати бўлмай, югурган экан. Бизнинг янги уйимизда на сув, на электр, на радио бор эди. Шунинг учун ҳам бу мудҳиш хабарни эшитмай қолган эдик.

Бу Улуғ Ватан урушининг биринчи куні эди.

Уруш бошланиши билан газеталарда Ойбекнинг «Евга ўлим!», «Зафар бизники», «Йигитларга», «Ватанни сев» каби шеърлари босилди. Ойбек фронтга йўл олган йигитлар, уларнинг ота-оналари, севган ёрлари ҳақида қатор шеърлар ёзди.

Йигитлар кетма-кет урушга жўнамоқдалар. Ойбек ҳам ҳарбий ҳисобда, лекин уни «бронь» билан тутиб турибдилар. Ўзининг кўнгли нечук — билмайман. Аммо мен унинг шоирлигини, адиблигини, Ватан учун бу соҳадаги хизмати қимматли эканлигини ўйлайман.

Ҳаёт кундан-кунга оғирлашиб борди. Нон қарточка билан берила бошлади. Болалар 9, 6, 4 ва 2 яшар. Уйда уларга қараб турадиган бир хизматчи бор. Омонбек ойимнинг қўлида, ундан кўнглим тинч. Зулфия ҳали ҳам Тоштрамда қотиба бўлиб ишларди, энди у бир озиқ-овқат дўконига ишга ўтиб олди. Албатта, у тортқиламайди, лекин инсоф билан директорнинг берганини кўтариб келади. Шу сабабдан уларнинг аҳволи бизга нисбатан тузукроқ.

Бозорда бир буханка нон 200 сўм, бир килограмм гўшт эса 150 сўмга кўтарилди. Бозордан нон олиб бўлмайди, қарточка бўйича олинган нонга қаноат қилишдан ўзга илож йўқ.

Ҳар қалай, институтимиз ёрдам бериб турибди. Яқинда институтдан 70—80 кило шоли, 200 кило картошка олдик. Ҳар куни гуруч ва картошкадан ёвғон хўрда қиламиз.

Ойбек жуда тез оза бошлади. Бу унинг шу вақтда олдирган расмларидан ҳам билинади. Биз бир пайтлар бир катта, бир кичик гилам сотиб олган эдик. Ўша кунлари катта гиламни сотиб, қўй олдик. У қўзилади. Икковимиз маслаҳат қилдик-да, қўй билан қўзини сотиб, пича пул қўшиб, сигир оладиган бўлдик.

Ойбек қўйни етаклади. Ойим икковимиз орқадан ҳайдадик. Бозорга йўл олдик. Сигир қиммат, сутли сигир эса бир ҳовлининг пули экан. Биз яна қўй-қўзини ҳайдаб, изимизга қайтиб келдик. Кейин сўйиб едик.

Қўрпа-ётиғимиз, умуман, жизоҳларимиз оз. Қўлга илинадиган бир атлас кўрпани, яқинда сотиб олганим

икки узукдан бирини сотдик. Шунингдек, гавҳар тошли бир исирға ҳам олган эдим, уни 16 шиша зиғир мойига алмаштирдик. Бошқа сотадиган нарсамиз қолмади. Акалли деразамизнинг пардаси, чироғимизнинг кандили ҳам йўқ эди. Ойим койир эди: «Хеч бўлмаса, 3—4 метр сўрпдан кичик пардалар тик», деб. «Майли, пардамиз йўқ, бахтимиз бор», деб кулар эдим мен. (Ўша пайтларда деразаларга қоғоз ёпиштирилган бўлса керак.)

Ортиқча кийим-бошимиз ҳам йўқ. Бир пальто, бир костюмдан ортиғи бўлмас эди бизда. Шунинг учун ҳам бошқа сотишга арзирли нарсамиз бўлмагани учун эски-туски нималарнидир йиғиб, Ойбек билан Зулфия Қаршига, Шарифаларникига жўнашди. У ерда беш-олти кун туриб, эски кийимларни ун-ёққа алмаштириб келишди.

Ойбекнинг «Зерикишдан зерикдим жуда...», «Кулфатдир ҳаётнинг ҳамроҳи...», «Пахса деворларнинг харобалари...», «Паст-баланд, беўхшов хоналар қатор...», «Сочларининг чангига боқма...» каби шеърлари Қаршида, ўша кезларда ёзилган. Шу кейинги шеъри менга айниқса ёқади, уни ҳамиша ёддан ўқиб юраман.

Тагин бир неча вақт ўтгандан сўнг Зулфия билан Ойбек Туркистондаги Иқон қишлоғига — қариндошларимизникига кетдилар. У ердан ҳам ун-ёғ олиб келишди.

Бир неча ойдан сўнг мен ҳам институтда бирга ишлайдиган татар ўртоғим билан Иқонга бордим. Ойбек Маскавдан келтирган ғижим рўмолим бор эди. (Хоҳламаганим сабабли сира ўрамаган эдим.) Шуни олиб, ёнига яна эски кийимлар қўшган бўлсам керак, Туркистонга кетдик. Қоқ ярим кечада, туя қўшилган аравада Иқонга бориб тушдик. Дадамнинг тоғасининг бир қизи бор эди, суриштириб топдик. Бизни жуда суюниб қарши олишди. Эчки сўйишган экан, шу он гўшт қовуриб келишди. Куз эди, совукдан, очликдан қалтираб борган эмасмизми, қоринни тўйдириб, уйкуга кетдик. Сўнг ун, ёғ кўтариб, Тошкентга қайтдик.

Инсон ҳар қандай кийинчиликни кўтарар экан. Ойлар, йиллар ўтса ҳам, ҳаёт яхшиланиш ўрнига тобора оғирлашиб борарди. Очликдан ўзимиз ҳам, болаларимиз ҳам ўлмаслиги учун нималарни қилмадик... Ойбек ана шундай мушкул бир шароитда «Навоий» романини ёзиб тугатди.

Электр йўқ — ҳануз бизга келиб етмаган. Ўтин-кўмир йўқ — печь ёқолмаймиз. Бир қоп, ярим қоп кў-

мирни амал-тақал қилиб топамиз. Сандалда ўтириб кун кўрамиз. Баъзан қоп кўтариб, Ойбек кўмир излаб кетади. Уй совуқ бўлганидан болалар кўпинча сандалга тикилиб, ухлаб қоладилар.

Бир кеча, ёдимда, Ойбек ёзиб ўтирарди. Мен ҳам ёзибми, ўқибми, ўтирибман.

— Зарифа, қорним оч, жуда очикдим, — деб қолди Ойбек.

Мен нима дейишни билмайман, индамадим, жавоб қилолмадим. Негаки, уй қуп-қуруқ эди.

— Бирор нарса йўқми? — сўради Ойбек.

Ўрнимдан туриб, шкафни ахтардим. Хужрадаги хурмача, халталарни текширдим. Бир ҳовуч йирик кепак, бир-икки қошиқ шакар топдим, сўнг хурмачанинг тагини сидира-сидира бир қошиқ ёғ олдим. Примусда кепакни ковуриб, сўнг унга шакар аралаштириб, дастурхонга тортдим. Билмадим, бу қандай таом бўлди экан? Ойбек ҳазратлари номи менга ҳам номаълум бўлган бу таомдан бир-икки марта қошиқ учида олган бўлди. Сўнг «Сен ҳам егин», деб мени қистади.

— Йўқ, очикмадим. Ўзингиз ея беринг, — дедим унга.

Менинг ҳам курсоғимда ҳеч нарса йўқ, фақат қаноат бор, холос.

Ойбек озгина еди. Озгинасини қолдириб, деди:

— Эрталаб болаларга берарсан.

Менга бокиб жилмайди-да, тагин ёзувга киришди. Билмадим, бемазаликдан ея олмадими ёхуд болаларга илиниб, томоғидан ўтмадими?..

Икковимиз ҳам сандал четида ўтирибмиз. Мен бу кечани сира унутолмайман. Товоқ-товоқ паловлар, кабоблар, сомсалар, патирлар тўла уйимиз олқиб-чалқиб турганда, бизнинг ўша ғариб кечамиз кўз олдимга келади, ҳамиша...

* * *

Бир куни институтда, кафедрада ўтирар эдим, Ойбек келиб қолди. Кўзлари қизарган, йиғлаган эди. У ўпкасини базўр босиб, дадасининг вафот этганини айтди. Биргалашиб, ошиқич равишда уйга бордик. Оға-ини иккови, уларга қўшилиб мен ҳам сўзсиз, узок йиғладик. Бундай қайғуда учқовимиз ҳам бир-биримизнинг юрагимиздаги дардни яхши англаймиз. Бир қадар кўз ёш билан мўсибат алами сирқиганидан кейин

ака-ука иккови Гавкушга қараб кетишди. Мен тўрт болани отлантириб, уларнинг ортидан бордим.

Дадам кафанланган, тобутда ётар эди. Мусулмон дини бўйича кафани очиш мумкин бўлмаса-да, Ойбек дадасининг юзини очди. Фарзандлар дадалари ила сўнгги дафъа хайрлашдилар. Юракларимизни эзиб, ёшлар куйилди.

Хаамиша ўйлайман: менинг дадам қани, қаерда? Уни қай чуқурга отиб, думалатиб, устига тупроқ тортганлар?..

Бир кеча уйимиз олдида машина тўхтаб, эшик қоқилди. Ички ишлар министрлигидан келган одам Ойбекни олиб кетажagini айтди. Менинг оёқ-қўлларимда мадор қолмади. Қалтираб кетдим. Кўзларимдан қайноқ ёшлар қуюлар экан, Ойбек остонада туриб, мени кучди-да:

— Қўрқма, сабр қил, балки сўроқ учун чақирил-гандирман, — деди.

Ойбекнинг ранги ўчган, ички асабий титроғи сезилиб турибди. Мен довдираган ҳолда унинг чўнтагига озгина ақча солдим.

— Зарифа, кераги йўк! Олиб қолсалар, аввал ёнимни тинтиб тозалайдилар!

Хуллас, Ойбекни олиб кетдилар. Гўё кўксимни пичоклаб, қалбимни узиб ташлагандек туюлди, менга.

Шу куни ойим бизникида эди. У бўздай оқарган, муттасил пичирлаб, ихлос билан дуо қилар, «Парвардигорим, ўзингга топширдим! «Ўзинг сакла!» — деб шивирлар эди.

Тонг кўкарди. На ойим бошини ёстиққа қўйди, на мен. У уйдан-бу уйга тентираб, товушсиз йиғлайман, кўз ёшларимни тиндира олмайман.

Ойбекни олиб кетган Иванов деган рус зобити эрта-лаб уни қайтариб олиб келди. Ошиқиб, эшикни очдим.

— Қўрқма! Нега мунча титрайсан? Тинчлан! — деди, бағрига босиб Ойбек.

У эшикни илгандан сўнггина ўпкамни босдим. Ойбек — у ниҳоят ҳорғин эди, ранги-рўйида қон кўринмасди — ўзини диванга ташлади. Ойим чой қайнатиш билан овора. Мен Ойбекнинг қаршисига ўтирдим. Сукутимнинг ўзи савол эканлигини англади, Ойбек.

— Тўғри министрнинг олдига олиб бордилар. Унинг кабинетида икки-уч соат кутдим. Сўнг шоҳи тўнга ўралиб чиқди, у киши Худоёрхонда ҳам бўлмаган, бундай тўн!.. — сўйлай бошлади Ойбек. — Министрни

баъзан тантанали мажлислар ҳайъатида, сахнада кўрардим. Баланд бўйли, йирик гавдали, девдай баҳайбат, кўзларига қаҳр-ғазаб куйилган бир киши у! Грузин бўлса ҳам исм-шарифини ўзбекчага мувофиқлаб, Кабулов қилиб олган. Аслида Кабулидзе бўлган.

Ойбек давом этди:

— «Сен ёзувчисан. Ёзувчилар орасида шубҳали унсурлар, халқ душманлари кўп. Нега бирор марта келиб айтмайсан? Бизга хизмат қилишни истамайсан!» — деди у дағдаға қилиб. Мен «Ахир мен шоирман, адибман, бундай ишларни эплай олмайман», — дедим. Шундан кейин унинг ғазаби кўпириб кетди, сўқди, итдан бадтар қилиб ҳайдади, мени...

Ойбек кўчага чиққанида, Иванов унга: «Хафа бўлманг! Министримиз бир оз кўрс, кўпол одам. Унинг иши шуни тақозо этади», деб афв сўрагансимон гапирпти.

— Министрингизга айтинг, — дебди Ойбек унинг сўзларига жавобан. — Агар у ички ишлар министри бўлса, мен шеърият министриман. У бугун министр бўлса, эртага унинг ўрнига бошқа одам келади, мен эсам адабиёт оламида абадий министр бўлиб қоламан!

Мен Ойбекнинг бу сўзларидан жуда мамнун бўлдим. Кўнглимга ғурур туйғуси тўлиб кетди, шу топда.

Бир неча йилдан сўнг Ўзбекистонга ўша грузин ўрнига Гогидзе деган бошқа бир грузин министр бўлиб келди. Бунинг кўзлари аввалгисиникидан ҳам ёмон, ўзи ҳам ундан бадтар бадбахт киши эди. Уларнинг ҳар икковлари 1953 йилдан сўнг Берия билан бирга отилди-лар. Ҳақиқат, адолат ахир қолиб бўлар экан, деб ўйладим, шунда.

* * *

Кўп ўтмай, 30-йилларда бўлганидек, ёпик дўконлар ташкил этилди. Қўлимизга дафтарчалар берилди. Ишдан чиқиб, тўғри дўконга югураман.

Ўйдан институтга (Мирободга) кўпинча пиёда бораман. Трамвайларда юриш қийин, одам тикилинч... Бир кун трамвайда кетар эканман, Пиён бозорга етганимда, бекатда тушаётган одамлар оқими менида илаштириб, кўчага отди. Институтга пиёда югурдим.

Ана шу тарзда минг ҳасрат билан ҳар куни ишга бораман. Ишдан сўнг, дўконда картошками, лавлагими, павидломи — нима берса-да, суюниб оламан ва

уйга — уясида чуғурлаб, бўйинларини чўзиб ўтирган куш болалари каби — бизни кутаётган фарзандларимиз олдига югураман.

1942 йил декабрининг бошларида Ойбек бир тўда артистлар билан бирга фронтга жўнади. Биз вокзалда хайрлашиб қолдик. Улар Маскав остоналарида жанг қилаётган ўзбек аскарлари билан учрашувлар ўтказишлари ва уларга совға-салом олиб боришлари керак. Ойбек Ватан уруши фронтларида курашаётган ўзбек жангчилари тўғрисида роман ёзмокчи бўлгани учун фронтга суюниб жўнади.

У Маскавга етиб боргач, менга қуйидаги хатни йўллади: (Цензура ушлаб қолмаслиги учун Ойбек Москвадан йўллаган хатларини рус тилида ёзган.)

«Зарифа!

Я до сих пор в Москве. Здоров. Одет тепло, питание хорошее. Купил теплые перчатки, не беспокоюсь. Может быть завтра нас отправят на Запад, так что пока вы меня не ждите. Неизвестно, когда возвращаемся в Москву.

Как живут мои любимые дети? Не болеют? А Бекджон аккуратно ходит в школу?..

Крепко целую Амана, Бекджана, Суюна, Гульранг.

Привет.

Да, дом Е. П. Макаровой не нашёл, наверно, ты дала неправильный адрес.

Айбек.

20/XII 1942».

Уруш йилларида Ёзувчилар уюшмасида Хамид Олимжон масъул котиб, яъни, ҳозирги атама билан айтсак, раис эди. У бир кун мени Ёзувчилар уюшмасига чақириб, Ойбекнинг ҳукумат дўконига боғланганини ва менинг Ҳукумат уйига бориб, тегишли дафтарчани олишим мумкинлигини айтди. Суюниб, югурдим. Ҳукумат дўкони Пушкин кўчасида экан. Шу дўконга боғланганимиздан сўнг тирикчилигимиз хийла тузук бўлди. Мен ҳар кун ишдан қайтганимда, йўлда дўконга кириб, балиқми, асалми, гўштми, хуллас, бирор нарсани кўтариб келаман. Фақат пиёда юраман. Ҳозир ўйласам, ўша пайтларда чарчаганимни ҳам билмас эканман.

Ҳаммамиз фақат Ойбекни ўйлаймиз. У кўлига ку-рол-тутиб жанг қилмаса-да, жабҳа оралаб юрибди, омон бўлсин, деймиз ва ундан телеграммами ё хатми кутамиз. Ниҳоят, ундан кичик бир хат келди. Хатда куйидаги сўзлар ёзилган эди:

«Зарифа!

Позавчера, 13 января, приехали в Москву. Вчера дал тебе телеграмму. Состояние здоровья хорошее. Даже лучше, чем в Ташкенте было. Фронт дал мне очень много. На фронте жизнь веселее и безопаснее. К суровости быстро привыкаешь. Фронтовики народ особый, замечательный. Мне много показали и еще больше рассказали. Теперь смело могу приступить к созданию хорошей книги об Отечественной войне.

Бригада еще долго будет на фронте. Я хочу домой, но не знаю, отпустят ли меня.

Как вы живете? Дети здоровы? Не нуждается? В Москве холодно, а как в Ташкенте?

Привет, целую детей.

Айбек.

15/I 1943».

Шу хатдан илгари биз Ойбекдан телеграмма олган эдик. У телеграммада соғ-саломат эканлигини ва Маскавдалигини билдирган эди. Аммо бу хатдан маълум бўлишича, у 13 январга қадар Маскав атрофидаги жабҳаларда бўлган.

Биз Ойбек йўлагад ҳар бир хат ё кичик бир телеграммани олиб, ниҳоят суюнамиз ва яна ундан бирор дарак келишини ҳафталаб кутамиз.

Орадан бир неча вақт ўтгач, Ойбекдан яна телеграмма келди: Телеграммада «Здоров еду на Воронеж у Вас буду в марте привет Айбек», деган сўзлар ёзилган эди.

У шу кезларда артистлар бригадасидан эндигина айрилиб, Маскавдаги ҳарбий идораларнинг махсус руҳсатномаси билан ёлғиз ўзи Воронеж жабҳасига кетган эди.

Январь, февраль ўтди, март ҳам охирлади. Ҳар куни Ойбекни интизорлик билан кутамиз. Бир куни кечаси дераза чертилди — мен эшик сари югурдим. Ойбек келган эди. Уй бир зумда севинчга тўлиб кетди.

Ойбек бутун кийимларини даҳлизда алмаштириб, кейин уйга кириши кераклигини айтди. Ювиниб, тоза кийимларини кийгач, уни уйга олдик.

Ойбек Маскавдан Тошкентгача 18 кун йўл юрган, поездда 6 кунгача ўтиришга жой бўлмаганидан тик туриб келган, сўнг амал-тақал қилиб, бир қарич жойга ўтириб келган экан.

Эрталаб ҳовлига чиқсам, қўлига чўп ушлаб, чўққайиб олган қайнонам кечаси Ойбек ечган кийимларни титкилаб, йиғлаб ўтирибди.

— Нима қияпсиз? — сўрадим ундан.

— Болам шўрлик шу аҳволга тушибди, битга талашибди.., — деди у ўпкасини босолмасдан.

— Эсон келганига суюнинг, ойи! Бу ҳеч гап эмас! — дедим мен қулиб.

Мен бир кун эмас, бир неча кун ва тунлар давомида Ойбекнинг хотираларини тингладим. У артистлар тўдаси билан фронтда юрганида, турли жабҳаларда хизмат қилаётган ҳарбий қисмлар билан кўплаб учрашувлар ўтказилган экан. Тантанали мажлис билан бошланиб, концерт билан тугаган экан, ҳар бир учрашув.

Албатта, биринчи галда делегация раҳбари Эсон Раҳимов (комсомол Марказий Қўмитасининг котиби) нутқ сўзлаган, сўнг Ойбек сўзга чиққан ва шеърлар ўқиган. Ойбек кўпинча йиғилиш ҳайъатида ўтирганида, ҳозиргина фронтдан қайтган ўзбек жангчиларига бағишлаб шеърлар ёзган ва шу заҳоти ўқиб берган.

У бир учрашувда снайпер Икром Тошматовга бағишлаб шеър ёзади ва ўқиб беради. Сўнг шеърни кўчириб, снайперга топширади. Аскар суюниб, халтасидан акварель билан ишланган расмини чиқаради-да, Ойбекка такдим қилади.

Сурат яхши ишланган, менга жуда ёқади. Икром милтигини ерга қадаб, икки қўли билан ушлаган ҳолда, бир чўнг ҳайкал каби ўтиради. Душманга нафрат, ғолибиятга ишонч унинг чеҳрасида, кўзларида жилваланади. Арслон каби ўтирган йигитда на кўркув бор, на талваса, унда фақат қаҳрамонлик кўринади.

Делегация аъзолари ўзбек, қозоқ, тожик, хуллас,

Ўрта Осиёдан борган йигитлар билан кучоклашиб, ўпишиб, кўришишган ва суҳбатлашишган. Аскарлар, айникса, концертлардан мамнун бўлганлар. Ўт-олов, жаҳаннам орасида бир нафаслик танаффус, озгина роҳат сезганлар, улар.

Ойбек бадий бригадadan айрилгач, ёлғиз ўзи яна жабҳа оралаб кетади. Жабҳаларнинг олдинги қисмларига боради, окоплар ичида юради. Душмандан бўшатишган, култепага айланган Воронежга киради. Ёлғиз кезади. Шаҳар тамом миналанган. Киришга рухсат бўлмаса-да, у бир илож қилиб, ижозат олади. Ёқилган кишлокларни, харобага айланган шаҳарларни кўради. «Изсиз кишлок», «Эрта билан чиқдим инимдан...» каби шеърларини ёзади.

Ойбек жабҳага кетмасидан илгари «Ёр кетди, кўзим булоғи қолди...», «Сенинг қувончинг», «Она сўзи», «Сендадир кўзларим...» ва бошқа кўпгина шеърларини ёзган эди. Мен унинг бу шеърларига ҳарбда ёзган «Офарин», «Автомат», «Салом деб қолдилар» каби ўнлаб янги шеърларини қўшиб, «Оловли йиллар» деган бир тўплам туздим ва нашр эттирдим. Ойбек бу шеърлар орасида хом нарсалар бор, деб унчаям рози бўлмаган эди. Лекин, менимча, улар тарихий давр ҳужжатлари бўлибгина қолмай, Ойбекнинг жабҳадаги кунларини, фикрларини, туйғуларини, хуллас, ҳаётини кўрсатувчи шеърлар ҳамдир. Кейин «Ёр кетди...», «Сендадир кўзларим...» сингари шеърлар жуда ҳам лирик, латиф асарлардир. Мен уларни жондан севганимдан кўпинча ёддан ўқиб юраман. Мана, ўзингиз ҳам ўқиб кўринг, гўзал шеърлар эмасми, булар:

*Сендадир кўзларим, сендадир кўнғил,
Узоқларга ҳасрат билан боқамен.
На қуёш, на баҳор, на гулшанда гул
Юракни юпатмас — мен соғинаман.*

*Сени соғинганмен, руҳда йўқ қарор,
Ошиб кел тоғ, доvon! Бу қадар ҳижрон!
Дардим бор, гулим бор, қўшиқларим бор...
Сен йўқсен! Наҳотки бу мангу армон?!*

12/VII 1942.

Ёр кетди, кўзим булоғи қолди,
Сийнамда тирик фироғи қолди.
Ишқ хотираси каби сочимнинг
Ёшликда кўпайган оқи қолди...

Ҳар лаҳза дилу хаёл паришон,
Бир хўрсинишимда дардлар уммон.
Юлдуз каби тунда ярқирар жон,
Тундек сочи иштиёқи қолди...

26/VII 1942.

Мана бу шеър эса, орадан қанча йиллар ўтмасин,
собик совет мамлакатада яшаган халқлар бошига минг
хил офат ва фалокатлар келтирган уруш нафасини
авлодларга аён етказса керак. Бу шеърда тасвир этил-
ган жабҳа майдонларида Ойбекнинг ўзи бўлгани, уруш
«таъми»ни ўзи тотигани учун ҳам у айниқса таъсирли
чиққан:

Йиғи келмайди сира
Ғазабдан қақраган кўз.
Бу йилларнинг яхидек
Лабимда қотибди сўз...

Қошлар, киприклар қиров,
Юрамен, ҳушсиз, ҳайрон.
Қорним оч, эсга келмас
Халтамдаги фишдек нон...

Куйган уйларда увлар
Қиш қуюни бетиним.
Танҳо кезамен. Йиғлар
Юрагимда Ватаним...

17/II 1943.

Ойбек жабҳада ёлғиз ўзи юрган пайтларида тасоди-
фан жангчи-журналист Рустам Абдурахмонов билан
учрашиб қолади. Улар тақдир тақдим этган тасодифий
учрашувдан суюниб, кучоклашиб кўришадилар.
Рустам Абдурахмонов Ойбекни кўчма редакцияларига
олиб бориб, унинг уст-бошини қуритиб, қорнини тўйди-

ради. Кейин, «Энди Тошкентга жўнанг. Шу кўрганингиз етар, бу дўзахдан омон-эсон чиқиш қийин», деб жўнатиб юборадилар.

Ойбек бадий бригада билан биргаликда Тошкентдан Москвага етиб борган куни Қозон вокзалида бир парча нонга кичик бир блокнотни алмаштириб олган ва шу блокнотга жабҳа хотираларини ёзиб борган эди. Мен орадан 22 йил ўтгач, 1965 йилда Ойбекнинг норозлигига қарамасдан, бу дафтарда қайд этилган барча гапларни кўчириб, энг охирига Рустам Абдурахмоновнинг жабҳадан Ойбекка ёзган мактубини қўшдим ва нашриётга элтдим. Ноширлар «Фронт бўйлаб» кундалик дафтарини Ғалабанинг 20 йиллигига бағишлаб нашр этдилар. Ихчамгина китобчанинг муқовасида жабҳада Ойбекка тақдим этилган Икромжон Тошматовнинг акварель расми бор эди. Бу расмнинг асли ҳозир Ойбек уй-музейида уруш йилларининг мўътабар бир ҳужжати сифатида сақланади.

Ойбекнинг Ватан уруши майдонларига боришдан муроди ёзажак романи учун материал тўплаш эди. Агар «Фронт бўйлаб» кундалигини вараклаб чиққан бўлсангиз, унинг бўлажак қаҳрамонлари билан Москва остоналарида танишганлиги, улар жанговар ҳаёти тўғрисида муайян тасаввурга эга бўлганлигини биласиз. Шу қаҳрамонлар орасида «Қуёш қораймас» романидаги Бектемир образига прототип бўлган ўзбек жангчилари ҳам бўлганлиги шубҳасиз. Эҳтимол, Ойбек Икромжон Тошматовдан ҳам Бектемир образи учун ниманидир олган.

Ойбек уруш майдонларида бўлганида ҳам, жабҳа орқасида яшаганида ҳам курашаётган халққа ўз ижоди билан мадад беришга уринди.

Умуман, Улуғ Ватан уруши бошланиши билан у ўзининг бутун ижодини, шоирлик маҳоратини халқни, аскарларни душман ила фидокорона курашга, Ватан муҳофаазига, қаҳрамонликка чақиришга хизмат эттирди. Ўнлаб шеърлар ва мақолалар ёзди; «Шонли йўл» сценарийсини, «Маҳмуд Торобий» операси либреттосини, «Қуёш қораймас» романини яратди.

* * *

(Мен бу саҳифаларни ҳозир Гаграда, ёзувчиларнинг ижод уйида ёзиб ўтирибман. Ҳозир тун... Соат миллари тўртга қараб яқинлашмоқда... Денгиз кўпир-



Крим манзараси. 3. Саидносирова чизган расм.

япти... Тўлқинлар зўр... Ёмғир қуйиб турибди... Мен ўйлайман: ер куррасида неча-неча денгизлар, неча-неча мухитлар бор; тўлқинларнинг кучи, қудрати миллион-миллион йиллар бўйи бекорга кетмокда. Инсон нефть ёкиб, атомларни парчалаб, нима қиларди? Ҳолбуки, тўлқин кучи шу қадар зўр, шу қадар кўпки, бизга керакли энергия унинг кичик бир улушига ҳам тенг келолмайди.

Гулшод балконда, Мадиха хонада, менинг қаршимда ширин уйқуда қотиб ухляптилар. Хонада тўлқинларнинг мунтазам шовқини ва ёмғир товуши ҳукмрон... Севаман шундай пайтларни, шундай табиат ҳодисаларини! Айниқса, сокин кечада уларга кулоқ солиб ўтириш қандай роҳат!.. Аммо Ойбексиз ёлғизлигим руҳимдаги ҳар қандай роҳат сезгисига ҳамиша соя ташлаб туради. Бу ҳолат энди бутун умримнинг шериги, ҳамиша менга ҳамқадам ва у мангудир.)

* * *

Ўзбекистонда Фанлар академияси ташкил этиладиган бўлди. Езувчилардан Ойбек билан Ғафур Ғулом академияга ҳақиқий аъзоликка, Ҳамид Олимжон эса мухбир аъзоликка сайланиш лойиҳаси тайёрланди.

Академиянинг тантанали очилиш маросимидан бир кун илгариги кечани асло унута олмайман. Бутун тун бўйи Ойбек икковимиз кўнгилларимиз қувончга тўлиб, хаяжонда ўтирдик. Кўзга уйқу кўнмайди, сўзлашасўзлаша, тонгга яқин жиндай мудраб олдик.

Эртаси кечкурун театрда Ўзбекистон Фанлар академиясининг тантана ила очилгани ва кимлар ҳақиқий аъзоликка, кимлар мухбир аъзоликка сайлангани эълон қилинди. Ойбек 38 ёшида академик-ёзувчи унвонига эга бўлди.

Уйга қайтгач, яна қувонч тошган суҳбатда алламаҳалгача узоқ ўтирдик. Кўнгилларимиз тинчиган, руҳимиз енгил, лекин ухлай олмаймиз.

Ойбек бирдан қулиб юборди:

— Кабулидзе эсингда борми? Тантанали кечада у ғоят қуюқ илтифот ила кўришиб, табриклади, мени. Бир вақт у мени итдан бадтар қилиб, ҳақорат ила ҳайдаган эди!

— Ўла қолсин, муғомбир! Ваҳшийлигидан худди бўрига ўхшайди у! — жавоб бердим мен.

Икковимиз роса қулишдик.

Тантанали очилиш маросими ўтгач, янги ташкил этилган Фанлар академиясига Тошмуҳаммад Қори Ниёзий президент этиб, аниқ фанлар бўлимига Тошмуҳаммад Саримсоков, гуманитар фанлар бўлимига эса Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек раис қилиб тайинланди. Янги академиянинг асосий юки шу учта Тошмуҳаммаднинг елкасида эди.

Энди Ойбекнинг иши анчагина кўпайди. Академияда илмий анжуманлар ўтказиш, маърузалар қилиш, умуман гуманитар институтлар фаолиятини идора этиш унинг зиммасига тушган эди. У вақтларда бу ғоят мушкул ва оғир вазифа эди.

Улуғ Ватан уруши буюқ ғолибият ила тамом бўлди. Ҳамма шод. Кўнгиллардан дард булути кўтарилган, қурбон берган оилаларга абадий дард юки чўккан, бошқа оилалар эса жабҳага кетган яқинларини ҳар қуни, ҳар соат сабрсизлик ила қутардилар.

Ойбек «Қуёш қораймас» романини бошлаб қўйган эди. Уруш тамом бўлгани ҳамон у мени олиб, Сталинградга жўнашга, уруш излари битмасдан туриб, қон тўкилган йўллари, ярадор ерларни, емирилган, хароба қишлоқ ва шаҳарларни кўришга ошиқди. Биз уйга, болалар олдига икки ойимизни ўтказиб, жўнаб кетдик.

25 майда Москвада Ғалаба байрами бўлиб ўтди. Москвага таклиф этилган меҳмонлар орасида Ойбек ҳам бор эди. У Ғалаба байрамини нишонлаш маросимига мени ҳам олиб борди. Аммо таклифнома Ойбек номига келгани учун мен байрамни «Москва» меҳмонхонаси деразасидан томоша қилдим. Ойбек эса Қизил Майдонга бориб, «Куёш қораймас» романи қаҳрамонларини яна ўз кўзи билан кўрди. Байрам ўтгач, биз Сталинградга поездда жўнадик. У вақтда самолётлар, ҳатто самолёт йўллари ҳам йўқ, фақат поездда юрилади. Биз йўл-йўлакай уруш бўрони, уруш офатидан емирилган бекатлар, ёнғинлардан кул ва кўмир бўлган қишлоқлар, каллакланган ўрмонлар, ажал оловини пишиқирган шаҳарлар, энди ер тишлаб, абадий тўхтаган ҳайбатли танклар ва замбаракларни кўрдик. Сталинграддек катта шаҳарнинг барча кўп қаватли уйлари ер билан битта бўлиб ётарди. Ҳамма ёқда, ҳар қадамда ёнғин ва бомбардимон излари... Деворлар тўкилган, темир зиналар, темир печлар буралган, узилган ҳолда ҳавода осилиб турибди. Бирорта бутун кўча, бутун уй кўринмайди, ҳаммаси вайрон. Ғоят даҳшатли манзара... Трамвайлар уруш вақтида кўчаларда қандай тўхтаб қолган бўлса, ҳозир ҳам жонсиз, бўм-бўш, чанг босганича турибди...

Обкомдан бир хотинни бизга қўшиб қўйдилар. Яшаш учун эса қайдандир қўноқхона, кичик бир хужра кўрсатдилар. Трактор заводи, Мамай кўрғони, Волга бўйлари, Павлов уйи — барини бир-бир кўриб чикдик.

Кўчаларда бирорта текис, бутун йўл ё йўлка қолмаган. Оёқ остида тупроқ билан бирга ўқ парчалари, уруш техникасидан тўкилган темир қисмлар қоришиб ётибди... Энгашиб, тупроқда ярим кўмилиб ётган бир темир парчани суғурдим. Енимдаги бир киши тўхтаб: «Ҳай-хай, эҳтиёт бўлинг! Миналар кўп!» деди таъкидлаб. Билмайман, бу танкнингми ё бошқа бирор машинанингми парчаси эди. Мен уни Ойбекнинг ёзув столи устига олиб келиб қўйдим. Биз бу ўксук шаҳар, йиқилган, лекин ўлмаган, хароба бўлган, аммо енгилмаган қаҳрамон шаҳарнинг ўнқир-чўнқир кўчаларини бир-бир босиб чикдик. Яқиндагина бунда бўлиб ўтган уруш жаҳаннамани, ажал бўронларини, ер-кўкни босган олов ва тутун булутларини кўргандай бўлдик, кўнгилларимиз, сийналаримиз куйгандай, ўртангандай бўлди. Шунинг билан бирга ғалаба суруридан сархуш ҳолда

«Қахрамонларга офаринлар бўлсин! Қурбонлар хоти-раси унутилмасин!» деб Маскавга жўнаб кетдик.

ИЖОД ДАРДИДА

Биз Маскавга қайтганимизда, Ўзбекистон Езувчилар уюшмасидан келган Жуманиёз Шариповнинг телеграммасини Ойбекка кўрсатдилар. Телеграммада «Марказқўм қарори ила сиз Езувчилар уюшмасига раис этиб тайинландингиз», деган сўзлар бор эди. Марказқўм қарорига кўра, Жуманиёз уюшмага котиб, Ойбек эса раис этиб тайинланган экан.

1944 йил июлида Ҳамид Олимжон бевакт вафот этгандан сўнг Ойбекка бир неча дафъа уюшма раислиги вазифаси таклиф этилган бўлса-да, Ойбек розилик бермай юрган эди. Энди унинг розилигисиз ҳам ҳукумат қарори чиқарилган, демак, Ойбекнинг раислик лавозимини ўташдан бошқа иложи қолмаган эди.

Шундай қилиб, Ойбек уч катта лавозимни эгаллади. У академиянинг ярмини ташкил этган гуманитар бўлимига раҳбар, Езувчилар уюшмасига раис, «Шарқ юлдузи» журнаliga эса муҳаррир эди. Демак, унинг иши уч барабар кўпайди. У қўлидан келганича, бутун ғайрати, виждони ила шу вазифаларини бажаришга киришди.

Ўша даврда бирдан менинг тобим қочиб қолди. Ўзим ҳам билмайман, не бўлди экан. Юрагимда заифлик сезиб, ётиб қолдим. Гоҳо шамоллаб, тумов-да деб, писанд қилмай, оёқ устида ўтказардим. (Ҳеч қачон кўрпа-ёстиқ қилиб ётмаганман.) Аммо бу сафар бир ой чамаси ётиб қолдим. Докторлар туришга ижозат бермадилар.

Қараватим олдида кресло турарди; Ойбек ишдан қайтгач, шу креслода, ёнимда ўтирарди, ундан-бундан сўзлашиб олардик.

У бир куни узок муддат ҳаёлчан ўтиргач, қўлимни кўлига олди.

— Зарифа, — гап бошлади у. — Бобурнинг ўғли Ҳумоюн қаттиқ хасталанганда, Бобур ўғли атрофидан уч марта айланган ва тангрига ялинган, «Ўғлимнинг хасталигини менга бер! Унга саломатлик ато қил!», деган. Мен ҳам шу топда хасталигингни ўзим олиб, сенинг соғ бўлишингни ихлос ила тиладим. Кўнглимдаги муддао ёлғиз шу!

— Йўқ, йўқ, зинҳор бу тилақдан воз кечинг! Ўтина-

ман, ранжитманг мени! — ўпкам тўлиб кетган эди. Шунинг учун ҳам бир нафас ўзимни босиб, давом этдим. — Соғман, сизга берадиган хасталигим йўк!

Ойбекнинг меҳр тўла кўзларида табассум учқунлар эди. Меним-да муҳаббатимнинг чегараси йўк. Қўлим унинг икки ҳовучига чўккан... Кўнгилларимизда тотли туйғулар... Шунинг учун ҳам ортиқ сўзлашга эҳтиёж йўк. Сукунат... Бундай сукунатнинг маъноси эса теран бўлади.

* * *

1946 йил баҳорида Ойбек Қорақалпоғистон автоном республикасидан СССР Олий Советига депутат қилиб сайланди. Унинг Маскавга, СССР Езувчилар уюшмасига катнаши кўп эди, энди янада серкатнов бўлиб қолди: ҳали уюшма пленумлари, ҳали Олий Совет сессиялари...

Ойбек 1947 йилда СССР Олий Совети депутатлари билан бирга Англияга борди. Делегация таркибида, ундан ташқари, Фадеев, Самад Вурғун, Қозоғистон Фанлар академияси президенти Сатпаев бор эдилар. Ойбек бу-сафардан нима учундир чарчаб қайтди. «Англиянинг тумани ҳавосидан, ҳар кадамда турган полисларининг хунук башарасидан руҳан эзилиб кетдим», — деди у.

«Совуқ уруш»нинг дастлабки йилларидаги Англия унга ёқмади. У бу мамлакатда ўз қалбига яқин бирор илиқликни кўрмади. Шунинг учун ҳам сафар унинг ижоди учун қарийб изсиз кечди.

Ойбек 1946—1948 йиллари жуда кўп маърузалар қилди, газета ва журналларда мақолалари, очерклари тез-тез босилиб турди. Бу даврда матбуотни кузатиб бораётган китобхон назарида Ойбек фаол ижод қилаётгандек эди. У, чиндан ҳам, шу йилларда кундузни-кундуз, кечани-кеча демай ишлади. Лекин у, барибир, ўз ижодий режаларини тўла рўёбга чиқариш имкониятига эга эмас эди, шу пайтларда. Унинг кўп вақтини турли мажлислар, расмий учрашувлар олар эди. Ўзи хоҳламаган ҳолда юқори партия органларининг ижоддан, адабиётдан, нафосатдан узоқ топшириқларини бажаришга мажбур эди.

Ойбекнинг ўз ижоди учун вақт топа билмаганини бир нарсадан ҳам билса бўлади. Агар Ойбекнинг «Қизлар» достони тарихи билан кизиксангиз, у асарни

1946 йил ноябрида ёза бошлаган. Аммо орага бошқа ишлар аралашиб, у дostonни 1947 йил октябридагина тугатган. Холбуки, Ойбек шу йиллари қайнаб-тошиб турган, бир ўтирганда, кичик бир дostonни тугатиб кетаверган.

Мен Ойбекнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб борган бўлсам-да, унинг ижодий ишига ҳалакит бермасликни ўзимга мақсад этиб олган эдим. Шунинг учун ҳам Ойбекнинг баъзи бир дўстлари ва шогирдлари айрим асарларнинг ёзилиш тарихини мендан кўра яхши билишлари мумкин. Чунки Ойбек фақат уйда, ўз ижодхонасида эмас, баъзан турли ижод боғларига ҳам бориб ишлашни севган. Хусусан, Ойбек ўзбек ёзувчиларининг Дўрмондаги ижод боғига ҳам гоҳо-гоҳо чиқиб турган. Бу ерда эса Ойбекнинг дўст ва шогирдлари унинг ижодий ишларидан хабардор бўлиб турганлар. Шундай кишилардан бири Мамарасул Бобоевдир. У ўз хотираларида Ойбек тўғрисида бундай одилona сўзларни ёзган эди:

«Ойбек жуда зўр ишларди. Чарчаш нима эканини билмасди. Агар мен сизга «Ҳамза» дostonини у бир ҳафта, бир ярим ҳафта ичида ёзиб тугатди», десам, балки бовар қилмасиз. Бу менинг кўз олдимда бўлган воқеадир. Союзнинг ҳозирги ижод боғида, арғувон остида, ҳозиргидан кичикроқ бўлган арик бўйида чордана қуриб, атрофидаги бирор нарсага парво қилмай, шу дostonни ёзди. Қизишиб ёзиб турган пайтларида, балки мисралар қуйилиб келаётган пайтларида кенжа ўғли (олти-етти яшар вақти бўлса керак) Суюн югуриб келиб, елкасига миниб олар, Ойбек хай-хайлаб унинг орқасидан қувиб, боғнинг ичкарироғига олиб бориб қўйиб келарди-да, яна ёзишда давом этарди.

Ойбек 1948 йилда «Ҳамза» дostonини шу тарзда тез ва илҳом билан ёзди. «Қизлар» ҳам, «Ҳамза» ҳам юксак маҳорат билан ёзилган жуда пишиқ асарлардан бўлди.

Менга, айниқса, «Ҳамза» дostonи ниҳоят салмоқли бўлиб кўринади ва мен уни Ойбек шеъриятининг энг юксак чўққиларидан бири, деб биламан.

Биз ўша йиллари ёзда Дўрмондаги боғда болалар ила бирга турдик. Сентябрьда ўқиш бошланганлиги сабабли уларни шаҳарда қолдирдик-да, яна Ойбек икковимиз боққа чиқиб кетдик.

Ҳар куни эрталаб шофёр мени боғдан институтга олиб кетади. Машина ўзимизники; хусусий бензинни

ўзимиз сотиб оламиз, шофёр маошини ҳам ўзимиз тўлаймиз. Шунинг учун мен машинада бемалол юраве-
раман. Ойбек ҳам Ёзувчилар уюшмасининг машинаси-
дан фойдаланмайди; уни котибига, Жуманиёз Шари-
повга бериб қўйган.

Мен сахарлаб кастрюлга бир неча ёғлиқ коворга тахлаб, устига юшок гўшт тераман. Устига кўпгина пиёз, озгина сабзи, бир-икки япроқ карам, булғор қа-
лампири (баъзан бир ховуч думбул ловия) ва талайги-
на помидор тўғраб, қат-қат жойлайман-да, туз, муруч се-
пиб, қопқоғини маҳкам ёпаман. Сўнг кастрюлни элек-
тр плита устига қўяман-да, ишга кетаман. Туни билан ишлаган Ойбек соат 11 ларда турганида, таом ҳил-ҳил пишган бўлади. У нонушта қилиб, ишга жў-
найди. У ишни битиргач, академиядаги ва уюшмадаги ишларини тугатиб, йўлдан мени олади. Кечга яқин бокка бирга қайтамиз. Мен тезгина кечки таомни тай-
ёрлайман. (Икки кишилиқ овқат бир зумда тайёр бўла-
ди). Сўнг ижод соатлари бошланади.

Мен соат 1 ларда ётаман. Ойбек тонг кўкаргунга қадар ишлаб ўтиради.

— Зарифа, — деди у бир куни менга хаёлчан бо-
киб. — Бир вақтлар дoston ёзишдан аввал яхши чи-
қармикан, дея ташвишланар, романни эплай оларман-
ми, деб уни бошлагани кўрқар эдим. Мана энди иста-
ган нарсамни — шеърми дostonми, романми, илмий асарми барини ёза оламан. Ҳаммасига қудратим, маҳоратим етади. Бошимда гала-гала мавзулар. Лекин, афсуски, энди вақтим йўқ, вақт етказа олмайман, — деди-да, оғир сўлиш олди ва яна хаёлга толди.

Унинг қанчадан-қанча вақти бекорга кетганини ўй-
ласам, жуда ачинаман. Ахир, у 1943 йилдан 1950 йилга қадар академияда, 1946 йилдан яна шу 1950 йилга қадар уюшмада хизмат этди. Унинг лавозимида инти-
лганлар, кунлаганлар, баҳиллик, душманлик қилганлар ёзувчилар орасида оз эмас эди. Агар у бир дарё кирғо-
ғидами, тоғлар орасидами истиқомат қилиб, тинчгина ижод ила машғул бўлса эди, неча-неча катта роман-
лар, дostonлар яратган, соғлиғи ҳам шикаст олмаган бўларди.

Ойбек ёзар экан, атрофида нима кечмасин, ёнида ким бўлмасин, ҳаммасини унутар эди. Биз 1938 йилга қадар 9 йил давомида бир хонада, 1940 йилга қадар икки хонада яшадик. Болаларнинг айни ушоқ вақти. Кечалари улар йиғлайдими, мен уларнинг йўргаклари-

ни алмаштириб, эмизиб, гивирлайманми ёки улар кундузлари эмаклаб, ўйнаб, шовқин-сурон кўтарадими, у буларни эшитмас, парво қилмас, «Ишимга ҳалақит беряпсиз», деб ранжимас эди. У ёзувни узмай, фикр, илҳом дарёсидан четга чикмай, давом этаверарди. Бола эмаклаб бориб, оёғига тирмашаркан, кўтариб тиззасига оларди, кўксига босиб, ўпиб-ўпиб, яна ерга қўярди. Сўнг тағин ёзишда давом этарди, хаёллар оғушига кириб кетарди.

Ойбек ёзар экан, баъзан ўрнидан туриб, уйнинг у бурчидан, бу бурчига тез-тез юрарди, узиб олган қоғоз парчасини чайнади, асар қаҳрамонлари билан сўзлашарди. Баъзан товушини баланд қўйиб, қўллари-ни ҳаракатга солиб, хаяжон ила гапириб қўярди.

Бир туни боғда бир рус чол (боғ қоровули) айланиб юрар экан, бизнинг дераза олдида тўсатдан тўхтаб қолган; таажжубланиб, Ойбекни узоқ кузатган. Қўркувдан, ваҳимадан юраги хаприкиб, боғ мудирини уйғотган: «Тез юринг, Ойбекка недир бўлибди!» деб.

Эртаси боғ мудирини кула-кула менга шу воқеани сўйлаб берган эди.

Ойбек кўчаларда ҳам кўпинча хаёлга берилган ҳолда атрофни унутарок юрарди.

Бир куни ТошМИда яшар эканмиз, Гоголь кўчасида кета туриб, трамвайга тушсам, Ойбек ўтирибди. Уни кўриб, суюниб кетганимдан дарров ёнига сукилдим. У мени кўрмади. Пайқадимки, у ўз хаёли билан банд; кўзига ҳеч нима кўринмайди. Мен ҳам индамадим, сокин ўтиравердим. Ойбек аллақандай бир куйни хиргойи қиларди. Баъзан қўллари билан енгил ҳаракат қилиб ҳам қўярди. Трамвайда одам оз, кўпчилик руслар эди. Унинг қаршисида ўтирган кексароқ рус аёли бозордан келаётган бўлса керак, олдида меваларга лик тўла икки сават турибди. У ниҳоят асабийлашиб ўтирарди. Мен эса жим кузата бердим. Бир вақт аёл ўрнидан сапчиб турди-да, «Даже в трамвае нет покоя! Идешь под похоронным маршем!» деб икки сават юкини қазаб билан кўтариб, трамвайнинг нариги бошига кетди. Одамлар у хотиннинг қилиғидан ўнғайсизлангандай жим ўтирдилар, бирорта ҳам йўловчи чурк этмади. Мен ҳам Ойбекка бир оғиз сўз қотмадим. У ҳеч нарсани сезмади, эшитмади, қўшиғини айтиб ўтираверди. Кўзларидан англалар эдимки, у узоқда, бошқа дунёда... Хуллас, ТошМИга етдик. Трамвайнинг сўнгги бекети. Ҳамма қўзғалапти, аммо Ойбек ҳамон ўтирарди.

— Туринг энди, етдик, — дедим елкасига секин кўлимни кўйиб.

— А? Қачон чикдинг? — сўради у таажжубланиб. У ана шундай бир жаҳонга арзийдиган ажабтовур табиатли, бошқа дунёдан келмиш киши эди.

(Дўст-ёрлар мендан Ойбек ҳақида хотиралар ёзишни сўрар эканлар, бу юмуш мен учун оғир эканлигини ҳис қилар эдим. Ҳақиқатан ҳам, Ойбек ила кечмиш ҳаётимни эсласам, худди қайтадан яшаётгандай бўлaman. Ҳам ширин ҳиссиётларга, ҳам айрилиқ ва хижрон ҳасратларига тўлиб кетади, кўксим... Ойбек ила кечмиш ҳаётимнинг ҳар бир саҳифасини, унинг қиёфасини, сўзларини ёдлаш менга ниҳоят оғир. Лекин кексая бошлаганимни, менинг ҳам ўтиб кетадиган вақтим яқинлашганини кўриб, болаларим оталари ҳақида хотиралар ёзиб қолдиришимни илтимос қилмоқдалар. На илож, улар илтижосига кулоқ осмасам бўлмайди. Шояд ушбу хотираларим факат фарзандларим эмас, балки Ойбек ижодининг кўплаб мухлислари учун ҳам тансиқ бўлса...)

* * *

Ойбек ўша йиллари Фанлар академияси ва Ёзувчилар уюшмасида Навоий ҳазратларининг 500 йиллигига катта тайёргарликни бошлаб юборди. Уйдаги архивда, «Навоий. 500 йиллик тўйи» деган махсус папкада шу юбилейга тааллуқли турли ҳужжатлар, материаллар сақланади. Улар орасида нашр планлари, илмий тадбирлар рўйхати, ҳаттоки шу тўйга аталиб ҳозирланажак буюмлар — чит, атлас, чинни ва ҳ. к., юбилей комиссиясининг раиси Абдужаббор Абдурахмонов бошчилигида ўтказилган кенгаш материаллари бор.

Ойбек юбилей олдида «Правда», «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» газеталарига катта-катта мақолалар ёзди. Кечалари узок ўтириб ишларди. «Қизил Ўзбекистон»нинг талай сонларида Ойбекнинг Алишер Навоий ижоди ҳақидаги давомли суҳбатлари босилди. Булар ҳаммаси Ойбекнинг шахсий архивида сақланиб қолган.

Юбилейга барча собиқ совет республикаларидан меҳмонлар келдилар. Мен Ойбекка атаб оқ жужундан костюм тиктирдим. Ўзимга усти оқ бархат гулли оппоқ шифондан куйлак буюртириб, елкамга оқ бастондан ёпғич ташлаб олдим, оёғимга эса оқ туфли кийдим,



хуллас, дворян аёлларидек ясаниб олдим; бу пайтда Ойбек 43, мен эсам 39 ёшда эдик. Биз «Навой» театри олдида машинадан тушар эканмиз, ҳамма қарайди. Ойбекнинг хаёли-ку юбилейдadir, лекин менинг фикру зикрим ёнимдаги тирик Навойда эди.

Маскавликларнинг кўпи мени танир эди. Лекин латвиялик ва литвалик меҳмонлар орасидаги бир неча хотинлар «қайси мамлакатдан келган, бу аёл?» деб мени сўраган эмишлар. Ойбекнинг рафикаси бўлиш макоми мендан шундай катта йиғин ва маъракаларга ясаниб боришни, юқори дид сохибаси эканлигимни намоиш этишни тақозо қилар эди.

Ойбекнинг ўзи ҳам ясанганимни яхши кўрарди. Бир кун уни университетда бир илмий анжуман бўладиган

бўлди-да, у академиядан, мен уйдан боришга келишдик. Ёз кунлари эди... Мен чиройлик тикилган гулли оқ крепдешин кўйлак кийдим. Кўйлак ёқасиз бўлгани учун томоғим кенг очилган эди, шунинг учун ҳам бир қават зумрад-ёқут шодасини таққанман. Бундан ортиқ кийиниб бўладими?.. Аммо мажлис давом этар экан, Ойбек бир қаради, икки қаради, менга. Кейин ранжиган оҳангда «Яхшироқ ясаниб келсанг бўлмасмиди?» — деди.

Ойбек Навоийнинг 500 йиллигига бағишланган юбилей кечасида икки соатча ўзбек тилида маъруза қилди, танаффусдан сўнг яна шунча русча ўқиди. Ойбек ҳақидаги хужжатли фильмда унинг минбардан туриб маъруза қилаётгани жиндайгина кўрсатилган, холос.

Тантанали йиғилишдан кейин катта концерт берилди.

Юбилейга кўпгина меҳмонлар келган эдилар. Биз улар шарафига катта зиёфат ясадик. Сўнг ҳукумат боғларидаги меҳмонхоналарга жойлашган ёзувчилар олдида чиқиб, уларга иззат-икром кўрсатиб турдик. Эсимда, бир оқшом Ойбек ила Мухтор оға Авезов хузурида бўлдик.

Ўша кунлари пойтахтнинг марказий кўчасида Навоий ҳазратларининг ҳайкали очилди. Май ойи, баҳорнинг қуёшли кунларидан бири эди. Ҳаммаёқ гулга тўла. Барча меҳмонлар тўпланишган. Ойбек шу куни «Ҳайкал олдида» деган янги ёзган шеърини ўқиди. Бу унинг — бутун умрини Навоийга бағишлаган алломанинг навбатдаги шеърини тухфаси эди.

* * *

1949 йил Ойбек «Олтин водийдан шабадалар» романини ёзиш учун Кисловодскдаги «Ўзбекистон» санаторийсига жўнади. Аммо Ойбекка, ижодий таътил пайтида ҳам тинчлик бермадилар. Уни курортдан чақириб, Белоруссиянинг 30 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун Минскка олиб кетдилар. Ойбек шу делегация ўз фаолиятини тугатгандан кейингина яна Кисловодскка қайтиб бориб, ишлади. У роман устида жуда қаттиқ ўтириб, кеча-кундуз ёзди. Ойбек ишлаганда, хаёли бутунлай роман ичига кириб кетарди. У қахрамонлари ила бирга яшаб, ўзини улар муҳотида тасаввур этар, теварак-атрофидаги кишилар-

нинг хордик олаётгандари, табиатнинг шифобахш масканидан баҳраманд бўлаётганларига парво қилмас, унинг учун ижод айна пайтда ҳам меҳнат, ҳам фароғат эди.

Ойбек ила бир вақтда шу санаторийда истироҳат қилган кишилар менга бир воқеани кулгидан қотиб-қотиб ҳикоя қилиб берган эдилар. Ойбек бир куни кўйлак, галстук, пиджагини кийибди-да, ишлаб ҳориганиданми ё ҳаёл биланми, шим кийишни унутиб, папирос чекиш учун балконга чиқибди. Санаторийдаги аёл ходималар уни бу ҳақда огоҳлантиришга уялиб, бир эркак кишига ялинибдилар: «Шоирга бориб айтинг, шим кийишни унутган чоғи».

Мен юқорида ёзган эдим: биз тўйимиздан сўнг, 1930 йили Сочида истироҳатда бўлганмиз. Орадан ўн саккиз йил ўтгандан кейингина Ойбек Қисловодскка борди, шунда ҳам дам олиш эмас, ишламоқ учун борди.

Ойбекнинг Қисловодскдан ёзган хатларидан икkitаси сақланиб қолган. Булардан бири кизимиз Гулрангга, иккинчиси кенжа ўғлимиз Суюнбекка аталган.

Биринчи хат:

«Менинг суякли қизалоғим Гулранг!

Сен ёзган чиройли хатларни олиб, ўқиб-ўқиб суюндим. Мен сени жуда соғиндим, ҳамма вақт кўз олдимдасан.

Тошкентда бу йил қиш қаттиқ бўлибди, мактабга қандай қатнадинг? Уйда сандалга тикилиб олган бўлсанг керак. Қисловодскда ҳам қаттиқ совуқлар бўлди, ҳозир ҳам ҳаммаёқ қор. Лекин бизнинг санаторийда уйлар иссеиккина. Кўчага оз чиқаман, ҳамма вақт ёзаман. Жуда тинч, атиги беш-олти киши дам олади. 1 мартга етиб бормоқчи эдим, яна сессия чиқиб қолди.

«Ойимнинг соғлиғи яхши эмас, докторга қатнайди», деб ёзибсан. Юраги бакувват эмас, бу йил Қисловодскда дам олиши керак. Ҳа, агар ЎзГИЗ пул бермаган бўлса, анча қийналган бўлсаларинг керак.

Баъзи вақт ўтириб, ҳаёл сураман, ўзларинг бу тўғрида ҳеч нима ёзмайсизлар: машина қалай, ишлайдими ё бузуқ? Нега тез-тез хат ёзмайсан. «Дадам ёзмаётир», деб аразладиларингми? Майли, соғ-саломат бўлсаларинг бас.

Мен кўп ўтмасдан, Тошкентга бориб қоламан.

Ақлли, гўзал кизим Гулранг бибини ҳозир жуда-жуда ўпгим келаяпти. Мен учун ойингни, Оммонни,

Бекжонни ўпиб-ўпиб кўй. Суюнга ҳозир хат ёзаман.
Иса амакингга, Шафоат аммангга саломимни айт.
Даданг: Ойбек.

26/II 49».

Иккинчи хат:

«Суюн ака!

Хатингни олдим, жуда суюндим; бурнинг ҳам эсимга тушиб кетди. «Қиш қаттиқ бўлибди, Суюнбек қийналгандир», деб ўйладим. Хатингга қарасам, ақлинг бутун бўлиб қолганга ўхшайди. Менинг романимни ўқибсан, сенга ёкибди, жуда хурсанд бўлдим. Ҳозир колхоз тўғрисида роман ёзмокдаман; бу китобни, албатта, қизиқиб ўқийсан.

Лекин ҳаммадан олдин дарсларингни ўйла, аълочи бўлишга ҳаракат қил. Маскавда сенга, акаларингга, «сарик мушугим»га жуда кўп дафтар, қалам оламан.

Бекжон-тўполон қалай? Сени урмайдими?..

Менинг романхон, кичик, суюкли Суюним, кўп ўқи, кўп ёз, лекин шўхликни камайтир, ойингни қийнама.

Мен яқинда Тошкентга жўнайман, Суюнимни ачомачом қиламан, ўпаман, ҳозир юрагимда, хаёлимдасан.

Қичик ўғлимга катта севги ва салом.

Дадаси: Ойбек.

26/II 49».

Тошкентга қайтгач, Ойбек мен билан маслаҳатлашмай, тўсатдан, санаторийга йўлланма олиб келди.

— Энди навбат сенга! Албатта, дам олиб келмоғинг керак. Йўкса бориб келганим татимайди, — деди у.

— Шундай романи ёзиб келибсиз. Шунинг ўзи катта бахт! — дедим.

Ойбекнинг ижодий ишлари юришаётгани билан иккимиз ҳам бахтиёр эдик, ижод нашъасини, қувончини бирга тотаётган эдик.

Ўйга иккала ойимни қолдирдик. Ойбек ҳар икки кунда болаларнинг соғлиғи, тинчлиғи ҳақида телеграмма беришни ваъда қилиб, мени самолётда жўнатди. Бу, самолётда биринчи марта учишим эди.

Энг кичигимиз Суюнбек тўққиз ёшга кирган. Шу вақтга қадар уни бирор марта ташлаб, дам олишга кетмаганман. 1945 йили Сталинградга Ойбекнинг ижодий ишлари билан борганимизда, юкорида айтиб ўтганимдек, Тошкентдан уч кун хабар бўлмаса, хафа бўлар, тинчлигимни, уйқумни йўқотар, ёмон тушлар кў-

рар эдим. Бир куни санаторийда жуда диққатим ошиб, палаткада йиғлаб ўтирсам, Кибриё (Абдулла Қахҳорнинг хотини), кўлида телеграмма, «суюнчи», деб отилиб кирди. Суюниб кетдим: бир лаҳзада дардим, ташвишларим бошимдан кўтарилди; кувониб, енгиллашиб, сайилгоҳга чиқиб кетдим.

Кисловодскдан Москвага қайтиб борганимда, болаларни ҳам чақиртириб олдим. Болалар ҳам дам олсин, денгизни кўрсин, деб уларни Дубулти (Рига)га олиб бордим. Кисловодскка, курортга борганим шундагина менга татиди.

* * *

1949 йилнинг декабри эди. Маскавдан бизнинг таълиқларимиз профессор Евгений Яковлевич Роде хотини билан меҳмон бўлиб келди. Эр-хотиннинг иккови ҳам кимёгарлар эди. Биз улар билан бундан тўрт йил муқаддам йўлда, поездда танишганмиз. Меҳмонлар Тошкентда, бизникида бир неча кун меҳмон бўлганларидан сўнг уларни Самарқанд ва Бухорога олиб бордим. Биз Бухородан Қаршига ўтиб, Шарифаларникида икки кун меҳмон бўлдик. Тошкентга қайтганимизда, Ойбек Покистонга кетиш учун тараддуд кўраётган экан. Ўша йилларда жанубий қўшнимиз Покистон ва Ҳиндистонга ажралиб чиққан, шу сабабли Покистондаги Тараққийпарвар ёзувчилар уюшмаси мамлакатни янги маданий тараққиёт босқичига олиб чиқиш ғояси билан яшамокда экан. СССР улар учун машъал-давлат бўлиб туюлгани учун улар СССР Ёзувчилар уюшмасига мурожаат этиб, совет ёзувчиларини ўз қурултойларига таклиф этган эканлар.

Мен меҳмонлар билан сафардалигимда Маскавдан хабар келган, Н. Тихонов, А. Софроновлар эса аллақачон Тошкентга етиб келган эканлар. Ҳаво ёмон бўлгани сабабли улар бир неча кундан бери аэропортга чиқиб-қайтиб, кетолмай турган эканлар.

Покистонга боражак совет ёзувчилари делегациясига Ўрта Осиёдан Ойбек билан Мирзо Турсунзода ҳам киритилган эди. Гарчанд бу Ойбекнинг иккинчи хорижий сафари бўлса-да, у Покистон билан бўлажак учрашувга катта аҳамият берди. Хали сафарга бормасиданоқ қўшни халқ ҳаётидан асарлар ёзишни дилига тугди.

Ойбек Ҳиндистоннинг икки давлатга бўлинган чоғида ҳар иккала халқнинг қашшоқ турмуш кечираётгани,

айниқса муҳожирларнинг машаққатли ва оғир қисматини кўриб, ғоят ачинади ва руҳан эзилади. У ҳали Покистонда эканидаёқ «Покистон пойтахти», «Покистонлик аёл», «Муҳожирлар лагери» сингари шеърларини ёзади.

1950 йил январида делегация аъзолари Тошкентга қайтиб келдилар. Мен Ойбек ва дўстларини болалар ила вокзалда кутиб олдим. Николай Тихонов саломаликдан сўнг хахолаб, кулоғимга шивирлади:

— Эрингиз анчагина қув экан. Биз лақиллаб понбархатми, шойими — ҳуллас, икир-чикирларни олдик. У эса индамай юрди. Кейин қарасак, у сизга бир халқа олган экан, кўриб ҳайратда қолдик. Лекин бизда сарик чақа ҳам қолмаган эди. Ойбек шу олтин халқани кўкрагида сақлаб келмоқда!

Делегациянинг бошқа аъзолари Тошкентга тушмай, Маскавга ўтиб кетдилар. Биз уйга келгач, Ойбек кўкрак чўнтагидан кичик бир қутича чиқариб, менга тутқазди, қутича ичида ёқут ва дурлар билан безалган, жуда нафис ишланган олтин исирға бор эди. Мен бу исирғани 15 йил такдим. Катталигига қарамай, кечалари ҳам кулоғимдан олмадим. Исирғанинг менга ёққанидан Ойбек ҳам мамнун эди.

— Менинг исирғам зиғирдай эди, ортиғи билан тўладингиз! — деб куламан, ҳазиллашиб.

— Зиғирдай бўлса-да, қимматли эди! — дейди у. Биз икковлашиб куламиз.

Мен ҳатто Маскавга борганимда ҳам хотинлар исирғанинг қаердан олганим, кимнинг санъати эканлигини тўхтатиб сўрардилар. Сўнг орадан анчагина йил ўтгач, мен уни қизим Гулрангга бердим.

Ойбек сафар вақтида икки ён дафтарини кундалик таассуротлари билан тўлдирган экан. Сафардан қайтгач, у «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бир неча сонларида «Покистон таассуротлари» серлавҳаси ила ўз хотираларини эълон қилди. Сўнг Покистон ҳақидаги шеърлар тизмасини давом эттирди, «Ҳақгўйлар», «Зафар ва Захро» дostonларини ёзди.

Эсимда, 1952 йили Маскавда СССР Езувчилар уюшмасининг узун йўлагига Ойбек ила Мухтор Аvezов учрашар экан, иккови ҳам кулочларини кенг ёйиб, бир-бирига қарши югурди. Мухтор оға Олма-отада бўлиб ўтган бир зиёфатда «Зафар ва Захро»ни С. Липкин таржимасида ўқиганларида болаларгина эмас, катталар ҳам кўз ёшларини тутолмаганларини сўйлаб,

Ойбекни қайта-қайта қучоклади. «Нега, — деди Мухтор оға қуюниб, — Турсунзодага «Аравакаш» учун мукофот берадилар-у, «Зафар ва Захро»га бермайдилар?»

Ойбек Мухтор оғанинг лутфига фақат табассум ила жавоб қилди-да, мавзуни бошқа томонга бурди.

* * *

Ойбек Покистон сафарига жўнашидан олдин «Олтин водийдан шабадалар» романини эндигина окқа кўчира бошлаган эди. У сафарга кетгач, романнинг қолган қисмини мен бир неча тун давомида босим ўтириб, кўчириб чиқдим. Кундузи институтда ишлаганимдан фақат тунлари кўчирдим. Электр бўлмади, ним қоронғи хонада керосин лампанинг хира нурида ёзишга тўғри келди.

Романга ўзбек тўйларида айтиладиган «ёр-ёр» керак эди. Ойбек сафарга кетиши олдида менга академияга бориб, «ёр-ёр»нинг энг яхши намунасини Музайянахонимдан сўрашимни буюрди. У қолхоз тўйларида айтиладиган «ёр-ёр»ни топиб берди. Мен кўчирган қисимни ҳар куни машинистка аёлнинг уйига элиб турдим. Роман машинкадан тўла чиққанидан сўнг уни яна бир дафъа ўқиб, «Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририятига олиб бордим. Шароф Рашидов романнинг китоб нашрига муҳаррир этиб тайинланган эди. Мен унинг каттагина хонасига кириб, романи топширдим.

— Романдаги ёлғиз «ёр-ёр»ни Ойбек ҳали кўрмаган. Мен унинг истаги билан бу «ёр-ёр»ни Музайянахонимдан олиб, асарга киргиздим, — дедим унга.

Шароф Рашидов асар қўлёзмасини кўчириб чиққанимни эшитиб:

— Ярим муаллиф ўзингиз экансиз, — дея ҳазиллашди.

Кўп ўтмай, роман босилиб чиқди. Шундан кейин Ойбек Покистон халқи ҳаётидан олинган янги қиссасини ёзиш режасини тузди. Лекин шу йилларда унинг ижод учун вақти ниҳоят оз эди. Шунинг учун ҳам Ёзувчилар уюшмаси ва академиядан ижодий таътил олиб, Ойбек Сочига кетадиган бўлди. У ерда асар устидаги иши унумли бўлур эди, албатта. Лекин у дастлаб Маскавга борганида, А. Фадеев уни тутиб олди-да, ўзининг ўрнида бир ойга қолдириб, қайгадир кетди.

Омонбек Ломоносов номидаги Маскав давлат до-

рилфунунининг тарих факультетида ўқишни бошлаган кунлар эди. Мен Маскавда икки ҳафта тургач, Тошкентга жўнаб кетдим. Ойбек СССР Езувчилар уюшмасида бир ярим ой мобайнида Фадеев ўрнига котиблик вазифасини бажарди. Шундан сўнггина у Со-чига жўнади.

Аммо у жуда чарчаган эди. Бунинг устига, яна нотинчлик бошланганлиги туфайли кайфияти ҳам яхши бўлмади.

Ўша кунларда мен Ойбекнинг куйидаги хатини олдим:

«Азизим Зарифа!

7 ноябрдан бошлаб Сочида, «Кавказская Ривьера»да дам олаётирман. Ҳаво ёмон эди, факат 2—3 кундан буён яна очилиб кетди. Жуда қаттиқ чарчаган эканман, мана, бир ҳафта ўтди, мен ҳали ўзимга келганим йўқ, дам олаётганимни сезмайман.

Деразам остида денгиз. У баъзан нозик шивирлайди, баъзан кўпириб гувуллайди. Бироқ чўмилиш мумкин эмас, сув совук.

Мен факат денгиз суви ваннасини қабул қиламан, бошқа ҳеч қандай даволаниш йўқ. Жуда зерикаман, факат ҳар кун — санаторий клубида кинотеатр бор — яхши-ёмон ҳамма фильмларни кўрадиган бўлдим.

Ўзларинг қалайсизлар? Бекжон ва Суюн ўзаро ахилми? Ҳаммом қай ҳолда, том туникаси бўялдим?

Бу хатни денгиз бўйида ёздим; ҳозир Гулрангга сополак-учун чиройли майда тошлар кидираман.

Ҳаммаларингни ўпаман, қучоқлайман.

Қариндошларга, дўстларга салом.

Ойбек

14/XI 50.

Сочи».

Орадан ўн кун ўтгач, Ойбекдан болалар номига ёзилган яна икки хат олдик. Мана, улар:

«Суюкли Суюн оға!

Хатингни ўқиб, жуда хурсанд бўлдим. Ҳар кун сизлардан хат кутар эдим. Дарсларингда унча оксамбсан — бу яхши, лекин «5» олмоққа интилишинг керак. Ахир мен сени ақли тўла ўғлим, деб суяман ва фахрланаман.

Хатингда Ванянинг ярамаслиги тўғрисида ёзибсан. Нега уни машинага хўжайин қилиб қўйдиларинг? Ҳо-

зир у кайда, бўшатиб юбордиларингми? Аг — киши шофёр учраса, кабул қилиш керак.

Қор ва ёмғирда аянгга пиёда юриш қийин. Барибир шофёр олишга тўғри келади.

Суюним, дадам фақат Гулрангни соғинибди, деб ўйлама, мен сени ва Бекжон тўполончини ҳам жуда соғиндим.

Маскавда узоқ турмайман.

Сен Бекжон билан уришма, аянгнинг сўзига кулок сол.

Хатингда аллақандай фонарь кераклигини ёзибсан. Нимага керак, велосипединг учунми? Хўп, олиб бораман.

Суюкли ўғлимни ўпаман ва каттиқ кучоклайман.

Даданг: Ойбек.

24/XI 50.

Сочи».

«Ширин қизалоғим Гулранг!

Бугун хатингни олдим, қайта-қайта ўқидим. Раҳмат. Папасиз яшамоқ мумкин эканми? Мен сени жуда соғиндим. Мен сенга анча майда тошлар териб қўйдим — денгиздан сенга совға.

Сочида ҳаво ёмон эмас, бироқ кечалари совук. Семирмаслик учун мен жуда кўп юраман. Санаторийда овқат мўл. Кинодан бошқа томоша йўқ. Ҳар кун бирикки фильм кўраман. Зерикдим, 4 декабрда муддат тугайди. Москвага жўнайман. Лекин дуруст истироҳат килолмадим, дармоним йўқ. Ичмайман ва жуда оз чекаман. Бирон нарсга ёзишга ҳам мадорим йўқ.

Сухумига бормокчи эдим, яна хафсалам келмади.

Покистон тўғрисидаги очеркларни газетадан қирқиб олиб, Лидия Григорьевна адресига юборинглар. (Бир очерк ёзда айрим босилган эди, уни ҳам кўшмоқ керак.)

Кеча ойдин. Қизимни соғиниб, тўлкинланган юрагим каби денгиз ҳам ширин ва секин шивирлайди.

Аянгга, Бекжонга, Иса амакингга, аммангга ва Мария Васильевнага салом.

Даданг: Ойбек.

24/XI 50.

Сочи».

Бу сўнгги хатда тилга олинган Лидия Григорьевна Бать маскавлик ёзувчи ва адабиётшунос бўлиб, кейинчалик Матёкуб Қўшжонов билан бирга Ойбек тўғрисида китоб ёзган. У Ойбек ижодининг тарғиботчиларидан бири эди. Мария Васильевна эса хизматчимиз бўлган.

Ойбек 1950 йили Тошкентда «Покистон таассуротлари»ни тугатгач, Сочида «Нур қидириб» қиссасини ёзишга киришди. Бу асар дастлаб «Ёрқин қирғоқлар» деб аталган ва ўша йилиёқ асарнинг тахминан ярми ёзилган эди. Аммо Ойбек хаста бўлиб қолганлиги сабабли асар устидаги ишни ўз вақтида тугата олмай, 1954 йилда уни давом эттирди. Шунда мен билан маслаҳатлашиб, қиссага «Нур қидириб» деб ном берди.

Ойбек хали Маскавда эканидаёқ «Зафар ва Захро» ҳамда «Ҳақгўйлар» дostonларини ёза бошлаган эди. У Сочига боргач, бу асарларга сайкал бериш билан бирга «Нур қидириб» қиссаси устида ҳам ишлай бошлади. Лекин, юқорида келтирилган хатда айтиб ўтилганидек, у Маскавдан ҳориб-чарчаб келган ва унда ишлаш кайфияти қолмаган эди. Билишимча, Ойбекнинг Тошкентдаги душманлари шу пайтда ўзаро бирлашиб, унга қарши ҳаракат бошлаган ва у Маскавда СССР Ёзувчилар уюшмасига вақтинча раҳбарлик қилганида, бундан дарак топган эди.

Одатда Ойбек бизни ташвишга солмаслик учун ғаламисларнинг бундай хатти-ҳаракатларини, уни НКВДга чақиришларини айтмас, яширар эди. Чамаси, ўша кезларда унга қарши бошланган қитмирлик айрим кишиларнинг шахсий ташаббуси натижаси эмас, балки олдиндан режалаштирилган ва жиддий идоралар аралашуви билан кечаётган ҳаракат эди. Шунинг учун ҳам Сочида унинг қўли ишга бормади. Лекин у Қора денгиз бўйларида ҳордиқ олар экан, кайфияти яхши бўлган лаҳзаларда лирик шеърлар ёзиб, уларни бизга йўллаб турди. Унинг «Денгиз бўйида хаёлларим» деган уч қисмли шеъри шу тарзда майдонга келди.

Мана, ўша шеър:

ДЕНГИЗ БЎЙИДА ХАЕЛЛАРИМ

I

Зарифага

Кўз олдимда ўша денгиз ва ўша қирғоқ...
Ўша сувлар гоҳ қайнар, гоҳ шивирлар.
Ўша қушлар тўлқинларни қучароқ
Парвоз қилар, уфқларга интилар.

Ёдингдами, ўтирардик балконда
Зар соч ёйиб қуёш сувга шўнғиркан.
Нақ ўшандай шомлар заррин алвонга
Буркангандай илк юлдузлар тоза, шан...

О, ўтибди қанча замон, кўз юмсам,
Сочларимга оралабди қанча оқ.
Лекин менинг юрагимда ҳозир ҳам
Сенинг севгинг у чоғдан-да тўлароқ...

Менга келган мактубда бу шеърга сарлавҳа ҳам,
рақам ҳам қўйилмаган. Улар шеърнинг қоралама нус-
хасида бор экан.

Биз Ойбек билан 1930 йили Сочида истироҳатда
бўлганимизда, ҳар оқшом денгиз соҳилига бориб,
«Ривъера» балконида узок ўтирар эдик. Денгиз со-
ҳилларига тушаётган оқшом гўзаллигини, гурур лато-
фатини кузатиб тўймасдик.

Энди иккинчи шеърни ўқинг:

II

Қизимга

Денгизга йўл бурамен,
Қирғоқ бўйлаб юрамен,
Сенга хил-хил тош териб,
Мудом хаёл сурамен.

Улуғбекнинг ачаси,
Навоийнинг онаси
Тош ўйнашган, сополак —
Қадимгининг мероси...

Қизим бор — кўнглимда ёз,
Куйлайди қўлимда соз,
Денгизни, қуёшни ҳам
Унга бағишласам оз!

Мен бу шеърнинг аслини Гулрангга топширганман.
«Бу сенга отангдан бебахо хотира. Ўзинг сакла», де-
ганман унга.

Мана, ниҳоят, сўнгги шеър:

III

Суюнбекка

*Ой денгизга шўнғиди,
Бир пасдан сўнг балқиди —
Олтин қайиқ энди у ;
Ялт-ялт ёнди ўйноқ сув.*

*Қайиқни тутиш учун
Сувга отилди Суюн.
Тўлқинларда чирпинди,
Қайиқни тутди, минди.*

*Тонг шойиси ярқироқ —
Бошда ҳилпирар байроқ.
Ўроқ-болғаси олтин,
Камалак каби ёрқин.*

*Мана, қайиқни Суюн
Ҳайдади. Денгиз, бўйсун!
«Кураш ва зафар томон
Кетдим!» деди Суюнжон.*

*Сувлар қайнаб кўпирди,
Гувиллади, бўкирди,
Тўлқинлар кесиб дадил
Қайиқ югурди енгил...*

Бу шеърнинг ҳам аслини Суюнбекка берган эдим.
Дадасидан энг қимматли хотира эди у.

Бу шеърлар 1950 йилнинг 26—29 ноябрь кунларида
Сочида ёзилган. Мен шу шеърлар остидаги санага
қараб Ойбекнинг Қора денгиз бўйларида истироҳатда
бўлган вақтини кўз олдимга келтираман.

ОЙБЕККА ҚАРШИ ХУЖУМ

Ойбек 30-йиллардан бошлаб Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисида материаллар йиға бошлаган эди. Ана шу материаллар асосида у 1942 йили совуқ уйда хира керосин лампа шуъласида, баъзан оч, баъзан тўқ ҳолда ўтириб, «Навоий» романини тугатган ва бу роман унга катта шон-шухрат келтирган эди.

Ойбек ўзининг бу романида Навоий сиймоси орқали ўзбек халқининг XV асрдаги тарихига ўзбек ёзувчилари орасида биринчи бўлиб назар ташлади. Халқимизнинг шу даврда эришган маданияти, мактаб ва мадрасалар ҳаёти, захматкаш кишиларнинг мусибатли, оғир турмуши, теурийлар ўртасидаги ўзаро қонли можаролар, жанглар ва ҳ. к.ларни ёрқин гавдалантирди. Асар ҳаммага — оддий китобхонларга ҳам, ёзувчилар ва мунаққидларга ҳам манзур бўлди. 1946 йили асарга I даражали Сталин мукофоти берилди. Шундан кейин роман кўпгина тилларга таржима этилди. Абдулла Қодирий ва Чўлпонлар номи тилга олинмай қўйган узок йилларда Ойбекнинг «Қутлуг қон» ва «Навоий» романлари ўзбек китобхонларининг бирдан-бир севимли асарлари сифатида ўқилди. Ўзбек ёзувчиларининг бир неча авлоди шу асарлар асосида тарбия топиб, камолга етди. Асар фақат ўзбек китобхонлари эмас, балки рус тили орқали қардош халқлар вакилларининг ҳам меҳр-мухаббатини қозонди.

Бир куни Ойбекка маскавлик бир арман инженери-дан хат келди. У ўз хатида «Ўзи Навоийга ўхшамаган адиб Навоий ҳақида бундай романи ёза олмаган бўларди», дебди. Бу ниҳоят топиб айтилган гап эди.

Лекин шу чокларда Тошкентда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси атрофида Уйғун бошчилигида айланиб юрган бир гуруҳ Ойбекни оёқдан қалиш ниятида иш бошлаган эди. Қўп ўтмай, Уйғун ўз мақсадига эришиб, уюшмага раис бўлиб олди ва Ойбекка қарши қаттиқ қураш бошлади. Унинг бу ғаразли ниятига Мильчаков, Шевердин, Ойдин, Мирмуҳсин, Воҳид Зоҳидовлар шерик бўлдилар. Улар хатти-ҳаракати билан ёзувчи ва шоирлардан Мақсуд Шайхзода, Шукрулло, Шухрат ва Саид Аҳмадлар ҳибсга олиниб, олис ерларга сургун қилиндилар. Аммо Ойбекни йиқитиш бир мунча қийин кечди. Ҳар куни газеталарда Ойбекка қарши мақола-лар чиқа бошлади. Ойбекнинг ичи қора душманлари жон-жаҳдлари билан «Навоий» романига ёпишдилар.

Навоий сиймоси романда ортикча идеаллаштирилган эмиш. Бу ҳақда Марказқўм пленумида Ниёзов ҳам, бошқа нотиклар ҳам оғиз кўпиртириб гапирдилар. Ойбекни камаш учун унинг бутун илмий ва ижодий фаолиятини тафтиш қилиб чиқдилар. Аммо «Навоий»дан сиёсий хато топишга уларнинг кучлари етмади. Сталин мукофотиغا сазовор бўлган бу асарни А. Фадеев бошлиқ СССР Езувчилар уюшмаси мардона туриб химоя қилди. Кўп ўтмай, «Қизил Ўзбекистон» газетаси бош мақолаларининг бирида «Навоий» романининг янглиш талқин қилинганини расмий равишда эълон қилди. Мухолифларнинг «Навоий» романини қоралашга кучлари етмагач, улар «Олтин водийдан шабадалар»га ёпиша кетдилар.

Ўша кезларда Маскавда, Сталин мукофоти комитетида «Олтин водийдан шабадалар» романи учун Ойбекка иккинчи марта давлат мукофоти бермоқчи бўлганлар. Комитет раҳбарлари Ўзбекистон Езувчилар уюшмасига телеграмма юбориб, романи зудлик билан мукофотга тавсия этишни сўраганлар. Билмадим, Езувчилар уюшмасига неча марта телеграмма келганикин. Уюшмадан ҳадеганда дарак бўлавермагач, улар уйимизга ҳам телеграмма йўллаб, романдан 10 нусха юборишни сўрадилар. Асар ҳали рус тилига таржима этилмагани учун мен дарҳол романининг ўзбекча нашридан керакли миқдорда нусхалар юбордим. Уйғун бошлиқ тўданинг фиғони кўтарилди. «Нечук? Ойбек тагин мукофот оладими?» — деб ғазабландилар улар. Уюшма романи мукофотга тавсия ҳам этмади, Маскавга ҳам жавоб бермади. Аксинча, роман ва унинг муаллифига қарши очикдан-очик ғаразли, шафкатсиз ва ўринсиз танқидни бошлаб юборди.

Қора юракли, бахил одамлар энг юксак жамиятларда ҳам туғилса, яшаса ва ҳаётни заҳарласа керак. Ойбекнинг нон-тузини татиб, унинг қўмаги билан оёққа турган кишилар Уйғун атрофига тўпланиб, Ойбекдек улуғ инсон ва улуғ ёзувчини ғажишга киришган эканлар, уларни «қора юракли» ва «бахил кишилар» демасдан бўладими?! Худди шундай кишилардан бири — Воҳид Зоҳидов «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1950 йил 10, 15, 16, 17 декабрь сонларида «Ўзбек совет адабиётидаги баъзи камчиликлар ҳақида» сарлавҳали мақола билан чиқди. Мақола гарчанд умумий сарлавҳага эга бўлган бўлса ҳам унда фақат «Олтин водийдан шабадалар» устида сўз борган ва роман оқ калтак-

кўк калтак қилинган эди. Бу мақола Сталин мукофоти комитетининг романга бўлган хайрли муносабатига нисбатан Ойбек душманларининг жавоби эди. Мен бу мақолани Ойбекнинг шахсий архиви учун олиб кўйдим. Ойбек Сочидан қайтиб келганда ҳам унга кўрсатмадим. Билмадим, у ўқидими, йўқми, бу бошдан-оёқ тухматдан иборат мақолани.

Мен бир куни иш билан Навоий кутубхонасида бўлмишдим. Кутубхона ходимлари хафа бўлишди: «Қачон «Қизил Ўзбекистон» газетасини олмайлик, албатта, Ойбек ака ҳақида ифлос бир мақола чиккан бўлади. Мақолани ўқимай, газетани отиб юборамиз!»

Мен кулдим: «Воҳид Зоҳидов ўз мақоласини «Хозирги ўзбек совет адабиётидаги баъзи камчиликлар ҳақида» деб атабди-ю, лекин гапни ёлғиз «Олтин водийдан шабадалар» устида олиб борибди. Демак, хозирги ўзбек адабиёти фақат шу асардан иборат экан!»

Хаммамиз мирикиб кулдик.

Ойбек романда туя ҳақида ҳам ёзган. В. Зоҳидов буни ҳам танқид қилган. Эмиш: ҳозир машина замони! Туя керак эмас! Ойбек тараққиётни кўрсатишни истамайди!.. Мана, сизга танқидчининг калтафаҳмлиги! Мана, сизга қора юракли кишиларнинг Ойбекка қарши бошлаган хуружи!

Холбуки, туяни сақлаш керак, туя энг мухташам, энг бузрук хайвон! Уруш ва урушдан кейинги вақтда, машина етишмаган бир замонда туядан ҳам, эшакдан ҳам фойдаланилган! Мана, ҳозир Қорақалпоғистонда туя совхозлари ташкил этилган. Улар туянинг камайиб кетаётганлигидан ташвишланмоқдалар! Бу ҳақда ҳатто шу кунлари ҳам ёзилмоқда!

Шубҳасиз, «Олтин водийдан шабадалар» романи кусурлардан ҳоли эмас. Бу асар — ўз даврининг мева-си. Ўз даврида бу асар севиб ўқилган. Ҳатто бир куни Қашқардан мактуб ҳам келган. Элохунов деган бир киши асар қаҳрамони — Ўктам номига хат ёзган. (Бу хат «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1954 йил 15 декабрь сониди босилган.)

Ойбек таржимаи ҳолида бу ҳақда шундай дейди: «Ўтмишда халқ озодлик армиясининг жангчиси бўлган хитойлик деҳқоннинг асар қаҳрамони номига ёзган хатини олиш менинг учун катта севинч эди. У ўз хатида Ўктамга унинг фидокорона меҳнат намунаси учун та-шаккур айтади ва ўз ватанида у ҳам Ўктам қилган ишни бажаришга ишонч билдиради. Бу хат кимга бери-

лишини ўйлаб топгунларича, у кўп вақт айланиб юрди. Ўқтам номига ўзбек колхозчиларидан ҳам озмунча хат келгани йўқ».

Чиндан ҳам, ўша йилларда Ойбекка колхозчилардан кўплаб хатлар келарди. Улар биздан Ўқтамнинг адресини сўрардилар. Хатто бир колхозчи яқинда ишларини тугатиб, Ўқтам олдига боражагини ва унинг тажрибаларидан фойдаланиш истагида эканини айтиб, хат ёзган эди.

Ойбек романнинг иккинчи босмасига анчагина қўшимчалар киритди. Асар рус ва украин тилларида китоб шаклида босилиб чиқди. Шундан кейин Россия ва Украинадан ҳам хатлар кела бошлади. Украинадан келган бир гуруҳ колхозчи қизларнинг хатида: «Биз бу китобингизни севиб ўқиймиз. Биз ўзимизга романдаги қахрамон қизларнинг исмларини қўйиб олганмиз. Бир-биримизни Анорхон, Тансиқ деб чақирамиз», — деб ёзилган эди. Сибирдан келган хатда эса бир кироатхона ходими: «Кутубхонамиздаги энг севиб ўқиладиган, ҳамиша китобхонларнинг қўлларидан тушмайдиган китобларнинг бири «Олтин водийдан шабадалар»дир», деб ёзган.

Урушдан кейинги йилларда оддий китобхонлар меҳрини ана шундай қозонган роман фақат В. Зоҳидов, Шевердин, Уйғун сингари унсурларга ёқмаган эди.

Агар қуйида яна Воҳид Зоҳидов ҳақида бир-икки сатр ёзсам, устимдан зинҳор кулманг, ўтинаман. Мен Ойбекнинг хотини бўлганим учун эмас, балки ёзмоқчи бўлганим воқеани мендан бошқа бирор кимса билмагани учун ҳам уни баён этмоқчиман.

Назаримда, 1947 йили бўлса керак, В. Зоҳидов уйимизга саҳарлаб тез-тез келиб турар эди. Ойбек туни бўйи ишлагани учун уни эрталаб вақтлик уйғотгим келмайди. Мен В. Зоҳидовнинг олдига чой қўяман, кутиб ўтиради. Бу унинг докторлик диссертациясини тайёрлаб юрган вақти эди. У Ойбекдан маслаҳат, йўл-йўриқ олгани келарди. Бир куни Ойбек унга ишнинг ниҳоят шишиб кетганини, суви кўплиги, тузи йўқлигини айтди, 1200 саҳифалик диссертацияни икки баравар қискартириш лозимлигини тавсия қилди. Ойбек шу йилларда ўзининг ижодий ва ижтимоий ишларидан ташқари, тил, адабиёт, тарих ва фалсафа бўйича ёзилган диссертацияларни ҳам эринмай ўқир, тузатар, маслаҳат беради.

Воҳид Зоҳидов диссертациясини Маскавда ёқлади.

Унинг иши Навоий ҳақида эди. Албатта, у Ойбекни Маскавга сургади. Билмадим, Ойбек оппонент бўлгандими, ҳар ҳолда ҳимоя пайтида катта нутқ сўзлабди. Илмий мажлис аҳлига Ойбекнинг нутқи жуда ёқибди, хуш келибди. Мажлис тамом бўлгач, академиклар, профессорлар Ойбекнинг кўлини сиқиб, унга ташаккур изҳор қилибдилар. «Бу диссертацияни Зоҳидов эмас, сиз ёқладингиз. Биз Шарқ фалсафасига оид диссертацияларга оппонент белгилашда мушкilotларга учрар эдик. Бундан сўнг сизни оппонент сифатида таклиф қилсак, йўқ демайсиз», — дейишибди улар.

Бу воқеани шу илмий кенгаш мажлисида иштирок этган кишилар кула-кула гапириб берган эдилар, менга. Мана шу Воҳид Зоҳидов Ойбекнинг оёғига ёпишганлардан, душманларидан бири бўлди. Ойбекнинг душманлари оз эмас эди. Ўша йилларда қандай мажлис бўлмасин, албатта, унга осилувчи, уни ғажимоқчи бўлган кимсалар топиладди. Ҳатто Тошкент вилояти партия кўмитасининг навбатдаги пленумида кимдир сўзга чиқиб, Ойбекни партияга аъзолик бадалини тўла тўламайди, деган. Биров ишонган, биров ишонмаган. Лекин бу гап дарров бутун шаҳарга тарқалган.

Ойбек бу вақтда Сочиди эди. Мен кўп ўйлаб ўтирмадим, дарров обкомга бордим. «Шундай гап бўлибди. Ойбекнинг омонат кассасида дафтарчаси бор. Пул даркор бўлса, шундан оламиз, взносни ҳам тўлаб турамиз. Банкда ҳам счёти бор. Ойлаб, йиллаб бормаймиз, текширмаймиз. Балки бирор гонорар келгандир, биз беҳабар қолгандирмиз», дедим.

Обком котиби Мавлон Абдураззоқов кулиб: «Биз Ойбек акани яхши биламиз. Ҳар вақт керагидан ортик тўлаб юради. Хафа бўлманг, Ойбек ака ҳам бу гапни эшитмасин», — деди.

Ойбекнинг 1934 йили ёзилган «Ўзбекистон» деган шеърини яхши биласиз.

*Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор.
Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соғинар...
Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар.
Бахт тошини чақиб, бунда куч гувиллайди,*

деган гўзал сатрлар билан бошланади, у шеър: Шу шеърнинг охирироғида эса бундай банд ҳам бўлган:

*Хонақодан чиқиб фикр фанларни минди,
Электрон текширади кечаги чўпон.
Дорилфунун курсисини ўпар қиз, жувон.
«Капитал»нинг ҳар сатридан галалаб учган
Фикрларни қувар тунлаб ёшлар киприги.*

Бу шеър ҳали-ханузгача мактаб дарсликларини безаб келади. Аммо кейинги йилларда юқорида келтирилган сатрлардан бири «Хонақони ташлаб фикр фанларни минди», деб тузатилди. Душманлар Ойбекни қораламоқ учун ҳар қандай йўлларни излаб кўрдилар. Езувчилар уюшмасида бўлган мажлисларнинг бирида кимдир: «Хонақодан чиқиб фикр фанларни минди». Нега фикр хонақодан чиқади? Демак, Ойбек илм хонақода пайдо бўлди, демоқчи. Бу совет фанига тухмат! Бу марксизм-ленинизмни билмаслик! Бу фаннинг совет давридаги тараққиётини инкор этиш! Фалон-пустон!» деган. Шундан кейин шеърдаги ўша сатрни Ойбекдан рухсат ҳам сўрамай, ўзбошимчалик билан ўзгартирганлар.

Табиий, бу гапни эшитган Ойбекнинг дўстлари кўп хафа бўлишган. Мен ҳам бу гапдан хабар топиб, кўп ўйладим: не килиш керак? Ахир бу шеър мактаб дарсликларида босилиб туради! Ниҳоят, Ойбекнинг исмидан бир ариза ёздим. Унда: «Одамлар «Хонақодан чиқиб фикр фанларни минди», деган сатрни янглиш тушунганлар. «Хонақодан чиқиб фикр...» дегани «хонақони ташлаб фикр...» дегани бўлади. Шеър яна босилганда, бояги сатр шу тарзда тузатилсин», дейилган эди. Мен аризани ўқув-педагогика нашриёти адабиёт бўлимининг мудираси Холида Сулаймоновага элтиб бердим: «Агар бу шеър устида нашриётда сўз кўзғолгудек бўлса, шу аризани кўрсатгайсиз», дея илтимос қилдим.

Бундай майда-чуйда гапларга Ойбек парво қилмас, «Ит хуради, карвон ўтади», — дер, лекин менинг фиғоним кўтарилар эди.

* * *

Сталин замонида жамият гуллари бўлган зиёлилар ўқтин-ўқтин, беда ўрилгандай, қиркилиб, каллакланиб турарди. Бундай вақтларда ҳар сафар юрагим ўйнар, тинчлигим йўқолар эди.

Энг сўнгги бўрон Маленковнинг Ленинградга бо-

риб, бир гурух генералларни оттириб келгани бўлди. Шундан кейин, эшитишимга қараганда, Ўзбекистон Компартияси марказқўмининг иккинчи котиби Мельников Маскавдан ўзбекистонлик 50 кишини хибсга олмоқ учун рухсат сўраган. Бу рўйхатда Ойбек ҳам бўлган. Аммо бу рўйхатни, бахтимизга, Маленков тасдиқ этмаган. У, афтидан, Ленинграддаги қилмишидан пушаймон бўлган.

Сталин вафот этгач, бундай ғалваларга хотима берилди. Замон тинчиди. Мамлакат осмони мусаффолашди. Максуд Шайхзода, Шухрат, Шукрулло, Саид Аҳмад каби шоир ва адиблар озод қилинди.

Максуд аканинг қайтганини эшитганимиз ҳамон Ойбек, мен, Миртемир учовимиз суюниб югурдик. Биз оппоқ ич кийимда дам олиб ётган Максуд аканинг ётоғига бостириб кирар эканмиз, у караватидан сачраб туриб, биз билан кучоклаша кетди. Биз у билан ўпиша-ўпиша кўришдик.

Қандай бахт бу — озодлик!..

Максуд ака Уйғунларнинг тухмати билан камалган ва сургун қилинган эди.

Шайхзода шаҳарнинг марказий кўчаларининг бирида, айрим ҳовлида, кўп хоналик, яхшигина уйда яшар эди. Шайхзода камалган кундан бошлаб Уйғун унинг оиласига ёпишди. Максуд аканинг хотини Сакинанинг астма хасталиги бор, қайнонаси эса қари, кўр ва ногирон эди. Уйғун ғам-ғуссадан эзилиб ўтирган ана шу жабрдийда оилага зулм қилди...

Бир куни Максуд ака Ойбек икковимизга кула-кула бир воқеани айтиб берган эди: У сургундан қайтганидан сўнг кўчада кетар экан, нариги томондан келаётган Уйғун кўчани кесиб ўтиб, Шайхзодага кучоқ очиб югурибди, кучоклаб ўпибди. Ана, юзсизлик!..

* * *

...Ойбек хаста эканлигини менга билдирмади. 1951 йилнинг 17 февраль куни у академиядан С. Зайцев деган бир рус билан бирга келди-да, партбюро номига ариза ёзди. Ҳамиша рус ва ўзбек тилларидаги маъруза ва мақолаларини ўзи ёзадиган Ойбек нима учундир С. Зайцевга айтиб турди, у эса котиблик қилди. Бу Уйғун устидан шикоят эди. Мазкур ариза ҳозир ҳам Ойбекнинг шахсий архивида турибди. Лекин бу унинг иккинчи нусхасими ё аслими — буни билмайман. Баъ-

зан ўйлаб қоламан: Нега у менга ёздирмади? Демак, у бўлиб ўтган гапни менга айтишни, мени хафа қилишни истамаган. Мен ўша куни аризани нега унинг ўзи ёзмаётганини сўраганимда, Ойбек ўнг қўлини кўрсатиб, икки бармоғи қалам тутолмаслигини айтди.

Мен Уйғун билан бўлиб ўтган можарони сўрамадим. Уни хафа қилишни истамадим.

Ойбек ўз аризасида 1950 йили Маскавда А. Фадеев илтимоси ила унинг ўрнида ишлагани, турли мамлакатлардан келган делегацияларни қабул қилгани, ўзбек ва, умуман, Ўрта Осиё республикалари адабиёти ҳақида маърузалар қилгани, кечалари эса ижод ила машғул бўлгани, Покистон ҳақида бир қатор шеърлар ҳамда «Зафар ва Заҳро» достонини ёзгани, бекор юрмаганини айтган эди.

Уйғун шу вақтда «Ойбек Ўзбекистон Езувчилар уюшмасининг ишига ёрдам бермайди, у ҳатто уюшма раиси бўлганида ҳам ишламаган», деган гапларни таркатган. У ҳатто Ойбекни «Олтин водийдан шабадалар» романини нашр этишга ҳам шошилмаяпти, деб тухмат қилган. Холбуки, унинг ўзи бу романнинг чиқишига тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатаётган эди.

Аммо Ойбекни ғазаблантирган нарсаси ҳатто бу эмас, балки Уйғуннинг Ойбекни қораловчи 22 саҳифадан иборат хат ёзиши ва бу хатга Шевердин, Мильчаков, Мирмуҳсин, Ойдинларнинг имзо чекиши эди. Бу хатда эса Ойбек миллатчидан олиб миллатчига солинган, унинг шаънига тухмат ва ҳақорат сўзлари ёзилган эди.

1950 йил 1 феввалида Ойбек Езувчилар уюшмасига боради. У ерда шу пайтда Шевердин, Мильчаков, Уйғун ва Туроб Тўла бўлади. Уйғун ва Мильчаков бош бўлган тўда шу куни партия ташкилоти бюросини чақирган бўлиб, унда Ойбекни миллатчиликда айблаб, уни партиядан ўчирмокчи бўлади. Туроб Тўла ўша кезларда Марказқўмда ишлагани сабабли тўданинг таклифи билан партбюро мажлисида қатнашади. Ойбек тўданинг машъум ва разил ниятидан вокиф бўлиб, «Мен нечук миллатчи бўламан? Бу қандай тухмат!» — деб ушбу ғавғонинг ташаббускори Уйғунга сенлаб мурожаат этади. Уйғун: «Сен мени сенлама! Мен союзнинг раисиман!» деб дағдаға қилади. Ойбек эса: «Сени сизлашга тилим бормайди. Қачон биз бир-биримизни сизлаганмиз?» — деса, Уйғун уни ҳақорат қилиб, қаттиқ сўка бошлайди...

Мен бу воқеани яқинда Туроб Тўланинг ўзидан

эшитдим ва англадимки, Ойбекнинг қон босими шундан кейин ошиб кетган.

Агар бояги аризанинг 17 февраль куни ёзилганини эътиборга олсак, демак, Уйғун ва унинг тўдаси Ойбекни таъкиб ва ҳақорат этишни кейин ҳам давом эттирган. Бу разил тўданинг мақсади Ойбекни каматиш, у эришган ҳурмат ва эътиборни шу йўл билан ўзларига қаратиш эди. Улар ана шу ниятда астойдил ҳаракат қилдилар. Лекин бу машъум режалари амалга ошмаса-да, улар Ойбекнинг соғлиғига болта уришга эришдилар.

Мен Ойбекнинг икки бармоғи ишламай қолганини эшитишим билан дарҳол поликлиникага телефон қилдим: Улардан невропатологларни йиғиб, консилиум ўтказишларини илтимос қилдим. Шундан кейин Зулфия Умидова, Шаргородский, Гордон каби профессорлар биргаликда поликлиникада Ойбекни кўрдилар. Унинг қон босими ғоят ошиб кетган экан. Профессорлардан бири шифохонага қўнғирок қилиб, зудлик билан жой тайёрлашни буюрди. Тиббий кўрикдан кейин машинага ўтирганимизда, мен шофёрга Жуковский кўчасидаги шифохонага юришини айтдим. Лекин Ойбек менинг таклифимни рад этиб:

— Йўк! Уйга ҳайда! — деди.

— Нега? Профессорларнинг айтганини эшитдингиз-ку! — дедим унга.

— Икки кундун сўнг академияда илмий сессия бўлади. Докладим бор, — деди Ойбек.

Шундан кейин биз уйга қайтдик. Ойбек аввалгидай кеча-кундуз ишлашда давом этди. Илмий сессия ҳам ўтди. Кейин Қорақалпоғистонга, сайловчилар билан учрашмоқ учун бормокчи бўлди.

— Ойбек, қон босимингиз баланд, бирдан мияга қуйилиши мумкин. Даволаниш зарур! Ҳеч бўлмаса, уйга доктор чақирайлик, — деб ялиндим мен.

— Нафасинг курсин, — кулди у останага етганида.

Шу билан Қорақалпоғистонга жўнаб кетди. Орадан икки ой вақт ўтса ҳамки, у даволаниш лозимлиги ҳақида бирор сўз ҳам эшитгиси келмади.

...1951 йилнинг 16 апрели эди. У академиядаги ишидан сўнг менинг олдимга, институтга борди. Мен машинага ўтирганимизда: «Министрлар Советининг боғига борамиз. Сергей Петрович Бородиннинг олдида», — деди Ойбек.

Сергей Петрович Маскавдан «Олтин водийдан шабадалар» романини таржима қилиш учун келган эди.

Биз тўғри боққа бордик. Бородин билан бирга суҳбатлашгач, ошхонага, кечки овқатга тушдик. Дастухон олдида бир неча ёш ёзувчилар ҳам йиғилдилар. Биз ҳазил-хузил билан суҳбатни давом эттириб, кабоб ер эдик. Мен Ойбекдан ниманидир сўрадим, у жавоб бермади. Бир оздан сўнг тагин недир айтган эдим, у яна индамади.

— Нега жавоб қилмайсиз? — дедим токатсизланиб.

Ойбек кўли билан оғзини ушлади. Билмадим, деган маънода бошини тебратди.

Мен ўрнимдан сапчиб турдим. Ўртоқлар ҳам дув этиб қалқидилар. Улар бизни машинага қадар кузатиб чиқишди. Биз тўғри поликлиникага йўл олдик. У ерда Ойбекнинг қон босимини ўлчаб, шифохонага зудлик билан бормокни буюрдилар. Биз бир доктор хотин билан бирга шифохонага кетдик.

Ойбек сўзлаш қобилиятини йўқотган эди. Бир зумда профессор Гордонни бошлаб келдилар. У ошиқчи равишда қон олишни буюрди.

Бу Ойбекнинг биринчи марта хаста бўлиши... Биринчи марта шифохонага боришимиз... Мени йўлакда қолдириб, Ойбекни палатага олдилар. Бир оздан кейин ҳамшира бир кучок килиб Ойбекнинг кийимларини қўлимга тутказди.

Мен Ойбекнинг ёнида қолишни истардим; илтимос қилдим, ялиндим, аммо навбатчи доктор «йўқ», деб оёқ тираб олди.

Мен уйга келдим. Ўзимни караватга ташлаб йиғладим. Сўнг сачраб ўрнимдан турдим:

— Шофёр кетмасин, шифохонага бораман! — дедим болаларга.

Ўша захоти шифохонага бордим. Менинг илтимосим билан докторни эшикка чақириб бердилар.

— Ахир палатага кириш мумкин бўлмаса, йўлакда ўтириб чиқаман!

Йиғладим, ялиндим, лекин палатага киритмадилар.

Эртаси зўр-базўр сахарни кутиб, шифохонага жўнадим. Профессор ҳали келмаган эди. Дахлизда ўтириб, унинг келишини кутдим.

Шаргородский, Гордонлар келиб кўргач, Ойбекни айрим бир палатага олиб чиқдилар ва менинг унинг олдида бўлишимга рухсат бердилар.

Ойбекда микроинсулт хасталиги рўй берган эди. Доктор ҳам, ҳамшира ҳам кеча кечаси канчалик уринишмасин, ундан қон олиша олмаган экан. Ойбекнинг

хар икки қўлидан қон олишга ҳаракат қилиб, уни жуда қийнаган, уринтирган эканлар. Буни Ойбекнинг ёнида ётган бир хаста йигит сўзлаб берган.

Ойбек шунда ёлғиз ташлаб кетганим учун мендан ўпкalandи. У сўзлай олмагани учун қўлларининг ҳаракати, қўзларининг имоси билан тушунтирди. Билса эди: даҳлизда йиғлаб ўтирганимни, докторнинг мени кўчага хайдаб, эшикни қулфлаб олганини: йўқ, билмайди!

...Ойбекнинг оёқ-қўллари ҳаракати яхши; палатада бемалол юради; фақат сўзлай олмайди.

Хийла вақтдан кейин у «ҳа», «йўқ» калималарни секин-секин айта бошлади. Болага сўз ўргатгандай, мен уни сўзлашга машқ қилдира бошладим. Дорилар, уколлар...

У чекишни ташлади. Ичиш ҳам, албатта, мумкин эмас... Биз ҳам, врачлар ҳам унинг олдига ҳеч кимни киритмадик. Фақат Ғафур акани тўсиб бўлмайди. У қўлига бир шиша коньякни олиб, палатага шўнғиб киради. Ойбек бошини тебратиб, кулади.

Мен кеча-кундуз унинг олдидаман.

...Ойбекнинг хасталиги хабари бир кунда бутун шаҳарга ёйилди. Дўстлар жуда кўп, барчаси қайғуради, баъзилари шифохонага келиб, мени секин чақиради-да, хол-ахвол сўрайди. Бир гуруҳ душманлар эса, албатта, мамнун. Улар ҳатто «Ойбек вафот этди», деган хабарни ҳам тарқатдилар. Ҳатто уйимизга фотиҳа ўқиш учун одамлар ҳам кела бошладилар.

Мен баъзан бир-икки соатга уйга бориб келаман. Бир куни хаста танишлардан бири: «Сиз кетганингизда, секингина деразадан қараймиз: Ойбек домла бошини қуйи солиб, хаёлда, паришон ўтирган бўлади. Сиз келганингизда, яна мўралаймиз: энди домланинг вақти хуш, мамнун, сизнинг сўзларингизни тинглаб ўтиради», деб мийиғида кулади. Мен Ойбекни зериктирмаслик учун неларнидир сўзлаб ўтираман, газета-журналларни ўқийман, «Ҳадемай соғайиб қоласиз», — деб овутаман.

Кўп ўтмай, Луначарскийда (ҳозирги Буюк ипак йўли кўчасида — Н. К.) шифохона ташкил этилди. Ойбек икковимизни шу ерга кўчирдилар.

Қатта боғ... Дов-дарахтлар кўп... Салқин... Кичкина, шинамгина шифохона... Бир хаста министру Ойбекдан бошқа ҳеч ким йўқ. Шу икки кишига бир неча докторлар, ҳамширалар, ошпаз ва қоровул хизмат қилади.

Ойбекнинг тили кундан-кунга очилиб, сўзи тобора

кўпая борар экан, ўзи ҳам, мен ҳам, болалардек суюнамиз. Тўғри, сўзлаши енгил, равон эмас, кийналиб сўзлайди. Шунга ҳам шукр қиламиз, мамнун бўламиз; мамнун ҳам гапми, бошимиз кўкка етгандек бўлади. «Сабр қилинг, хасталик ўтиб кетади! Енгасиз хасталикни! Хали ёшсиз!» дейман. Зеро, Ойбек шу вақтда эндигина 46 ёшга кирган эди. Докторлар юришга рухсат бергач, иккимиз боғда айланамиз, хиёбонлардаги курсиларга ўтириб, дам оламиз. Мен сўзлайман, сўзлайман. Уни зериктирмаслик, овутиш учун турли мавзуларни излайман, ўтмишни оқартириб, уни қулдираман. Ёдга келган шеърлар ва ғазалларни ўқийман.

Тошкентда саратон иссиғи бошлангач, биз докторларнинг тавсияси ила Кисловодскка борадиган бўлдик. Мен Гулранг ва Суюнбекни олдим. Омонбек Маскавда тахсилда; Бекжонни эса уйда, икки ойимга қолдирдим. Поездда Маскав орқали Кисловодскка бориб, СССР Фанлар академиясининг М. Горький номидаги шифохонасига келиб тушдик. Гулранг ва Суюнбекни эса шифохонага қўшни бир хонадонга жойлаштирдик. Улар кун бўйи биз билан бирга бўлар, фақат овқатланиш ва тунаш учунгина у ерга чиқардилар.

Шифохонада академик Ҳалил Раҳматуллин, М. Е. Массон, В. П. Щеглов ва Обид Содиков хотинлари билан дам олар эдилар. Биз кўпинча улар билан бирга вақт ўтказар, турли-туман мавзуларда кечган суҳбатлардан баҳраманд бўлар эдик.

Кисловодскнинг ҳавоси салқин, лекин шаҳар баландликда жойлашганидан ҳавфланар эдим. Докторлар ҳам бу ерга иккинчи маротаба келмасликни, парҳез қилишни ва нарзанли ваннани қабул қилмасликни тавсия қилдилар.

Гулранг ва Суюнбек тоза зерикишди. Болалар уйни соғингани ва Маскавга боришни истамагани учун уларни самолётда Тошкентга жўнатмоқчи бўлдим, аммо қўрқдим. «Самолёт бирор фалокатга дуч келса, не бўлади?» дея ваҳимага тушдим. Шу сабабдан уларнинг иккаласини бирга юбормай, бошқа-бошқа жўнатдим. Бир кун Гулрангни, эртаси Суюнбекни таниш йўловчиларга қўшиб, Тошкентга юбордим. Суюнбек ўзи билан кичкина бир хаворанг арча кўчатини олиб кетди. Тошкентга етиб олгач, ховлининг қок ўртасига ўтказибдилар. Ҳозир у жуда катта бўлиб, ўсиб кетган.

Биз Маскавга боргач, «Маскав» меҳмонхонасида

тўхтадик. Дўстлар Тошкентда ҳали иссиқ пасаймаган-лигидан тагин бир неча вақт Маскав атрофида, масалан, «Узкий» санаторийсида истироҳат қилмоқни маслаҳат бердилар, бизга.

Мен академияга бориб, икки йўлланма қоғозни олдим.

Эртага «Узкий»га жўнаймиз, деб турганимизда, кечкурун хонамизга бир таржимон кириб келди. У рус тилини яхшигина билар, шу сабабли ўзбекчадан русчага ўгирилажак китобларнинг биринчи ҳомаки таржимасини тайёрлар эди. «Олтин водийдан шабадалар» романининг ҳомаки таржимасини ҳам у тайёрлаган эди.

— Зарифа хоним, менга 1000 сўм жуда зарур бўлиб қолди. Хотинимга бир нарса олган эдим, бериб турсангиз. Бугун-эрта Тошкентдан ақча кутиб турибман, қайтараман, — деб менга мурожаат қилди у.

Енимда фақат 1000 сўм пул бор, эртаси эса икки ҳафтага Подмосковьёга кетишимиз лозим эди. Мен «Нима дейсиз?» деган маънода Ойбекка қарадим:

— Кечки овқат билан эрталабки нонуштага 400 сўм етар, 600 сўмини беришим мумкин, — дедим секингина.

— Ўзинг биласан, — алланечўк жилмайди Ойбек.

— Ха, майли, — деди таржимон. — 600 сўм бўлса, 600 сўм-да! Икки-уч кунда, албатта, «Узкий»га элтиб бераман.

У пулни олиб чиқиб кетгач. Ойбек хахолаб кулиб юборди.

— Нега мунча қуласиз? — таажжубландим.

— Бермайди энди! — деди Ойбек саволимга жавобан.

— Нега индамай ўтирдингиз? Бирор нарса десангиз, бўлмасмиди, менга?

Ойбек ҳамон роҳат қилиб қуларди:

— Мени кўп алдаган! Сени ҳам бир дафъа алдасин, дедим!

— Мен сиздай содда эмасман! Бу ерда қайтармаса. Тошкентда ундириб оламан! — дедим ишонч билан.

— Ҳечам! — деди Ойбек ҳузур қилиб.

Эртаси чойдан сўнг, жомадонларни тайёрлаб, такси қўғар эдик, яна таржимон кириб келди.

— Сизни машинага қадар жўнатгани келдим, — деди у.

Биз машинага ўтирганимизда, у хайрлашиб:

— Зарифахоним, икки-уч кундан сўнг олдингизга

бораман. «Узкий»ни ҳам кўрмоқ керак — деди ховликиб.

Мен бу воқеани Ойбекнинг боладай соддалигини, юрагининг тозаллигини, қувлик-шумликдан узоқлигини кўрсатиш учунгина ёзаяпман. Биздан пул кетса-да, майли! Ҳеч ачинмайман! Зеро, менинг ёнимда пулдан кўра-да кадрли бойлик — Ойбекдек соф ва ажойиб инсон бор эди!

Шу воқеадан кейин бир неча йил ўтди. Таржимон асло кўринмади. Бир куни нашриётда шу воқеани Холидаҳон Сулаймоновага сўйлаб бердим.

— Вой! — деди у. — Нашриётда ундан кўра кўп пул ишлайдиган одам йўк! Пулга келганида, дуч келаман-да, босиб олиб қоламан!

Бир куни Холидаҳон касса олдида таржимонни тўхтатиб:

— Зарифа опамга қарз экансиз. Менга ташлаб кетар экансиз, — дебди.

— Йўғе, Холидаҳон! Сиз адашяпсиз, Зарифаҳонимдан ҳеч ҳам қарзим йўк! — жавоб қилибди таржимон.

Бунини эшитгач, табиий, жаҳлим чиқди. Ҳам пулимизни олса, ҳам ёлғончи қилса, деб ҳуноб бўлдим. Орадан тагин бир йилча ўтди. Эски шаҳар бозоридан недир кўтариб, машинага кетаётганимда, таржимон қаршимдан чиқиб қолди.

— Э, нега шунча юкни кўтарасиз? Болалар қани? — У ховликиб, қўлимдаги юкни юлиб олди.

— Шошманг! — дедим тўхтаб. — Нега сиз Холидаҳонга мени ёлғончи қилдингиз? Аввал бунга жавоб беринг!

Таржимон ёнимда пилдираганча кетяпти.

— Худо хоҳласа, Холидаҳоннинг олдида учрашиб қолармиз, бир кун! Шунда у менинг олдимда шу гапни айтсин-чи! Майли, хафа бўлманг, Зарифаҳоним, уйингизни, адресингизни биламан. Шу яқин кунларда ақчангизни, албатта, элтажакман, — деди-да, хайрлашди.

Яна неча йиллар ўтди. Бир куни эшитсам, бояқиш вафот этибди.

— Розиман, бечора ҳали ёш эди, — дедим қўлимдаги газетани столга қўйиб.

Ойбек таржимоннинг оламдан ўтганига ачиниб, алламаҳалгача жим ўтирди. Энди, албатта, кулмадик, икковимиз ҳам сукут қилдик; ачиндик унга.

ХАСТАЛИК ЙИЛЛАРИДА

«Ўзкий» санаторийси ўрмон ичида жойлашган экан. Салкин бир манзил... Дам олувчилар уч-тўрт киши, ҳолос. Тинч, жимжит, овқатлари ниҳоят яхши. Истаган таомни тайёрлаб берадилар: Уйдами, ошхонадами, ўрмон бағридами, — қаерни истасак, шунда дастурхон ёйилади.

Маскавдан Ойбекнинг дўстлари тез-тез келиб турдилар. Улар билан ўрмон оралаб, кичик қўлда, қайикда сузиб, суҳбатлашиб, хордик олдик. Икки ҳафталик истироҳатдан сўнг Тошкентга жўнадик.

1951 йил — Ойбекнинг хаста бўлган йили. Ҳозир унинг оёқ қўллари яхши; фақат ўнг қўлининг икки бармоғи ишламайди. У энди сўл қўли билан ёзишга уринади. Шу тарзда Ойбек «Ҳақгўйлар» дostonини ёзди. «Нур кидириб» ва «Қуёш қораймас» асарлари устида ишлай бошлади.

Сўл қўл билан ёзиш, табиий, осон эмас. Шунинг учун ҳам энди унга ёрдам бера бошлайман.

Мен институтдан келгач, Ойбек гапиради, мен ёзаман. Унинг сўзлаши оғир, лекин кўндан-кўнга секин-аста тузалиб бормокда. У энди муттасил докторлар назоратида; қон босими ҳали ҳам ошиб турибди. Биз қаерда, қандай табиб борлигини эшитсак, излаймиз; ким нимани дори деса, шуни тадбиқ этишга тиришамиз.

Бешоғочдаги Чакар маҳалласида Миробид ва Мирзоҳид деган оға-ини икки табиб яшаган. Миробид ғоят тажрибали, муолижада машҳур табиб бўлган, лекин вафот этган, Мирзоҳид эса ҳаёт экан.

Бизни унинг ҳузурига бошлаб бордилар. У Ойбекнинг қон босимини туширмоқ учун арпа бадён билан долчинни аралаштириб берди. Мен ана шу дорини чой ўрнида дамлаб, Ойбекка бир чой қошиқдан ичкиза бошладим. У қон босимини дарҳол туширар эди. Шунинг учун уни ҳамиша сафарда эҳтиётдан олиб юардим.

...Бир неча йилдан сўнг Ойбек дўстларнинг маслаҳати ила Маскавдаги неврология хастахонасига ётди. Мен «Маскав» меҳмонхонасида турдим. Омонбек билан Бекжон шу даврда Маскав дорилфунунида таҳсилда бўлиб, ҳар окшом олдимида ўтириб кетар эдилар. Мен Ойбек ёнига ҳар кўни эрталаб ва кечқурун икки марта борардим.

Бир кўни борсам, у жуда хафа, юзлари кизарган,

кон босими ошиб кетган. Боши ҳам каттик оғримиш. (Ойбекнинг боши ҳеч оғримас эди.) Ҳеч бир дори ёрдам бермаган, шекилли. Мен профессор билан гаплашиб, ўзимизда бир халқона дори борлигини айтдим, истеъмол қилишга рухсат сўрадим. Профессор «Агар ҳаста шунга ишонган бўлса, майли, ичсин!» — дегач, дарҳол меҳмонхонага югурдим. Жомадондан ҳалиги дорини олдим. «Ўзбекистон» ресторанидан ҳам кўк чой тополмасдан, танишимиз Лидия Григорьевнанинг уйдан бориб олдим. Хуллас, Ойбекка бояги дорини дамлаб ичкиздим, кўк чой бердим. Бир неча соат ўтгач, унинг қон босими тушиб, бош оғриғи ҳам йўқолди. Шундан кейин Ойбек ортиқ ҳастахонада қолишни истамди. У жуда кўркиб кетган эди.

Биз Тошкентга қайтдик. Табиб каттик пархез қилишни буюрди. Унинг тавсияси билан ҳар куни бир дона каптардан қайнатма шўрва тайёрлаймиз. Лочира қиламиз. Ойбек шунга чидайди. Мен бозордан ҳар куни каптар таший бошладим. «Ёз чилласида Ойбек ҳовлида пахтали тўн кийиб, кичик бир кетмонча билан гуллар тагини чопиб юрсин, терласин. Шунда томирлар тозаланади», — деди табиб. Ойбек унинг «фармон»ларини ихлос билан бажара бошлади.

Қимдир биров бир ўрик дарахтининг оғочини кўтариб келди-да, қайнатиб ичмокни тавсия қилди. Яна биров бодом мағзини сутда ивитиб, пўстини арчагандан сўнг хованчада туйиб, яна сутда қайнатиб ичкизмокни буюрди. Ойбек уни узоқ муддат ичиб юрди. Албатта, «бодомнинг фойдаси бор, зарари йўқ», деб ўйладик.

Яна бир кимса қийик шохини талқонлаб, спиртда тутмокни ва муайян миқдорда истеъмол қилмокни буюрди. Буни ҳам тайёрлаб бердик, ичиб юрди.

Докторлар Ойбекнинг бармоқларини ишга солириш учун резинка коптокни қўлда муттасил эзиб юриш ва шўнга ўхшаш турли машқларни тавсия қилдилар.

Табиблардан бири: «Тоза асал мўмига қўй мойи қўшиб, копток ясаб беринг, қўлида эзиб юрсин», — деди. Керакки мўмни Эски шаҳар бозоридан излай-излай, базўр топиб келдим. Ойбек ҳам бу тавсияларнинг барини бажариб юрди.

Ойбек жуда ориқлаб кетди. Биз палов еймиз, у каптар шўрва ичади. Кейин яна қайсидир табибнинг маслаҳати билан уни кўпроқ бедана шўрвага ўтказдик. У папиросни, ичкиликни бутунлай ташлади, бу одат-

ларни мутлако тарк этди. (Сабр-каноати, иродаси шў кадар зўр эди унинг!)

* * *

1952 йилнинг ёзида Ригада, Дубултидаги ижод уйида дам олди. Хаво ёкимли, салкин келди. Биз ўрмонларда, денгиз сохилларида, кездик, чўмилдик. Ойбекнинг кайфияти кундан-кунга яхшиланиб борди. Қайтишимизда Маскавда тўхтаб, бир-икки кун турдик. Кетадиган кунимиз Ойбек билан Езувчилар уюшмасига бордик, у А. А. Фадеев билан кўришмоқчи эди. «Эшитса яхши бўлмас, ўзимнинг ҳам кўргум кел-япти», — деди у.

...Фадеевнинг СССР Езувчилар уюшмасидаги кабулхонаси лик тўла одам. Ўзи ҳали келмаган. Аммо талайгина ёзувчилар кутиб ўтирардилар. Биз ҳам озрок кутмокка рози бўлдик — котиб унинг кечикмай келажагини айтган эди.

Кўп ўтмади, Фадеев кириб келди. У дув этиб калккан одамларга ялпи салом берди-да, кучоғини очиб, Ойбекка отилди. Уни қайта-қайта ўпиб, кўришгач, менинг қўлимни сикди. Мен уни биринчи кўришим эдим. Аммо у гўё мен билан бутун умр таниш одамдай самимият кўрсатиб, ичкарига таклиф қилди. Биз узоқ ўтирдик. У бир сўйлаб, икки куларди. Менга тез-тез боқиб, кўзларини кисарди-да, тагин куларди. Бу кадар очик кўнғиллик, самимият ва кўзларидаги табассум унинг буюк инсоний хислатларидан дарак берар эди.

Шу куни Фадеев бизни Маскавга кўчиб келишга таклиф этди. Бизга атаб хонадон тайёрлатажагини айтдим. Нечундир бу менга кўп маъқул тушди. Ойбекнинг душманлардан узоқроқда яшагани яхши, деб ўйладим, шекилли.

— Тошкент хафа бўлмасмикан? — кулди Фадеев. — Шошма, Муса, ҳозир Марказқўмга, Ниёзовга телефон қиламан, — деди-да, телефоннинг кулоғини кўтариб, ракамларни тера бошлади.

Ниёзов жойида йўқ эди.

— Ҳа, майли, сўнграқ кўнғироқ қиламан, — деди у.

Яна бир оз суҳбатдан сўнг Ойбек ўрнидан турди, бир соатдан сўнг вокзалга чиқишимиз кераклигини айтди. Фадеев «Еш гвардия» романининг иккинчи нари чикканлигини ва ҳозироқ топиб, мехмонхонага

юборажагини айтди. Ойбек билан Фадеев кучоклашиб,
ўпишиб хайрлашдилар.

Биз меҳмонхонага етиб келганимизда, эшикдаги
навбатчи хотин Фадеев йўллаган «Еш гвардия»ни Ой-
бекка тутказди. Китоъ биздан аввал етиб келган ва
унга қуйидаги сўзлар битилган эди:

«Дорогому другу Айбеку на добрую память.

А. Фадеев.

20/VIII 1952».

Ойбекнинг кутубхонасида «Еш гвардия»нинг бирин-
чи нашри ҳам бор. Унга:

«Дорогому другу Мусе Айбеку
на память о Переделкино.
С самым сердечным приветом

А. Фадеев

10/VI 1948».

деган сўзлар ёзилган.

Мен Александр Фадеевни бир дафъа кўрдим, хо-
лос. Унинг кулиб турган чехраси, учкунли кўзлари
хотирамда абадий қолган. Унинг табиатида Ойбекка
ўхшашлик бор эди, шу сабабдан улар бир-бирлари
ила яқин дўст бўлганларини англадим.

А. Фадеев, Н. Тихонов, В. Луговской, М. Авезов,
Самад Вурғун, В. Ян, Б. Кербобоев, М. Рильский Ой-
бекнинг энг яқин ва самимий дўстлари эдилар. Улар-
нинг бизда сақланган бир неча хатлари бор. Бир куни
улар, албатта, нашр этилса керак.

Ойбек бу ёзувчиларнинг бир қисми билан 1937 йил
февралида, СССР Ёзувчилар уюшмасининг Пушкин
вафоти 100 йиллигига бағишланган пленумида таниш-
ган. Лекин бу вақтда улар ўртасида яқинлик қарийб
бўлмаган. Уруш йилларида кўплаб антифашист ва со-
вет ёзувчилари Тошкентга вақтинча қўчиб келганлари-
да Ойбек улар билан яқин алоқада бўлди. Шу йиллари
В. Луговской уйимизда кўп бор меҳмон бўлиб, Ой-
бекнинг «Ўч» дostonни рус тилига таржима қилди. Шу
даврда Е. Э. Бертельс, В. М. Жирмунский, А. И. Дейч,
Л. Г. Бать, М. Терешченко сингари Тошкентдан паноҳ
топган олим ва ёзувчилар Ойбекнинг яқин дўстларига
айландилар. Ойбек айниқса Бертельс ва Дейч билан
яқин ижодий алоқада бўлди. Улар бизникига меҳмон
бўлиб келганларида, «Шарқ уйи»да — хонтахта қўйил-

ган кичик бир хонада гурунг қилишни ёктирар эдилар. Лях шоири Ондра Лисагский ҳам фалакнинг гардиши билан шу йилларда Тошкентга келиб қолган эди. У ўзи учун мафтункор ўлка — Ўзбекистон билан танишиб, юртимизга катта меҳр қўйган ва бир неча шеърлар бағишлаган. Ойбек уруш йилларида чоп этилган антифашист шоирларнинг тўплами учун Ондра Лисагскийнинг бир қанча шеърларини ўзбек тилига ўгирган. Урушдан кейин ўз юртига қайтиб борган Ондра каттагина шеърӣ китобини самимий дастхат билан Ойбекка йўллаган.

Урушнинг сўнгги йилларида Ойбек Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раис этиб тайинлангандан кейин унинг қардош ёзувчилар билан алоқаси айникса кучайиб кетди. Уйимиз жаҳон ёзувчиларининг анжуманхоналаридан бирига айлангандек бўлди. Фадеев, Тихонов, Симонов, Антокольский ва бошқа халқларнинг ёзувчилари қачон Тошкентга келгудек бўлиб қолсалар, албатта, Ойбек яшаган уйни ҳам зиёрат этиб кетардилар.

Ойбек касал бўлгандан кейин ҳам бундай келдикетдилар қамаймади. Айникса, унинг соғлиғи бир оз гузалгач, дўстлар билан сусая бошлаган алоқаси яна куч олди.

Ойбек секин-аста Ёзувчилар уюшмаси ва академия мажлисларида, Олий Совет сессияларида иштирок эта бошлади. Диссертацияларга тақриз ёзиб беришни сўраб, илтимос қилиб келадилар — у рад қилолмайди. Эрмак учун, деб шеър ҳам ёзиб туради. У бутун умр мутасил шеър ёзгани ва шеър ёзишни севгани учун буни тарқ этолмайди. Ахир бутун табиати шеърӣят билан сугорилган, санъат ишқи бутун вужудини эгаллаган, қалби шеър каби мусаффо ва покиза инсон эди у.

* * *

Энди эрта баҳордан Сирдарё бўйларига, Чирчик соҳилларига, Хумсон ва Чимён тоғларига, дала-қирларга чикамиз.

Еш вақтимизда машина йўқ, даҳалар аро қатнайди-ган автобуслар йўқ (фақат трамвай бор, холос), асфальт-бетонлар йўқ, ҳамма ёқ қишда тиззадан лой, ёзда биқ-биқ тупрок (шаҳарнинг марказий кўчаларигагина тош тўшалган), шунга қарамасдан, ҳали Юнусобод, ҳали Қатортол, ҳали Бўзсув бўйларига пиёда, қўл ушлашиб чиқиб кетардик. Дарёлар ва сойлар со-

хилидаги салкин чойхоналарда дам олиб, чой ичардик Шундай юрган пайтларимизда у чойнакни олиб, чойни икки-уч қайтариб ўзи қуяр ва кейин чойнак копқоғини шакирлатиб, колган бир ютим чойни сўнгги томчисига қадар пиёлага ағдарар эди-да: «Ич, энг тотлиси шу!» — деб пиёлани менга тутар эди.

1947 йилда ўзимизнинг машинамиз бўлгач, якшанба дам олиш кунлари сира уйда ўтирмайдиган бўлдик Шундай юришларимиз учун махсус тахланадиган стол ва стуллар, караватлар, гиламча-ю кўрпача-ёстиклардан тортиб, кичкина самовар, бир картон кутида чойнак-пиёла, қора чой-кўк чой, пичок, қошиқ, туз, қалампир, ҳатто ёрилган ўтингача тайёрлаб қўярдик Баъзан йўлимиз чўл-кирларга тушадиган бўлса, ҳаттесиша баллонда сув ҳам олиб юардик.

Шофёр ёрдамчим эди; дарров кичикрок белча билан ўчоқ қавлайди; мен паловга уринаман; саримсоқлар солиб, аччиқ палов дамлаймиз. Уфқдан-уфққа қадар кўринадиган кенг кирда ош еймиз, чой ё қимиз ичамиз. Кучок-кучок лола терамиз. Бундай истироҳатларнинг нашидаси, ороми, роҳати кўнгилларимизга тўлади. руҳларимиз енгиллашади.

Хар якшанбани зорикиб кутамиз. Тошкент атрофида бормаган жойимиз қолмаган. Узум пишган пайтдан бошлаб Пискентга катнаймиз. У ерда шираси энг кўп қора кишмиш бўлади. Қайтишда 200—300, ҳатто 400 кило узумни сотиб олиб, машинага ортамыз. Айниқса «ЗИМ» машинамизнинг юкхонаси кенг эди. Бир куни Пискент бозорида бир чол юкхонаси очик турган машинамизни ҳавас билан томоша қилиб, «Ўзиям бир уй-у бир айвон экан!» — деган.

Ўйимизда салкин ертўла, катта-катта хумлар, қатор-қатор сиша баллонлар бор. Кейинги йилларда майга уста армани ошналар кўмаги ила узум эзадиган пресслар ясаттириб олганмыз. Ёқутдай қирмизи, тиник май етишади, айниқса 4-5 кунда сузилгани кўпириб турган, шарбатдай хуштаъм бўлади, уни пиёлалаб ичиш мумкин.

Ойбекқа ичиш мумкин эмас, лекин кейинги йилларда докторларнинг ижозати ила у оз-оз ичиб қўяди. Ўзи кўп ичмаса ҳам, мусаллас солишни севади — бу унинг эрмаги. Ўғиллар ўсиб, йигитчалар бўлган. Улар дўстлари билан йиғилганларида кўза-кўза мусалласни ертўладан олиб чиқадилар. Ойбек буни кўриб, қулиб ўтиради. Баъзан Гулранг: «Сифондан ичиб, тўйиб қол-

дим», — деб кулдиради, бизни. 700—800 кило узумдан солинган мусаллас шу тарзда йил бўйи ичилади.

(Мана, ҳозир ўғиллар винони дўкондан ташийдилар: лекин маза-матраси йўқ, тахир ё аччиқ, ўзимизникидек хуштаъм ва хушичим эмас.)

Докторлар ҳам, табиблар ҳам Ойбекка ҳўл мевани кўп ейишни буюрганлар. Мен ишга кетишдан олдин, сахарлаб Эски шаҳар бозорига тушаман. Бозордагилар ҳам мени таниб қолган. Устимда ўзбекча тикилган оқ товар кўйлак (бундай кўйлакни камданкам кияман, ҳатто атласни ҳам азалдан оврупоча тиктирар эдим), кулоқларимда катта Покистон ҳалқаси, бошимда гулли сариқ дурра. «Опа, мендан олинг!» деб чақирса бир ёш йигит, «Анжирнинг сараси шу, бозорни минг айланинг, бундақасини тополмайсиз!» — деб ўз молини таъриф-тавсия қилади бир кампир.

Тоғора ва челақларни тўлатиб, хил-хил узум, анжир ва шафтоли оламан. Уйга келтириб — кўнглим тинч — ишхонага жўнайман.

Қишга, Ойбекка фойдали, деб шиша-шиша идишларда шафтоли, анжир, беҳи қиёмларини тайёрлайман. Ойбек буларни дори деб ихлос билан ейди. Қора итузум-смородинани ҳам шакар билан аралаштириб, фойдали, деб Ойбекка бераман.

Саратон пайтларида бир кунлик сафарлардан ташқари, иссиқдан қочиб, Октош, Бричмулла, Пискент туманларида бир ойлаб дам олар эдик. Ойбек СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларига Қорақалпоғистондан сайланадиган бўлганида, ҳар вақт унинг сайловолди сафрларига мен ҳам йўлдош бўла бошладим. Олий Совет сессияларига ҳам бирга бориб, У Кремлга, мажлисга кетганида, мен меҳмонхонада қолиб, унга мос таомларни буюриб турардим. У танаффус пайтида келиб, овқатланар эди.

* * *

Ойбек 1943 йил 7 апрелда Улуғ Ватан уруши ҳақидаги «Қуёш қораймас» романини ёза бошлади. Газеталардан кўп материаллар йиғди. Юқорида айтиб ўтганимдек, уч ойдан ортиқ фронтни оралаб, уруш сўқмоқларида кезиб, Маскав бўсағаларида жон олиб, жон бераётган ўзбек, қозок, рус, украин жангчилари ила суҳбатлашиб, уларнинг кайфиятлари, феъл-атворлари, қаҳрамонлиқларини мушоҳада этди. Уруш тўхташи

ила Сталинградга бирга бордик; емирилган, куйган, хароба кишлок ва шахарларни, ағдарилган, яраланган далаларни кўрдик. Сафардан қайтгач, соғ даврида романнинг дастлабки 302 саҳифасини ўз кўли ила ёзди. Лекин турли сабабларга кўра, асарни ўша даврда тугата олмади. Секин-аста соғая бошлагач, у романнинг қолган қисмини менга айтиб турди, мен ёздим.

Ойбек ўша кезларда менинг ишдан келишимни ошиқиб кутарди. «Овқатдан, чой ич, ёзамиз. Миямда ҳаммаси тайёр, тахтланган, тезроқ айтиб берсам», — дер эди у шошиб. Мен икки-уч соат давомида ёзаман. Кейин: «Бас, Ойбек, чарчадингиз!» — дейман. «Йўқ, чарчамадим, яна жиндай сабр қил», — дейди у. «Сизга кўп ишламоқ мумкин эмас», — десам, қулоқ солмайди.

Хуллас, роман 1957 йили тамомланди, 1959 йилда эса нашр этилди. Кечикмай рус тилига ҳам таржима этилди. Ойбек орада шеърлар, майда илмий мақолалар, «Бобом» достони, «Болалик» қиссаси, ҳатто Покистон халқи ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Нур кидириб» қиссасини ҳам ёзиб тугатди.

Ойбек «Болалик» қиссасини 1943 йил июнида бошлаб қўйган ва 12 саҳифасинигина ёзган экан. Хасталик даврида яна шу асар устида ишлаб, уни 1963 йили китоб шаклида нашр этди. Қисса рус ва украин тилларига ҳам таржима этилди, Ҳамза номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди.

«Нур кидириб» қиссаси устидаги иш 1950 йил 9 февралда бошланган. Ойбек дастлаб асарнинг 143 саҳифасини ёзди, кейин уни хасталик даврида тамомлади. Асар 1958 йили ўзбек тилида, 1959 йилда эса русча таржимада босилиб чиқди.

«Алишернинг ёшлиги» қиссаси ҳам нақ шундай бошланиб, 50-йиллар охирида тамомланди. Вафотидан сўнг, 1976 йилда нашрдан чиқди.

Юқорида тилга олинган асарларнинг барчаси Ойбекнинг соғ вақтида режаланган ва бошланган эди. Аммо унинг бутун вақти ва кучи академия ҳамда Ёзувчилар уюшмасида сарф бўлганлиги сабабли улар ўз вақтида тамомланмай қолган. Ойбек буларни хасталик пайтида сўл кўли билан ёзишга уринди ё менга айтиб турди.

Ойбекнинг хасталик йилларида ёзган асарларининг ўзи бир талай. Бунни кўриб, унинг дўстлари, айниқса, ҳайратланар ва: «Ойбек соғ ёзувчилардан кўра ҳам самарали ишламоқда», деб суюнар эдилар.

Ойбек эса қачон тузаламан, деб жуда хафа бўларди. Мен «Сабр қилинг, соғлигингизнинг шунчалик тузалиб қолганига шукр қилинг», деб уни овутишга тиришар эдим.

Унинг 1959 йил 15 август куни ёзган бир шеърини ўқисам, юрагим эзилиб кетади. Сиз ҳам ўқиб кўринг, балки сиз ҳам Ойбекнинг ўша кезлардаги ҳолатини аниқ тасаввур этарсиз:

*Хастамен... Фикрга, туйғуга тўйиб —
Ой менга ҳамқадам — сокин юрамен.
Соғайсам бир куни ёзамен тўйиб,
Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен.*

*Кечалар юрурмен телбадай ҳориб —
Бошимда ой борур-менга ҳамқадам.
Хаёллар учади машъалдай ёниб,
Тўйиб ёзажакмен бир кун соғайсам.*

Ойбек 17 йил давомида оғир хасталик ила мардона курашди. Мен унинг кундалик кайфиятини, тилагини, умидини кўриб бордим; бирга ҳис қилдим, бирга қадам босдим. Шу сабабдан бўлса керак, бу шеърини — унинг қалб ноласини, умидини тинч ўқий олмайман.

* * *

Ўғиллар катта бўлиб қолишди. Уй торлик қила бошлагани учун ҳовлининг тўрига пишиқ гиштдан икки қаватли уй қурдик. Энди пулимиз ҳам етарли, дўконларда қурилиш материаллари ҳам сероб, қийналмадик. Шипларни ганчлаб, шарафалар билан кўркамгина уй қуриб олдик. Табиблар ҳам Ойбек офтобрўй уйда яшасин, деб маслаҳат берган эдилар. Бу ҳам янги уй қуришимизнинг сабабларидан бири бўлди. Ойбек, мен ва кичик ўғлимиз Суёнбек 1958 йилда шу янги уйга кўчиб ўтдик.

Шу йили Тошкентда Осиё ва Африка ёзувчиларининг биринчи конференцияси ўтиши мўлжалланганлиги сабабли, биз уйни шошилинч равишда қуриб тугатган эдик.

Конференцияга келган меҳмонлар орасида Н. С. Тихоновга ўхшаш Ойбекнинг яқин дўстлари, покистонлик Файз Аҳмад Файз, шоир Ҳофиз, Ирок ва Жазойирдан, Непал ва бошқа мамлакатлардан келган ёзувчилар бор



эдилар. Ойбек ҳали тузалиб кетмаган бўлса-да, конференция ишида иштирок этди, сўнг Тошкентга келган меҳмонлар шарафига катта зиёфат берди. Зиёфатда камокхонадан эндигина бўшаган Файз Аҳмад Файз ҳам иштирок этди. Мен унга Ойбекнинг «Нур қидириб» қиссасини ҳадя этар эканман, асардаги Муҳаммад Жамол образи унинг жанговар ҳаёти асосида яратилганини айтдим. У хурсанд бўлиб, асарни пушту тилига таржима қилажақларини айтди.

1958 йил декабрида Ойбек Масқавга, СССР Олий

Совети сессиясига борадиган бўлди. Мен бу сафар уни Омонбек билан жўнатдим.

31 декабрь куни Омонбек тўсатдан телефон қилиб қолди:

— Ойи, зинҳор кўркманг! Дадам операция бўлди... Кўр ичак. ...Операция яхши ўтди... Қайфияти, аҳволи яхши... Келишингизни кутаман, — деди у.

Мен ўша замони аэропортга чиқдим. Самолёт кеч соат 10 ларда Маскавга келиб қўнди. Эрта билан Омонбек мени Кремль касалхонасига бошлаб борди. Юрагим хапқиқини босолмайман — тезроқ Ойбекни кўришга шошаман. У бўлса, мендан аразлабди; гўё бирга келмаганим, Омонбек билан жўнатганим учун кўр ичаги оғриган, операция бўлган ва қийналган эмиш.

Маълум бўлишича, Ойбек депутат дўст-ёрлари билан сессия тамом бўлмасидан поездга билет олганлар. Обид Содиқов билан Ҳабиб Абдуллаев эса билетларни топшириб, икки кундан кейин поездда кетишни маслаҳат қилибдилар, «Бирга кетамиз, поездда кўпчилик бўлиб кетсак, зерикмаймиз», — дебдилар. Ўша куннинг эртаси Ойбекнинг тоби қочиб қолибди. Докторлар ошиқич равишда операция қилиш лозимлигини айтиб, касалхонага олиб кетибдилар. Операция икки соату 15 дақиқа давом этибди. Ойбекнинг кўр ичаги йиринглаб, ёрилиб кетган экан. Агар Ойбек икки кун илгари поездга чиққанида, йўлда бирор врач унинг ҳаётини сақлаб қолаолмаган бўларди.

Мен Ойбекка тушунтирдим: «Яхшики, мен келмаганман. Агар мен бўлганимда, ўртокларингизнинг гашига қараб, билетларни топшириб ўтирмасдим. «Янги йилга болалар олдига борайлик», деб кути-кути конфет, печеньеларни кўтариб, йўлга судраган бўлардим, сизни. Кўр ичак хасталиги ҳазил гап эмас. Поездда оғриқ бошланар экан, худо кўрсатмасин, вагонда ёмон бўлардингиз. Қутқариш қийин бўларди. Бахтингиз бор экан, Маскавда бўлибди, бу воқеа», дедим.

Ойбекнинг қулоқ ҳам солгиси келмади. Юзини ўгириб олди. Мен унинг юзини, пешонасини силаб, қайта-қайта гапирдим, тушунтирдим:

— Хафа бўлманг! Хурсанд бўлиб ётинг! Шунда тезроқ соғаясиз. Бир фалокатдан қутулибсиз, — дедим.

Унинг чехраси секин-секин очилиб, қайфияти тузук бўла борди.

Мен ҳар куни эрталаб ва кечкурун икки марта

Ойбекнинг олдига бораман, соатлаб ўтираман. Уни буни гапириб, газета ўкиб, вақтини хуш ўтказишга тиришаман.

Омонбек икковимиз икки ой давомида «Оврupo» меҳмонхонасида турдик. Шу вақт ичида Тошкентдан «Куёш қораймас» романининг таржимасини бизга етказдилар; Ойбекдан таржимани кўриб, нашрга рухсат беришини сўрабдилар. Таржима эса ниҳоятда ёмон, ҳатто асар қурилиши, боблар тартиби бутунлай бузилган эди. Мен Омонбек билан маслаҳатлашиб, таржимани Ойбекка кўрсатмасликни маъқул кўрдим. Шундай ёмон таржима билан унинг кайфиятини ва тинчлигини бузиш яхши эмас эди. Мен таржимани қабул қилмаслигимизни айтдим. Таржимон Одинцов деган киши эди. Узудлик билан Тошкентдан етиб келди. Мен таржимани бирма-бир варақлаб, йўл қўйилган хатоларни кўрсатдим ва таржимани мутлақо рад этганимизни аңглатдим.

Ўзбекистон Марказқўмининг котибларидан бири Зухра Раҳимбобоева шу кезларда Маскавда экан, менга қўнғирок қилиб, ранжиганини айтди. Мен Зухрахонга романининг тамоман бузиб таржима қилинганини айтдим. «Таржиманинг сифати ҳақида умуман гапирмайман. Ҳатто воқеалар тартиби бузилган, асар бошидаги боб охирига, охириги боб асар бошига олинган, таржимон ўзича яна нималарнидир қўшишга уринган. Бу қандай бемаънилик!» дедим. Зухрахон шундан кейингина пастга тушди.

Ойбек касалхонада икки ой ётгач, уни Маскав атрофидаги «Боровихи» санаторийсига ўтказдилар. Биз Омонбек икковимиз Тошкентга жўнадик. Ойбек бир ойдан сўнг соғайиб, уйга қайтди.

1959 йилнинг май ойида Омонбекнинг тўйини ўтказдик. У Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг қизи Хулқарга уйланди. Тўй катта бўлди: қариндош-уруғлар, ошна-оғайнилар кўп эмасми, улар бир неча кун давомида келиб, келин-куёвни, бизни қутлаб кетдилар.

Ўша йилнинг қузида биз — Ойбек икковимиз, Гафур ака эса Мухаррамхон билан «Ожария» теплоходида Ўрта ер денғизи мамлакатлари бўйлаб саёҳатга чиқдик. Одессада теплоходга ўтирар эканмиз, сайёҳлар орасида Тошкентдан ва бошқа республикалардан келган кўпгина танишларимизни учратдик. Теплоход Истамбул оша Ўрта ер денғизга ўтди. Биз бир кунгина Истамбулни айландик. Босфор қўлиғидан ўтаётганимизда, кема капитани уни жаҳондаги энг гўзал жой,

деб таърифлади ва бу ҳақиқат эди. Теплоход навбат-ма-навбат Ливан, Миср, Юнонистон, Италия, Франция сохилларидан ўтди. Кўпгина жойларни кўрдик. Айниқса, денгиз оғушида дам олиш фароғатли бўлди. Соатлаб палубада ўтириб, тоза денгиз ҳавоси билан нафас олдик. Уфқдан-уфққа чўзилган мовий кенглик дилимизга ором ва роҳат бағишлади.

Ойбек шу саёҳатдан «Ўрта ер денгизида», «Байрут» деган шеърлари билан қайтди.

Ўша пайтларда Марказқўмнинг биринчи котиби Шароф Рашидов бўлиб, у баъзан-баъзан Ойбекнинг соғлиғидан, аҳволидан хабар олгани келиб турар эди. Бир куни суҳбатлашиб ўтирганимизда, Шароф ака Ойбекка Хитойга боришни тавсия қилди. «Хитойда игна билан даволаш йўли мавжуд, балки у Сизга ёрдам бериб қолар», — деди. Шароф аканинг бу фикри бизга жуда маъкул бўлди. Саркотибнинг ўзи тез орада йўл коғозларини ҳам тўғрилаб берди. Бу 1960 йил эди. Биз тўғри Пекинга қараб йўл олдик. Тўққиз кун давомида поездда юрар эканмиз, айниқса, Бойкўл атрофидаги гўзал манзараларни кўриб, қалбимиз сурурга тўлди. Пекинга етиб келишимиз билан Совет ваколатхонасига бориб, бош вакил билан танишиб, сўзлашдик. Ваколатхонанинг янги қурилган биноси катта, кенг ва кўркам эди.

Хитойда мўътабар ёшдаги чолларни «лов» дер эканлар. Пекинда тўрт нафар лов табиб бор экан. Булар Мао Цзедунни ҳам даволашар экан. Шулардан бири — Ен лов Ойбекни игна билан даволади. У ҳар куни олтин игналарни Ойбекнинг қўлларига, умуртқасига, бўйнига қадайдди. Мен бу манзарага ҳатто қарагани ҳам кўрқаман, Ойбек эса чидаб, кулиб ўтиради, ихлос ила даволанади.

Бизга Пекин шифохоналарининг биридан палата ажратган эдилар. Ойбек шу палатада ётиб даволанади. Мен ҳар куни Пекин кўчаларини айланиб келаман. Шаҳардаги марказий кўчалардан бири Ванфузи бўлиб, унда жойлашган кичкинагина бир дўконда Совет Иттифоқида чиқадиган газета ва журналлар сотилар экан. Мен ҳар куни шаҳар айланиб, бир даста газета ва журналлар келтираман ва Ойбекка ўкиб бераман. Зериккан пайтларимизда шу наشرлар жонимизга оро киради.

— Гапир, Зарифа, — дейди Ойбек караватда ўтириб.

Мен ўтган-кетган, қачондир ўкиган ёки бувимда эшитганларимни, Туркистонга руслар келганида, биллашқарбоши бутун Иқон кишлоғи аҳлини бир кечада Тошкентга кўчириб юборганини, бу қувғиндилар қарвонида олти яшар бувимнинг ҳам бўлганини, уларнинг Тошкентда кечган ҳаётини сўзлаб бераман. Тошкен ҳам таслим бўлганида, Иқон аҳолисининг яна ўз юртига қайтиб кетганини гапираман.

Кўкон хонлиги руслар томонидан забт этилганида, сўнг Худоёрхонни Петербургга олиб кетишган, унинг оиласи эса Туркистонда қолган. Шунда бувим, хон ойим ҳузурига бориб, у билан танишган. Орадан неч ойими, йилми ўтгач, хон ойим Худоёрхоннинг ҳарамини тарқатиб, қанизақларни эрга берган, ўзи эса оиласини Тошкентга кўчириб кетган. Мен бекорчиликдан Ойбекка шу ҳақда эшитганларимни ҳикоя қиламан, Навоий Ғузулий ғазалларини ёддан ўкиб бераман. Кейин Ойбекнинг ўзимга ёққан шеърларидан намуналар ўқийман. Мана, масалан, буни:

*Умрим бор, мафтунмен мангу чиройга,
Қуйлаймен созимда унинг сирини.
Онамнинг қўлида талпиниб ойга,
Қўлларим чўзаркан, туйдим сеҳрини...*

Сўнг бувимдан эшитган кичик-кичик масаллар, лапарларни, ўзимнинг болалик хотираларимни сўзлаб бераман.

Мен кўп нарса билмайман. Билганларимни бир неча кунга чўзиб гапириб тугатганимдан кейин Ойбек яна «гапир», дейди. Шуларни тағин такрор қиламан. Ўзимизнинг ўтмишимизни эслаб, қуламан. Хуллас, вақтни шу тарзда ўтказдик. Ойбек икковимиз икки-уч марта шаҳарни айландик; коммуналарни, императорнинг ёзги боғини томоша қилдик, музейларга бордик. Шаҳар четроғида рус мутахассислари учун махсус қўрилган жуда гўзал бир манзил бор экан, уни бориб кўрдик учрадик.

Шу орада Пекинга бориб қолган бир-икки танишларимиз Ойбекнинг ҳузурига келиб, аҳволимиздан ҳаба олдилар. Мен ваколатхонага бориб, Тошкентга, Ўзбекистон Олий Советига қўнғироқ қилдим, бизнинг уйдаги болаларни эртаги кунга, маълум бир соатга чақириб беришларини сўрадим ва эртаси бориб, болалар билан сўзлашдим. Ҳаммасининг соғ-саломатлигини эшитиб

Ойбек олдига хурсанд ҳолда етиб бордим-да, эшитганларимни бир-бир айтиб бердим. Ойбек ҳам роса мамнун бўлди.

Хитой халки ниҳоят камбағал эди; еган-ичганининг тайини йўқ; ўтин йўклигидан ҳатто уйларида чой ҳам кайната олмасдилар. Эрталаб кўраман: ишга кетаётган ҳар бир кишининг қўлтиғида, албатта, биттадан термоси бўлади. Кечкурун ишдан қайтишида сув келтиради; егани карам билан гуруч, ҳолос.

Аммо жуда сабрли, захматкаш халқ. Кўчалардаги йўлкаларни бузиб, сабзи-пиёз экишади. Шифохонадаги барча ходимлар, ҳамширалар, докторлар шифохона ҳовлисида экин қилиб, иш вақтидан сўнг ер чопишади, ўтоқ қилишади, ҳасталар овқати учун сабзи-пиёз тайёрлашади. Барининг оёғида, ҳатто профессорларида ҳам латтадан кавуш. «Таажжуб қилмангиз, — дейдилар бизга, — Хитойда 750 миллион аҳоли яшайди. Агар бир йилда икки жуфтдан пойафзал кийсак, 1,5 миллиард пойафзалга чарм етказиб бўладими?» Балки уларнинг бу мулоҳазалари тўғридир...

Ез кунларида Пекиннинг сассик ҳавосига чидаш ғоят қийин. На кеча, на кундуз роҳат бор. Деразани ёпсангиз — бўғиласиз, очсангиз — сассикдан кўнглингиз айнийди. Эшикларда чоллар, ҳатто кампирлар ҳам фақат лозимда, қарийб яланғоч ўтирганларини кўриб, Ойбек бир куни ҳайратдан тўхтаб қолди, ҳатто! Уялмасинлар, деб қўлтиклаб сургаб кетдим, уни.

Уша 1960 йилда Хитой зоҳиран тинч кўринар эди. Биз олти ой давомида Пекинда бўлишимиз мумкин эди, лекин жуда зерикдик ва уч ойни баъзўр ўтказгач, кетмоққа қарор қилдик. Мен ваколатхонага югурдим. Бош вакил сўзимни эшитиб, суюниб кетди:

— Яхши қиласиз, замон ғоят нотинч! Зарур бўлса, фурсати келганда, тағин келарсиз. Тезроқ жўнашга ҳаракат қилинглар, — деди.

У бир жойда ўтира олмас, иши жуда кўп, серташвиш ҳолда хонадан-хонага шошилинич югурар эди.

Шифохона ходимлари бизни очик юз ва самимият ила гуллар тутиб жўнатдилар.

Биз билан бирга кўпгина совет мутахассислари ҳам қайтишди. Шунда биз Хитой ҳукуматининг бизга нисбатан феъли айнай бошлаганини пайкадик.

Шифохонада қашқарлик Анвар исмли бир козок йигит (у ички ишлар вазирининг муовини) билан яна бир уйғур (нефть бошқармаси бошлиғи) ҳам даво-

ланмоқда эди. Уларнинг ҳар иккови ҳам жуда са-
мимий йигитлар эди. Биз кейинчалик улардан бир-
икки марта хат олдик, жавоб ёздик, кейин алоқа
узилди. Сўнг Қашқардаги фожиали воқеалардан
кейин, билмадим, уларнинг аҳволлари не бўлди
экан?

Бир куни Анвардан сўрадим:

— Хитойлар курт, илон ва шунга ўхшаш жони-
ворларни ер эмишлар, шу гап тўғрими?

— Одамнинг гўшtidан бўлак барини ейдилар,—
жавоб килди у.

Жўнашдан бир кун аввал биз Анвар билан дў-
конларни ораладик. Дўконларда сотувчилар харид
қилган молни қўлимизга топшириб, ақчадан қолган
чақаларни менга берганларида, ҳар гал санаб, сум-
камга соламан. Бир оз юрганимиздан кейин Анвар
уялибгина, деди:

— Зарифа опа, ақчани берганларида, санамай
олинг. Булар хафа бўлади.

Мен дарров тушундим, албатта.

Пекин-Москва поездининг вагон-ресторанида Пе-
кинда берилган талонга овқатланиб ўтирибмиз.
Гўшти чайнайман — тишим ўтмайди. Ойбек эса
менга қараб, кулиб ўтирибди.

— Нега куласиз? Гўшт қари молники, шекилли!

— Эшакнинг гўшти бўлса керак,— жавоб қил-
ди у.

Мен қўлимдаги қошиқни столга отиб ташладим:

— Аввалроқ айтсангиз бўлмасмиди?!

Ойбек қаҳ-қаҳ отиб кулди.

Чегарадан ўтишимиз билан проводникдан илтимос
килиб, поезд йўлдаги бирорта катта шаҳарда тўхтага-
нида, Тошкентга қўнғирок қилишларини сўрадим. Нав-
батдаги бекатда тўхтаганимиз ҳамон вагонимиз томи-
да оёқ товушлари эшитилди. Деразадан қарасам, ваго-
нимиз почта биноси олдида тўхтаган экан. Шу пайт
вагонда қўнғирок жаранглади. Югурганимча даҳлизда-
ги телефон олдида бордим: симга бизнинг уйимиз улан-
ган эди. Болаларнинг овозини эшитиб, азбаройи су-
юнганимдан юрагим хапприкиб кетди, ўзимни йўқотдим,
тўйиб-тўйиб сўзлашдим. Эшитган ҳар бир сўзимни
оқизмай-томизмай Ойбекка қайта-қайта сўзлаб бердим.

Поезд тагин йўлга тушди. Маскавда бизни Бекжон
хотини Ойниса билан кутиб олди.

Омонбек 1955 йили Маскав давлат дорилфунунининг тарих факультетини битиргач, Тошкент давлат дорилфунунининг аспирантурасида ўқиб, номзодлик диссертациясини ёклади. Ҳозир у шу дорилфунунда кафедра мудири, доцент. Уч қизи, бир ўғли бор. Омоннинг хотини Хулкар — катта келиним эса филология фанлари номзоди, адабиётшунос.

Бекжон Маскав давлат дорилфунуни биология факультетида таҳсил кўриб, аспирантурани ҳам шунда ўтди, фан номзоди илмий даражасини ҳам шунда олди. Докторлик диссертациясини ҳам Маскавда ёклади. Ҳозир у академик, СССР Давлат мукофотининг лауреати.

Гулранг Тошкент давлат дорилфунуни Шарқ факультетининг форс бўлимида ўқиб, 1959 йили уни тугатди. У араб тили ва адабиёти ила машғул бўлди. Боғдод дорилфунунида ҳам олти ой таҳсил кўрди. У ҳам фан номзоди, доцент; Шарқ факультетида араб тилидан дарс беради. Икки ўғли ва бир қизи бор. Қизи Асал жуда чиройли шеърлар ёзади. Шеърлари кўнглидан шалолодай қуйилади, суюнаман. Ўғли Нозим эса расом.

Кичик ўғлимиз Суюнбек кимёгар, полимер кимёси бўйича мутахассис эди. 1962 йили таҳсилни тамомлаб, аспирантурани ўтди. Дорилфунуннинг физик кимё кафедрасида номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳам ёклади. Хотини Дилбар — синглим Шарофатнинг қизи. Унинг илмий келажаги янада умидли эди. Афсус, умри қисқа экан. Аммо ундан бир ўғил ва икки қиз хотира бўлиб қолган. Ойноз ўйин тушишни жуда яхши кўради, билмадим, балерина бўладими у? Ўзи ниҳоят менга ўхшайди, ҳамма таажжубланади.

Биз Хитойдан қайтганимизда, ойим хаста эди: у каттик шамоллаган, оғир йўталади. Қасалхонага ётқизишдан бошқа илож йўқ эди. Бир ой даволанганидан сўнг уни уйга олдик. Бойкиш икки ҳафта ётиб, 76 ёшида вафот этди. У ҳаётдан кўз юмар экан:

— Беш қизимни ташлаб кетяпман, — деди.

Биласиз, биз — бешала қиз — ҳаммамиз отасиз ўсдик. Ойим ҳам она, ҳам ота меҳрини берди бизга. Энди биз бутунлай етим қолган эдик.

Мана, ҳозир онадан айрилганимизга ҳам кўп йил бўлди. Аммо юракдаги дард, яра хануз ўчмайди. Онам-

нинг сиймоси, хотираси, сўзлари ҳамиша ёдимда, кўз ўнгимда туради.

«ДОНОЛАР ЎТДИЛАР...»

Ойбекнинг боши тўла фикр... хаёл... Унинг бутун борлиғи, улуғ бир уммон сингари, кўпиради, кайнайди, тошади.

У шеърлар, дostonлар, романлар ёзишда давом этди. «Алишернинг ёшлиғи» қиссаси, «Улуғ йўл» романи устида ишлади.

У бутун умри бўйи Навоий ҳақида ўйлади, Навоий ҳақида ёзди. Унинг бу сатрлари бежиз битилмаган:

*Тарих сўқмоқлари изимдан чўтир,
Хар бир хок шивирлар: «Бир лаҳза ўтир...»
«Қушлар тили» пири — юракда тилак,
Излаймен марварид — қўлимда элак.*

Ойбек бутун умри давомида ана шу элак билан Навоий оламидан марваридлар терди. У академия таъсис этилишидан анча илгари Фанлар комитетида ишлаб юрган чоғида Навоийнинг таржимаи ҳоли ва ижодиёти хусусида «Навоий ҳақида» деган бир асар ёзган экан. Бу Ойбекнинг 30-йиллардан бошлаб «Равзат усафо» сингари мўътабар тарихий манбаларни, Навоий ҳақидаги кўплаб санадларни, шунингдек, Навоий асарларини мукаммал ўрганиши асосида ёзилган тадқиқот экан. 1937 йилнинг фожиали кунларида Ойбекнинг бу қўлёзмаси йўқолган. Фанлар комитетидан ишдан бўшатирилганида, Ойбекнинг ўзи ҳам бу тадқиқотни талаб қилиб олмаган.

Орадан неча йиллар ўтди, Ойбек «Навоий» романи учун давлат мукофотини олди, академик бўлди, депутат бўлди... Замон тинчиди, бошимиздан ваҳимали булутлар кўтарилди... Биз ташвишлардан қутулдик, кўнгилларга тинчлик ва ором тўлди... Факат ёлғиз қайғумиз Ойбекнинг хасталиғи эди. У хафа бўлса, «Қайғурманг, тупроқ устида юрибмиз, шунинг ўзи бахт!» — дер эдим, ҳамиша. Шунда у «тўғри», дегандай, кулимсираб қўярди.

Шундай шукрона кунларнинг бирида кутилмаганда, ўша қўлёзма топилди. 1955 йилнинг мартада Порсо Шамсиев қўлёзмани кўтариб келди. Академия архивлари, кутубхонадами ишлаб ўтирганида, топиб олибди

уни. Қўлёзма 236 саҳифадан иборат бўлиб, гунафша сиёҳда ёзилган эди. Лекин 236-саҳифада жумла тугамасдан узилиб қолган. Шунинг ўзи кўрсатадики, тадқиқотнинг сўнгги саҳифалари йўқолган; у муқаммал эмас. Мен бу нодир қўлёзмани топиб келгани учун Порсо домлага кўп ташаккурлар айтиб, дарров бир папкага жойладим, қачон йўқолгани ва қим қачон топиб келтирганини ёзиб қўйдим.

Агар бу қўлёзма бошқа бирор нопок одамнинг қўлига тушса, у балки Порсо ака сингари олиб келмаган, аксинча, ўз номидан чиқаришга уринган бўлармиди, билмадим. Аммо Порсо ака сингари фаннинг ҳалол заҳматкашлари бундай қинғир ишга асло қўл урмаганлар ва урмайдилар ҳам. Зеро, улар учун қаерлардадир чанг босиб ётган қўлёзмаларни халққа қайтариш, ҳақиқий муаллифларини аниқлаш ва шу муаллифлар хизматини тиклашдан кўра шарафли иш йўқдир. Ойбекнинг бутун умри ана шундай хайрли ишларни қилишга бағишланган эди.

Мен 1961 йили бу асарнинг охири йўқлигига ва Ойбекнинг эътироз билдирганига қарамай, «Ўзбек тили ва адабиёти» журнаlining уч сониди нашр эттирдим. Ўйлайманки, хато қилмадим. Дўстларнинг айтишларича, Навоий ҳақида бундай теран ва салмоқли асар ҳанузга қадар ёзилмаган эди. Чиндан ҳам, бу илмий асарни бир дoston каби ўқийсиз, шундай гўзал услубда ёзилган у!

Ойбекнинг Навоий ҳақида йиққан санадлари ниҳоят кўп эди. Агар у яна бир неча йил яшаса, Навоий ҳақида янги-янги илмий ва бadiий асарларни яратган бўларди. Бунга зарра ҳам шубҳам йўқ.

Китобхонлар яхши биладилар: Ойбек учун икки мавзу айниқса муҳим бўлган. Бири «Қутлуғ кон» романида ўз тасвирини топган ўзбек халқининг XX асрдаги тарихий тақдири билан боғлиқ мавзудир. Иккинчиси эса Навоий ва, умуман, теҳурийларнинг ўзбек халқи тақдиридаги роли.

«Қутлуғ кон» пайдо бўлганидан бери китобхонлар Ойбекка мурожаат этиб, романнинг давомини ёзишни қайта-қайта илтимос қилганлар. Аҳййри, Ойбек умрининг сўнгги йилларида «Улуғ йўл» романини яратди. Агар Ойбек бу даврда ҳийла соғаймаган ва мен билан бирга бозор-ўчарга бормаган, Йўлчи ва Гулнорлар, Ермат ва Мирзакаримбойларнинг тенгдошларини кўр-

маган, улар билан суҳбатлашмаган бўлса, «Улуғ йўл»ни ҳам ёзмаган бўларди.

Кичиклигидан халқ ҳаётини чуқур кузатиб, мушоҳада этишни севган Ойбек сўнгги йилларда ҳам бозорга борсам, менга эргашиб борарди; одамларнинг гапларини тинглашни, улар билан сўзлашишни, кўча, бозор, чойхона ҳаётини тамоша қилишни севарди. Темирчилар, бешикчилар дўконига бош сукиб чиқар, керак бўлса-бўлмаса тахта-ўклог, теша-болта сингари буюмларни сотиб олар эди. Тарихнинг ана шу тирик гувохлари билан учрашувлар уни «Улуғ йўл»ни ёзишга илҳомлантирганди.

Ойбекнинг 60 йиллиги Санъат саройида ўзбек маданиятининг байрами сифатида ўтди, халқ юбилей кеча-сида зўр муҳаббат ва самимият ила қатнашди. Кейин Маскавда, СССР Ёзувчилар уюшмасида Ойбекнинг 60 йиллиги нишонланди. Николай Семёнович Тихонов бошлик барча катта-кичик ёзувчилар йиғилдилар. Тошкентдан ҳам кўпгина ёру дўстлар, ёзувчилар, артистлар етиб бордилар. Лекин, шуниси жуда кизикки, республика ҳукумати ўша пайтда қабул қилинган одатга кўра, Ойбекка муносиб иззат-икром кўрсатишни нечундир ўйламади. Демак, уни ҳаста қилган кимсалар ҳали ҳам армондан чиқмаган эдилар. Ҳали ҳам Ойбекнинг катта обрўга эга эканлиги кимларгадир ёқин-қирамас эди.

Афсуски, Ойбекдек авлиёсифат инсонга ва улуғ ёзувчига бўлган бундай муносабат унинг вафотидан кейин ҳам баъзан-баъзан сезилиб туради.

Ойбек умрининг сўнгги йилларида совет мамлакатадаги ички сиёсат ўзгара бошлади. Темур ва Бобур номларини тилга олиш мумкин бўлди. Шунда Ойбекнинг юрагида узок йиллар яшириниб ётган ижодий режалар унга тинчлик бермай қўйди. Шундай қилиб, Ойбек шу даврда Бобур ва Темур ҳақида дostonлар ёза бошлади.

Мен «Бобур» дostonидан бир лавҳани (Ойбекдан сўраб) унинг 60 йиллик юбилейига бағишланган илмий сессияда ўқиб бердим. Лавҳа эшитганларга ғоят манзур бўлди. Кўп ўтмай, С. Липкин бу лавҳани рус тилига таржима қилди. Янглишмасам, Ойбекнинг 60 йиллик юбилейига бағишланган Маскавдаги кечада С. Липкиннинг ўзи бу таржимани ўқиб эшиттирди. Аммо на «Бобур», на «Темур» дostonларини тугатиш Ойбекка насиб этмади.

Сўнги дostonда анчагина яхши сатрлар бор. Ай-
никса, менга тубандаги сатрлар ёкади:

*Ер курра қўлимда — сиқсам ушалур,
Истасам йўлимда хонлар тўшалур...*

Бу сатрлар Темурнинг кудратини ҳам, қаҳрини ҳам
яхши кўрсатади...

Ойбекнинг (дostonдан сўнг) Темур ҳақида роман
ёзиш орзуси зўр эди. Хотирласам, юракларим конга
тўлади, сийналарим зиркираб кетади...

Ойбекни яхши билувчи кишилар унинг сокин кўча-
ларда ҳаёл оғушида юрган кезларини кўп кўрганлар.
У шундай пайтларда олис асрларга ҳаёлан кетар, гоҳ
Навой, гоҳ Бобур, гоҳ Темур ҳаёти саҳифаларини
варақлаб, улар ҳақида ёзажак асарларига йўл очар
эди. Унинг тубсиз ҳаёлда юруви ҳақида тубандаги
шеър тўла тасаввур беради: Уни ўқиб, ўзингиз ҳам
Ойбекнинг ижодий ҳолатини кўз олдингизга келтири-
шингиз мумкин:

*Кўнгилда ишқ кўп,
Чайқалур эркин.
Ҳаёллар тўп-тўп,
Чўмамен секин.*

*Фикр бетиним,
Унда не сир бор?
Дил ожиз, етим...
Ўйлаймен бекор...*

*Қуёш ҳам ботди
Астагина жим.
Борлиқ мушкулди,
Мен бир мунажжим...*

*Осмондан туман
Кўнгилга қўнар. —
Мен ғариб, сарсон,
Бир ёниб сўнар....*

*Юлдузлар хомуш,
Тўкадилар ёш —*

*Нақ хира фонус,
Дилга чўкар тош.*

*Юрамен ҳорғин,
Чашма — ҳовчимда
Нафаси салқин,
Қотди товшимдан.*

*Қўлимда китоб,
Ҳар сатри ёлқин —
Дунёга хитоб...
Фикрлар тошқин.*

*Тўхтаса фикр,
Мен ахир бир тош.
Эвоҳ, бу не сир?!
Ўйсиз-қовоқ бош.*

*Тинса тафаккур —
Қалбда мангу қор.
Ожиз тасаввур:
Ҳануз кўн сир бор...*

Ойбек кимиз ва кимрон ичишни севарди. Кунларнинг бирида биз кимиз излаб, Ёишт кўприк томон кетдик, аммо кимиз тополмадик. Якин ўртада топилмасмикан, деган ният билан бир қозокдан суриштирган эдик, у бир қариндошиникида кимиз борлигини айтди ва бизни ўша ерга олиб бормоқчи бўлди. Биз йўлга тушдик. Шофёримиз Рашид исмли бир татар йигит эди. Биз бояги қозокдан «Борадиган жойимиз узоқ эмасми?» деб сўрасак, у «Йўк, анов ерда, якин»...— деди. Тобольск, Ленинск, Шаробхонадан ўтиб, бозорга етгач, ўнгга бурилиб, тоғ оралаб кетдик. Қозок ҳамроҳимиздан «Қачон етамиз?» деб сўрасам, «Жетиб қолдик»,— деди. Йўл жуда оғирлашди. Машинага жабр бўлса-да, шунча йўл босиб, қайтиб кетишни истамадик.

Манзара ниҳоят гўзал... Чор атроф тоғ... Дарахтзор... йўлнинг икки томони кўм-кўк ўт... гул... Ҳаво ҳам хушбўй, тотли...

Тоғ йўллари борган сари кўтарилиб борди. Ахийри, бир жойда тўхташга мажбур бўлдик: тоғдан тошлар тўкилиб, йўл тўсилган эди. Орқага жиндай қайтиб, тоғ оралиғида, кичик бир саҳнда тўхтадик. Рашид билан қозок у ёғига пиёда кетишди. Биз Ойбек икковимиз қолдик. Жимжитлик... Чўлда биздан бошқа ҳеч ким йўк... Соатлар ўтмоқда... Қорнимиз очиккан... Машинада иккитагина нон бор... Мен нонларни кичик-кичик бўлақларга бўлиб, бир бўлагини Рашидга сақладим. Қолганини маза қилиб ошадик... Табиий, ташна бўлдик... Шу чокда барзангидай бир сап-сарик йигит отда ўтиб қолди. Ўзи немис экан, лекин қозок тилида мукамал сўзлайди. Саломлашдик, сўзлашдик. Қаерда сув борлигини сўрадик. У «Анов тошнинг ортида булок бор»,— деди-да, кетди.

Мен машинадан кастрюль олиб, чуқурликка тушиб кетдим. Ойбек машина олдида қолди. Ўрмалаб, пастга тушиб борардим, орқамга қарасам, машина ҳам, Ойбек ҳам кўринмайди, бутун бир жаҳонда ёлғиз ўзим... Ваҳимадан юрагим гурсиллаб кетди, дарҳол орқага қайтдим. Ойбек кўрингач, нафасимни босдим. Шундан кейин Ойбек жарликнинг четига келиб, мени кузатадиган бўлди. Энди унга мен ҳам, машина ҳам кўринади...

Мен булокни топиб, кастрюлга муздай, тиниқ сувни тўлатиб олдим. Сув шундай тотли эдики... тўйиб-тўйиб ичдик. Бирдан, аллақайдан қоп-қора булутлар бости-

риб келди. Кўп ўтмай, нақ бошимизда осмон ёрилгандай момақалдиҳоқлар кетма-кет қарсиллади, узлуксиз чакмоқлар отилиб, ёмғир қуйиб берди. Биз машинанинг деразаларини ёпиб, бир-биримизга ёпишиб олдик. Тоғларнинг гулларга тўла қоқ ўртасида табиатнинг ваҳимали ҳодисаларини кузатиб, ёлғиз икковимизнинг ўтиришимиз завқли ва нашъали эди, албатта... Яна соатлар ўтди... Ёмғир энди тингандай бўлган эди, Рашид билан қозоқ ошнаимиз кўринди. Қозоқ отда, тиззасида бир чирпит қимиз... Рашид отда юришни билмаганлигидан қўрққанми, оёқ кийимини ечиб, бошқа бир отнинг эгарига ташлаган, ўзи пиёда, елғари шимарилган ҳолда қимиз тўла шишани кўтариб, кулиб келар эди.

Қозоқ ошнаимиз бир отни етаклаб, иккинчисига миниб, оғайнилари олдига кетди. Рашид қозоқлар уни яхши меҳмон қилганини, қорни тўқлигини айтди. Биз унга қолдирилган нонни ҳам еб, тўйиб-тўйиб қимизни ичдик. Бу ҳам бир тотли саргузашт эди... Мен уни тез-тез эслаб тураман.

Ойбекнинг бир неча шеърларида ёз ёмғири тасвири учрайди. Масалан, мана бу шеърда:

*Осмонга ёпирилган қора булутлар,
Даҳшат-ла қуюлур қамчилаб ёмғир.
Ялт этиб ўчади олов қиличлар,
Борлиқ қалдирайди — ҳайбатли ур-сур...*

Еки бу шеърни ўқиб кўринг:

*Парча булут тўкилиб кетди:
Дув қуйилди марварид-ёмғир...*

Мана бу шеърдаги тасвир-чи!

*Шуълалар қуюлур тоғдан шалола,
Қоялар ясланган — қадим, буришиқ.
Булутдан соялар ўрмалар қирда,
Арчалар, бодомлар гўзал, қоришиқ...*

Мен бу сатрларни ўқир эканман, ўша ёмғирли ёз манзараси кўз олдимда жонланади. Балки Ойбек ҳам ўша куннинг тотли нашидасини шу тарзда ўзининг кўплаб шеърларига тўққандир...

1968 йилнинг бошлари эди. Бир куни Иззат Султон уйимизга бир журнални кўтариб келди. Журналнинг номи хотирамда йўқ. Хар ҳолда бундан кўп йиллар муқаддам чоп этилган рус тилидаги журнал эди у. Адашмасам, унда академик Семёновнинг бир мақоласи босилган ва бу мақолада Навоий ва Гули ҳақидаги халқ афсонаси келтирилган эди.

Иззат Султон журнални кўрсатиб, деди:

— Ойбек ака, атайин шу журнални сизга олиб келдим. Унда гўзал бир афсона бор. Навоий ва унинг севгилиси Гули тўғрисида. Яхши бўларди, шу афсона асосида бир дoston ёзсангиз... Афсуски, бундай дostonни ёзиш менинг қўлимдан келмайди. Бу сизнинг мавзунингиз...

Дастлаб афсона Ойбекка унчалик маъқул бўлмади. У журнални бир-икки варақлади-да, четга қўйди. Журнални қайтармоқчи эди — мен ёпишдим.

— Иззат ака,— дедим,— Ойбек кунт билан ўкиб чиқсин. Балки бирор кичикроқ дoston ёзар, чиройли афсона экан!

Шу воқеадан кейин икки ой ҳам ўтмади, Ойбек «Гули ва Навоий» дostonини яратди. Дoston бундай гўзал сатрлар билан бошланар эди:

*Асрларнинг сўкиб чокини,
Кўзларимга суриб хокини,
Тарихларни бир-бир титурмен,
Афсоналар топиб битурмен...*

Мен бу ажойиб дostonнинг ёзилиб қолгани учун Иззат Султондан кўп миннатдорман. Агар у бу латиф мавзунини таклиф этмаганида, дoston, албатта, яратилмаган бўлур эди.

Ойбек кўпдан бери Бухорога бориб, сўнгги амир ҳақида ва Бухоронинг 1917 йилга қадар бўғик, фожиали ҳаёти ҳақида асар ёзиш учун материал тўплаш ниятида юрарди. «Гули ва Навоий» дostonи тугагач, у ана шу ниятини рўёбга чиқаришга киришди.

Биз 1968 йилнинг апрелида Бухорога жўнадик. Бухоралик ёзувчилар ва адабиётшунос олимлар бизни

аэропортда кутиб олдилар. Меҳмонхонага жойлашганимиздан сўнг Саид Алиев бизни уйига, меҳмонга олиб кетди. Ойбек мезбондан Бухоро тарихидан ошно, инкилобда иштирок этган, сўнгги Бухоро амирини кўрган кексалардан топиб бермоқларини илтимос килди.

Эртаси биз ана шундай кишилардан бирини кутдик, лекин у келмади. Эшитсак, Бухоро педагогика институти талабалари меҳмонхона атрофида юриб, Ойбекни кўргани келган кишиларни киритмай қайтарган эканлар.

Улар Ойбек билан учрашув кечасини ўтказмоқчи эдилар, мен Ойбек ҳориб қолади, деб улар таклифини рад этган эдим. Талабалар эса Ойбекни эҳтиётламоқ учун меҳмонхона атрофида қоровуллик қилган эканлар.

Икки кундан кейин Ойбек ҳузурига бир неча чол ва кампирлар кела бошладилар ва Ойбек улар билан суҳбатлашди. Мен улар оғзидан чиққан сўзларни бир четда ёзиб ўтирдим.

Қабиҳлик, бадбахтлик ва золимликда Амир Олимхонга тенг келадиган хон кам бўлса керак. Муҳаррам фар сингари малай хотинлар Бухоро амирлигининг барча вилоят ва туманларини тинтиб, энг гўзал ва санам қизларни ўғирлар, баъзиларини зулм билан саройга келтирар эканлар. Агар бу қизлар амирга учрашганида, унинг райига юрмаса, ғазабланган амир «Итга қўшилсин!» деб буйруқ берар экан. Бу буйруққа кўра, катта қанорга қиз билан бирга энг ваҳший бир итни тикиб, минорадан ташлар эканлар. Баъзан қизни яланғочлаб, атрофига матодан парда ясар ва канизаклар (амирнинг онаси бошчилигида) қўлларидаги узун бигизни шу парда оша қизга тикиб, қонга бўялиб ҳалок бўлгунича уни қийнар эканлар. Бу, амир ўйлаб чиқарган жазо турларидан экан.

Бухоро амири шу тарзда фақат ўзининг маишатини ўйлаб, на ободончилик ҳақида бош қотирган, на халкнинг ғамини еган. Бечора халқ қурт қайнаб ётган ҳовузлардан сув ичган. Файзулла Хўжаев ва Фитрат сингари тараққийпарвар кишилар Бухорони ана шу ваҳший амирдан халос этмоқчи бўлганлар.

Афсуски, Ойбек ўзи ўйлаган бу асарини бошлашга ҳам улгурмади.

Биз Бухоро амирлиги тарихи билан танишишда давом этар эканмиз, орқамиздан Зулфияхон билан Гулранг етиб боришди. Қаршида эса бизларни Шарифа

билан унинг куёви Бекмурод (ўша пайтда Қарши канали қурилишининг бошлиғи) кутадиган эдилар.

Мен педагогика институтига бормасак, яхши бўлмас, деб ўйладим. Ойбекнинг ҳам талабалар билан учрашиш истаги йўқ эмас эди. Кекса кишилар билан учрашувларимиз битгач, бир окшом институтга борадиган бўлдик.

Бизларни муаллимлар, талабалар катта мамнуният ила қарши олдилар. Кимдир Ойбек ҳақида маъруза қилди; талабалардан бир нечаси Ойбек шеърларини ўқиди. Мен «Ғули ва Навоий»дан парчалар ўқиб бердим. Бу ҳали эълон қилинмаган, ҳеч ким эшитмаган янги асар бўлганиданми, ўтирганлар жуда кизикиб, мамнун ҳолда тингладилар.

Зулфияхон ҳам ўз шеърларини ўқиди. Яна кимдир минбарга чиққанида, тўсатдан чироқлар ўчиб қолди.

Не қилмоқ керак? Зал тўла одам, лекин ҳаммаёқ қоронғи!

Кимдир:

— Шариф бобога сўз! Нурхонга сўз! — деб қичқирди.

Кўпчилик бу таклифга қўшилди.

Минбарга Нурхон исмли кекса шоир чиқди. Қоронғида ёддан ўз шеърларини ўқий кетди:

*Дўстлар, қайсар амир қочди,
Тахти мармар амир қочди,
Сўзи заҳар амир қочди,
Думсиз аждар амир қочди,
Олим хатар амир қочди...*

Нурхон қоронғи залда ўз шеърларини шундай завқ билан ўқирдики, Ойбек ҳам, мен ҳам берилиб тингладик. Қаранг, халқ орасида қандай ижодкорлар, қандай шоирлар бор! У оловдай ёниб, қайнаб ўқиди шеърларини! Залдагилар ҳам ҳузур қилганларидан гур-гур қулдилар. Ойбек ҳиссиётини яширолмай, «Офарин, офарин!» дея хурсандлигини изҳор қилди. Зал эса «Тағин-тағин!» деб сўради шоирдан. У кетма-кет шеър ўқир экан, чироқлар ҳам чарақлаб ёниб кетди...

Эртасига биз Шариф Нурхонни меҳмонхонага чақирдик. У ўзининг болалигини, қишлоқ ҳаётини, тоғаси билан Бухорога келиб, арк олдидаги майдонда Айнийни таёк билан жазолаганларини ўз кўзи билан кўрганни,

шунда юраги эзилиб, товушсиз йиғлаганини сўзлаб берди.

У ханузга қадар Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси эмас экан. Биз Тошкентга қайтганимизда, Ойбек Яшин акага Нурхоннинг яхши халқ шоири эканлигини гапирди. Кейин эшитсам, у Ёзувчилар уюшмасига аъзо қилиб қабул этилибди, суюндим.

Бухородаги учрашувларимиз тугагач, дўстлар бизни Навоий шахрига олиб бордилар. Бу эртақлардагидай кўркам шаҳар бизда катта таассурот қолдирди.

Қаршида Шарифа билан Бекмурод бизни мамнуният ила қаршиладилар. Икки-уч кун меҳмон бўлиб, май байрами арафасида Тошкентга қайтдик.

Бу Ойбекнинг сўнгги сафари, ёр-дўстлари ва китобхонлари билан сўнгги учрашуви эди.

* * *

1968 йил 1 июлда Ойбек вафот этди. Мен ҳаётимнинг бирдан-бир маъноси бўлган улуғ инсондан жудо бўлдим. Болаларим бир умрга отасиз қолдилар.

Мен ҳозир Ойбекнинг ўлимолди кунларини ёзишга қанчалик шайланмай, қўлим қалтираб, нафасим тикилиб қолмокда. Қулоғимда ҳали ҳам: унинг «Ўляпман, Зарифа, мендан рози бўл!» деган сўзлари жаранглаб турибди... Балки Ойбекнинг сўнгги кунларини кейинроқ, мусибат алами бир оз хира тортгандан кейин ёзарман...

У кунларни эслаш ниҳоят оғир. Ёзсам-ёзмасам, барибир, Ойбекнинг сўнгги нафас олишлари ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқа кўз олдимдан ўтади. Мен ҳамиша болаларга: «Ойбекдек ажойиб отангиз бор... Демак, бизнинг заррадек ғамимиз йўқ. Биз бахтлимиз!» дер эдим. Мана энди кўнгилларимизга мангу қайғу чўкди...

Ойбек жуда келишган, кўркам, салобатли инсон эди. Юз ва кўзларининг ифодасидан руҳан бойлиги, ички дунёсининг кенглиги, ақл-зақовати, гўзаллиги ва софлиги кўриниб турарди. Буни рассомлар ҳам, ҳайкалтарошлар ҳам тўла ифода эта олмадилар. Бу мукамал чехра фақат менинг юрагимда қолган...

Ойбекнинг қошлари асло чимирилмас эди. Жаҳли чиққанини фақат унинг кўзларидан билардик. У ишлаб ўтирганда, пешонасида мияга қараб кетган тик бир томири ўқлоғидек қабариб турарди. Шу пайтда у атрофда рўй бераётган ҳамма нарсани тамом унутарди;



у фикрларини шундай теран ишлата биларди. Унинг ўзи ҳам ҳамиша: «Юрак қоним билан ёзаман»,— дерди.

Ҳақиқатан, унинг юрак қонлари фикрини суғорар эди. Унинг ижод жараёни шундай нашъали ва ўзига хос эди.

...Навоийнинг 550 йиллиги нишонланган кунларда Ойбек бир неча кун ва тунни бедор ўтказиб, юбилей

тадбирларининг тўла амалга ошиши учун сидкидилдан, чарчоқ нималигини билмай ишлаган. Юбилейга таклиф этилган меҳмонлар ўша пайтда Марказқўм меҳмонхонасида турганлар.

Бир куни Ойбек маскавлик ёзувчилар кийиниб олгунларига қадар меҳмонхонанинг шинамгина йўлагига икки-уч дақиқа кутиб қолибди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, улар ясаниб тушишса, Ойбек юмшоқ диванда ўтириб, пинакка кетган экан. Шунда меҳмонлар юбилей зиёфатига тезлик билан боришлари лозимлигига қарамай, Ойбекнинг уйғонишини кутибдилар, Константин Симонов:

— Тегманглар! Ойбек чарчаган. Бир зумгина дам олсин! — деган экан, шунда.

Назаримда, азиз бошига тушган минг хил азоблардан, тинимсиз ишдан ва ижоддан чарчаган Ойбек ҳозир ўлим тўшагида эмас, балки ўша юмшоқ диванда ҳордиқ олиб ётарди.

— Болаларим, тегманг адангизга! У ҳордиқ олиб ётибди! У ўлмаган ва асло ўлмайди!

КАЛЬДАН СЕВГИ ТОШДИ...

Зарифа опа менга ушбу хотиралар билан бирга яна бир папка хатлар ва шеърларни ҳам берган эди. У Ойбекнинг ўзига ва фарзандларига турли шаҳарлардан ёзган хатлари ва шеърларининг ҳам бир китобча шаклида нашр этилишини орзу қилган экан. Зарифа опа папкани менинг қўлимга тутқазар экан, «Бир кўриб чиқинг. Балки саралаш керакдир буларни. Улар менга ниҳоятда азиз. Ўйлайманки, Ойбек ижодининг мухлислари бу хатлар билан ҳам танишсалар, зарар қилмайди. Китобхон севимли ёзувчисининг қандай инсон бўлганлигини билса, бунинг нимаси ёмон!» деди.

Мен бу папкадаги хатлар ва шеърларни катта иштиёқ билан ўқиб, саралаб ҳам чиқдим. Лекин уларни, турли сабабларга кўра, ўша вақтда нашр этишнинг иложи бўлмади.

Сирасини айтганда, папкадаги жуда кўп хатлар ва шеърлар Зарифа опанинг ҳозиргина сиз ўқиб тугатганингиз китобида эълон қилинди. Шунинг учун ҳам ушбу хотиралар китобига кирмай қолган Ойбекнинг баъзи бир хатлари ва шеърларини шу китобга илова қилсам, деган фикрга келдим. Шояд улар сизнинг Ойбек ҳақидаги тасаввурингизга янги чизиқлар қўшса...

Наим КАРИМОВ

Туғруқхонага хатлар

Зарифа!

Қизимиз муборак!

Мен ўша ерда кутиб ўлтирган эдим. Хамида чиқиб, «Қиз туғилди!» дегач, шошиб қолдим. Ишонмадим. Қандай тез!.. Уйга югурдим. Уйда дадам ўтирган экан. У ҳам ҳайратда қолди. Жуда суюндик. Ош еб, кизга исм қидириб ўтирибмиз.

Аямга даданг хабар беражак.

*Қизимга соғлиқ, бахт ҳар чоқ ёр бўлсин,
Умри кўкламдай чечакзор бўлсин!*

ОЙБЕК.

16/II 1937.

* * *

Зарифа!

Кеча аянгни кутдим. Келмади. Билмадим, бугун келадими, йўқми?

Бекжондан ташвиш тортма. Жуда беозор ўйнаб юрибди. Баъзан «мама», «нинни» деб қўяди. Кечаси бир дафъа ҳам уйғонмади; то соат 8 гача ухлади.

Бугун хўрда қилиб келдим. Бемазарок бўлибди...

Хоҳлаган нарсангни хат ёзиб, билдир.

Равза келди: кеча даданг хабар берган экан.

Қиз қалай? Келишгангинами?..

ОЙБЕК.

17/II 1937.

* * *

Зарифа!

Бутун магазинларни айланиб келдим: Воскресенский, Ленин кўчаси, Пушкин кўчаси ва ҳоказо. Ҳеч ерда апелсин, лимон йўқ.

Даданг ҳам қидирмоқчи бўлди. Кеча Зулфия ҳам топа олмаган экан.

Бир озроқ торт олиб келдим. Бир чеккасидан Бекжонга кесиб бергандим, иштаҳа билан ошаб олди.

ОЙБЕК.

18/II 1937.

* * *

Зарифа!

Ўғилчанг билан табриклайман!

Ўзингни қандай сезасан?

Бугун эрталаб Зулфия она телефонда сўзлади.
Жуда кувондим.

Ха, эрталаб ойимга хабар бердим. «Тез етиб бора-
ман», деган эди,

Эрон нони келтирдим (оз-моз).

Хайр, соғ бўл!

ОЙБЕК.

3/IV 1939.

* * *

Зарифа!

Болалар жуда яхши. Аввалгидай ўйнаб юришибди.
Гулранг ҳам тинч. «Аянг қани?» десак, ойимни кўрса-
тади. «Зарифа нинни олиб келади», десак, қовоғини
солади.

Ўзинг қалайсан? Бугун Крушадан ёзган хатингда
ҳеч нима демабсан.

Ўғилча қандай? Бўлаликми, кичикми, чехраси кан-
дай?.. — эртага ёзиб чиқар.

Китоб сўраган экансан. Нима китоб юборишим-
ни билмадим. Эртага кутубхонадан олиб, ўзим элта-
ман.

Қандай емак истасанг, билдир.

Хайр.

ОЙБЕК.

5/IV 1939.

* * *

Зарифа!

Қачон чиқасан? Бола ва ўзинг қалайсан?.. — ёз.

Кеча Шафоат билан Зоҳида ойим келишган экан.
Келтирган нарсасини қабул қилмабди. Кейин уйга ке-
лишди.

Болаларнинг хаммаси бемалол ўйнаб юришибди.
Ҳеч қандай ташвиш тортмасанг ҳам бўлади.

Ха, бугун мени кеч соат 7 га мажлисга чақиришди.
Союзга олмоқчилар шекилли.

Анов романни унутиб қолдирма. Кутубхонаники,
Хайр.

ОЙБЕК.

IV. 1939.

Шеърлар

* * *

Ёр кўзларининг ишқини, хуморини ёд эт!
Кўк гулшани дурлар каби порлайди бу оқшом,
Ҳар тоғда-ю қирда ётади нозли хуш ором,
Дунёдаги кўзлар аро шахлосини ёд эт!

Кўксимни эзар ҳажрида қалбимдаги туйғу,
Тепамда қуяр куйини булбул яна шўх, шан;
Гуллар қадаҳин кечки шамол аста тўқаркан,
Ёдимга тушар сен каби дилбар, гўзал орзу.

Ёлғиз кезамен шарқираган сув яқосинда,
Ёдингни қучиб ўлтирамен тош каби сокин.
Олам қочади, сен кирасен қалбга шу чоғ тин,
Ширингина рўё каби оқшом қорасинда...

Ёр кўзларининг ишқини, хуморини ёд эт!
Овозини, шўх созини ҳам нозини ёд эт!

1936 йил, июль.

* * *

Ҳижронинг алами қалбимни ёқди,
Юрамен девона, юрамен ҳушсиз.
Ёшлигим мисоли юлдуздай оқди,
Гўзалим, бир лаҳза келгил. Иккимиз —

Кезайлик далада (хаёллар жўшқин),
Дарахтлар остида иккимиз ёлғиз.)
Ишқомлар ичида (кўнгилда тўлқин)
Юрак май, ишқдан маст иккимиз, эй қиз!

Севгилим, шийпонда иккимиз танҳо,
Қуёшда учади мезонлар майин.

Тоғларда булутлар хўмрайган гўё,
Иккимиз суҳбатда гоҳ шод, гоҳ ҳазин.

Гўзалим, оппоғим, жононим, бир кел,
Мен, фақир, кутамен, о, бир келиб кет.
Ўргилай, бир зумда келсанг мисли ел...
Кутамен йўлингда, мени хурсанд эт.

1960 йил, 12 март.

* * *

Қалбдан севги тошди, фироқ, ғам-алам...
Юрамен, дайдиймен... Парча чўғ қалбда.
Муҳаббат дардида Мажнун мендан кам,
Гўзалим келмади, ёнамен дардда.

Гўзалим бир келди, кетди нур каби,
Қўнғлим ва кўзларим қолди изида.
Қўлида «Фузулий» — севган китоби,
Оқ шойи кўйлақда, тўлқин кўксиди.

Кўзлари маънодор, ҳислари ёниқ,
Кулгиси самимий, ўйлари чуқур,
Сўзи, қилиқлари ёқимли, аниқ,
Ялиндим: ҳужрамда озгина ўтир.

«Ташаккур, мен кетдим...» Қолди табассум...
Ёримнинг кетидан шамолдай чопдим.
Қайгадир йўқ бўлди, йиғладим юм-юм...
Эй гўзал, йўлингда, ишқингда ёндим...

1960 йил.

* * *

Ёр келди — атрофга ёйилди ҳола...
О, нечук, донишманд, сўзга бой булбул,
Кўзлар — нур, қош — қалам, соч — бўйра, нақ тун?...
Кўнғиллар ёришиди. Шодлик — шалола!

«Кичкина ҳужрамга, — дедим, — марҳамат!»
Кулди: «Йўқ, ёз фасли супадир сўлим».

Таъзим ила қизга тутамеи оқ гул,
Гул сингари тоза унда табассум...

Севгилим сўзласа — фикрлар тошқин,
Мантиқда олмосдай услуби ўткир.
Дилрабо сўзлари, кўзлари қалбим —
Танбурин сеҳркор, жўшқин куйлатур...

«Бутун борлиғимни, бутун жаҳонни
Тўлатган баҳорнинг ўзисен», — дейман.
Ишқ девоналиги шундай бўлурми:
«Ундан ғўзалроқ ҳеч ким йўқдир», — дейман.

Жовондан суғурди Пушкин жилдини,
«Хайр», деди майин — йўқ бўлди зумда.
Ортидан югурдим... Еллар қучоғи —
Қаршилади ёлғиз. Топмадим бир из...

Жононим, ишқинг-ку — ўзингга аён —
Олов қуюнидай сийнамни ёқди.
Юрамен, телбамен, шафқатсиз ҳижрон,
Кўздан ёш излама — қалбимдан оқди.

Уфқларда ранг кўп, қонлар ундан кўп,
Бошимда булутлар карвони — жафо.
Юракни олароқ кетди, излаймен —
Ҳақиқат сингари эзгудир вафо.

Ой чиқар баркашдай, мен ишқдан телба,
Эшигимда кутар тонг ва бўш кулба.

1963 йил, 31 январь.

* * *

Йиғлаб ўтдим тагин эшигингдан, ёр,
Бир кўрмакка, рассом қиз, эдим интизор.

Ўтирибсенми танҳо, тутиб палитур,
Балки ниҳонли бармоқ сайратур танбур...

Маҳаллангда оёқлар тентираб қолди,
Қовжираб дилда ишқим армони қолди.

1961 йил, 11 март.

* * *

Ёримнинг қора кўз — офтоби бордир,
Ишқ дарди бошимга битган балодир.
Шоирлар: «Маҳбуб, май», деса, кулардим,
Меним ҳам дил энди банд, мубталодир.

1965 йил 24 сентябрь.

* * *

Ўтирур супада, қўлида китоб,
Хаёли кенг дарё, ёрим — офтоб...
— Оламнинг сири,— дер,— илм-маърифат...
— Танбур, май — коинот! — қилдим мен хитоб

1965 йил 24 сентябрь.

* * *

Кечқурун ёр келди. Боғ яшнаб гўзал,
Супада ёзди у латиф бир ғазал.
Мен дедим: «Шоира, тасвири — нақ май!...»
Бошланди улфатлик, қалқди ой-машъал!

1965 йил 24 сентябрь.

* * *

Ёрим кетди — менга эш ишқим фироқи қолди,
Ёнғинда буткул бағрим ўртанди, хоки қолди.
Ёрим келди — ғам кетди, ҳижрон ҳасрати кетди.
Чаманзор гулшанида гўзаллик боқий қолди.

1965 йил.

* * *

Маҳбубам қелди, қомати ниҳол.
Либоси мовий, гўёки зилол.
Узилмас бир он тотли хуш сўхбат,
Қамон куйлари... Тун, биз ва ҳилол.

Оппоқ тонг отди, ҳайҳот, бу умр —
Ўтди бир дарё ё бир тутам нур...

1967 йил 31 январь.

* * *

Оқшом қоронғиси — сирли манзара,
Биргамен ёр билан — осмон гўзал.
Юлдузларнинг нури — чексиз калава,
Чашмада олтиндан ҳалқалар — машғал!

Иккимиз шу ерда. Бу нечук роҳат!
Гулларниг хуш бўйин сипқирар қонлар.
Қўнғиллар биргадир, сирли сукунат,
Ўйларим мисли йўқ... Ширин шу онлар.

1968 йил 23 июнь.

МУНДАРИЖА

Н. Каримов. Севги ва вафо достони	3
Болалик хотиралари	6
Ойбек билан учрашув	39
Сингор исирга	49
Бир пиёла май	62
Кундаликдан саҳифалар	74
Севги можаролари	77
Ленинградлик талабанинг келиши	88
Ҳижрон ва висол	99
Ойбегим, Омонбегим	116
Сокин кунлар нафаси	144
Бойқуш келган йил	161
Бектемир изидан	170
Ижод дардида	177
Ойбекка қарши ҳужум	205
Хасталик йилларида	219
«Донолар ўтдилар...»	236
Ойбек. Қалбдан севги тошди	248

ЗАРИФА САИДНОСИРОВА

ОЙБЕГИМ МЕНИНГ

Хотиралар

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
концернининг Бош таҳририяти
Тошкент — 1994**

Мухаррир *Ш. Эргашева*

Безаклар *О. Восихоновники*

Бадний муҳаррир *М. Аъламов*

Техник муҳаррир *Л. Хиждова*

Мусахҳихлар *З. Солиҳова, К. Нуриддинова*

Теришга берилди 31.05.94 й. Босишга рухсат этилди 26.09.94 й.
Бичими 84×108¹/₃₂. Адабий гарнитураси. Офсет босма. Шартли бос-
ма табоғи 13,14. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,9. Адади 50000. Буюртма
№ 2867. Баҳоси шартнома асосида

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**